
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ

ШАХС ВА ЖАМИЯТ

*Ўқитувчилар учун
услубий қўлланма*

ТОШКЕНТ – 2006

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Илмий Кенгашининг 2005 йил 26-майдаги 11-сон қарори билан нашрга тавсия этилган

Ушбу қўлланма “Шахс ва жамият” фани ўқитувчилари учун услубий тавсиялар тўплами бўлиб, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига мўлжалланган шу номдаги ўқув қўлланмасига мос равишда тузилган. Унда ўқув-услубий материаллар ва маъруза дарсларини ўтишга оид педагогик мас-лаҳатлар баён қилинади, ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммолари бўйича амалий машғулотларни ўтказишда қўлланилиши мумкин бўлган педагогик технологияларнинг янги элементлари таклиф этилади. Қўлланма академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва ўрта умумтаълим мактабларининг ўқи-тувчилари, шунингдек, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги факультетлар-нинг талабалари учун мўлжалланган.

Муаллифлар:

Фузаилова Г.С., Ҳукумов А., Шорин С.С., Лафасов М.Ф., Овчаренко О.А., Саяпин С.В., Ҳайитов Ш.Э., Ҳайитова К.М., Раҳмонов Б.А., Сапарова Ф., Ғани-ева М., Ҳакимова Д.

Такризчилар:

- Тўхтаҳўжаева М.Х. – педагогика фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги ТДПУ Умумий педагогика кафедрасининг мудираси.
- Мўйдинова М.Т. – Тошкент шаҳар педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ижтимоий фанлар кафедрасининг мудираси.
- Дюкруз П.-Э. – ХҚХҚ делегати, ХҚХҚнинг Марказий Осиёдаги Минтакавий Ваколатхонаси таълим, юридик ва ахборот дастурлари бўлими раҳбари.

Ушбу қўлланма Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг молиявий қўмагида чоп этилди

© Низомий номидаги ТДПУ, 2006

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I ҚИСМ. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР	7
II ҚИСМ. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР	50
ИЛОВАЛАР:	
А – Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун “Шахс ва жамият” предметининг ўқув дастури.	99
Б – Умумтаълим мактабларининг XI синфлари учун “Шахс ва жамият” предметининг соатлари таксимооти.	124
В – Структуравий-мантикий схемалар.	125
Г – Билимни текшириш учун тест намуналари.	131
Д – Дарс ишланмаларига намуналар.	134
Е – Блок-модул концепцияси.	156

● *“Шах ва жамият” предметини ўқитишдаги баъзи муаммолар ҳақида*

Ҳозирги даврда “Шах ва жамият” предметини ўқитиш борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Улар ўрта махсус ва касб-хунар таълими бўйича Давлат таълим стандартлари талабларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши самарадорлигига ўз таъсирини ўтказди.

Биринчидан, мавжуд умумтаълим дастурларини тўлиқ ўзлаштиришга интиладиган ўқувчилар учун ўқув юктамаларининг ҳаддан ортиқлиги муаммоси мавжуд.

Иккинчидан, юқори синф ўқувчилари (академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари) оладиган билимлар баъзан ижтимоий ва зиятларга амалда кам мослаштирилган.

Учинчидан, битирувчиларда тавсия этилаётган билимларни сифатли ўзлаштириш даражаси унчалик юқори эмаслиги кузатилмоқда.

Тўртинчидан, ижтимоий-гуманитар фанлар учун ажратиладиган дарс соатлари миқдори деярли ўзгармаган ҳолда, ўқув режасини гуманитарлаштиришга интилишнинг кучайиши кузатилмоқда. Янгидан-янги “кичик фанча”лар юзага келиши билан бир вақтда ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганиш ҳажми тобора камайиб бормоқда. Буларнинг ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фан ўқитувчиларининг дарс соатлари ҳажмига, уларнинг тайёргарлик даражасига ва ўқувчиларнинг ушбу фанларни ўзлаштиришлари сифатига таъсир қилиши шубҳасиз албатта.

“Шах ва жамият” фанини ўқитиш жараёнига таъсир қилувчи бошқа муаммолар ҳам мавжуд, жумладан, ўрта умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар ўқув муассасаларида ушбу фанга мутахассислашган ўқитувчиларининг етишмаслиги, “жамиятшунослик ўқитувчиси” мутахассислиги бўйича талабалар тайёрлаш ҳажмининг қисқартирилгани, баъзи олий педагогик ўқув юртларида умуман тўхтатилгани, талабалар педагогик амалиётига ажратилаётган соатлар миқдорининг қисқариши. Шунинг учун кўпгина ўрта умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар муассасаларида ушбу фанни асосан тарихчилар ўқитмоқдалар. Лекин бундай ихтисосдаги ўқитувчиларнинг етишмаслиги сабабли дарс беришга кўп ҳолларда бошқа мутахассислик ўқитувчилари жалб қилинмоқда. Улар эса ўзлари истамаганликлари учун эмас, балки объектив равишда “Шах ва жамият” фанидан етарли даражада дарс ўта олмайдилар.

Ҳозирги вақтда кўрсатилган муаммоларни қисман ҳал этиш учун республикамиз олимлари ва педагоглари томонидан “Шах ва жамият” фани бўйича умумтаълим мактабларининг XI синф ўқувчилари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчи курс талабалари учун тамомилан янгича, амалиёт билан боғлиқ ҳолда дарс беришга ва билимларни ўзлаштиришга қаратилган ўқув адабиётларини яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бундай адабиётлар қаторида Н. Жўраев ва Ш. Азизовларнинг “Шах ва жамият” ўқув қўлланмасини ва бир гуруҳ муаллифлар (С. Ма-

машокиров, А. Хукумов, М. Лафасов, С. Шорин, И. Каримов, О. Овчаренко, С. Саяпин, К. Хайитова, А. Ҳасанов, Б. Раҳмонов) томонидан тайёрланган “Шахс ва жамият” ўқув қўлланмасини қайд этиб ўтиш мумкин.

● **Ўқув қўлланмаси мазмунига ва материалларни баён этишга оид концепция тўғрисида**

Ўқувчиларнинг ушбу фан бўйича дастурий талабларни ўзлаштиришларини яхшилаш мақсадида ўқув қўлланмасининг муаллифлари (С. Мамашокиров, А. Хукумов, М. Лафасов ва бошқалар) бутун материални иккита йирик бўлимга ва учинчи қўшимча – ахборот-маълумот бўлимига тақсимлаганлар. Биринчи бўлим ўқув қўлланмасида “НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР”, иккинчи бўлим “АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР” деб номланган. Матнларни хавола қилиш услублари ва материалларни баён қилиш хусусиятларига кўра, ушбу бўлимлар бири-биридан анча фарқ қилади. Уларни тушунтиришга тўхталиб ўтамиз.

Биринчи бўлим “Шахс ва жамият” фани бўйича бирламчи назарий ахборотларни етказувчи сифатида хизмат қилади. Бу ахборотларни ўқитувчининг маърузасидаги ва ўқувчиларнинг мустақил ўқув-изланиш фаолиятида олинadиган материаллар билан тўлдириш ва кенгайтириш зарур.

Иккинчи бўлим материаллари ўқувчиларга ўрганилаётган ҳозирги замон дунёси ва жамиятининг мураккаб тузилишини очиб беришга қаратилган муаммоларни таҳлил қилиш учун хизмат қилади. Бу кием назарий ва амалий материалларни муаммоли ҳолда баён этишни кўзда тутади. Шунингдек, унинг мазмуни нафақат ўқувчиларнинг ақлига, балки уларнинг хис-туйғуларига ҳам муурожаат қилиш имконини беради.

Иккинчи кием материалларини танлаш ва ёритилиш хусусиятлари қўшимча тушунтиришни талаб қилади. Бу қуйидагилардир:

- назарий қисмнинг асосий тушунча ва қоидалари бизни қуршаб турган дунё ҳодисалари таҳлилин кенгайтириш учун хизмат қилади;
- кўтарилаётган муаммоларни “ўтмиш - ҳозирги замон” кўринишида параллел таққослаб таҳлил қилиш усули уларнинг муҳим эканлигини равшанроқ тасаввур қилишга ёрдам беради;
- маҳаллий ва хорижий материаллар мавжудлиги миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳар бир шахснинг хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатишини очиб беришга имкон яратади;
- бадий адабиёт ва публицистик матнлардан парчалар жалб қилиниши материални тушунтиришнинг эмоционал-ҳуқуқий жиҳатини кучайтиради. Бу эса хулқ-атвор қоидаларини ўрганишда ва ҳамма томонидан қабул қилинган ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш зарурлигини тушунтиришда айниқса муҳимдир;
- миллий қонунчиликка оид ва турли халқаро ҳужжатлардан келтирилган парчалар амалий киемда кўтарилаётган масалаларнинг умумийлиги ва оламшумуллигини тушунишга кўмаклашади.

Иккала қисмни нима бирлаштиради? Қўлланманинг биринчи ва иккинчи қисмлари, энг аввало, умумий тушунча-атамали материалга эғалиги

ҳамда ўқитувчига мавзулар матнини ўзгартириш, материаллардан фойдаланишга ижодий ёндошиш имкониятини бериши билан бирлаштирилган.

Ўқув қўлланмасининг навбатдаги ва асосий жиҳати жамият ва давлат ҳаётининг тарихий ва ҳозирги муаммоларига оид ҳам миллий, ҳам ғарб мамлакатларига оид фактологик, адабий ва бошқа материалларнинг мутаносиб равишда мавжудлигидир.

Қўлланма материалларини танлаш ва баён қилиш концепциясини яратишда муаллифлар “Шаҳс ва жамият” фани бўйича дарсларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг учинчи курс ўқувчилари учун ўрта мактабнинг 11-синфидаги ўқишдан фарқли таълим муҳитини вужудга келтириш лозимлигидан келиб чиққанлар. Бу, бир томондан, ўқувчиларнинг ёшга оид хусусиятлари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, лицей ва коллежлардаги ўқув жараёнини ташкил этиш методикаси билан боғлиқдир. Маълумки, лицей ва коллежларда машғулотларнинг синф-дарс шакли эмас, балки маъруза-амалий ўқув фаолияти кўпроқ бўлиши назарда тутилади. Ўқишнинг маъруза-амалий тизими дарсни катта ҳажмдаги системалаштирилган маълумотларни ўқувчиларнинг мустақил ишига йўналиш берувчи асос сифатида узатиш шаклига айлантириш имконини беради. Биринчи қисм мавзулари ўқувчиларга жамиятшунослик муаммоларининг муайян қўламига киришда йўналиш кўрсатувчи конспект, илмий категорияларни ўрганишнинг бошланғич босқичи ҳамда ўқитувчи маърузаларининг асосий қоидаларини мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Материал тузилиш тартиби ўқитувчига ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинадиган материални ўз маърузаларида структуравий-мантикий схемалардан (“В” иловасини қаранг), фанлараро алоқалардан (масалан, “Маънавият асослари”, “Умумий биология” ва б.), ўзаро фаоллик (интерактивлик) усулидан (масалан, ўқувчилар ва педагогнинг шахсий ҳаёт тажрибаси) фойдаланган ҳолда бойитиш ва кенгайтириш имконини беради.

Қўлланмада қўшимча ахборот манбаларидан фойдаланиш бўйича муайян эслатмалар бор. Масалан, ўқитувчи тарихий манбалар, жамиятшунослар ва адабиётшуносларнинг асарлари ҳамда турли миллий қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатларни ўрганиш бўйича ишни ташкил қилиши лозим бўлади.

Ушбу ўқув қўлланмаси хошияларида эслаб қолиш учун саналар, парчалар, фикрлар келтирилган, матнга бой ҳамда ўқувчи ўрганиши талаб қилинадиган ахборотнинг умумий қўлами белгилаб берилган ва ягона ҳужжат ҳисобланмиш одатдаги мактаб дарслиги эмас. Шу билан бирга, ўқув қўлланмасининг тузилиши ва унда баён қилинган материаллар мазмуни “Шаҳс ва жамият” фанининг ўқув дастури ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартлари талабларига мос келади.



НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Ўқув қўлланмаси мавзуларига тавсиялар тузишда муаллифлар ушбу фан ўқитувчиларининг аксарияти фалсафа, социология ва ҳуқуқ каби фанлар эмас, балки тарих фани бўйича мутахассис эканликларини эътиборга олдилар. Шу сабабли куйида баён қилинадиган материалларнинг ҳажми турлича бўлиб, улар биринчи навбатда мавжуд мавзулар бўйича махсус касбий кўшимча билимлар зарурлигини назарда тутлади.

1-боб. УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКА

Келтирилган материаллар бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдирди. Уларда дунёни, шу жумладан инсон ва жамиятни илмий ўрганиш муаммолари тўғрисида, инсон вужудга келишининг табиий ва ижтимоий омиллари, жамият ривожланишининг қонуниятлари ва цивилизациявий тараққиёт босқичлари тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Уларни ўрганишга услубий ёндошувларга келсак, ўқувчилар “цивилизация”, “маданият”, “кадриятлар” каби тушунчаларни, умуман курсни бир бутун тизим сифатида ташкил этувчи асосий тушунчаларини англаб етишлари жуда муҳимдир. Бунда ушбу тушунчаларнинг кўп маъноли эканлигини ҳисобга олиш зарур. “Цивилизация” тушунчасига келадиган бўлсак, ўтмишдаги ва ҳозирги замон тадқиқотчиларининг унга берган таърифларини очиқ бериш керак. Марказий Осиё минтақасининг умумцивилизациявий жараёндаги ўрнига доир масалани муҳокама қилиш учун вақт ажратиш зарур. Бунда ўқитувчи мавжуд кўплаб адабиётлардан, жумладан, куйидагилардан фойдаланиши мумкин:

- Очерки по истории государственности Узбекистана. Т., Шарк, 2001.
- С. Норқўзиев. Инсон ва жамият. Наманган, НамДУ. 1997.

Ундан ташқари, ўқувчиларнинг “жамият”, “инсон” каби дунёқарашнинг асосий тушунчаларини идрок этишлари учун ҳамда жамиятнинг мураккаб тузилишга эга эканлигини, шижоат билан ўзгараётган воқеликни кўрсатиш учун маълумотлар берилган. Мавжуд материал ҳозирги замон жамиятининг тузилиши ва ривожланиш тамойиллари тўғрисидаги билимларни янада чуқурлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади, бу эса ўқувчиларнинг тўлақонли ижтимоийлашуви учун ҳаётий заруратдир.

Шунингдек, ўқувчиларнинг эътиборини ушбу фаннинг бошқа гуманитар фанлар (энг аввало ватан тарихи ва жаҳон тарихи) ва табиий фанлар

(масалан, биология, химия, астрономия ва бошқалар) билан фанлараро алоқаларига қаратиш лозим.

Кириш. «Шахс ва жамият» предметининг мазмуни ва вазифалари

Фанлар интеграцияси ва дифференциацияси муаммоларини ўрганишда ўқитувчи ўз илмий қизиқишлари ва ўқув-услубий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу саволларни биология, химия, социология, психология ва бошқа фанлар мисолида ёритиши мумкин. Бунда энг асосийси ўқувчиларда фанлар таракқиётининг ушбу йўналишлари тўғрисида илмий тасаввур шакллантиришга ёрдам беришдир. Фанлар дифференциацияси масаласини физика фани мисолида қуйидагича намоиш қилиш мумкин:

ФИЗИКА

НАЗАРИЙ ФИЗИКА

Классик механика – ёруғлик тезлигидан кичик тезликларда ҳаракатланувчи макроскопик жисмларнинг ҳаракат қонунларини ўрганади

Электродинамика – электромагнит жараёнларининг турли муҳитлардаги ва вакуумдаги қонуниятларини ўрганади

Термодинамика – термодинамик мувозанатда турган макроскопик системаларнинг энг умумий хусусиятларини ва ушбу ҳолатларнинг бир-бирига ўтиш жараёнларини ўрганади

Статистик физика – жуда катта миқдордаги зарралар системасидан (молекула, атом, электронлардан) ташкил топган макроскопик жисмлар хусусиятларини ўрганади

Нисбийлик назарияси – ҳар қандай физик жараёнларнинг фазовий ва вақтга оид хусусиятларини ўрганади

Акустика – энг паст частотадан энг юкори частотагача бўлган эгилувчан тўлқинларнинг турли муҳитларда тарқалиш қонуниятларини, шунингдек уларнинг муҳит билан ўзаро таъсирини ўрганади

АМАЛИЙ ФИЗИКА

Машина ва механизмлар назарияси, ички ёниш двигателлари, қурилиш, архитектура ва шу каби механикага асосланувчи соҳа фанлари

Электр кучи қўлланилувчи барча соҳалар, энергетика тармоқларига оид фанлар

Иссиқлик энергияси қўлланилувчи соҳалар, турли ички ёниш двигателларининг ишлаш принципларини амалга жорий этиш йўналишлари

Акустика ўз навбатида электроакустика, архитектура акустикаси, қурилиш акустикаси, ультратовуш физикаси ва техникаси, психологик ва физиологик акустика, музыка акустикаси ва бошқаларга ажратилади

Оптика – ёруғликнинг вужудга келиш жараёнларини, унинг турли муҳитларда тарқалиши ва ёруғликнинг модда билан ўзаро таъсирини ўрганади

Квант механикаси – (тўлқин механикаси) микроразрачаларнинг ҳаракатла-ниш қонунларини ўрганади

Назарий ва амалий физиканинг барча кўрсатилган йўналишлари, ўз навбатида, янада “торроқ”, “чуқурроқ” илм тармоқларига ажралиб кетувчи бир неча фанлардан таркиб топади. Ўқитувчи фан дифференциацияси масаласини ижтимоий-гуманитар соҳа фанларидан бири мисолида ҳам шу тарзда ёритиши мумкин.

Ушбу мавзуда навбатдаги муҳим масала инсон ва жамият тўғрисидаги фанларнинг ўзаро алоқаси муаммосидир. Уларнинг ҳаммаси билимлар интеграциясида ўз вазифасини ўташи, кишиларга аввало жамиятда ва ўзларида юз бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини англаб олишга, сўнгра эса жамиятни қайта қуриш учун, мавжуд турли ижтимоий муносабатларни уйғунлаштириш учун, ўз-ўзларини ўзгартириш учун ҳаракат қилишга ёрдам бериши лозим. Буларнинг ҳаммаси дунё ҳақидаги турли-туман тасаввурларни тартибга солишга, уларни илмий нуқтаи назардан англаб олишга имкон берадиган йўналиш кўрсатувчи асосни яратишга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. Бундай асос энг аввало социологик билимлардир. Социология – бу жамиятни бир бутун ҳодиса сифатида, тўлалигича ўрганадиган ягона фандир (жамиятнинг ўтмишини ўрганувчи тарихдан ташқари). У ижтимоий жараёнлар кечишининг қонуниятлари ва тенденцияларини ишлаб чиқиш, бўлажак воқеаларни олдиндан билишга имкон беради.

Социологик билимлар ижтимоий ўзгаришларнинг объектив ва субъектив томонларини системали тушуниш ҳисобланувчи ижтимоий тафаккурнинг ўзаги бўлиб, ижтимоий жараёнларга ҳар томонлама ёндашишни шакллантиришга ёрдам беради. Ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини тушуниб олишга ижтимоий фалсафа ҳам кўмаклашади. Инсонни ўрганишда фалсафий антропология, психология, шахс психологияси ва шу каби фанлар катта ўрин тутади.

Ижтимоий антропология эркинлик, танлаш, ижод, масъулият, виждон, ҳаёт мазмуни каби асосий тушунчаларнинг моҳиятини очиб беради. Шахс психологияси шахс ва фаолиятнинг ўзаро таъсирига асосланиб, унинг ҳаракатчан функционал структурасини очиб беради. Бизнинг давримизда шахслараро муносабатларнинг мураккаблашуви билан, катта ва кичик гуруҳларда кишиларнинг ҳамкорлигини ташкил қилиш муҳимлашиб бориши билан бу фаннинг аҳамияти ошмоқда.

Ҳозирги даврда сиёсат соҳасидаги билимларнинг аҳамияти бундан кам эмас. Ўн беш - йигирма йиллар аввал мавжуд бўлган шароитдан фарқли ўларок, ҳар бир фуқаро янги ҳодиса бўлган сиёсий плюрализм, партиялар ва улар ғояларининг кўплиги билан дуч келмоқда. Энди у муқобил сайловларда қатнашиб, рўйхатдаги номзодлардан бирига, сиёсий бирлашмалардан

бирига овоз бермоқда. У хилма-хил, ўзгарувчан, баъзан эса аниқ мақсадга қаратилган нотўғри сиёсий ахборотлар оқими остида қолмоқда. Сиёсат, ҳокимиятнинг тузилиши, тақсимланиши ва амалга оширилиши тўғрисидаги сиёсатшунослик фани аҳамиятининг ошиб бориши шахсий сиёсий фикрларга, фуқароларнинг онгли сиёсий танловига боғлиқ бўлиб, улар нафақат Ватанимизнинг тақдирини, демакки, бизнинг тақдиримизни ҳам белгилаб беради. Сиёсатшунослик фани очиб берадиган демократик кадриятлар аксарият аҳоли онгидан жой олмаса Ўзбекистонда демократиянинг мустақамланиши мумкин эмас.

Бир томондан, мамлакат ҳуқуқий тизимининг ривожланиши, Асосий Қонунимизда кенг қўламда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мажмуининг мустақамланиши билан, иккинчи томондан, ижтимоий нобарқарорлик шароитида ҳуқуқ-тартиботни сақлаб туришнинг муҳим эканлигидан ҳуқуқий билимларнинг аҳамияти, ҳар бир ёшни ҳуқуқий кадриятларга ва ҳуқуқий соҳада ижобий, жамиятга фойдали фаолият юритишга жалб этишнинг аҳамияти ошиб боради. Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлатга айланиши фуқаролардаги ҳуқуқий нигилизмни енгиб ўтмасдан, улар кўпчилигининг ҳуқуқий онгини юқори даражага кўтармасдан амалга ошиши мумкин эмас. Ҳуқуқий билимларни эгаллаш ёшларга ижтимоий муносабатларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради, чунки ҳуқуқ мезёрлари бу муносабатларнинг қатта қисмини тартибга солиб туради, ижтимоий ҳаётда юз бераётган ҳодисалар пайтида тўғри ҳаракат қилиш учун шароит яратади.

Шундай қилиб, ҳозирги замон жамиятшунослик фани бўлмиш “Шахс ва жамият” да инсон ва жамият ҳақидаги билимлар ўқувчилар кўз ўнгида бир ёқлама, фақатгина баъзи бир фан соҳасидан эмас, балки комплекс тарзда гавдаланиши керак.

Кўриниб турибдики, жамият объект сифатида бир қанча ижтимоий фанлар мажмуи томонидан ўрганилади. Лекин уларнинг ўрганиш мавзуи турлича. Тарих фанининг предмети ўтмишнинг аниқ ва такрорланмас воқеа ва ҳодисаларидир. Бу фанлар инсоният ўтмишидаги воқеаларни ҳар бирининг индивидуаллигида ва кўпқирралилигида ўрганади. Бошқа ижтимоий фанлар мавжуд воқеликни асосан умумлаштирилган ҳолда ўрганади. Социологиянинг предмети умуман ижтимоий ривожланишнинг умумий қонуниятлари бўлса, политология жамият ҳаёти сиёсий соҳасининг ривожланиш қонуниятлари ва замонавий тенденцияларини ўрганади. Тарих фанлари, одатда, жамият ривожланишининг вертикал кесимини кўрсатса, бошқа ижтимоий фанлар, асосан, горизонтал кесимини кўрсатади. Тарих фани учун бош масала жамиятни ўрганишга нисбатан тарихий ёндашув, бошқа ижтимоий фанлар учун мантикий ёки структуравий ёндашув бўлади.

Тарих таълими жамиятшунослик таълимининг, жамиятшунослик таълими эса тарих таълимининг ўрнини боса олмаслигини таъкидлаш лозим. Улардан ҳар бири ўз қимматига эга. Улар ўртасида яқин алоқа мавжуд. Ўтмишнинг талқин қилишда кўплаб жамиятшунослик фанларининг тушунча ва категориялари кенг қўлланилади. Ва аксинча, ижтимоий фанлар тушунчалари ва умумлашган ҳулосаларининг шаклланиши тарихий тажрибага асосланган ҳолда амалга оширилади.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида илгари “Жамиятшунослик” деб аталган ва умумий ўрта, ўрта махсус таълим соҳасида собиқ СССР давлатлари ҳудудида ўқитилган синтетик жамиятшунослик фани жамиятнинг қайта қурилиши билан бир вақтда, ижтимоий фанлар ривожига чуқур ўзгаришлар кечган ҳолда янгилана борди. Россия Федерацияси, Қирғизистон ва бошқа баъзи мамлакатларда у энди “Инсон ва жамият”, Ўзбекистонда “Шахс ва жамият”, Беларуссияда “Инсон. Жамият. Давлат” деб аталади. Номдаги ўзгаришларга қарамасдан, улар мазмунан барибир жамиятшунослик, яъни социология, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, ижтимоий руҳшунослик ва шахс руҳшунослиги, антропология ва этика (баъзи мамлакатларда эса иктисодий назария, маданиятшунослик ва диншунослик) негизида шаклланувчи, инсон ва жамият ҳақидаги билимлар мажмуи бўлиб қолаверади.

Шундай қилиб, мавжуд илмий фанларнинг аксарияти инсон ва жамиятни ўрганишга қаратилган. Умуман олганда, бу таъкид табиий фанларга нисбатан ҳам адолатлидир. Масалан, биология йўналишидаги кўпчилик фанларда инсон тадқиқот объекти бўлади. “Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси” фанида инсон биологик организм сифатида ўрганилади. У инсон маънавиятининг ўзига хослигини, бошқа ижтимоий хислат ва сифатларини ўрганмайди. Инсоннинг кўрсатилган жиҳатлари ижтимоий-гуманитар характердаги фанлар томонидан ўрганилади. Бу фикрларни биз фақат битта фан доирасида инсонга хос ранг-барангликнинг, хислат ва жиҳатларнинг бутун кўламини очиб бериш мумкин эмаслигини кўрсатиш учун келтирдик. Ўқитувчи бу жиҳатларни ўқувчиларга ушбу масалани кўриб чиқишда тушунтириб бериши керак.

Жамият ва инсон тўғрисида иложи борица кўпроқ маълумотни умумлаштириб бериш асосий вазифаси бўлган “Шахс ва жамият” фанининг мазмунидан фарқли равишда, бошқа фанлар инсон ва жамиятни ўзларининг тор илмий нуктаи назарларидан ёритадилар. “Шахс ва жамият” фани қамраб олган билимлар имкони борица инсон ва жамият ҳақида бошқа турли фанлардан олинган билимларга асосланиши керак, яъни бу ерда улар мувофиқлик тамойилига асосланиши зарур.

Юқорида кўрсатилган ижтимоий-гуманитар фанлардан ҳар бирини алоҳида ўрганиш — олий мактабнинг вазифаси. Ўрта умумтаълим мактабларига, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларига келсак, уларнинг ўқув дастурлари ўз негизида ҳозирги кунда ҳам, яқин келажакда ҳам илмий билимларнинг айтиб ўтилган барча соҳаларига мос келувчи ўқув фанларини сиғдира олмайди. Бирок бу билимлар ҳаётга кадам қўяётган ҳар бир киши учун кераклидир. Оқилона ечим ўқувчига, олий ўқув юртидаги каби, мустақил фанларни эмас, балки педагогика нуктаи назаридан танлаб олинган, “Шахс ва жамият” деб номланувчи ягона жамиятшунослик фанига жамланган билимларни тақдим қилишдан иборат. Бу ҳолат гуманитар билимларнинг уйғунлашуви тўғрисидаги замонавий ҳулосаларга мос келади.

Очиб берилиши зарур бўлган навбатдаги муаммо жамият тараққиётини ўрганишга формациявий ва цивилизациявий ёндошув ҳақидаги масаладир.

Марксизмда тарихий жараённинг даврларга бўлиниши жамият тараққиётига формациявий нуктаи назардан асослаб берилган эди. Шунга муво-

фик жамият таракқиётида *бешта асосий ижтимоий-иктисодий формация: ибтидоий, қулдорлик, феодал, капиталистик, коммунистик* формациялар ажратилган.

Жаҳон тарихи уларнинг тасаввурида асрлардан асрлар оша мавжуд бўлган кўп ижтимоий-тарихий организмлар тарихининг мажмуидан иборат бўлган. Бу организмларнинг ҳар бири барча ёки дерли барча ижтимоий-иктисодий формацияларни “бошдан кечириши” лозим бўлган.

Тарихга формациявий ёндашиш жамиятшуносликда узок вақт давомида ҳукмрон бўлиб келди. Унинг асосий камчилиги шунда эдики, бутун эътибор фақат вақт бўйича “вертикал” (битта ижтимоий-тарихий организмнинг ичидаги турли босқичлар ўртасидаги) алоқаларга қаратилган, “горизонтал” (бир ҳудудда бирликда ҳаёт кечираётган ижтимоий-тарихий организмлар ўртасидаги) алоқаларга эса аҳамият берилмаган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон тарихини янги талқин қилишни излаш сари бурилиш юз берди. Бу бурилиш буюк цивилизациялар тарихига илмий кизиқишнинг кескин ошиши асосида бошланиб, тарихий жараёни янги ташуниш зарурати етилганидан далолат берди. Шу туфайли *тарихий жараёнинг цивилизациявий концепцияси* шакллана бошлади. Унинг асосий вазифаси тарихий ривожланишнинг турли-туманлик хусусиятини, инсоният тарихининг кўп хиллиги ва қайтарилмаслигини тушунтириб беришдан, Европани марказ деб билувчи андазалар ва ёндошувларга путур етказишдан, дунёнинг бошқача тарзда тузилиши эҳтимоли принципиал жиҳатдан мумкин эканлигини асослашдан иборат эди.

Цивилизациявий таракқиёт ҳақидаги кенг қўламли назариялар Н.Я. Данилевский, О. Шпенглер, А. Тойнби, П.А. Сорокинлар томонидан яратилди.

Масалан, Н.Я. Данилевский *маданиятлар (цивилизациялар)нинг умумий типологияси назариясини* асослаб берди. Унга кўра, бир бутун жаҳон тарихи мавжуд эмас, балки ўз индивидуал хусусиятларига эга бўлган цивилизациялар тарихи бор, холос. Данилевский жаҳон тарихида ўнта цивилизацияни алоҳида ажратади ҳамда цивилизацияларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва йўқолиб кетишининг асосий қонуниятларини кўрсатиб беради.

О. Шпенглер ягона умумжаҳон тарихи концепциясини танқид қилиб, *сақкизта маданият типини* ажратади: мисрликлар маданияти, хинд маданияти, бобилликлар маданияти, хитойлар маданияти, араб-византияликлар маданияти, юнон-рим маданияти, ғарбий Европа маданияти ва майялар маданияти. Унинг фикрича, ҳар бир маданият “организм” унга олдиндан белгилаб қўйилган муддат давомида яшайди. Ўлаётиб, маданият цивилизацияга айланади, цивилизация эса маданиятни қатъий инкор этувчи, унинг “парчаланishi”, яқунловчи босқичи сифатида намоён бўлади. Шпенглернинг фикрига кўра, цивилизациянинг асосий белгилари қуйидагилар: саноат ва техниканинг ривожланиши, санъат ва адабиётнинг инқирозга юз тутиши, катта шаҳарларда одамлар жуда хам кўп тўпланиши, халқларнинг мужмал, ўз қиёфасига эга бўлмаган массага айланиши.

Данилевский ва Шпенглер концепциялари мисолида шу нарса яққол кўринадикки, *тарихий жараёнга цивилизациявий ёндашув* учун цивилизацияларнинг доиравий, цикли ривожланиши, бир ўлчамлиликдан воз кечиш,

тасодифий омиллар таъсири остида янги цивилизациялар вужудга келиши эҳтимолини тан олиш ва бошқалар хосдир.

“Цивилизация” ибораси латин тилидаги *civilis* – давлатга, фуқаровийликка хослик, фуқарога монандликни билдиради ва бир неча маъноларда қўлланилади:

- инсоният таракқиёти тарихининг ёввойиликдан сўнг келадиган босқичи сифатида (Л.Морган, Ф.Энгельс, А.Тофлер);
- маданиятнинг синоними сифатида;
- у ёки бу минтақанинг ривожланиш даражаси (босқичи) сифатида (антик цивилизация, Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Хитой ва ҳоказо);
- муайян ҳудуддаги маданиятлар ривожланишининг муайян босқичлари, уларнинг деградация ва инкирозга юз тутиш босқичлари сифатида (Рим маданияти, Ассирия маданияти ва ҳоказо).

Цивилизацияга таъриф беришга турлича ёндашишлар мавжуд бўлсада, ёввойиликдан фарқланувчи барча белгиларига эга социум шаклланган пайтдаги жамиятнинг айнан ижтимоий жиҳатдан уюшишга ўтганини билдириши ҳамма томонидан тан олинади. Цивилизация жамият таракқиётининг фақат иқтисодий кўрсаткичларидан иборат эмас. У маданий, географик, маънавий жиҳатларни ўз ичига олиб, ҳар бир цивилизациянинг ягона ва қайтарилмас бўлишини белгилаб беради.

Цивилизация – бу одамларнинг барқарор маданий-тарихий ҳамжамияти бўлиб, уларнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари ва маданий анъаналарининг бирлиги, моддий-ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг ўхшашлиги, турмуш тарзи ва шахс типининг ўзига хос хусусиятлари, умумий этник белгилар ва географик чегаралар умумийлиги билан фарқланади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасининг техник қуролланганлиги, шахснинг ижтимоий ва маънавий соҳалардаги эркинлиги даражаси ҳамда маданият типига кўра сифат жиҳатидан ҳар хил *цивилизация типлари* ажратилади. Инсоният ўз таракқиёти давомида уларнинг ҳар бирини босиб ўтган. Баъзи тадқиқотчилар бу типларни шартли равишда қуйидагича номлайдилар:

- *космоген* (Қадимги жамият ва Ўрта асрларни камраб олади);
- *техноген* ёки *индуриал* (капиталистик ва социалистик ижтимоий-иқтисодий формацияларга мос келади);
- *антропоген* (ҳозирги даврнинг ахборотлашган жамияти).

Космоген цивилизация тарихий жиҳатдан биринчи тип сифатида содда техник воситалар ва қўл технологиясига асосланган бўлиб, жамиятнинг табиат қонунарига боғлиқ бўлганлиги ҳамда шунга мос равишда жамият тузилишида муайян катъий шакллар мавжудлиги билан характерланади.

*Техноген ёки индустриал цивилизация*нинг объекти машиналашган техника, фаннинг кенг ривожланиши ва унинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши, ёлланма меҳнат, бозор муносабатлари ҳамда юқори савиядаги касб маданияти бўлган. Бироқ XX аср 70-йилларининг охиридан бошлаб цивилизациянинг бу тури глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши, кўплаб ки-

шиларнинг ўз маънавий идеалларини йўқотиши, одамларнинг утилитар яшаш тарзига ўтаётгани ва бошқа шу каби сабаблар туфайли инкироз холатини бошидан кечирмоқда.

Антропоген цивилизация инсониятнинг моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий негизини тубдан ўзгартириши, ахборот технологияларидан фаол фойдаланиши, ишчи кучларининг анчагина қисмини *янги ўрта синфга* айлантириб, ижтимоий тузилишда кескин ўзгаришларга олиб келиши, шахс ва жамият маънавий маданиятини доимий равишда оширишни талаб қилиши билан фаркланади.

Формациявий ва цивилизациявий ёндашувларни ва уларнинг тарихий жараёнда тутган ролини қиёсий таҳлил қилиш бу ёндашувлар бир-бирини *инкор этмаслиги, балки бир-бирини тўлдириб туриши* тўғрисида хулоса чиқаришга олиб келади.

Бизнинг фикримизча, ҳозир инсоният тарихи ривожини изчил, босқич-ма-босқич прогрессив хусусиятли эканини, унинг замондаги ривожини, кўп ўлчамлилигини, мураккаблигини, алоҳида маданиятлар ва цивилизациялар ягона ва қайтарилмаслигини, кишилиқ жамиятининг макондаги тараққиётини ҳисобга оладиган *интеграциявий ёндашув* зарур. Фақат мана шундай ёндашув доирасида тарихий жараён ўз хусусиятларининг бутун ранг-баранглигида, тарихий ривожланишнинг турли-туман эканлигида, маданиятларнинг плюралистик диалоги ва цивилизациявий ривожланишнинг келажаги асосланганлигида ўрганилиши мумкин.

Шундай қилиб, “Шахс ва жамият” жамиятшунослик таълимининг бир қисми сифатида, синтетик фан бўлгани ҳолда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида алоҳида ўрин тутати ва бошқа бирор-бир фан бажара олмайдиган вазифаларни ўз воситалари ёрдамида амалга оширади.

1-мавзу *Инсон биоижтимоий мавжудот*

“Инсон – табиатнинг ўз-ўзини англаб етишга томон беихтиёр, гўзал ва азобли уринишидир”

В.М.Шукшин, рус ёзувчиси, кинорежиссёр ва актёр

Инсон, унинг моҳияти, пайдо бўлиши, мақсади, дунёдаги ўрни тўғрисидаги масала – ушбу фаннинг асосий муаммоларидан биридир. Турли мутафаккирлар инсондек ажойиб ва ғаройиб ходиса ғоят кўп қирралиги боис унинг ҳар хил, бир-бирига ўхшамайдиган таърифиларни баён қилганлар.

Демокрит наздида инсон – коинотнинг, ягона табиатнинг бир бўлаги, у микрокосмос, Борлиқнинг акси ва рамзидир. Аристотель ва Ал-Форобий инсонга руҳга, тафаккурга ва ижтимоий ҳаёт кечириш қобилиятига эга бўлган тирик мавжудот сифатида таъриф берганлар. Декарт инсоннинг ўзига хос хусусиятини унинг тафаккурида кўради: “фикрляпманми, демак, мавжудман”. Б.Франклин инсонга қурол яратувчи ҳайвон сифатида қарайди. И.Кант инсонни икки хил оламга – табиий зарурият ва маънавий эркинлик оламига мансуб мавжудот сифатида кўради.

Инсоннинг анчагина образли таърифлари ҳам мавжуд. Масалан, Ф. Рабле инсонни куладиган хайвон, деб атаган. А. Шопенгауэрнинг фикрича, инсон — бу ишончли ва беҳато хатти-ҳаракатлар учун етарли бўлмаган аклий билиш ва инстинкт қобилятига эга фожиавий хайвон. Ф. Ницше инсонда муҳими онг ва ақл эмас, балки ҳаётий кучлар ва кизикишлар ўйини, деган. Шундай қилиб, ҳар бир давр инсон тушунчасига ва таърифига янги элементларни қўшганлиги кўриниб турибди.

Инсоннинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёни — антропогенез — узоқ давом этувчи эволюцион характерга эга бўлиб, у жамиятнинг таркиб топиши — социогенез — билан чамбарчас боғлиқ холда кечган. Ҳозирги даврдаги инсон типи — *homo sapiens* — онгли инсон — тахминан 50-40 минг йил илгари пайдо бўлган.

Инсон ўз моҳиятига кўра *биоиҷтимоий* мавжудотдир. У ҳамиша табиатнинг бир бўлаги бўлган ва айни пайтда жамият билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Инсон биологик мавжудот сифатида юқори сут эмизувчиларга мансуб бўлиб, *homo sapiens* деб номланувчи алоҳида турни ташкил этади. Инсоннинг биологик табиати унинг анатомияси ва физиологиясида намоён бўлади.

Бошқа томондан, инсон *ижтимоий* мавжудотдир. У маълум бир миллат, давлат, синф, табақа вакили; у — оила, муайян ҳамжамоа ва коллективнинг аъзоси. Одам иҷтимоий муносабатларга, бошқа кишилар билан мулоқотга киришибгина ва амалий фаолият билан шуғулланибгина инсонга айланади. Айнан ана шундай фаолият давомида инсон иҷтимоий мавжудот сифатида шаклланади. Муайян сабабларга кўра туғилган пайтидан жамиятдан ажратилган индивид жониворлигича қолади.

Энди инсонни хайвондан ажратиб турувчи асосий фарқларни кўриб чикамиз:

1. Инсон юқори даражада таркиб топган мияга, тафаккурга ва бурро-бурро гапириш қобилятига эга.
2. Инсон меҳнат қуролини ясашга ва ундан моддий бойликлар яратиш воситаси сифатида фойдаланишга қодир.
3. У онгли равишда аниқ мақсадга йўналтирилган ижодий фаолият билан шуғуллана олади. Ҳайвон ўз хатти-ҳаракатларида инстинктга бўйсунди, унинг ҳаракатлари ирсий жиҳатдан белгиланган (программалаштирилган). Инсон фаолияти аниқ мақсадга қаратилган бўлиб онг ва ирода кучи билан амалга оширилади.
4. Инсон ўз фаолияти давомида атрофдаги борликни ўзгартиради, ўзига зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни яратади. Инсон амалий-яратувчилик фаолиятини амалга ошириб “иккиламчи табиатни” — яъни маданиятни яратади.
5. Инсон ўз-ўзини англашга қодир, бунда унинг шахсий онги, ички дунёси билиш объектига айланади.

Ҳамма одамлар дунёга индивид ва индивидуаллик сифатида келади (ҳар бир болада биокимёвий реакцияларнинг, физиологик жараёнларнинг кечиши, асаб системаси ва бошқалар билан боғлиқ туғма хусусиятларнинг так-

роланмас мажмуи мавжуд бўлади), шахс сифатида эса аста-секинлик билан шаклланади, бунда у бир неча – жисмоний, ижтимоий ва маънавий босқичларни бошдан кечиради.

Шахснинг шаклланиши жараёнидаги *биринчи босқич* рухшуносликда *уч ёшлилик инкирози (инқилоби)* деб аталади ва бу даврда бола ўзини атрофдаги оламдан жисмоний маънода фарқ қилиши юз беради, бунинг кўрсаткичи эса уч ёшли боланинг “Мен” оломишни айтишидир.

Иккинчи босқич ижтимоий босқич бўлиб, бу босқич чегарасида инсонда ўзига ва оламга нисбатан онгли муносабат элементлари шаклланади (тахминан етти яшарлик пайтида), бу элементлар унга (оилада, хунар эгаллашда, дўстликда, муҳаббатда ва х.к.) турли хил ижтимоий вазифаларни бажаришга, уларнинг фикрига кулок тутишга, атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабатларга киришишга имкон беради.

Учинчи босқич – шахснинг *маънавий мавжудот сифатида шаклланиш* босқичи бўлиб, у шахс бўлиб етилиш жараёнининг энг юкори нуқтасидир. Бу нуқтага эришиш (ижтимоийдан фарқли ўларок) ҳамма одамга ҳам насиб қилавермайди. Маънавий потенциалнинг мавжудлиги бизни ўз хатти-харакатларимизни энди ўзимиз аъзо бўлган ижтимоий гуруҳда қабул қилинган меъёрлар билан эмас, балки умуминсоний ўлчамларда баҳолашга мажбур қилади, бу ўлчамлар эса кўпинча бизнинг одатий манфаатларимиз чегарасидан ташқарида бўлади.

Инсон шахс сифатида шаклланишнинг қандай босқичида турган бўлмасин (бу босқичларга бўлиш шартлидир), унинг (ижтимоий мавжудот сифатида) шахсга мансуб эканлигининг кўрсаткичи *атрофдаги оламга ва ўз-ўзига нисбатан, уларни фаол ўзгартириш ва мукаммаллаштириш мақсадида, онгли муносабатда бўлишидир.*

Шахсга берилган кўплаб таърифлар мавжуд. Уларни “шахс” тушунчасида, энг аввало, инсоннинг ижтимоий-маданий муносабатлар ва ҳаракатлар субъекти сифатидаги ижтимоий ва рухий хислатлари ҳамда унинг муайян даражадаги мустақиллиги ва эркинлиги мужассам эканлиги бирлаштириб туради. *Шахс – бу жамиятда яшовчи ва ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли белгилар, хислатлар ва сифатлар тизимига эга бўлган инсондир.* Шахс – бу инсоннинг жамият ҳаётидаги иштироки, мазкур ҳаётда эгаллаган ўрни ва бажарадиган вазифаси нуқтаи назаридан тавсифидир.

Шахс инсон ривожланишининг анча кейинги босқичларида вужудга келади ва қуйидаги белгилари билан фарқланади:

- *қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошира олиш қобилияти;*
- *ҳаётий позицияга айланадиган ўз-ўзини англашнинг мавжудлиги;*
- *муайян вазиятда ўзини жамиятга қарши қўйишга қодирлик.*

Бу ҳаётий позицияни амалга ошириш учун ирода зарур бўлади. Шунинг учун иродани тарбиялаш шахс шаклланишининг муҳим шартидир. Шахсга айланиш оилада, мактабда, олий ўқув юртида, ишда, бутун умр давомида *ижтимоийлашув* жараёнида юз беради. *Ижтимоийлашув* – бу жамият ва унинг тузилмаларининг индивидга таъсир кўрсатиш жараёни бўлиб, бу таъсир натижасида у ижтимоий тажрибани ўзлаштиради, ўз мавқеи ва вазифаларига эга бўлади ва шу тарзда шахсга айланади.

Шахснинг вужудга келиш жараёни кўп жиҳатдан амалга ошиши одатда инсоннинг рухий хусусиятлари ҳамда ўзига мутаносиб баҳо бера олиш маҳорати билан белгиланадиган кадрият мўлжалларига (эҳтиёжлар, мотивлар, манфаатларга) боғлиқ.

Инсоннинг шахс сифатида ривожланиши шахслараро муносабатлар жараёнида юз беради ва бу муносабатларнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Шахс фақат шахслараро муносабатлар шароитида намоён бўлади ва бу муносабатларнинг мустахкам стереотипи бўлади. Ўз навбатида, шахслараро муносабатларда шахснинг индивидуал хислатлари (хис-туйғулари, иродаси, тафаккури), шунингдек жамиятнинг шахсга оид хулқ-атвор меъёрлари ва кадриятларнинг ўзлаштирилиш даражаси намоён бўлади.

Шахслараро муносабатлар турли шаклларда кўриниши мумкин, масалан, *ишга алоқадор бўлган* (расмий, ишончли, носамимий) ва *шахсий* (норасмий, самимий) шаклларда. *Ишга (хизматга) алоқадор бўлган* муносабатлар мансабдор шахслар томонидан ўрнатилган ёки мазкур муҳитда қабул қилиниб, узоқ вақт давом этган анъаналар натижасида шаклланган муайян қоидалар, маросимлар ва расмиятчиликка амал қилиш билан боғлиқдир. *Ишга алоқадор* муносабатлар мажбурийлик хусусиятига эга. Кишилар ишга алоқадор шахслараро муносабатларда ўз хис-туйғуларини очик ифода қилмайдилар, одатда бундай муносабатлар характери уларга мос келмаса ҳам, улардан воз кеча олмайдилар.

Шахсий муносабатлар кўпроқ кишиларни ўзаро яқинлаштирадиган ёки узоқлаштирадиган, ёқтириш ёки ёқтирмасликни, яқинлик ёки бегоналикни келтириб чиқарадиган хис-туйғулар таъсирида таркиб топади. Шахсий муносабатлар оилавий, дўстона, ўртоқларча бўлиши, муҳаббат, дўстлик ёки нафратга оид бўлиши мумкин.

Инсон ўзини қобилиятлари орқали намоён қилади. Бу қобилиятлар унинг шахсий хусусиятлари бўлиб, унга муайян турдаги фаолият билан самарали шуғулланишга имкон беради. Қобилиятлар муайян табиий истезъодлар негизда вужудга келади. Истезъод — бу асаб тизимининг туғма, анатомик-физиологик хусусиятлари бўлиб, қобилиятлар ривожланишининг индивидуал-табиий асосини ташкил этади.

Одатда қобилиятнинг қуйидаги турлари фаркланади: интеллектуал (аклий, фикрлашга оид), бадиий, ташкилотчилик, коммуникатив (мулоқотга оид) ва ҳоказо. Юқори даражада ривожланган турли қобилиятларнинг йиғиндиси *истезъодлилиқ* дейилади. *Қобилият ривожланишининг* муайян *даражалари* бўлган *талант* ва *гениаллик* ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин. *Талант* — етук қобилиятлар бўлиб, бунда инсон фаолияти мукамаллиги, оригиналлиги билан ажралиб туради. *Гениаллик* — қобилият ва талант ривожининг олий даражасидир. Гениаллик сифат жиҳатидан янги, такрорланмас ижод намуналарини яратиш, ижоднинг аввал маълум бўлмаган йўлларини топиш билан боғлиқдир.

Инсоннинг жинси, ёши, касби, келиб чиқиши, қариндошлиқ, дўстлик ва бошқа мазмундаги алоқаларига, даромадлари миқдори ва ҳоказоларга мос равишда жамиятда тутган ўрни “ижтимоий мавқе” тушунчасининг мазмунини белгилайди.

Жамият аъзолари у ёки бу мавкеий гуруҳларга бирлашишига асос бўладиган *белгилар* ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, кишилар туғилганида оладиган белги ёки хусусиятлар *этник мансублик, жинс, насл-насабдир*. Одам нуфузли оилада туғилиши, туғилган захотиёқ маълум унвонга эга бўлиши ва жамиятда муайян ўринни эгаллаши мумкин ёхуд бой савдогар, таникли артист ёки ёзувчи оиласида туғилиши ҳам, ё бўлмаса, ертулада, оиласиз ҳолатда ва бошқа шароитларда туғилиши ҳам мумкин.

Инсоннинг ижтимоий мавкеи унинг *маълумот даражаси, касби, фаолият соҳаси* билан ҳам белгиланиши мумкин, бунда нимагадир “эғалик” белгилари (муайян мулки, шахсий бизнеси, даромадларининг микдори ва олиш усуллари, обрў-нуфузи, устунликлари, ҳокимиятда иштироки ва ҳоказолар) катта аҳамиятга эга бўлади.

Мавке жамиятдаги тегишли гуруҳларни фақат фарқлабгина қолмасдан, *инсоннинг жамиятдаги ўрнига бериладиган баҳо даражасини* ҳам акс эттиради. Шунинг учун бу тушунча “нуфуз” ва “обрў” тушунчалари билан яқин алоқададир.

Шахснинг ижтимоий мавкеи — умр давомида эришиладиган (яъни туғма бўлмаган), ўзгарувчан ва “инжик” ходисани акс эттирувчи тушунчадир. Шахс мавкеининг ўзгарувчанлиги шуни англатадики, масалан, ишчи бўлган киши зиёлига, аклий меҳнат соҳибига ёки ҳар уларнинг иккаласини ҳам ба-жарувчи меҳнат ходимига айланиши мумкин (масалан, мураккаб техник жихозни соловчи киши). Мавкенинг “инжиклиги” банкирни банкротга, ўқитувчини у ёқдан бу ёққа мокидек қатновчига, яъни “челнокка”, ишсизни уйсизга айлантириб қўйиши мумкин.

Шахснинг жамиятда муайян мавкега эришиши кўп ҳолларда низолар орқали, яъни кишининг бошлиқлик, мансаб, ҳокимият, обрў, даромад ва ҳоказолар учун курашиши орқали амалга ошади. Шахс ижтимоий мавкеининг барча қирралари кишининг муайян ижтимоий ҳислатлар, вазифалар ёки ўринларга эга бўлиши (алмаштириши, йўқотиши ва б.) *ижтимоийлашув* деб аталмиш ҳаётий жараёнда шаклланади, ўзгаради.

2-мавзу *Инсоннинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақидаги қарашлар.*

Ушбу мавзунини тушуниришда ўқитувчи турли характер ва йўналишлардаги адабиётларга мурожаат қилиши зарур. Яқин ўтмишда педагог ходимларни тайёрлашда эволюцион концепцияни ёки физикавий-кимёвий концепцияни ўрганиш устун эди. Қолган қарашлар ёки умуман ўрганилмасди, ёки ҳисобга олинмасди. Диний қарашлар эса умуман танқид остига олинарди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ўзгариши, барча соҳаларда, шу жумладан таълим соҳасида ҳам эркинликларнинг кенгайиши, ижтимоий ҳаётда кўпфирқилик тамойилларининг ўрнатилиши билан ижтимоий-гуманитар фанларда инсон ва жамият муаммоларининг моҳиятини турлича тушунирадиган нуқтаи назарлар пайдо бўла бошлади.

Ўқув қўлланмасида ушбу муаммо бешта концепция нуқтаи назаридан (эволюцион, креацион (диний), ўз-ўзидан вужудга келиш, стационар ҳолат, четдан қириб келиш) ёритилади.

Диний концепцияларни ўрганишда жуда эҳтиёт бўлиш ва турли диний йўналишларга мансуб вакиллар томонидан билдирилган фикрларни тўғри-нотўғрилиги юзасидан баҳо бермасликка ҳаракат қилиш лозим. Ўқитувчи дунёдаги ҳар хил динлар учун қуйидаги умумий белгилар хос эканлигини доимо ёдда тутиши зарур: биринчидан, инсон ва ҳаётнинг келиб чиқиши илоҳийлик билан боғлиқ эканлигига қатъий ишонч; иккинчидан, рухнинг ҳаёт манбаи, инсонни “ҳайвонлар дунёси”дан ажратувчи нарса деб тан олинishi. Диний тасаввурларга кўра, инсон ўзининг ўлмас руҳини Худодан олганлиги билан барча ҳайвонлардан фарқ қилади. Ерда биринчи инсоннинг пайдо бўлиши христианларнинг муқаддас китоби Инжилда ҳам, мусулмонларнинг муқаддас китоби Куръонда ҳам тасвирланган. Худонинг ёруғлик, қсмон, ер, ўсимлик ва ҳайвонларни яратишига беш кун кетган. Олтинчи кун – инсоннинг бир парча тупроқдан пайдо бўлган кун. Худо уни ясаган ва жон ато қилган. Бироз вақт ўтганидан сўнг биринчи одам – Одам Атонинг (Адамнинг) ковурағасидан Худо унга хотин – Момо Ҳавони (Евани) ясаб берган. Одам Ато (Адам) ва Момо Ҳаво (Ева) – биринчи инсонлар бўлиб, бутун инсоният оламининг аجدодларидир.

Диний таълимотларга кўра, инсон Худога нисбатан қандайдир иккиламчи мавжудот бўлиб, унинг иродасига бўйсунди. Шундай қилиб, инсон вужудга келишининг диний назарияси олам ва инсоннинг табиий ривожланиш жараёни илоҳий белгилангани ва мўжиза ғоясига асосланади.

Табиий фанлар ривожлана бориши билан инсон вужудга келишининг табиий-илмий тасаввурлари пайдо бўлади. Улардан энг таниқлиси эволюция назариясидир.

Ушбу концепцияни очиб беришда ўқитувчи “Умумий биология” фанининг тегишли мавзуларига яна бир бор мурожаат қилиши керак. Бу концепция доирасида энг машҳур *Ч. Дарвиннинг эволюция назариясидир*. Унинг назариясига кўра, эволюция негизида табиий танланиш ётади. Дарвин организмлар ўзгарувчанлигининг асосий сабабини уларни қуршаб турган ҳаёт шароитларидаги ўзгаришларда деб билган. Яшаш учун кураш жараёнида ўзгарувчан ҳаёт шароитларига энг яхши мослаша оладиган тирик мавжудотларгина енгиб чиқади.

Ф.Энгельс маймуннинг одамга айланишига асосий сабаб сифатида меҳнатни кўрсатган. Меҳнат қилиш, унинг фикрича, фақат одамларга хос бўлиб, кишилиқ жамияти мавжудлигининг негизидир. Меҳнат инсонни яратган, миянинг ривожланишига, онг ва нутқнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Ўқув қўлланмасининг 29-бетида таъкидланганидек, антропогенезнинг меҳнат назариясидан фарқ қиладиган концепциялари ҳам мавжуд. Асосан бу концепциялар умумий тарзда маданиятнинг вужудга келиши концепциялари деб аталади. Бу ҳақда З.Фрейднинг назарияси ёдга олинган эди. Кўшимча тарзда Й.Хейзингининг маданият вужудга келиши ва ривожланиши ҳақидаги фаразини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу фараз ўйин модели деб аталиб, унда ўйин (дин, санъат, ҳуқуқ ва фалсафанинг вужудга келиш асоси) инсоннинг ўз эркинлигини амалга оширишига имкон берадиган эркин ижодий фаоллик шакли сифатида қаралади. Ундан ташқари, инсон ва маданият вужудга келишининг семиотик концепцияси (семиотика – кишилиқ жами-

ятидаги, табиатдаги ва инсоннинг ўзидаги белгилар ва белгилар тизимининг хоссаларини тадқиқ қилувчи фан) ҳам мавжуд. Бу концепция маданиятга инсон ва олам ўртасидаги асосий ва универсал воситачиси тил бўлган махсус белги-тимсолий воқелик сифатида қараган.

Инсоннинг вужудга келиши билан боғлиқ қўплаб саволларга ҳозирги замон фанида аниқ жавоб йўқ. Турли фаразлар, шу жумладан ҳаёт ва инсоннинг Ердан ташқарида пайдо бўлганлиги тўғрисидаги фаразлар ҳам билдирилмоқда. Хуллас, инсоннинг вужудга келиши муаммоси ҳозиргача сир бўлиб келмоқда ва бу муаммо доирасида яна янгидан-янги концепциялар яратилиши эҳтимолдан холи эмас.

2-боб. УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКА

Ҳозирги давр ижтимоий муаммоларини янада чуқурроқ тушуниб олиш учун ўтмишга, бугунги кунда аждодларимиз буюк ютуқларга эришган ижтимоий воқелик сифатида қаралаётган даврларга назар солиш муҳимдир.

Бобдаги материаллар ўқувчиларга ижтимоий тафаккур тарихи ҳақида умумий тасаввур беради. Унда ижтимоий тафаккурнинг вужудга келиши ва ривожланишидаги чуқур донолик ва ҳатоликларни кўрсатиб беришга ҳаркат қилинган, бу жараённинг асосий элементлари ажратиб берилган. Бу энг аввало ҳозирги замон цивилизацияси умумий маънавий бойликларининг негизини (қишилик жамиятининг ахлокий меъёрлари, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, иктисодиётнинг бозор бошқаруви) ҳамда миллий кадриятларнинг хусусиятларини ташкил этувчи ғоялар, тушунчалар ва тамойилларнинг пайдо бўлиши ва назарий жиҳатдан ишлаб чиқилишидир. Бу бобда жамият ва давлатнинг вужудга келиши ҳақидаги, ижтимоий ўзгаришларнинг сабаблари ва хусусиятлари ҳақидаги турли хил тасаввурлар кўриб чиқилади.

Ушбу бобни ўрганишда ўқувчиларга кишиларнинг ўзлари ва жамият ҳақидаги билимлари қандай ошиб борганлигини кўрсатиш, қандай қилиб ва нима учун илғор ижтимоий фикрлар, маънавий кадриятлар мустаҳкамланиб борганлигини тушунтириб бериш зарур.

Материалларни мақсадга янада аниқроқ йўналтирган ҳолда ўрганиш ва мустаҳкамлаш учун педагогнинг ўзи ёки ўқувчилар гуруҳи тайёрлаган структуравий-мантикий схемалардан ёки ушбу қўлланма охиридаги “В” ило-ва жадвалларидан албатта фойдаланиш керак.

3-мавзу Қадимги дунёда ижтимоий фикр.

Ўқитувчи ушбу дарсни олдиндан режалаштириб олиши лозим. Чунки битта дарснинг ўзида Қадимги Миср, Месопотамия, Қадимги Хитой, Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Юнонистон ва Қадимги Римдаги ижтимоий фикрларнинг асосий жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилиб улгуриш керак бўлади. Мактабдаги тарих, ҳуқуқшунослик асослари фанларидан ўқувчиларга бу мамлакатларнинг баъзи атоқли вакиллари ҳақидаги маълумотлар таниш. Шунинг учун бу мамлакатлар вакилларининг ижтимоий қарашлари тўғрисида қандай ҳикоя қилишни ўқитувчининг ихтиёрига ҳавола қиламиз. Шу билан бирга

ўқувчиларга дарс мобайнида фаолияти кўриб чиқишга улгурилмаган бошка буюк шахслар хақида реферат шаклида кискача маълумот тайёрлаш хақида вазибалар беришни, бу рефератларнинг режасини тузишда уларга ёрдам кўрсатишни, у ёки бу маълумотни қайси манбадан олиш мумкинлигини айтиб беришни тавсия этамиз.

Жамият хақидаги илк тасаввурлар афсонавий дунёқараш асосида ривожланган. Қадимги афсоналарда *космогоник* (яъни коинот, ер, юлдузлар, осмон ва куёшнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги тасаввурлар), *теогоник* (яъни худоларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ривоятлар) ва *антропогоник* (яъни инсоннинг вужудга келиши тўғрисидаги афсоналар) тасаввурлар бир-биридан аниқ ажралиб турган.

Масалан, Гесиоднинг (мил.о. VIII асрнинг охири – VII асрнинг боши) “Теогония” ва “Мехнат ва кунлар” поэмалари афсоналарда изчил ривожланиш қандай қилиб космологик ва илоҳийликдан “тарихий” ва инсонларга хосликка, қахрамонлик амалларига, жамиятда ахлоқ қоидаларининг ўрнатилишига ва, пихоят, инсон мехнати ва амалларига ўтишига мисол бўла олади.

Афсоналарга хос мазмун анча кейинги мумтоз эпосларда ҳам (масалан, Ҳиндистоннинг “Рамаана” ва “Махобхорат”, Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” асарларида, Ўрта Осиёнинг “Манас”, “Алпомиш”, “Гўр ўғли”, герман-скандинавияликлар эпосларида, рус достонларида) сақланиб қолган.

Платон ва Аристотель учун сиёсатнинг моҳиятини тушуниб олишга ва давлат бошқарувининг энг яхши шаклларини аниқлашга интилиш хос бўлган. Платон ўзининг “Давлат” ва “Қонунлар” асарларида *идеал давлат* намуналарини таҳлил қилади. Унинг фикрича, идеал давлат адолатнинг мужассам бўлишидир. Адолатнинг маъноси эса шундан иборатки, барча эркин фуқаролар ўзлари мойил бўлган иш билан шуғулланидилар, бошқаларнинг ишларига аралашмайдилар ва ҳаммалари давлат фаровонлиги учун хизмат қиладилар.

Платоннинг идеал давлатида қатъий ижтимоий табақаланиш мавжуд, ҳамма қонунларга бўйсунди ва назорат остида бўлади, шахсий ҳаёт тартибга солиб турилади ва ҳамма умумий яхлитликка — давлатга хизмат қилади.

Платон *демократияга* нисбатан салбий муносабатда бўлган. У ҳар хил “қадр-қимматга эга” кишиларнинг тенглаштириб қўйилиши, билимсизлик, кўрсатилган хизматларни ва қонунни менсимасликни демократик йўналишнинг асосий камчиликлари сифатида кўрсатган. Ҳокимият тезлик билан *охлакратияга*, яъни оломоннинг ҳокимиятига айланади. Бу жараён ўзини халқ вакили қилиб кўрсатадиган зolim ҳукмдор ҳокимиятни эгаллаши билан яқунланади. *Тирания* — ҳукмдорликнинг энг ёмон шаклларидан бири бўлиб, бунда қонунсизлик, чақимчилик, зўравонлик тўлиқ ҳукмрон бўлади. Платон *аристократияни* бошқарувнинг энг яхши шакли деб ҳисоблаган. Файласуфлар ва ҳарбийларнинг аристократик ҳукмронлиги идеал давлатда ўз аксини топган.

Аристотелнинг сиёсий қарашлари унинг “Сиёсат”, “Афина сиёсати”, “Никомах этикаси” номли асарларида энг изчил тарзда ифодаланган. Унинг фикрича, давлат — табиий тузилма. Инсон ижтимоий мавжудот, “сиёсий ҳайвон” бўлганлиги боис, инстинктив равишда биргаликда яшашга интилади.

Аристотель давлат бошқаруви шаклларини иккита мезон бўйича фарклайди: *бошқарувчилар миқдори ва уларнинг ҳукмронликдан мақсади*. Натижада *бошқарувнинг учта “тўғри” шакли* — монархия, аристократия ва полиция — ва учта *“нотўғри” шакли* — тирания, олигархия ва демократия пайдо бўлади. Тўғри шаклларда ҳукмдорлар омма манфаатини ўз бошқарувининг мақсади деб билади. Нотўғриларида эса бошқарувнинг асосий мақсади ҳукмдорларнинг шахсий манфаати бўлади.

4-мавзу Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлари.

Энг аввало Марказий Осиёда ижтимоий муносабатларнинг моҳияти ҳақидаги ғояларнинг шаклланиши жаҳон фалсафий тафаккурига хос бўлган умумий қонуниятларни ифодалаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бирок бу қарашлар маълум хусусиятларга эга бўлган. Бу хусусиятларнинг мазмуни шундаки, мутафаккирларнинг аксарияти жамият ва алоҳида шахснинг маънавий ҳаётида диннинг аҳамиятини катъий шаклда инкор этмаган ҳолда, асосий эътиборни шахснинг ҳуқуқларига эмас, ахлоқий масъулияти масалаларига қаратганлар. Ундан ташқари, Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрнинг ривожланиши давомида ҳар бир инсон шахсининг кадрлилиги, кишиларнинг қонун олдида тенглиги, илм ва маърифат масалалари ҳамда халқни бошқаришнинг тартибга солинган тизими сингари, ҳозирги замон жамияти учун асосий бўлган ғоялар изчил равишда шаклланиб борган.

Ушбу мавзуни ўрганишда ўқитувчининг ўқувчилар эътиборини турли ўқув материалларига ҳавола қилиши осон кечади, чунки Ватан тарихи, адабиёт, давлат ва ҳуқуқ асослари, маънавият асослари каби фанлар бўйича дарсларда ўқувчилар Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодлари тўғрисида етарли маълумот олганлар. Энди эса уларнинг биографияси тафсилотларига тўхталмасдан, ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганишга киришиш зарур бўлади.

Ўқув дастурида ўтмишдаги кўплаб мутафаккирларнинг номлари кўрсатилганлиги сабабли, ўқитувчи уларнинг ҳаммасининг ижтимоий қарашлари ва таълимотларини ёритишга интилиши мумкин. Бирок, бундай ёндашувдан сақланишни маслаҳат берамиз, чунки ушбу мавзу учун ажратилган дарс соати машғулоти бу тарзда режалаштириш имконини бермайди. Ўқитувчига ўз маъруза материалда бир ёки икки мутафаккирнинг ижтимоий қарашларини чуқурроқ очиб бериш билан чекланишни тавсия этамиз. Бошқа алломаларнинг фаолияти эса ўқувчилар томонидан уйда тайёрланган қисқача иншо ва рефератлар асосида уларнинг энг муҳим ғояларини тушунтириш кўринишида ёритилиши мумкин. Шунингдек, бу мавзу бўйича дарсларни саҳналаштирилган шаклда ёки ўқитувчи ва ўқувчиларнинг савол-жавоблари кўринишида ташкил қилса ҳам бўлади.

5-мавзу Европада инсон ва жамиятнинг моҳияти тўғрисидаги ғоялар.

XVII-XVIII асрларда Европанинг Т. Гоббс, Ж. Локк, Ж. Ж. Руссо каби

мутафаккирлари давлатнинг вужудга келишини шартномавий хусусиятга эга деб тушунтиришга уринганлар. Гоббс тасвирлашича, давлат — афсонавий махлук Левиафандир (яъни Инжил афсоналаридаги улкан денгиз махлуки): унинг рухи — ҳокимият, тана аъзолари — ҳукмдорлар, қони — пуллар. Инкилоб — давлатнинг ўлишидир. Унинг ўлимидан сўнг дарҳол янги Левиафан пайдо бўлади, чунки инсоният усиз яшай олмайди. Гоббс монархияни ҳокимиятнинг энг яхши шакли ҳисоблаган, лекин аристократия ва демократия бўлиши эҳтимолини ҳам инкор этмаган.

Локкнинг фикрича, табиий ҳолат барча учун *умумий тенглик, ўз шахси ва мулкига эгалик қилиш эркинлиги* билан фаркланади. Бироқ табиий ҳолатда низоларни ҳал қилиш ҳамда ҳуқуқ ва эркинликни бузувчиларни жазолаш механизми йўқ. Давлат эркинлик ва мулкни ҳимоя қилиш зарурияти туфайли пайдо бўлади. Локк биринчилардан бўлиб ҳокимиятларнинг бўлиниши ғоясини конституциявий бошқарув ўрнатиш тамойили сифатида асослаб берди.

Руссонинг фикрига кўра, инсониятнинг бошига тушган қулфатлар иқтисодий тенгсизликка олиб келган хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлишидан бошланган. Иқтисодий тенгсизликни сиёсий тенгсизлик янада кучайтирди. Лекин эртами-кеч ҳуқуқсиз кўпчилик золим ҳокимиятини ағдаради, тенгсизликни йўқотади, фуқаролик дунёсини ўрнатади ва адолатли “ижтимоий шартнома” тузиш заруратига олиб келади, бунда халқ *суверен ҳокимият манбаи* сифатида чиқади.

Руссо одамни яхшилик сари ўзгартириш мумкинлигига ишонган. У инсон тафаккурига ва жамиятнинг уйғунлашувига умид қилган. Шунинг учун ҳам унинг асари саҳифаларидан одамларнинг мулкий ва ижтимоий тенглиги асосида жамиятни янгилашга чақирик янгради.

Европа мамлакатлари кўплаб мутафаккирларининг ижтимоий қарашлари тафсилотларига киришиб кетмасдан, худди юқоридаги каби, улардан бир ёки иккита вакилнинг ғояларини очиб беришни маслаҳат берамиз. Чунки ўқувчиларга жаҳон тарихи фанидан европалик буюк олимлар, жамоат арбоблари ва файласуфларнинг кўпгина ғоялари ва уларнинг биографик маълумотлари маълум.

6-мавзу *Шахс ва жамият муаммолари ҳақидаги ҳозирги фикрлар ва қарашлар.*

Ҳозирги даврга хос турли хил оқимларни ўрганишда ўқитувчи уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва мазмунини ўзи учун аниқлаб олиши лозим. Шунда улар ҳақида гапириш унинг учун енгил бўлади. Бунда унга «Фалсафий қомусий луғат» ва шу каби адабиётлардаги материаллар катта ёрдам беради.

Постпозитивизм ҳақида. Позитивизм фалсафаси, ёки позитив, ҳақиқий аниқ илмий билимлар фалсафаси француз мутафаккири Огюст Конт (1798-1857) томонидан яратилган.

Абстракт (мавҳум) фалсафани, унинг XIX асрнинг 20-30 йилларида Германияда ҳуқумат томонидан қўллаб-қувватланган бўлишига қарамай, Конт уни қабул қилмади ва фалсафий билимларни мавҳум мушоҳадага асосланганлик касалидан даволашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Малхам-дори сифатида у ўша даврда маълум бўлган воситани таклиф қилди: фалсафани илм-фан томонига буриш, уни илмийлаштириш ва тегишли тарзда фалсафий ижод тамойилларини қайта қуриш.

Тарихий жиҳатдан позитивизм ўз ривожига тўрт босқични босиб ўтди: а) О.Конт *позитивизми*, б) Э.Махнинг (1838-1916) *махизми* ва Р.Авенариуснинг (1843-1896) *эмпириокритицизми*, в) Б.Рассель (1872-1970), Л.Витгенштейн (1889-1951), Р.Карнап (1891-1970) ва бошқаларнинг *неопозитивизми*, ҳамда, г) XX асрнинг иккинчи ярмидаги позитив фалсафанинг барча турларини ўз ичига олган *постпозитивизм*. Биз биринчи учта босқични таҳлил қилмоқчи эмасмиз, чунки улар бизнинг тадқиқот объектимиз эмас ва улар хақида фалсафий адабиётларда жуда кўп ёзилган.

XX асрнинг 60-90-йилларида марксизм ва диний фалсафа билан бир қаторда, *танкидий рационализм*, *фан фалсафаси тарихий мактаби*, *герменевтика*, *структурализм* ва *постмодернизм* муҳим ўринга эга бўлганди. Бу таълимотларнинг ғоявий асослари XX асрнинг биринчи ярмида кенг тарқалган неопозитивизм ва экзистенциализм ғоялари эди. Танкидий рационализм ва фан фалсафаси тарихий мактаби неопозитивизм билан бевосита боғлиқ бўлган. Юқорида тилга олинган оқимларнинг ҳаммаси 40-50-йиллардаги Ғарб ижтимоий-фалсафий тафаккурини неопозитивизм ва экзистенциализмда мавжуд бўлган субъективизм унсурлари ҳамда дунёқараш ва методологияга оид хатолардан тозалашга қаратилган ўзига хос фалсафий уринишлар эди.

Танкидий рационализм асосчиси австриялик файласуф Карл Поппердир (1902-1994). Поппер *уч дунё онтологияси* концепциясини ишлаб чиқади. Унинг мазмунини борлиқнинг уч даражага (дунёга) бўлиниши ташкил этади. Хусусан, нарсалар, жисмлар дунёси (1-дунё), инсоннинг индивидуал руҳияти дунёси (2-дунё) ва ғоялар, илмий билимлар, санъат, ахлоқ хақидаги китоблар ва ҳоказолар дунёси (3-дунё).

Учта дунёнинг нисбатан мустақиллигига асосланган янги онтология, ифодали айтганда, триализм онтологияси табиий равишда билувчи субъектсиз билиш хақидаги таълимотга айланиб кетади. 3-дунё назариялар, муаммолар, далиллар, журналлар, китоблар мазмуни ва улар сакланадиган жойлардан иборат бўлиб, 1-дунё ва 2-дунёнинг ўзаро таъсири натижаси сифатида вужудга келади. Поппер нарсалар дунёси жисмоний дунё эволюцияси туфайли вужудга келган инсон руҳияти дунёсидан анча илгари мавжуд бўлган, деганда ҳақ эди. Биринчи ва иккинчи дунёларнинг ўзаро таъсири маҳсули бўлган учинчи дунё эса инсон ўзининг биологик жиҳатдан ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида амалга оширадиган фаолиятининг кўшимча, маълум маънода иккинчи даражали бўлган ҳосиласидир. Учунчи дунёнинг яшаш воситаси *тил-дир*. Тил шаклини олган бу дунё объектив равишда, кишиларнинг руҳиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. Бу Попперни, бир қараганда, ғаройиб бўлган билувчи субъектсиз гносеология ғоясига олиб келади.

Поппер ўзининг “Очик жамият ва унинг душманлари” (1944) ва “Тарихийликнинг қашшоқлиги” (1957) асарларида *очик жамият* концепциясини ишлаб чиқади. Поппер ижтимоий тузилмаларни икки турга бўлади: очик (либерал ва демократик) ҳамда ёпик. Поппернинг тарих концепциясидаги асосий сўзлар — “очик жамият” ва “ёпик жамият” — Анри Бергсондан олин-

ган. У ибтидоий қабила айирмачилигини (сепаратизмини) ҳам, антик давр мустабид тузумларини ҳам, фашизм ва социализм диктатураларини ҳам ёпик жамиятга мисол тариқасида келтирган. Очик жамиятнинг асосий ривожланиш усули технология ва жамиятни бошқаришдаги илгари силжишлар орқали амалга ошириладиган ижтимоий инженерликдир. Жамият тараққиётининг келажаги эса бевосита илмий кашфиётлар билан боғлиқ, деб санайди у. Илмий кашфиёт қилинишининг аниқ вақтини билиш мумкин бўлмаганлиги сабабли, тарихнинг қандай кечишини ҳам олдиндан айтиб бўлмайди. Очик жамият таълимоти фақат тоталитаризмга қарши қаратилганлик хусусиятига эга бўлмасдан, балки у индетерминизмга асосланган бўлиб, марксизмга ҳам қарши қаратилган эди. Поппер Гераклит, Платон ва Марксни ёпик жамият раҳнамолари қаторига қўшган. Жамият тараққиёти ҳақидаги марксча назариянинг тажрибада текшириш мумкин бўлган қисми, Поппернинг фикрига кўра, ёлғондир. Хусусан, Маркснинг ижтимоий инқилоб юз бериши ҳақидаги башоратлари, капиталнинг тўпланиши ва ишчилар синфининг қашшоқлашуви қонунлари ёлғон бўлиб чиқди. Унинг фикрича, марксизмга хос учта камчилик куйидагилардир: нарсалар моҳиятини билишга даъволардан иборат бўлган *эссенциализм*, ҳар бир бўлакда бутунлиқнинг хоссалари акс этиши тўғрисидаги таълимот бўлган *холизм* ва келажакни башорат қилиш мумкинлигини исботлашдан иборат бўлган *профетизм*.

3-БОБ. УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКА

Ўқув қўлланмасининг 6-мавзусида ХХ аср жамиятшунослари қарашларининг характерли белгилари ва ғоялари тарихи ёритилган. Шунинг учун энди жамиятнинг ҳозирги тузилиши ва цивилизация ютуқлари, яъни жамиятнинг ташкилий ва фаолият кўрсатиш меъёрлари, усуллари ва ижтимоий институтлари ўрганилса мантикий бўлади. Бунинг натижасида ўқувчиларда умуман ижтимоий тизимнинг ҳамда унинг муҳим субъекти бўлган инсоннинг фаолият юритиши ва ривожланишига оид нисбатан тугал тасаввур шаклланиши лозим.

Бобнинг мазмунини ёритишда педагогнинг вазифалари куйидагилардан иборат бўлади:

- ўқувчиларнинг ижтимоий тизим муайян ижтимоий мавкени эгалловчи ва муайян ижтимоий вазифаларни бажарувчи индивидларнинг алоқа ва ҳамкорлик қилишининг маълум бир усули эканлигини тушунишларига эришиш;
- ҳуқуқ тизимининг фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш;
- ўқувчиларга сиёсат ҳақида муайян билимларни эгаллашда, бундай билимларини мустақил равишда тўлдириб боришда ва уларни қуршаб турган сиёсий воқеликка мос равишда фаолият юритишда ёрдам бериш;
- ўқувчиларни ҳозирги замон жамиятининг маънавий муаммоларидан хабардор қилиш.

Миллатлараро муносабатлар ривожини ушбу бобнинг мазмунида алоҳида ўрин тутди, чунки бу масалани ўргатишдан мақсад фақат таълим бериш эмас, балки тарбиялаш ҳамдир. Ўқувчиларнинг эътиборини Ватанга муҳаббат бошқа маданиятлар ва цивилизацияларга ҳурмат билан уйғун бўлиши лозимлигига қаратиш керак.

Ҳозирги замон сиёсий соҳасига умумий таъриф бериш ва демократик тизимнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини очиб бериш ҳам муҳимдир.

Натижада мазкур бобнинг мазмунини очиб берар экан, ўқитувчи ўқувчиларга инсоннинг жамиятдаги мавқеи кўпроқ унинг ўзига – унинг шахсий хислатларига, маълумотига, малакаси ва бошқаларга боғлиқ эканлигини англаб олишда ёрдам беради.

7-мавзу Жамиятнинг ижтимоий тузилиши

Одатда ижтимоий тузилиш икки хил маънода – кенг ва тор маънода қаралади. *Кенг маънода* ижтимоий тузилиш *умуман жамиятнинг тузилиши*, унинг асосий қисмларининг ўзаро алоқаси тизими сифатида талқин қилинади. *Тор маънода* бу атама умумий белгилари ва манфаатлари билан бирлашган *ижтимоий бирликларни* англатади. *Ижтимоий бирликларга* синфлар, стратлар (табақалар, қатламлар), касбий ва соҳавий гуруҳлар, элатлар, миллатлар, миллатлараро ва минтақавий бирлашмалар, демографик гуруҳлар, кишиларнинг шаҳардаги ва қишлоқдаги ҳаёт фаолияти шакллари, меҳнат, оила ва бошқаларга оид тузилмалар қиради.

Жамиятнинг *ижтимоий соҳаси* – бу кишиларнинг турли-туман ижтимоий бирликлар орқали мураккаб ўзаро алоқалари тизими бўлса, ижтимоий муносабатлар – уларнинг объектив равишда мавжуд бўлган мулкӣ, касбий, демографик, этник, миллий ва бошқа фарқлари асосидаги алоқаларидир.

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши ҳар хил турдаги ижтимоий бирликлар ва улар ўртасидаги муносабатлар мажмуидир.

Сўнги ўн йилликларда ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг мазмунида, уларнинг ўзаро муносабатлари характерида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Ижтимоий ҳаракатчанлик ошмоқда, ҳукмрон синф, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳалар ходимлари синфи, янги ўрта синф шаклланимоқда. Улар ўртасида оралик гуруҳлар пайдо бўлмоқда, миллат ва давлатдан устун турувчи йирик тузилмалар вужудга келмоқда. Умуман олганда, жамият тарихи ижтимоий тузилманинг ривожланиши доимий равишда мураккабланишга, техникавий, технологик ва иқтисодий негизга ҳамда цивилизация типига боғлиқ ҳолда янги бирликларни вужудга келтиришга мойиллигидан далолат беради.

Турли мезонлар ва белгилар асосида кишилар мажмуидан иборат бўлган ижтимоий бирликлар уларнинг сони ва жамиятдаги ўрнига боғлиқ равишда қуйидагиларга бўлинади:

- катта гуруҳлар (синфлар, миллатлар, касб ва соҳага оид гуруҳлар ва ҳоказо);
- ўрта гуруҳлар (ҳудудий бирликлар, жойлашувга оид тузилмалар, ташкилотлар ва ҳоказо);

– кичик гуруҳлар (талабалар гуруҳи, ишлаб чиқариш бригадаси, спорт командаси, оила ва ҳоказо).

Катта гуруҳ – бу иқтисодий, маданий, ҳудудий, сиёсий ва бошқа алоҳида олинган ёки бирга қўшилган муайян белгиларига қўра фаркланадиган кишиларнинг ижтимоий бирлиги. Масалан, *миллат* – кишиларнинг саноат ишлаб чиқариш муносабатлари асосида тарихий шаклланган полиэтник, сиёсий ва ижтимоий-маданий бирлиги бўлиб, ягона ҳудудга, иқтисодий алоқаларга, адабий тилга, маданиятининг ўзига хос хусусиятларига, ўз-ўзининг моҳиятини англаш имконига ва менталитетга эга бўлиши билан характерланади.

Ўрта гуруҳ – бу қуйидаги хусусиятлар хос бўлган ижтимоий бирликдир: шаҳар ёки қишлоқдаги яшаш жойининг умумийлиги, турмуш ва касб фаолиятининг умум қабул қилинган тарзи, миллий бойликка қўшган ҳиссаси, бирликнинг уюшганлиги, қўйилган вазифаларни бажара олиш қобилияти ва бошқалар. Масалан, *ташқилот* (партиялар, касаба уюшмалари, парламентлар, банклар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва ҳоказо) – бу, энг аввало, низомли ҳамжамиятлар бўлиб, аниқ касб йўналишлари бўйича ҳаракат қилади, тегишли тузилишга ва бир-бирига бўйсунуш тизимига эга бўлади, хусусиятига қўра турли хил (сиёсий, ижтимоий, қонунчилик, молиявий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ва ҳоказо) вазифаларни ҳал этади.

Кичик гуруҳ – бу ижтимоий фаолият бирлаштирган кишиларнинг мулоқот қилиш мажмуи бўлиб, унда шахслараро муносабатлар, гуруҳий меъёрлар ва ҳулқ-атвор вужудга келади. Масалан, *оила* ўзаро муносабатга киришувчи ва бир-бирига таъсир кўрсатувчи, бола туғиш ва тарбиялаш, оила ичидаги яхши муносабатларни сақлаш, ҳаётга нисбатан умумий қарашларни шакллантириш, масъулият, бошқалар ҳақида ғамхўрлик каби умумий манфаатлар билан боғланган икки ёки ундан ортиқ индивидлардан иборат бўлади.

Катта, ўрта ва кичик гуруҳлар ўз ички қонунилари бўйича вужудга келади ва ривожланади (баъзан эса парчаланиб кетади ва фаолиятини тўхтатади), бироқ бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳолда жамият ҳаётининг у ёки бу жиҳатларига таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан, жамият ушбу гуруҳларнинг барчасидан ҳаёт ва фаолиятнинг ҳамма учун мажбурий бўлган қонунийлик, инсонийлик, ватанпарварлик каби меъёрларига амал қилишни талаб қилади.

XIX асрда ижтимоий тузилиш назариясида жамиятнинг табақаланишига нисбатан синфий ёндашув пайдо бўлганлигини, унинг асосчиси К.Маркс эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. У фақат капиталистик жамиятнинг батафсил, синчиклаб тадқиқ қилди, бу жамиятда ҳақиқатан ҳам синфий бўлиниш белгиловчи аҳамиятга эга эди. К.Маркс бу жамият ижтимоий тузилишининг синфий моҳиятини бутун жаҳон тарихига татбиқ қилди.

Жамиятнинг синфий тузилиши тўғрисида икки оғиз сўз. *Синфлар катта ижтимоий гуруҳлар сифатида* ижтимоий тизимнинг энг йирик бўғинидир. Ишлаб чиқаришнинг характери ва техникавий-технологик даражага боғлиқ равишда, ҳар бир турдаги жамият учун *муайян синфлар* мос келади. Синфларнинг вужудга келишига меҳнат тақсимотидек объектив жараён сабаб бўлиб, бу жараён давомида муайян гуруҳ кишиларининг *мулкка* муносабати (эгаллик қилиш, фойдаланиш, идора қилиш) шаклланади ва мустаҳкамланади, демак уларнинг мавқеи белгиланади.

Бир ижтимоий-иқтисодий формациядан бошқасига ўтиш даврида синфий тузилмаларнинг ва улар ўртасида мавжуд бўлган, *хусусий мулкчиликнинг* турли шаклларига асосланган зиддиятлар характерининг ўзгариши юз берган. Масалан, кулдорнинг ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнаткашга, яъни кулга тўлиқ эгаллиги; феодалнинг ишлаб чиқариш воситаларига тўлиқ ва крепостной деҳқонга қисман эгаллиги; буржуйларнинг ишлаб чиқариш воситаларига тўлиқ эгаллиги ва ишчига эгаллик қилмаслиги. Ишлаб чиқариш воситаларига ва миллий бойликнинг катта қисмига эга бўлган, жамиятни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш тизимида яқка ҳокимлик мавқеини эгаллаган синф нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки сиёсий жиҳатдан ҳам ҳукмрон синф бўлади.

Марксизм нуқтаи назарига кўра *синф деб одамларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тарихан шаклланган тизимидаги ўрни, ишлаб чиқариш воситаларига муносабати, ижтимоий меҳнатни ташкил қилишдаги роли ва, демак, жамият ижтимоий бойлигидан қанча миқдорда ва қандай усулда олишига кўра фарқ қиладиган катта гуруҳларига айтилади.*

Марксга кўра, жамиятнинг синфий бўлиниши буржуазияни, пролетариатни, кичик буржуазияни, табақаланаётган деҳқонларни ва зиёлиларни ўз ичига олган. Икки асосий синф (буржуазия ва пролетариат) ўртасидаги кескин зиддият охир-оқибатда буржуазия ҳокимиятининг инқилоб йўли билан ағдарилишига ва синфсиз жамият қурилишига олиб келади.

Марксизм жамиятни синфларга бўлишда синфларнинг ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган белгиларига жуда кам эътибор қаратган. Бунга М.Вебер сезиларли ҳисса қўшди. У ижтимоий тузилишни таҳлил қилишнинг бош мавзуси этиб *ҳокимият*ни танлади. Ҳокимиятнинг ҳамма вақт ҳам иқтисодга боғлиқ бўлиши шарт эмас, чунки инсон ижтимоий “ҳурмат-эҳтиромлар” учун ҳам ҳокимиятга интилиши мумкин.

Маркс сингари, Вебер ҳам жамиятни синфларга бўлади. Бу синфлар ҳамжамиятлар эмас, балки биргаликда ҳаракат қилиш учун негиздир. Вебернинг фикрига кўра, *кишиларни синфларга бирлаштирадиган белгилар* куйидагилардир:

- маълум миқдордаги кишиларни бирлаштирувчи шахсий манфаат;
- товар харид қилиш ёки даромад олишдаги иқтисодий манфаат;
- товарлар ёки меҳнат бозоридан фойдалана олиш.

Бундан келиб чиқиб, Вебернинг синфий-статус модели куйидаги синф турларини ўз ичига олади:

- мулкдорлар синфи (синфий мавқеи улар мулкчининг ҳажмига боғлиқ бўлади);
- манфаатпарастлар (таъмагир, юлғичлар) синфи (устунлик индивидларнинг бозордаги хизматларни эксплуатация қилиш имкониятларига берилади);
- ижтимоий синф (ранг-баранг синфий мавқеларга эга бўлган кишиларни бирлаштиради).

Жамиятнинг ижтимоий табақаланишига оид яна бир модель *Э.Райтнинг синфий модели* бўлиб, бунда буржуазия синфи, кичик буржуазия синфи

ва ишчилар синфи фарқланади. Табакаланиш мулкчилик, алмашинув ва ҳокимият муносабатлари асосида амалга ошади. Райт асосий синфлардан ташқари, ишбилармонлар, ярим мустакил ходимлар, менежерлар ва назорат килувчи шахсларни ўз ичига олган оралик табакаларни ҳам ажратади.

Кўриниб турибдики, синфлар бир хил таркибда бўлмайди, балки иқтисодий, маданий, ахлоқий ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турадиган синф ичидаги ҳамда синфлараро гуруҳлардан иборат бўлади. Жамият ижтимоий табакаланишига оид назарий моделларнинг қўплиги ҳам мана шундан келиб чиқади. Айтиб ўтилган моделлар жамият тараккий этиши билан унинг ижтимоий тузилиши фақат синфлардан иборат эмаслигидан, балки унинг қўп ўлчамли тузилма сифатида намоён бўлишидан далолат беради. Унда синфлар ва уларнинг мулкчилик муносабатлари билан бир қаторда, одамлар ва ҳокимиятнинг ижтимоий мавқеи, уларнинг мулкий аҳволи, назорат омиллари, даромадлари, меҳнат бозорида тутган ўринлари ва ҳоказолар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жамиятнинг иерархиявий тузилиши унда турли хил ижтимоий қатламлар ва қаватлар мавжуд бўлиши билан тўлдирилади. Жамиятнинг бундай қатлам ва қаватларга бўлиниши *стратификация* (лот. stratum – қатлам, қават) деб аталади.

Жамиятнинг *стратификациявий тузилиши* ҳақидаги қарашлар унинг синфий тузилиши тўғрисидаги ғояга муқобил сифатида пайдо бўлган. Чунки синфий тузилишда жамиятни горизонтал ва вертикал хилма-хиллиги нуқтаи назаридан тадқиқ қилишга ўрин бўлмайди ва унда янада кенгрок кўламдаги белгиларга кўра (таълим, психология, бандлик, турмуш шароитлари, даромадлар, партияларга мансублик, малака ва ҳоказо) ижтимоий бўлинишнинг тўлиқрок манзарасини олиш мумкин эмас. Жамиятнинг стратификациявий бўлиниши тарафдорлари синфий фарқлар кўламини, хусусан, мулкка муносабат билан бевосита боғлиқ бўлмаган фарқларни ҳам қўшган ҳолда кенгайтиришга уринадилар. Шунинг учун *ижтимоий стратификация назарияси* жамиятни ижтимоий статуси, мулкий аҳволи, малакаси, ижтимоий роли ва бошқалари билан фарқ қиладиган *ижтимоий қатламларга* бўлишдан иборат.

Хусусан, баъзи олимлар (масалан, Т.Заславская гуруҳи) бизнинг давримиздаги жамият юқори, ўрта, таянч, қуйи ва “ижтимоий тубан” деб номланувчи ижтимоий қатламлардан иборатлигини айтадилар.

Юқори қатлам деганда, энг аввало, ҳукмрон қатлам тушунилади. Унга асосий ишлаб чиқариш воситалари ва капитал эгалари, шунингдек давлат тузилмалари, фирмалари ва бошқаларни бошқаришда етакчи ўринларни эгаллаган шахслар мансуб бўлади.

Ўрта қатлам – бу ёлланма ишчи кучидан фойдаланиши чекланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этадиган майда тадбиркорлар ёки унча катта бўлмаган ишлаб чиқариш воситалари ва маблағларининг эгалари. Бу қатлам юқори ва таянч қатламлар ўртасидаги оралик ўринни эгаллайди, бозор муносабатлари ривожланиши баробарида қўпайишга мойил.

Таянч қатлам – энг катта қатлам, унга ишлаб чиқариш соҳаси ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳа ходимлари қиради. Бу қатлам ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган ёки улардан чекланган ҳолда фойдалана оладиган, ишлаб чиқаришнинг моддий ва моддий бўлмаган турли

соҳаларида кўпроқ ижрочилик меҳнати билан банд бўлган ёлланма меҳнат кишиларини бирлаштиради.

Қуйи қатлам –фаолиятнинг чекланган имкониятлари билан ажралиб турадиган кишилар гуруҳлари бўлиб, бозор муносабатларига ўтишнинг кескин шароитларига оғир мослашади. Булар нафақахўрлар, ишсизлар, кочоклар, меҳнат бозорида эҳтиёж бўлган касб-хунари йўқ кишилар ва жуда кам даромадга эга бошқа ижтимоий гуруҳлар.

“Ижтимоий тубан қатлам” – ўғрилар, бандитлар, бузуқилар уйи эгалари, арокхўрлар, гиёҳвандлар, муайян яшаш жойига эга бўлмаганлар ва бошқалар, яъни ижтимоий мавқеи ва даромад топиши кўпроқ ноқонуний хусусиятга эга бўлган кишилар.

Ижтимоий стратификация ғоясига амал қилувчи баъзи социологлар муайян гуруҳлардаги кишилар эгаллаб турган *ижтимоий роллар ва ўринларга* эътибор қаратадилар.

Бошқа социологлар ижтимоий стратификациянинг одатда учта таркибий қисмни (*касбнинг обрўси, маълумот даражаси, даромад ҳажми*) ўз ичига олувчи ижтимоий-иктисодий мавқе тушунчаси билан боғлиқ бўлган объектив мезонлари орқали иш кўрадилар.

Учинчилари эса *еттита даражали вертикал стратификацияни* кўллаб, жамиятни фақат ижтимоий-иктисодий мавқе жиҳатидан табақаларга бўладилар:

1. профессионаллар, маъмурлар олий синфи;
2. ўрта даражадаги техник мутахассислар;
3. тижоратчилар синфи;
4. майда буржуазия;
5. раҳбарлик вазифаларини бажарувчи техниклар ва ишчилар;
6. малакали ишчилар;
7. малакасиз ишчилар.

Шундай қилиб, биз ҳозирги жамиятнинг ижтимоий табақаланишини таҳлил қилишга нисбатан иккита асосий ёндашувни кўриб чиқдик. Уларнинг ҳар бири бир хил даражада мавжуд бўлиш (яшаш) ҳуқуқига эга бўлса керак. Энг муҳими, улардан бирортасини абсолютлаштирмаслик керак, уларга комплекс тарзда, бир-бири билан боғлиқликда ёндашиш, ижтимоий табақаланишнинг энг муҳим объектив мезонларини топиш ҳамда ушбу жараёни таҳлил қилишда уларнинг турли услубларни бир-бирига яқинлаштириш лозим.

8-мавзу Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими.

Ушбу мавзу жамиятни ташкил этувчи одамларнинг ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиш воситаларининг мажмуи бўлмиш *ижтимоий бошқарув* масалаларига бағишланган. Мавзуда, асосан, жамиятнинг фаолият юритишига таъсир ўтказувчи сиёсий ва ҳуқуқий институтлар кўриб чиқилади, чунки ахлоқий ва диний меъёрлар тегишли равишда 9-мавзуда акс эттирилган (ўқув кўлланмасининг 126-128 ва 131-132-бетлари).

Инсон хатти-харакатларининг жамият манфаатлари нуктаи назаридан қандай бўлиши мумкинлиги ва қанақа бўлиши лозимлиги ижтимоий нормалар томонидан белгилаб берилади. Улар одамлар онгли фаолиятининг натижаси бўлиб, ҳамжамоа бўлиб яшашни такомиллаштиришга йўналтирилган. Нормалар жамият тарихий тараққиёти жараёнида вужудга келади ва уларни конкрет тарихий муайянликдан ажратиб бўлмайди. Улар мавжуд жамиятдаги маданият типига ва унинг ташкилий характериға мос бўлади. Планетамизда турли-туман ҳуқуқий ва сиёсий тизимлар амал қилиши ҳодисасини худди ана шу нарса билан изоҳлаш мумкин. М.Вебер айтганидек, айнан *маданият* дунёға маъно бағишлайди, кишилар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳукм чиқаришга асос яратади (сиёсий маданият ҳақида ўқув қўлланмасининг 118-бетига қаранг).

Юриш-туриш, хатти-харакат нормалари давлатчилик пайдо бўлишидан анча илгари вужудга келган бўлиб, унинг аниқ вақтини айтиш мушкул. Ушбу мавзуну ўрганишда жамиятда ҳукмронликка оид муносабатлар қандай қилиб вужудга келишини англаб олиш, ижтимоий муносабат жараёнларини, кишиларнинг ўзаро алоқаларини бошқарадиган энг муҳим механизмларни қўриб чиқиш муҳимдир. Кенг маънода ижтимоий меъёрлар воситасида бошқариш ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашидек ҳуқуқи билан боғлиқ. Унга мувофиқ давлат бошқарув ва ҳокимият идоралари конституциявий воситалар ёрдамида ўзларининг фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан ўзаро муносабатлари тартибини, шунингдек, суверен давлатнинг халқаро муносабатларда қатнашуви тартибини белгилаб оладилар. Ижтимоий бошқарув жамият ва давлатдаги ички тартибни таъминлаш воситаси бўлиб, халқларнинг бири-бирини яхши тушуниб олишларига ёрдам беради. Жамиятдаги муносабатларни бошқариш жараёни давлатга хос ва нодавлат аспектларни, миллий ҳамда халқаро ҳуқуқий ва сиёсий воситаларни ўз ичига олади.

Жамиятнинг сиёсий тизими. Сиёсий тизимнинг таърифи умумлашма таърифдир. Ушбу тушунчанинг асосий категорияси бўлмиш ҳокимиятнинг ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, тарихчилар ва бошқа ижтимоий-гуманитар фан соҳаларининг мутахассислари тадқиқ қиладилар. Ҳокимият тушунчасини тўртта асосий жиҳатдан ўрганиш мумкин:

ҲОКИМИЯТ

Ижтимоий жиҳат: ҳокимият — ҳукмронликни ифодаловчи кучга оид муносабат. Ҳокимият ўз мақсад ва иродасига мувофиқ хатти-харакатлар учун нисбий эркинлик беради, бу бошқа шахсларга нисбатан муайян чекловлар тизimini яратиш демакдир.

Психологик жиҳат: ҳокимият — раҳбарлик (лидерлик) муносабати. Ҳокимият бор жойда йўлбошчи ва эргашувчи томон бор. Улар ўртасидаги муносабатлар хусусияти сиёсий тузум хусусияти билан белгиланади

Гносеологик (билишга оид) жиҳат: ҳокимият — билимдан фойдаланишнинг аниқ мақсадга йўналтирилган усули. Билим ва ирода ҳокимиятга баравар равишда хосдир: билим ҳокимият субъектларига узокни қўра олиш, эҳтиёткорлик қобилиятини беради, ирода эса қатъиятлик ва салоҳият ато этади.

Сиёсий жиҳат: ҳокимият — кучларнинг амалдаги мувозанатига мувофиқ равишда таъсир қилиш, бўйсундириш, мажбурлаш ва ундашни амалга оширувчи усулдир.

Давлат сиёсий тизимнинг марказий элементи, асоси ҳисобланади, у ҳокимият манбаи ва тимсолидир. Шунингдек, сиёсий тизимнинг муҳим элементлари қаторига *сиёсий воситачилик институциялари* ҳисобланмиш парти-ялар, таъсир кўрсатиш гуруҳлари, манфаатдор гуруҳлар киради.

Сиёсий муносабатлар (ўқув қўлланмасининг 117-бетига таърифга қаранг) — сиёсат субъектларининг ўзаро таъсир шакли. Сиёсий муносабатларнинг марказида давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабати туради. Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тўғри ва тескари алоқаларнинг учта гуруҳига таснифлаш мумкин (бунда “тўғри алоқа” — давлатдан жамиятга томон, “тескари алоқа” — жамиятдан давлатга томон алоқаларни англатади):

- “Тескари алоқа механизми” яхши тараққий этганда, унинг аҳамиятига юқори эътибор берилса, сиёсий муносабатлар *демократик* характерда бўлади. Бундай тузумли давлатда сиёсий ҳокимият ишонтириш, мувофиқлаштириш, қонунийлик, парламентаризм, фақат қонун доирасидагина мажбурлаш воситалари билан амалга оширилади. Давлат олий идоралари халқнинг ваколатига эга бўлади, ҳокимият халқ манфаатлари йўлида амалга оширилади, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари кенг ҳимоя қилинади, жамиятнинг барча соҳаларида қонун устувор бўлади.
- “Тескари алоқа механизми” қисман ёпиб қўйилиб, тўғри алоқаларнинг аҳамияти оширилса, сиёсий муносабатлар *авторитар* характерда бўлади.
- “Тескари алоқа механизми” тўлиқ ёпилган ва фақат тўғри, бир томонлама алоқа амал қилган ҳолдаги *тоталитар тузум* энг нодемократик тузум бўлади. Ҳокимият диктаторлик, кучга асосланувчи воситалар билан амалга оширилади. Тоталитар тузумда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинмайди, жамиятда қонунсизлик ва ўзбошимчилик ҳукмрон бўлади.


Давлатнинг ички сиёсий муносабатлари гуруҳлараро, гуруҳ ичидаги ва шахслараро муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Жаҳон миқёсида сиёсий муносабатлар давлатлараро (халқаро) ва глобал муносабатларга бўлинади. Шундай қилиб, сиёсий муносабатларнинг ташкилий тузилиши мураккаб ва кўп даражалидир.

Давлат — сиёсий тизимнинг асосий институти. Ижтимоий ривожланиш натижасида ҳар бир халқ тарихида давлат турли вазиятларда, турли даврларда вужудга келган. Давлатнинг пайдо бўлиши ҳақида бир-биридан фарқ қиладиган бир қанча назариялар мавжуд.

1. *Патриархал назария* вакиллари (Аристотель, Филмер) фикрича, давлат оиланинг эволюцияси натижасидир, давлат бошлиғи патриархал оила бошлиғига ўхшайди ва ундаги жараёнлар оиладаги муносабатлар каби тузилган.
2. *Диний назариялар* давлатни ҳам бошқа ижтимоий ҳодисалар қатори илоҳий қаромат сифатида тушунтиради; гўёки худо одамларга ўзи белгилаб берган меъёрларни “туҳфа” қилади ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилади.

3. *Шартнома назарияси* вакиллари (Г.Гроций, Т.Гоббс, Ж.Ж.Руссо) давлатнинг вужудга келишини кишилар ўртасидаги келишув, шартнома сифатида тушунтирадilar. Кишилар келишувидан давлатнинг вужудга келиши ҳақидаги тасаввурлар Эпикурда ҳам учраган. Бу назарияга мувофиқ, суверенитет умуман халққа тегишли, ҳукмдорлар эса халқ вакиллари бўлиб, халқ олдида ҳисобот бериб туради ва халқ хоҳишига кўра алмаштирилади.
4. *Гегелнинг давлат ҳақидаги таълимоти* унинг “Бутун воқеълик ақлга мувофиқдир” деган асосий формуласидан келиб чиқади. Гегель (1770-1831) табиат ва жамият ходисаларининг асосида, демакки, давлат ва ҳуқуқ асосида ҳам, абсолют руҳий ва ақлий ибтидо – “абсолют ғоя” ётади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, давлат ахлоқ амал қилишининг олий шаклидир, у ҳеч кимнинг манфаатларига хизмат қилмайди, балки ўзича абсолют мақсад ҳисобланади. Гегель таълимотида давлат олий кадрятларнинг акс этиши сифатида тасвирланади, у шахсга нисбатан олийлик ҳуқуқига эга. Инсоннинг олий мажбурияти эса – давлатнинг муносиб аъзоси бўлишдир. Шунингдек, Гегель фуқаролик ходисасининг сиёсий-ҳуқуқий моҳиятини асослаб беради ва ватанпарварлик шахснинг муҳим белгиси эканлигини айтади.
5. *Истило назарияси* XIX аср охири – XX асрнинг бошида вужудга келган ва тарқалган. Унинг асосчилари (Л.Гумилович, К.Каутский, Е.Дюринг ва б.) мазкур ғоянинг тўғрилигига исботни машҳур тарихий фактлардан (масалан, Германия ва Венгрия давлатларининг вужудга келишидан) кидирганлар. Австриялик тадқиқотчи Л.Гумилович шундай ёзади: “Тарих бизга давлатнинг факат зўравонлик орқали вужудга келганидан бошқа бирорта мисолни кўрсата олмайди. Бундан ташқари, бу ҳамма вақт бирор бегона қабиланинг кучсизроқ, аммо ўтроқ бўлишга улгурган аҳолини босиб олиши ва бўйсундириши сифатида намоён бўлган”.

Давлатнинг асосий шакллари тўғрисидаги ҳозирги замонавий тушунчалар ўқув қўлланмасининг 118-120-бетларида акс этган бўлиб, улар умумлаштирилган ҳолда қуйидаги жадвал шаклида кўрсатилиши мумкин:



Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили. Бу тамойил ҳозирги замон давлат ва

хуқук назариясининг асосларидан бири бўлиб, кўп жиҳатдан француз маърифатпарварлигининг атоқли вакили, таниқли хуқуқшунос ва сиёсий арбоб Шарль Луи Монтескье (1689-1755) номи билан боғлиқ. Қомусий билимлар сохиби бўлмиш бу олим хуқуқшунослик ва сиёсат масалалари билан бир қаторда фалсафа, ахлоқшунослик, тарих, социология, дин, сиёсий иқтисод, табиий фанлар, санъат ва адабиёт билан ҳам шуғулланган. Монтескьенинг сиёсий ва хуқуқий қарашлари унинг “Форс мактублари” (1721), “Римликларнинг буюклиги ва халокати сабаблари ҳақида мулоҳазалар” (1734) асарларида ва 20 йил мобайнида яратган “Қонунлар руҳи ҳақида” (1748) китобида акс этган.

Монтескье бошқаришнинг уч образини (шаклини) ажратади: республика, монархия ва деспотик (мустабид, зулмкор). Республика бошқарувида олий ҳокимият ёки бутун халқ (демократия) ёки унинг бир қисми (аристократия) қўлида бўлади. Монархия – бу қатъий ўрнатилган қонунлар воситасида бир киши томонидан бошқарилувчи давлатдир. Деспотик (мустабид) тузумда эса барча нарса ҳар қандай қонун ва қоидалардан устун турувчи ҳукмдорнинг истаги ва иродасига кўра содир бўлади. Монтескье ана шу бошқарув шакллариининг вужудга келиши ва амал қилишини қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларининг сиёсий мувозанати, шунингдек, ушбу функцияларни амалга оширувчи органларнинг ўзаро муносабатлари характериға боғлайди. Унинг фикрича, ҳокимиятнинг ушбу уч тармоғи ўзаро мувозанатда бўлса, бошқарув “мўътадил” бўлади, яъни бундай давлат тузумида “ҳеч кимни қонун талаб қилмаган нарсани бажаришга ва, аксинча, ҳеч кимни қонун рўхсат берган нарсани бажармасликка мажбур этиб бўлмайди”.

Ҳокимиятнинг бўлинишидан асосий мақсад ҳокимиятни суистеъмол қилишга имкон бермасликдир. Бундай имкониятнинг олдини олиш учун, дейди Монтескье, “шундай тартиб зарурки, бунда турли ҳокимиятлар бир-бирини тийиб туриши мумкин бўлсин”. Ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриши – уларнинг қонун томонидан белгилаб берилган ўз имкониятлари доирасида ўзаро қонуний ва уйғун амал қилишининг зарур шартидир. “Бу уч ҳокимият осойишталик ва фаолиятсизлик ҳолатига келиши керакдек туюлади, - деб ёзади у. – Аммо ҳодисаларнинг зарурий оқими уларни фаолият кўрсатишга мажбур қилгани учун, улар ўзаро мувофиқлашган ҳолда фаолият юртишга мажбур бўлади”. Монтескье бунда сиёсий тизимдаги белгиловчи ва асосий ўринни асосли равишда қонунчилик ҳокимиятиға беради.

Унинг фикрича, ҳокимиятнинг бўлиниши сиёсий эркинликни таъминлашнинг асосий шартидир: “Қонунчилик ва ижроия ҳокимиятлари бир киши ёки битта муассаса қўлида бирлаштирилса, эркинлик бўлмайди, чунки ушбу монарх ёки сенат золимларча қўллаш учун зулм ўтказувчи қонунларни яратади. Суд ҳокимияти қонунчилик ва ижроия ҳокимиятидан ажратилмаса ҳам, эркинлик бўлмайди. Суд қонунчилик ҳокимияти билан қўшилган тақдирда, фуқаролар ҳаёти ва эркинлиги ўзбошимчалик ва зўравонлик ҳукми остиға тушиб қолади, чунки бунда судья қонун чиқарувчиға айланади. Суд ҳокимияти ижроия ҳокимияти билан бирлаштирилган тақдирда судья зулм қилувчи, эзувчи бўлиш имкониятини қўлга киритади. Мабодо бу уч ҳокимиятдан учаласи ҳам (яъни қонун яратувчи ҳокимият, умумдавлат характеридаги қарорларни ижро этувчи ҳокимият ҳамда жинойтлар ёки хусусий шахслар-

нинг даъво ишларини суд қилиш ҳокимияти) бир кишида ёки мансабдорлар, оксуяклар ёки оддий кишилардан иборат битта муассасада бирлаштирилган тақдирда, ҳаммаси тамом бўлган бўларди”¹.

Ҳуқуқ – бошқарувнинг ижтимоий-сиёсий институти сифатида. Ҳуқуқнинг вужудга келиши ҳақидаги ғоялар ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, давлатнинг келиб чиқишига доир қарашлар билан мустаҳкам алоқада. Ҳуқуққа доир ҳозирги қарашлар қуйидаги элементлар бўлишини кўзда тутуди:

- Ҳуқуқ – бу меъёрий ҳужжатларда (матнларда) баён этилган ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи меъёрлар тизимидир;
- Ҳуқуқ меъёрлари давлат томонидан чиқарилади, унда қонун даражасига кўтарилган давлат иродаси акс эттирилади;
- Ҳуқуқ меъёрлари жамиятдаги энг муҳим муносабатларни бошқаради;
- Ҳуқуқнинг ўзи ва унинг амалга оширилиши зарурий ҳолларда давлатнинг мажбур этувчи қучи орқали таъминланади;
- Ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ҳуқуқий онгнинг таркиби топиши, ҳуқуқий фаолият меъёрларга боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқ умумижтимоий моҳиятга эга. Ҳуқуқ шарофати билан “яхшилик” ҳаёт меъёрига айланади, “ёмонлик” эса ана шу меъёрнинг бузилиши сифатида тушунилади.

Хулоса. Ушбу мавзудан қутиладиган хулоса шундаки, ҳозирги замон жамиятида шахсни қуршаб турувчи меъёрий ҳудуд жуда кенгдир. Турли-туман одатлар, анъаналар, диний ва ахлоқий меъёрлар билан бир қаторда, шахснинг жамиятдаги ҳолатига сон-саноксиз сиёсий меъёрлар, миллий ва халқаро ҳуқуқнинг қоидалари ҳам таъсир кўрсатади. *Инсон бир пайтнинг ўзиде сиёсатнинг ҳам субъекти, ҳам объекти, ҳуқуқнинг ҳам яратувчиси, ҳам ижрочиси ҳисобланади.* Шунинг учун дарс яқунланаётганда *шахснинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми масаласи* тўғрисида бир неча оғиз сўз айтиш керак.

Ушбу категория *умумлашган*, универсал хусусиятга эга. У инсоннинг у ёки бу ижтимоий гуруҳга тааллуқли эканлиги (фуқаро, чет эллик, фуқаролиги бўлмаган шахс, қочоқ ва ҳоказо), ихтисослиги ёки ҳунарига боғлиқ ҳолда унда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжудлигини билдиради. Айни ҳолда у нормаларни конкрет вазиятларга мувофиқлаштирувчи инсоннинг *индивидуал* хусусиятларини ҳам акс эттиради. Сиёсий-ҳуқуқий мақом тушунчаси инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини *ўзаро боғлиқликда* кўришни, давлат томонидан кўзда тутилган қарорлар ва шахсий (ахлоқий ва ҳуқуқий) масъулиятни эътиборга олишни назарда тутди. Сиёсий-ҳуқуқий мақом жамият аъзосининг асосий ижтимоий характеристикаларидан биридир. Одатда шахс сиёсий-ҳуқуқий мақомининг беш “даражаси” фарқланади:

- Шахснинг *халқаро мақоми* халқаро ҳамжамият томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро ҳужжатларда (масалан, 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилги Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Пакт, 1989 йилги Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенция, 1949 йилги Женева конвенциялари ва 1977 йилги уларга қўшимча Протоколлар

¹ Каранг: *История политических и правовых учений. Учебник для вузов.* Под ред. В.С.Нерсесянца. М., 1997, 287-288-бетлар.

ва бошқаларда) мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ, эркинлик, мажбурият ва кафолатларни ўз ичига олади. Унинг ҳимояси ҳам миллий, ҳам халқаро воситалар билан амалга оширилиши мумкин.

- Шахснинг *конституциявий мақоми* у тегишли бўлган мамлакатнинг Асосий Қонунида ифодаланган фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва кафолатларини ўз ичига олади. Конституциявий мақомнинг асосий хусусияти унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги бўлиб, у фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг конституциявий мақоми Асосий Қонунимизнинг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланган иккинчи бўлимида акс эттирилган.
- Шахснинг *тармокка (сохага) хос мақоми* унинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳуқуқ ва бурчларини акс эттиради, яъни бунда у ҳуқуқнинг алоҳида тармоқларидаги (меҳнат, фуқаролик, оила, жиноят ва бошқа) ваколатларини акс эттиради.
- *Фаолият турига оид (махсус) мақомда* инсоннинг бирор бир гуруҳга оидлиги ва унинг шу муносабат билан эга бўлган қўшимча ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этади: ўқувчилар, талабалар, ҳарбий хизматчилар, нафақахўрлар, ногиронлар, диний уюшма аъзолари ва шу кабилар.
- *Индивидуал мақомда* алоҳида олинган конкрет инсоннинг жинси, ёши, касби, муайян жамоат ташкилоти ёки бирлашманинг аъзолиги, давлат ишини бошқаришда қатнашиш даражаси ва шу кабиларга тегишли ҳолатларнинг хусусиятлари акс эттирилади. Индивидуал мақом алоҳида олинган шахснинг “ижтимоий портрети”, унинг жамият аъзоси сифатидаги қайтарилмас хусусиятларининг акси саналади.

9-мавзу *Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти.*

Ушбу мавзу 3-бобнинг яқунловчи мавзуси бўлиб, уни ўргангандан сўнг ўқувчилар ҳозирги замон жамияти, ундаги муаммолар ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида умумий тасаввурга эга бўладилар. Мухим томони шундаки, иқтисодий билим асослари билан бирга, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларига оид билимлар ўқувчиларга уларнинг ўзаро таъсирлашув тенденцияларини тушуниб олишга имкон беради.

Мавзуни ўрганишда ўқувчиларнинг эътиборини маданият, фан, таълим, маънавият, диний тотувлик ва эътикод эркинлиги каби муҳим кадритларнинг ўзаро таъсирига қаратиш зарур.

Маънавий соҳада инсоннинг бошқа тирик мавжудотлардан муҳим фарқи бўлмиш маънавият (араб. “маънолар мажмуи”) вужудга келади ва амал қилади. Маънавий фаолият маънавий эҳтиёжларни, яъни кишиларнинг маънавий кадритларни яратиш ва ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун амалга оширилади. Уларнинг орасида энг муҳими маънавий баркамолликка эришишга, гўзаллик туйғуларини қондиришга, атрофдаги оламнинг моҳиятини билишга бўлган эҳтиёждир. Маънавий кадритлар тизими маънавий маданиятнинг ажралмас қисмидир.

Маънавий маданиятнинг ўзи эса санъат, фан, ахлоқ ва диннинг ўзига хос яхлитлигидир. Ўқув қўлланмасида бир неча бор таъкидланганидек, маданият (хам моддий, хам маънавий жиҳатлари) жамият ҳаётининг муҳим хусусияти бўлиб, ижтимоий мавжудот бўлмиш инсондан ажралмасдир, унинг ривожланганлик даражаси эса муайян тарихий тамаддун эришган ютуқни ифодалайди.

Шу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, маданиятнинг қандайдир тўлиқ, ҳаммабоп таърифини ифодалаб бўлмайди (ўқув қўлланмасининг 17-бетида умумий таъриф берилган), чунки бу тушунча ортида инсон фаолияти, изланишлари, хис-туйғулари ва ҳоказолар билан боғлиқ чексиз олам яширинган. Ҳозирги замон маданиятшунослари бу тушунчанинг беш юздан ортиқ таърифини келтиришлари ҳам бежиз эмас.

Биологик жиҳатдан инсон маълум бир қобилиятлар, потенциал имкониятлари мавжуд организмга эга. Бу қобилиятлар муайян саъй-ҳаракатлар қилинмаса, ривожланмасдан қолиб кетиши ҳам мумкин. Немис файласуфи И.Г.Гердернинг таъкидлашича, биз “бутун умр давомида машқ қилиш” орқалигина инсон даражасигача тарбияланамиз. Таълим-тарбия, ўз устида ишлаш орқали тилни, жамиятда мавжуд бўлган одатлар, меъёрлар, ахлоқ ва фаолият усуллари ўзлаштириб, инсон маданиятни ўзига сингдиради, унда иштирок этади, сўнгра эса уни яратиш жараёнига қўшилади. Айнан маданиятда иштирок этиш даражаси унинг инсон бўлиб камол топиши қўламини, яъни инсондаги инсонийлик қўламини, меъёрини белгилайди. Меъёр эса муайян қўлам, чегара бўлиб, у ўзгарувчан ходиса ҳисобланади, у қотиб қолган эмас. Эҳтиёж туғилганда бу чегарани кўтариш, унинг ҳажмини ошириш мумкин, яъни Гердер айтганидек, бу «машқ» инсоннинг бутун ҳаёти давомида чўзилади.

Маданият инсонни инсон қилади — янада онгли, инсонпарвар, ахлоқли қилади, яъни унинг мавжуд турга хос моҳиятини шакллантиради. Қўпчилик атоқли мутафаккирлар инсон ҳаётининг мазмунини барча инсоний, маънавий нарсаларга қўшилиш орқали инсоннинг мана шундай ўзлигини топишида деб билганлар.

Ўқувчиларга маданий кадриятларни тўплаш ва сақлаб қолишнинг (маданиятни ривожлантиришнинг) иккита йўналишини кўрсатиш мумкин:

- мерос қилиб олиш — маданий кадриятларнинг бир авлоддан иккинчи авлодга ўтказилиши; маданий анъаналар — маданиятнинг энг барқарор томони (анъанавий кадриятлар, ғоялар, удумлар, одатлар ва ҳоказо);
- кадриятларнинг тўпланиши, ҳозирги замон цивилизацияси шароитида турли даврларда яратилган маънавий кадриятларнинг бир вақтда мавжуд бўлиши ва ўзаро таъсири.

Миллий ва байналмилал маданиятларнинг ривожланиш тенденциялари тўғрисидаги масала ҳам муҳим масаладир. Маданиятнинг миллий ривожланиш йўли, маданиятдаги миллий фарқлар — бу тарихий жараённинг, ҳар бир миллат маданияти такрорланмас бўлишининг туганмас манбаи бўлиб, дунё маданиятига алоҳида ранг-баранглик ва қўп ўлчамлилик бахш этади. Лекин мулоқот ҳар бир маданиятнинг ичида ҳам (унинг ўтмиши, бугунги

куни ва келажаги бирлашиб кетганда), ҳар хил миллий маданиятлар ўртасида ҳам кечади. Шу тарзда маданият ривожланишининг бошқа тенденцияси – миллий маданиятларнинг ўзаро боғланиб кетиши ва бир-бирини бойитишига олиб келадиган миллатлараро ривожланиш тенденцияси намоён бўлади. Натижада умуминсоний маданий (айни пайтда маънавий) қадриятлар вужудга келади. Бир вақтнинг ўзида улар миллийлигини ҳам сақлаб қолади. Маданият фақат маданиятлар мулоқоти шароитидагина яшаши мумкин.

Дин маънавий маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг бутун ривожланиш жараёнига улкан таъсир кўрсатган. Ҳозирги замонда диннинг ўрни ҳақидаги масалани ўрганиш педагогдан хушёрлик ва ҳушумомалаликни талаб қилади, чунки динга муносабат, диний қарашлар кишининг ўта шахсий ишидир. Бу қарашлар шахс индивидуал онгининг муҳим қисми бўлиб, унинг ҳулқ-атвориغا, шахсий ҳислатларига, ички дунёсининг энг нозик қирраларига таъсир қилади.

Мактабда тарихни, жумладан “Жаҳон динлари тарихи” курсини ўқишда динларнинг вужудга келиши ва моҳияти тўғрисида кенг қўламли маълумотлар камраб олинганлиги сабабли, ўқитувчи ўқувчилардан бу маълумотларни такрорлашни сўраши мумкин.

Бундан қуйидаги ҳулосага келиб чиқади: дин вужудга келишининг ва диний фаолиятнинг чуқур руҳий ва ижтимоий сабаблари мавжуд бўлиб, улар динда ўзига хос устунликлар мавжудлигидан далолат беради.

Дин мураккаб ҳусусиятга эга. У ижтимоий онг шакли бўлиб, асрлар давомида сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётга жуда қатта таъсир кўрсатиб келган. Дин инсоният ҳаётининг узоқ ўтмишида, кишилар эҳтиёжларида ўз илдизларига эга бўлиб, инсонга қараганда олий кучларга, ахлоқ қонунларига, маърифий, ижтимоий ва руҳий ҳусусиятга эга фаолиятга ишончли ўз ичига олади.

Жамоатчилик фикрининг суверен давлатимиз фуқароларини буюк ахлоқий идеаллар руҳида тарбиялашга йўллаши бутун таълим тизими олдига янги дунёқарашлар ва маънавий асосларни топиш муаммосини қўяди. Айни вақтда шуни унутмаслик керакки, реакция диний мутаассиблар диндан ўзларининг сиёсий мақсадларига эришишда фойдаланмоқда. Дунёвий турмуш тарзини ва дунёвий қонунларни тамомила рад этиш турли кўринишдаги диний мутаассиблар ва экстремистларни бирлаштирадиган нарсадир.

Бу дарсада ўқитувчига шахснинг ички дунёси масаласини ёритиб ўтиш ва уни “Инсон – биоижтимоий мавжудот” мавзусининг материаллари билан боғлашни тавсия этамиз. Шу тарзда нафақат фанлараро (масалан, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, “Тарих”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанлари билан), балки фан ичидаги алоқаларни ҳам ташкил қилиш мумкин бўлади.

Ўқув қўлланмасида “маънавият” атамасининг таърифи ва мазмуни очиб берилди. Маънавиятнинг таърифидан у буюк қадрият эканлиги маълум бўлиб турибди.

“Қадрият” тушунчасининг ўзига келадиган бўлсак, бу борлик нарса ва ҳодисаларининг баъзи ижобий ҳислатлари, ҳусусиятлари бўлиб, инсоннинг уларни тўлиқ қабул қилиш ва намоён бўлишини жуда-жуда исташини таъкидлаш лозим.

“Қадрият мўлжаллари” – шахснинг ўз мақсади ёки ўз эҳтиёжларини кондириб воситаси сифатида гавдаланувчи моддий ва маънавий бойликларга нисбатан барқарор, ижтимоий белгиланган ва танланган муносабатидир.

Инсон қадрият мўлжалларининг индивидуал тизими шахсни ташкил этувчи муҳим қисмлардан биридир. У инсоннинг ҳаётий тажрибаси орқали яратилади ва мустаҳкамланиб боради. Бу тизим шахснинг мўътадиллигини, хулқ-атворнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди, эҳтиёжлар ва манфаатлар йўналишини белгилайди.

Ҳозирги даврда жамиятимизда ҳар бир шахснинг ўз қадриятлари тизимига эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд бўлса-да, биз, ҳар қандай жамиятда бўлгани каби, ўқувчилар муайян хулқ-атвор тамойилларига амал қилишларидан, маълум ахлоқий идеаллардан намуна олишларидан манфаатдормиз.

4-боб. УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКА

Ушбу бобдаги материалларнинг мақсади ўқувчиларни давлатлараро муносабатларнинг ҳозирги замондаги тизими билан, унда халқаро ҳуқуқ меъёрлари белгиловчи аҳамиятга эга эканлиги билан таништиришдан иборат. Ўқитувчи бобдаги мавзуларни тушунтираётганда “Ҳуқуқшунослик” ва “Энг янги тарих” фанлари материалларига таяниши (ёки улар билан қиёслаши) керак. Бу фанлардаги материалларда халқаро ҳуқуқ тизими ва ҳозирги замон халқаро муносабатлар тизимининг вужудга келиш тарихи тўғрисида умумий тушунчалар берилган. Бобда давлатларнинг, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг вазибалари тўғрисида ҳам умумий тушунча берилган.

Бу мамлакатимизнинг ёш фуқаролари учун айниқса муҳим, чунки давлатимиз ўзининг жаҳон ҳамжамиятининг аъзоси эканлигини ва ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажаришга интилиши ҳақида аниқ баён қилди.

Мавзулар материалларини ўрганаётиб, “жаҳон ҳуқуқий тартиботи” тушунчасига ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Бундай тартибот – кишилар ҳаётий фаолиятининг хилма-хил соҳаларида самарали халқаро ҳамкорлик қилишнинг шарти ва қафолати, давлатлар ва халқларнинг манфаатларини қилиштириш натижаси, турли давлатлар, халқаро ташкилотлар, ижтимоий ва миллий бирлашмалар ўзаро муносабатларининг мураккаб ва ўзгарувчан тизимидир.

Давлатлараро муносабатларда ва жаҳон ҳуқуқий тартиботининг амалий хусусиятида халқаро ҳуқуматлараро ташкилотлар алоҳида ўрин тутаети, улар дунёдаги барча воқеаларнинг кечилишига сезиларли таъсир кўрсатган ва кўрсатмоқда. Шунинг учун уларнинг таърифи ва вазибалари учун алоҳида ўрин берилган.

Бобдаги материаллар ўқувчига яқинда суверенитетга эришган давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши муаммолари ва имкониятларининг аҳамиятли эканлигини англаб етишга имкон беради. Ушбу мавзунини “Давлат ва фуқаро мажбуриятлари” мавзуси бўйича 6-амалий машғулот давомида ўқувчиларнинг мулоҳаза юритишлари давом эттиради.

10-мавзу *Халқаро муносабатлар – жаҳон тараққиётининг кўзгуси*

Халқаро ҳуқук халқаро муносабатларни тартибга солувчи тамойиллар ва меъёрларнинг мажмуи сифатида таърифланади. Халқаро ҳуқук унинг моҳиятини белгилувчи камида учта ўзига хос хусусиятга эга:

- Халқаро ҳуқук тартибга соладиган *объект* давлатлараро муносабатлардир. Бу муносабатлар халқаро ҳуқукнинг объектив чегараларини белгилайди. Албатта, миллий ҳуқуқий тизимлар давлатларнинг суверен тенглиги тамойили сабабли ҳам, ҳуқуқий тизимларнинг ўзи турли-туманлиги сабабли ҳам давлатлараро муносабатларни бошқариш имконига эга эмас. Бундан халқаро меъёрлар (нормалар) тизимининг энг муаммоли масалаларидан бири келиб чиқади: миллий ва халқаро ҳуқук нормалари қай тарзда ўзаро алоқада бўлади? *Монист*лар ҳар қандай ҳуқуқий меъёрлар табиатан бир хил бўлгани учун миллий ва халқаро ҳуқук ажралмасдир, деб ҳисоблайдилар. Айни пайтда *дуалистлар* миллий ва халқаро ҳуқукни бир-биридан ажратадилар: улар бошқарадиган объектлар ҳар хил ва ҳуқуқий таъсир воситалари бир-биридан фарк қилади. Миллий ҳуқукнинг халқаро ҳуқукдан *устунлиги*¹ тарафдорлари миллий ва халқаро ҳуқук меъёрлари ўртасидаги карама-қаршиликлар миллий ҳуқук фойдасига ҳал қилиниши лозим, деган нуктаи назарни илгари сурадилар.

Бугунги кунда энг кенг тарқалган нуктаи назар халқаро ҳуқукнинг давлатнинг ички ҳуқукдан устунлиги ҳақидаги қарашдир: давлатлар ўз ихтиёрларига кўра халқаро шартномалар тузадилар ва халқаро одатларни тан оладилар, шунинг учун миллий ҳуқук меъёрлари халқаро андазаларга мос равишда ўзгартирилиши лозим. Бу нуктаи назарга ҳозирги замон давлатларининг аксарияти амал қилади. “Барча томонидан тан олинган халқаро ҳуқук нормаларининг” устуворлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида ҳам мустаҳкамланганлигига эътибор беринг.

- Халқаро муносабатларнинг иштирокчилари, халқаро ҳуқук бўйича ҳуқук ва мажбуриятларни амалга оширувчилар халқаро ҳуқук *субъектлари* ҳисобланадилар. Халқаро ҳуқукнинг турли субъектларидаги халқаро ҳуқук ва мажбуриятлар кўлами бир-биридан анча фарк қилганлиги сабабли, улар *асосий* ва *маҳсус субъектларга* ажратилади:



¹ Юнонча “моно” (“бир”) сўзидан, миллий ва халқаро ҳуқукнинг яхлит, ягона эканлиги тарафдорларини шундай атайдилар.

² Бу концепция вакиллари мазмунан халқаро ҳуқукнинг юридик кучини инкор этганликлари сабабли, уларни “халқаро-ҳуқуқий ниғилистлар” деб ҳам аташади.

Ўз тақдирини ўзи белгилаш учун курашаётган халқлар ва миллатлар

халқаро (ҳукуматлараро) ташкилотлар

халқаро идоралар (трибуналлар, судлар, комиссиялар ва бошқалар)

қўзғолон кўтарган ёки уруш қилаётган томонлар

халқаро ноҳукумат ташкилотлар

Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси

трансмиллий (халқаро) корпорациялар

индивидлар

- Халқаро ҳуқуқ икки ёки ундан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъекти *хохишларининг* (очик қувватланган ёки эътироз билдирилмаган ҳолда) *мувофиқлаштирилиши* орқали яратилади. Махсус субъектлар (Ватиканни ҳисобга олмаганда) халқаро ҳуқуқ меъёрларини яратиш қобилиятига эга эмас. Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари (мавжудлик шакллари) *халқаро шартнома* ва *халқаро одатлардир* (ўқув қўлланмасининг 140-бетидаги чизмага қаранг).

БМТ Халқаро Суди¹ Статутининг (Низомининг) 38-моддасида халқаро ҳуқуқнинг энг нуфузли манбалари рўйхати келтирилган. Асосий манбалардан ташқари, 38-модда ривожланган миллатлар томонидан тан олинган *ҳуқуқнинг умумий тамойилларини* ҳамда турли халқ вакилларига оид энг маънавли халқаро мутахассисларнинг *суд қарорлари* ва *доктриналарини* ҳуқуқий меъёрларни таърифлашда ёрдамчи восита сифатида тилга олади.

11-мавзу Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида.

Ушбу мавзуни ўрганишда ўқитувчига Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобидан, БМТнинг 48 ва 50-сессияларида, Олий Мажлиснинг турли сессияларида, ШХТга аъзо давлат раҳбарларининг саммитларида ва бошқа халқаро анжуманларда сўзлаган нутқларидан фаол фойдаланишни маслаҳат берамиз. Бу нутқларда халқаро аҳвол ва халқаро ҳаётнинг долзарб муаммоларига республикамизнинг муносабати ҳақида аниқ фикрлар айтилган.

“Бугун Ўзбекистон энг обрўли ва энг нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига тўла ҳуқуқли асосда кирмоқда, барча китъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантирмоқда, йирик банк ва молия идоралари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда”².

Халқаро муносабатлар ҳақида гапириб, таниқли француз мутафаккири Тейяр де Шарден бундан ярим аср аввалроқ шундай деб ёзган эди: “Бир неча авлодлар давомида бизнинг атрофимизда геометрик прогрессияда кўпайиб боровчи ҳар хил иктисодий ва маданий алоқалар юзага келди. Ҳозир

¹ Халқаро Суд Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош суд органи ва Миллатлар Лигаси Халқаро адлия Доимий Палатасининг ворисидир.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997.

нондан ташқари... ҳар бир одам ҳар куни ўзига тегишли темир, мис ва пахта, электр токи, нефть ва радий, кашфиётлар, кино ва халқаро янгиликлар улущини талаб қилади. Эндиликда ҳар биримизни таъминлаш учун фақат муайян дала майдони эмас... балки бутун Ер юзи талаб қилинади. Инсон бошқа инсонлар билан бирлашмаса, унинг келажаги йўқ". Бу вақт ичида дунё жуда ўзгариб кетди. Мамлакатлар ва минтақалар ўртасидаги кескинлашиб кетган зиддиятлар бир неча бор ўрнатилган алоқаларнинг узилишига олиб келди. Алоқалар ва ўзаро боғлиқликнинг хусусиятлари ҳам ўзгариб борди, яхши бўлиб кўринган кўп нарсалар айнан ёмонликка айланмаган бўлса ҳам, муаммога айланди. Юқорида келтирилган парча ушбу файласуф жуда муҳим фикрни аниқ айтганини кўрсатади: инсоният ўз бирлигини мустаҳкамламадан, алоқа ва мулоқотларини кенгайтмасдан, ривожлана олмайди.

Ҳозирги дунёда алоҳида кишилар, ташкилотлар ва давлатлар ўртасидаги интеграциявий алоқалар сезиларли равишда кучайиб бормокда, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўсиб бормокда. Бу жараёни олимлар глобаллашув деб атайдилар. Глобаллашув ранг-барангдир, у жамият ҳаётининг турли соҳаларини камраб олади.

Ушбу дарсни икки хил шаклда ташкил қилиш ва ўтказиш мумкин: а) ўқитувчи уни олдиндан тузган режаси бўйича бошидан охиригача ўзи ўтказиши мумкин; б) у бир гуруҳ ўқувчиларни олдиндан тайёрлайди, улар Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни юзасидан бир неча асосий йўналишларни, масалан, иқтисод, сиёсат, маданият ва бошқа соҳаларни очиб берадилар. Бу гуруҳлар ўз чиқишларини кўргазмалар материаллар билан тайёрлайдилар. Масалан, республикамизнинг 1993 йил май ойидан амал қилаётган ТРАСЕКА (Европа-Кавказ-Осиё транспорт коридори) дастуридаги иштироки ҳақида гапириб бериш мумкин. Бу дастур унга иштирокчи бўлган ҳар бир мамлакатдаги иқтисодий ривожланишнинг таркибий қисмига, ўзаро бирлашиш ва самарали ҳамкорликнинг қудратли воситасига айланди.

"Европа-Кавказ-Осиё" транспорт коридорини ривожлантириш бўйича ЕС-ТАСИС-ТРАСЕКА дастурининг иштирокчилари Озарбайжон, Арманистон, Болгария, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Ўзбекистон, Украина ва Туркменистон давлатларидир. ТРАСЕКАга асос солинганидан буён Ўзбекистон амалга оширилган 39 та техникавий ёрдам лойиҳасидан 28 тасида қатнашди. Булар асосан темир йўллар ва автомобил йўлларида юк ташиш, қонунчилик ва савдо соҳаларига оид лойиҳалардир. ТРАСЕКА дастури унинг транспорт тармоқлари фойдали қазилмалар ва энергия захира ларига бой, уларни ўзлаштириш нуқтаи назаридан келажаги бор бўлган мамлакатларнинг ҳудудидан ўтганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу мамлакатларда транзитнинг ривожланиши, шубҳасиз, минтақаларда ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигининг ўсишига кўмак беради.

Шунингдек, дарса бизнинг мамлакатимиз ҳам аъзо бўлган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ҳақидаги маълумотни тинглаш мумкин. ШХТ Минтақавий антитеррор маркази Тошкентда жойлашган. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг фикрича, ШХТ фақат кучга таянувчи ва ҳуқуқни мухофаза қилувчи вазифалар билан чекланиб қолмаслиги лозим. Терроризмнинг ғоявий негизи ва манбаларини йўқ қилиш учун муаммога кенгроқ на-

зар солиш, кенг қўламдаги, шу жумладан маънавий-маърифий, таълим ва тарғибот характеридаги чоралар мажмуи зарур бўлади.

Умуман олганда, ушбу дарсда ўқувчилар Ўзбекистон жаҳон ҳамжами-ятининг тўла ҳуқуқли аъзоси эканлиги ва жаҳон халқларининг фаровонлиги йўлида бутун дунёда тинчлик бўлиши учун барча чораларни кўраётганлиги ҳақида маълумот оладилар. Шу билан бирга ўқитувчи ўқувчиларнинг дунё миқёсидаги турли лойиҳаларда мамлакатимиз иштирокини кўрсатувчи ҳар хил статистик маълумотлардан фойдаланишга интилишларини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим.

12-мавзу *Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши.*

Бу мавзунинг ўтишда ўқитувчи ўқувчиларга улар қуролли низолардан азият чеккан кишиларни ҳимоя қилишга йўналтирилган халқаро нормалар билан танишишларини айтиб ўтиши лозим. Ўқувчилар халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи (ХИХ)нинг мазмунини ҳақиқатан ҳам англаб олишлари учун уларга жаҳон цивилизацияси ва инсоният тарихи нафақат ҳаётнинг барча соҳаларидаги ютуқлардан, балки кўплаб табиий офатлар ва улардан ҳам даҳшатлироқ оқибатларга олиб келувчи қуролли низолар ва урушлардан ҳам иборат эканлигини ҳамда улар жаҳон таракқиётини анча орқага суриб юборганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Қуролли можароларнинг энг даҳшатли оқибати шуки, унда кишилар оммавий равишда қирилиб кетади. Урушнинг характерли томони шундаки, у ҳаддан ортиқ ваҳшийликка имкон беради, аёллар, болалар ва кексалар ўлдириб юборилади ёки улар ўз уйларидан ҳайдаб юборилади, қийноққа солинади, болалар қўлига қурол олишга мажбур қилинади, қўлга киритилган мол-мулк ва моддий бойликлар ўзлаштириб олинади ёки яқсон қилинади.

Ҳар бир кишининг, ҳар бир халқнинг орзуси уруш бўлишига, қуролли низо юз беришига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олишдир. Борди-ю уларнинг олдини олиш мумкин бўлмаса ва улар юз берса, ҳарбий ҳаракатлар муайян қоидалар доирасида олиб борилиши, улар бошқарилиши зарур. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг меъёрларида уруш олиб боришнинг цивилизациялашган усуллари (бундай сўзни ишлатишнинг ўзи ноқулай), қуролли низога тортилган давлатлар ва одамларнинг ҳуқуқий мавқеини белгиловчи элементар қоида ва нормалар акс этади.

Ўқитувчи одамни уруш даҳшатларидан ҳимоя қилишга қаратилган ғоялар инсоният тарихининг илк босқичларидаёқ пайдо бўлганини ва улар минг йиллар мобайнида таракқий этиб, ўз тарафдорларини кўпайтириб борганини айтиб ўтиши лозим. Шу маънода ХИХнинг вужудга келиши ва ривожига бағишланган материаллардан баъзи танланган жойларни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилиш зарур. Бунда ўқувчиларнинг ХИХ тарихи ва мазмуни ҳақидаги баъзи маълумотларни «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани дарсларидан ҳам олганини эътиборга олиш керак.

ХИХ меъёрлари акс этган ҳужжатлар шартли равишда тўрт гуруҳга бўлинишини аниқ ва қатъий айтиб ўтиш керак. Ҳужжатларнинг биринчи

гурухи кишиларнинг муайян гуруҳларини уруш қийинчиликларидан ҳимоя қилишга йўналтирилган. Шунинг учун у баъзан «инсонпарварлик ҳуқуқи», баъзан эса улар Женева конвенцияларида акс эттирилгани боис «Женева ҳуқуқи» деб ҳам аталади. Бу ҳуқуқ уруш жабрдийдалари манфаатлари учун ишлаб чиқилган бўлиб, ўзаро урушаётган давлатларга алоҳида олинган ҳеч бир кишининг ҳуқуқини поймол қилишга ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди (I ЖКда – курукликдаги кўшинларнинг ярадор аскарларини, II ЖКда – ярадор матросларни, III ЖКда – ҳарбий асирларни, IV ЖКда – фуқаро шахсларни).

Хужжатларнинг иккинчи гуруҳи ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш қоидаларини белгилаб беради. Шунинг учун у баъзан «уруш ҳуқуқи», баъзан эса улар Гаага конвенцияларида акс эттирилгани боис «Гаага ҳуқуқи» деб аталади. Гаага ҳуқуқининг мақсади – ҳарбий ҳаракатларни маданий халқлар ўртасидаги муносабатларда акс этувчи инсонпарварлик тамойилига асосланган ҳолда бошқаришдир.

Учинчи гуруҳ ҳужжатларида эса ўзаро низода бўлган томонларнинг ўз характериға кўра ҳарбий аҳамиятга эға бўлмаган, лекин маданий кадрият обидаси саналувчи ва табиат объектларига муносабатлари қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги қоидалар жамланган.

ХИҲ қоидаларини жиддий бузган ёки бу ҳақда буйрук берган шахсларнинг жавобгарлиги масалалари халқаро юрисдикция (яъни суд қилиш ҳуқуқи) ҳақидаги ҳужжатлар бўлмиш тўртинчи гуруҳ ҳужжатларда ўз аксини топган. ХИҲ ҳужжатлари Женева конвенциялари ва уларға Қўшимча протоколлар қоидаларининг жиддий бузилишлари учун жазо меъёрларини белгилаб бермайди. Уларда бундай меъёрлар Женева конвенциясига аъзо бўлган ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ амалға оширилиши айтилади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қуролли низолар пайтида амалға оширилган жиноятларни кўриб чиқиш учун халқаро трибуналлар ташкил этиш амалиёти вужудға келди. Бундай трибуналнинг биринчиси ҳарбий жиноятлари ва инсониятға қарши жиноятлари учун асосий нацист жиноятчиларини суд қилиш мақсадида ташкил этилган Халқаро ҳарбий трибунал бўлди. Мазкур масалани кўриб чиқишда ўқитувчиға ўқув қўлланмасининг иккинчи бўлимидаги «Шахснинг ҳатти-ҳаракати ва масъулияти» деб номланган 8-мавзу материалларидан фаол фойдаланишни маслаҳат берамиз.

Айни масалани кўриб чиқишда ХИҲ ва инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқининг асосий қоидаларини қиёсий таҳлил қилиш зарур. Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқининг асосий қоидалари 1948-йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да акс эттирилган. Халқаро ҳуқуқнинг ушбу икки соҳаси инсоннинг жамиятдаги ҳуқуқий мавқеини бошқариб туради ва шахсни ҳимоя қилади. Аммо улар уни турли вазиятларда ва турли воситалар билан ҳимоя қилади. ХИҲ ва инсон ҳуқуқларининг ўзаро алоқадорлиги 1968 йил 12 майда Техронда БМТ томонидан ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференциясида қабул қилинган «Қуролли низолар пайтида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» деб номланган XXIII Резолюцияда расмий жиҳатдан тан олинди.

Барча кишиларға нисбатан ҳар қандай пайтда қўлланилувчи инсон ҳуқуқларидан фарқли равишда ХИҲ фақат фавқулудда ҳолатларда (масалан,

уруш, қуролли низолар ёки миллат хавфсизлигига бошқа таҳдидлар хавф солаётганда) ва Женева конвенцияларида кўрсатилган ҳомийлик остидаги шахсларга нисбатангина қўлланилади. Инсон ҳуқуқлари ва ХИХ бир-бирини тўлдириб туради, бу эса мураккаб вазиятларга тушиб қолган заиф инсоннинг ҳимоясини кучайтиради. Бир-бирини бундай тўлдириб туриш - яшаш ҳуқуқи, камситишга йўл қўйилмаслик, қийноқнинг, ноинсоний ва таҳқирловчи муносабатнинг тақиқланганлиги, кулликнинг ман қилинганлиги, судлов кафолатлари, оилани ва болаларни ҳимоя қилиш, динга ҳурмат ва шу каби асосий нормаларга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

5-боб. УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКА

Оламшумул муаммоларнинг пайдо бўлиши, мохияти, уларни ҳал этиш йўллари ҳамда келажакни илмий башорат қилиш масалалари мактаб таълимидаги фанлараро йўналишнинг энг муҳим жиҳатини ташкил қилади. Бу муаммолар қисмларга бўлинган ҳолда ёки бир бутун тизим кўринишида география, биология, химия, тарих фанларида ўрганилади.

Бобдаги материаллар ва ўқитувчининг кўшимча изоҳларига келсак, улар биринчи навбатда қуйидагиларга қаратилган:

- ўқувчиларга цивилизация жиҳатидан ранг-баранг ва зиддиятли, айна пайтда яхлит ва ўзаро боғлиқликдаги ҳозирги замон дунёси ҳақидаги тасаввурларини чуқурлаштиришга ёрдам беради, чунки иқтисодий алоқалар, маданий алмашинув, транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланиши кучайиб бормоқда;
- оламшумул муаммоларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини, улар кишиларнинг бошқа ҳар қандай муаммоларидан фарқ қилишини кўрсатиб бериб, ўқувчиларнинг оламшумул муаммолар тўғрисидаги билимларини умумлаштиради, айна пайтда уларнинг минтақавий муаммоларга ва минтақавий муаммоларнинг оламшумул муаммоларга таъсирини тушунтиради;
- уларни ҳал этиш учун ҳамкорликда ҳаракат қилиш зарурлигини кўрсатиб беради.

Балки, ўқитувчи тарихий жараённинг ҳам оптимистик, ҳам пессимистик манзараларига урғу бериб ўтиши керак бўлар. Оптимистик қарашлар келажакни тафаккур соҳасининг камол топиши, тинчлик, моддий фаровонлик, ижтимоий адолат ва ривожланган инфорацион технологиялар асосида маданиятнинг юксалиши билан боғлайди. Бирок бошқа ҳисоб-китоблар табиий муҳитнинг бузилиши, цивилизациялар ўртасидаги урушлар, жамият ҳаётининг тўлиқ компьютерлаштирилиши туфайли шахснинг маънавий қашшоқлашувига олиб келиши ҳақида хабар беради.

Келажак ҳақидаги башоратлар ҳусусида хулоса қилишда қуйидаги фикрга келиш керак: пессимистик руҳдаги кўплаб башоратларга қарамай, инсониятни келажакка элтувчи йўл бор. Бу Ер сайёрасида одамлар ўртасида амалий натижа берадиган фаол инсоний муносабатларни мустаҳкамлашдири.

13-мавзу *XXI аср ва жамиятнинг келажаги ҳақидаги прогнозлар.*

Жаҳоннинг йирик мамлакатлари тутган йўл тўғрисидаги баҳслар янги куч билан авж олган шароитда бутун дунё учун ва Ўзбекистон учун умумий бўлган тенденцияни ҳамма ҳам англаб етатишни йўқ. Бу тенденция индустриал жамиятдан постиндустриал ахборот жамиятига ўтишдан иборатдир. Мазкур умумжаҳон жараёнини тадқиқ этувчилар унинг ўзига хос хусусиятлари ичидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатадилар:

- ахборот жамиятига ўтиш кучли, кенг ва чуқур ўйлаб чиқилган таълим тизимини яратиш билан бирга кечиши лозим;
- фақат техникавий таълим эмас, балки ижтимоий-гуманитар таълим ҳам бекиёс аҳамиятга эга бўлади, чунки гуманитар таълим тор доирадаги технократ мутахассисни эмас, мулоҳазали, маънавий ва ахлоқий кадрлар тақдири тўғрисида қайғурадиган, кенг ижтимоий дунёқарашга эга бўлган инсонни тарбиялаш имконини беради;
- иктисодий нуктаи назардан фикрловчи (прагматик), фан ютуқларини ўзлаштирган ва моддий тараққиёт натижаларини ўзига жо қилган одамнинг аста-секин бутун инсониятга тегишли маданий, маънавий ва ахлоқий ютуқларни ўзига сингдирган шахсга айланиши юз беради;
- инсон фаолиятининг барча соҳалари, барча фанлар инсонийлашади. Инсон ҳақидаги фан, ёки инсоншунослик, нафақат илмий тадқиқотларни, балки амалий фаолиятнинг барча турларини руҳлантириши, инсонпарварлик мазмун ва мақсадлари билан тўлдириши лозим: таълимни гуманитарлаштириш, технократик йўналишни енгиб ўтиш зарур;
- барча даражадаги касб-ҳунар таълимида ихтисосликларни кенгайтириш, техниканинг турли авлодлари, иш тури ва иш жойи алмашганда уларга мослашишни қийинлаштирадиган жуда тор мутахассисликларни бартараф қилишга эҳтиёж кучаяди; умумилмий ва махсус фанлар дунёқарашни ўстирувчи умуммаданий, маънавий ва жисмоний тарбия билан қўшиб олиб борилади, бундан мақсад малакали мутахассис, ишчи постиндустриал давр талабларига жавоб берадиган, ҳар томонлама баркамол шахс бўлишидир.

Ижтимоий прогнозга мисоллардан бири экспоненциал ўсиш, ёки одамлар сонининг геометрик прогрессия бўйича ўсиши ва уларнинг моддий бойликлар билан таъминланганлик даражасининг арифметик прогрессия бўйича ўсиши моделидир. Асосчиси инглиз мутафаккири Томас Роберт Мальтус (1766-1864) бўлган ушбу модель илмий адабиётларда етарли даражада ҳар тарафлама ёритилган.

XX асрнинг 60-йилларида Ғарбда келажак тўғрисида алоҳида фан – футурология яратилди. Футурология деганда “келажакни тадқиқ қилиш”, “келажак тарихи” тушунилади. Футурологик башоратлар илмий билимлар тизимида мустақил ўринга эга.

Ҳозирги замон америка футурологи Олвин Тоффлер ўзининг “Футу-

рошок”, “Учинчи тўлқин”, “Шарт-шароитлар ва прогнозлар” номли китобларида кишилик жамиятининг тараққиётида тамомила янги давр бошланишини башорат қилади ва бу даврни “*постиндустриал*” ёки “*супериндустриал*” жамият атамаси билан таърифлайди. Ушбу концепциянинг асосини З.Бэжинский, Д.Белл ва О.Тоффлерлар томонидан ишлаб чиқилган ахборот жамияти тўғрисидаги гоёлар ташкил этади. Ушбу даврнинг бошланиши инсоният турмушининг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланганлигини аңлатади.

Бу жамиятнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир: *техника соҳасида* – саноат, иқтисодиёт ва ишбилармонликнинг барча соҳаларига, таълим тизими ва турмушга ахборот технологияларининг кенг жорий қилиниши; *ижтимоий соҳада* – ахборот турмуш сифатини ўзгартиришнинг муҳим омилига айланади, унинг таъсирида янги ахборот онги шаклланади; *иқтисод соҳасида* – ахборот товар ва хизматларнинг асосий ресурсига айланади, қўшимча қиймат ва бандлик манбаи бўлиб қолади; *сиёсий соҳада* – кўпфирлилик (плюрализм) ва демократия тамойилларини амалга оширадиган сиёсий жараённинг асоси бўлмиш ахборот олиш эркинлиги таъминланади; *маданият соҳасида* – алоҳида шахс ва умуман жамият тараққиётининг эҳтиёжларига жавоб берувчи тегишли меъёрлар ва қадриятларнинг шаклланиши.

Ахборотлаштирилган супериндустриал жамият нафақат сайёрамиз кўринишини ўзгартириши, балки ижтимоий мавжудот бўлган инсоннинг ўзининг моҳиятини ўзгартириши керак. Бу даврда моддий бойликларнинг ҳар қандай етишмовчилиги бартараф этилган бўлади. Жамият илгари кўрилмаган ходисага – моддий ва маънавий бойликларнинг мислсиз кенг таклиф қилинишига дуч келади. Бу нарса, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларнинг жуда юқори шиддати билан қўшилган ҳолда, инсоннинг уларга мослаша олиш қобилиятини синдириб қўйиш таҳдидини вужудга келтиради.

Тоффлер ушбу жамиятни “ўтиш даври жамияти” атамаси билан таърифлайди. Аввалги, ўтмишдаги даврларга хос бўлган оила, дўстлик каби ижтимоий алоқалар шубҳасиз бузилиб кетади. Одамлар ўртасидаги муносабатлар улар бажарадиган вазифалар нуктаи назаридангина белгиланади. Тоффлернинг сўзларига кўра, жамият “бир марталик инсонни” шакллантиради.

Бу одам юқори даражадаги ҳаракатчанликка эга. У бирор-бир миллий, маданий ёки тарихий хусусиятларни сақлаб қолишга муҳтож эмас. Супериндустриализм, Тоффлернинг фикрича, инсонни ердаги ҳаётдан энг узоқлаштирилган нуктасидир, бунда у маданий ва тарихий индивидуалликдан холи бўлади. Супериндустриал инқилоб, унинг фикрига кўра, бундан кейин ҳам кишилик жамиятини навбатдаги, янада юқори ривожланиш босқичи сари ҳаракатлантиради.

Шу ўринда бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин. Лекин муҳими шундаки, ҳислатлари эндигина намоён бўлиб бораётган янги жамиятда *ахборот* ва *билимлар* асосий ўринни эгаллайди. Бугунги кунда энг ривожланган мамлакатларда саноат ва қишлоқ хўжалиги, алоқа ва коммуникациялар, турмуш ва кўнғил очишлар, таълим ва маънавий ҳаёт фундаментал фанларнинг ютуқларига мустаҳкам таянган бўлиб, тобора кўпроқ илмий билимлар-

ни талаб қиладиган бўлиб бормоқда. Саноат ишлаб чиқаришида хозирданок “қўқ ёқалилар” (оддий ишчилар) сони камайиб боришига, уларнинг ўрнига “оқ ёқалилар” (мутахассислар) ва «темир» роботлар чиқишига олиб келувчи жараёнлар юз бермоқда.

Жамиятнинг маънавий соҳасида ҳам ахборот технологияларини маданий ўсишнинг қудратли генератори ва кескин кучайтирувчисига айланган сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шахсан фойдаланиладиган электрон воситалар инсонга ҳар қандай маълумотга эга бўлиш имкониятини бериб, бир томондан, алоҳида одамнинг дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам бермоқда, иккинчи томондан эса, “қаерлардандир” келаётган улкан ахборот оқими қадрият мўлжаллари ва идеалларни танлай олмайдиган ёш авлодда қадриятлар тизимининг шаклланишига халақит бермоқда.

Ахборот инкилоби сиёсий муносабатлар соҳасига таъсир кўрсатиб, ҳар бир кишининг демократик қарорлар қабул қилинишида бевосита иштирок этиш имкониятларининг кенгайишига, индивидуал демократик эркинликнинг мустаҳкамланишига қўмак бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, хабардорликнинг юқори даражаси, ижодий имкониятларнинг уйғониши, кишилар мулоқотининг янги усуллари келажакда янги типдаги инсон шахсини вужудга келтиришга, умуман инсоният таракқиёти билан боғлиқ бир қатор муаммоларни келтириб чиқаришга қодир.

Мулоҳазалар якунида шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, турли-туман шаклларда бўлишига қарамасдан, ижтимоий прогнозлар самарали инсонпарварлик ғояси билан суғорилган бўлиши лозим. Бу тушунча анча мураккаб бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кишиларнинг тирик ва нотирик табиатга нисбатан алоҳида (“инсоний”) муносабати, ҳаётни ўзига хос тарзда эъзозлаш, унинг олдида тиз чўкиш (А.Швейцер); инсон ҳаётига олий қадрият сифатида қараш;
- ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, коллективизм, ҳамдардлик, меҳрибонлик, хурмат, бирдамлик, кадр-қиммат ва бошқа ўзига хос ижтимоий туйғулар;
- етарли даражадаги моддий фаровонликни кўзда тутувчи инсоннинг маънавий турмуш тарзи, бу турмуш кишиларнинг “одам одам учун бўри” тамойилига кўра хатти-ҳаракатларини истисно қилиши;
- инсонга эркин, ижодкор, ҳуқуқ ва кадр-қимматга эга, эзгулик ва ҳақиқатга интилувчи, гўзалликка ташна, яқинларига ва бегоналарга қўмак беришга доимо тайёр мавжудот сифатида қарашни асословчи ғоялар тизими;
- жамият ҳаётининг барча соҳаларида якуний мақсад сифатида инсон фаровонлигини кўзловчи амалий ижтимоий фаолият.

14-мавзу *Давримизнинг оламшумул муаммолари ва Ўзбекистоннинг келажаги.*

Оламшумул (ёки “глобал”, лот. “globus” — “ер шари”) муаммолар деганда, сўз бутун сайёрамизга оид бўлган, умуминсоний аҳамиятга эга ва жуда кўп одамларнинг ҳаётий манфаатларига дахл қиладиган муаммолар ҳақида кетади.

Давримизнинг оламшумул муаммолари — бу ечими ҳамма томонидан англаб етилишини ҳамда барча халқлар ва давлатлар кучининг бирлаштирилишини талаб қиладиган энг кескин дунёвий муаммолар мажмуидир. Бу муаммолар инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи учун қандайдир янги нарса бўлмасдан, балки “инсон-жамият-табиат” тизимида аввал мавжуд бўлган зиддиятларнинг бугунги кун шароитида мисли кўрилмаган даражада кескинлашиб ва чуқурлашиб кетишидир.

Оламшумул муаммоларнинг кескинлашуви ортида бир-бири билан боғлиқ иккита жараён туради:

- жамиятдаги фан-техника тараққиёти;
- ижтимоий тараққиёт.


Глобал муаммоларни учта асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин. Бу гуруҳларнинг ҳар бири *асосий ижтимоий ҳамжамиятлар ўртасидаги, инсон ва табиат ҳамда инсон ва жамият ўртасидаги* муносабатлардан келиб чиқади.

Биринчи гуруҳга халқаро муносабатларни қайта қуриш билан боғлиқ глобал муаммолар киради: жаҳон ракета-ядро урушининг олдини олиш муаммоси, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик тамойиллари асосида янги халқаро тартиб ўрнатиш муаммоси, терроризм муаммоси ва ҳоказо.

Иккинчи гуруҳ — жамият ва табиат муносабатларини уйғунлаштириш, уларни оқилона (оптимал) ташкил этиш ва инсонийлаштириш билан боғлиқ муаммолар. Уларга экологик, демографик, энергетик, озик-овқат, кoinотдан ва дунё океани захираларидан фойдаланиш каби муаммолар киради.

Учинчи гуруҳни жамият ва шахс муносабатларини демократлаштириш билан боғлиқ муаммолар ташкил этади. Бундай муаммолар қаторига эксплуатацияни, қашшоқлик ва ижтимоий тенгсизликнинг бошқа турларини йўқотиш муаммолари, соғлиқни сақлаш ва таълим муаммолари қабилар киради.

Таъкидлаш зарурки, оламшумул муаммолардан биронтасини мустақил муаммо сифатида, бошқалари билан ўзаро боғланмаган ҳолда ҳал қилиш мумкин эмас. Масалан, бир қатор ижтимоий-маданий муаммоларни ҳал этмасдан ва қуролланиш пойгасини тўхтатмасдан туриб, экологик инкироздан чиқиш ва, ўз навбатида, унинг оқибатида оғирлашаётган демографик, энергетик ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш мумкин эмас.



АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Амалий қисм материаллари ёрдамида ҳал қилинадиган асосий вазифа муаллифлар фикрича қуйидагилардан иборат: *машғулотларда мунозара иштирокчилари ҳар қандай вазиятда ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига риоя қилиниши зарурлиги, ёрдам ва ҳимояга муҳтож кишиларга нисбатан ҳамдардлик ва бирдамликнинг аҳамияти тўғрисидаги фикрга келишлари кўзда тутилади. Ундан ташқари, муаллифларнинг фикрича, қўлланмада кўтарилаётган муаммолар ўқувчиларга инсоннинг танг вазиятларда ёки шафқатсизлик вазиятларида ҳар хил тарздаги хатти-ҳаракатлар, жумладан, ҳам инсонийлик ва ҳамдардлик, ҳам инсон кадр-қимматини ҳурмат қилмаслик тўғрисида мулоҳаза юритишлариға ёрдам беради. Демак, амалий машғулотларда олиб бориладиган ҳамма иш инсон кадр-қимматини ҳимоя қилиш учун мавжуд бўлган, тинчлик даврида ҳам, қуролли тўқнашувдек фавқулодда вазиятда ҳам — ҳар қандай ҳолатда ҳам риоя қилиниши зарур бўлган қондалар ва қонунлар мавжудлиги тўғрисида ёшларга тушунча беришга қаратилган бўлиши лозим.*

Шу сабабли ўқувчиларда ўз ижтимоий кўникмалари ва маҳоратларини такомиллаштириш имконияти бор. Бу кўникма ва маҳоратлар қуйидагилардир: хатти-ҳаракатнинг турли усуллариға, жумладан стереотипларға (намуна, қолипға) танқидий баҳо бериш; ўз хатти-ҳаракатларининг эҳтимолий оқибатларини таҳлил қилиш; ҳар бир кишини тинглай олиш ва бир-бирининг фикрини эшита билиш ва шу асосда имкониятларни баҳолаш; жамоада самарали ҳамкорлик.

Машғулотларда фаолиятнинг таклиф қилинаётган алгоритмидан (турли хил масалаларни ҳал этишда қай тарзда ва қандай кетма-кетликда натижаға эришишни аниқ кўрсатиб берувчи усул) фойдаланиш тавсия этилади: *- вазифа қўйиш — назарий материалнинг зарур минимуми билан таништириш — муаммоларни муҳокама қилиш — ҳар бир иштирокчининг муаммоларни ўз ижтимоий тажрибаси орқали баҳолаши.*

Амалий қисм концепцияси (Е иловаға қаранг) ва ўқув қўлланмасининг иккинчи қисмида баён қилинган мавзулар материаллари билан диққат қилиб танишиб чиқишни маслаҳат берамиз. Бу муҳим аҳамиятға эға бўлиб, ахборот олишға, билим орттиришға мўлжалланган ва амалий материалларнинг ўзаро нисбати тўғрисида тўлиқроқ тасаввур олишға имкон беради. Бунинг натижасида педагог мавзуни ўрганишға ажратилган вақтни янада аниқроқ бошқариши ва

унинг муҳокамасини чўзиб юбормаслиги мумкин. Биринчи навбатда педагогнинг ўзи дарснинг вазифаларини ва ундаги материалларнинг ғоясини тушуниб олиши муҳокама мақсадидан четга чиқишга йўл қўймайди. Бу амалий машғулот бўйича иш олиб боришда жуда муҳим жиҳатдир. Афсуски, олиб борилган кузатишлар муаллифларга энг аввало гуруҳга аниқ бўлмаган йўл-йўриқ кўрсатадиган (ёки умуман йўл-йўриқ кўрсатмайдиган) педагог кўпинча муҳокамани бошқа томонларга буриб кетади, фан дастури кўрсатмаларига риоя қилмайди, кўпроқ билим орттиришга хизмат қиладиган материаллар билан ишлайди (бундай материаллар ўқувчилар уйда танишишлари учун мўлжалланган), деб таъкидлашга асос бермоқда. Биринчи навбатда аҳамиятли мазмунга эга бўлган ва зарур информацион ва амалий материаллар билан ишлаш ўқитувчига саволларнинг бир қисмини бутун аудитория билан умумий муҳокама қилиш вақтини қисқартириш имконини беради.

Дарс вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида эътиборингизни қуйидаги жадвалга қаратмоқчимиз (“Болалар – жамият келажаги” мавзуси мисолида):

Бўлимларнинг дарс вақти бўйича тахминий тақсимланиш жадвали

“Болалик” тушунчаси. Болаларнинг жамиятдаги мавқеи: ўтмишдан ҳозирги замон сари.	Уруш ҳаракатлари қурбони бўлган болаларга инсоний муносабат намунаси.	Болалар ва ҳозирги замон қуроли моҳирлари	Аскар болалар: йўқотилган болалик ва жамият учун таҳдид.	Акс таъсир – рефлексия (тестлар, галларни ёзиб тугатиш, муҳокама якунлари бўйича қискача эссе).
--	---	---	--	---

30 мин.

10 мин.

10 мин.

20 мин.

10 мин.

Вақтни тақсимлашнинг бунга ўхшаш жадвали ҳар бир амалий машғулот учун ишлаб чиқилиши мумкин.

Педагог савол-топшириқларнинг муҳокамасига (ҳам кетма-кетлигига, ҳам тўла фойдаланилишига) ижодий ёндошиши лозимлигини кўрсатиб ўтиши керак. Мавзуларда (ёзма ёки оғзаки) яқка тартибда жавоб беришни, гуруҳ бўлиб ишлашни, аудиториянинг ялпи ишлашини ҳамда ўқувчиларнинг уйда мустақил ишлашларини талаб қилувчи саволлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олишни тавсия этамиз. Ўқитувчига дарснинг вазифалари ва ғояларидан келиб чиқиб, саволларни аввалдан муҳокама турлари бўйича гуруҳларга бўлиб олишни маслаҳат берамиз. Шунинг ҳисобга олиш лозимки, савол-топшириқларнинг асосий гуруҳи қуйидаги вазифаларни бажаради: мантйкий фикрлаш усуллари ва танқидий ўзлаштириш тажрибасини эгаллашга, нисбатан камроқ саволлар эса фан бўйича билимларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва қўллашга ёрдам беради. Ундан ташқари, деярли ҳар қандай савол-топшириқни “аклий ҳужум” усули орқали ҳал қилиш мумкин (59-бетга қаранг).

Ўқитувчи ўқув қўлланмасидаги материаллар ўқувчи учун мўлжалланганлигини ёддан чиқармаслиги зарур. Семинар жараёнида педагог унинг мазмунидан турлича тарзда фойдаланиши мумкин. Мавзу материалларининг алоҳида бўлимлар кўринишида берилганлиги эса бунга ёрдам беради. *Ўқув дастури мавзуларини ўтишда* бўлимларни ўрганиш ёки, тўғрироғи, улардан фойдаланиш қўлланмада баён қилинган кетма-кетликда бўлиши шарт эмас.

Масалан, амалий машғулотларнинг биринчи мавзуси 4-блокни таҳлил қилишдан бошланиши мумкин (Концепцияга қаранг). Ундан ташқари, ҳар бир мавзу ичидаги савол-топшириқларнинг ечилиш кетма-кетлиги ҳам катъий бўлиши шарт эмас, уларни қандай кетма-кетликда ечиш мунозара давомида заруратга қараб ўзгартирилиши мумкин.

Дарс мавзулари ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларни четдан кузатгандек ўрганишни ва кишининг ўртача намуналарга яқинлаштирилган, “идеал” ҳулқ-атвори бўлишини кўзда тутмайди. Мавзулар ёшларни долзарб мавзуларга ўз муносабатини билдиришга йўналтиради, уларни фикрлашга, ўз нуктаи назарини далиллар асосида ҳимоя қилишга, битта масала бўйича мавжуд муқобил ёндашувларни бир-бирига қиёслашга ундайди. Бундай тажриба алмашуви ўқувчиларга бошқаларнинг ҳамда ўзларининг қарашларини таҳлил қилиш имконини беради. Семинар муваффақиятли ўтиши учун “Тасвирланаётган эпизод ва вазиятларни мен қандай баҳолайман?”, “Мен кимман?”, “Мен ўзимни қандай тутган бўлардим?”, “Шароит ўзимни шундай тутишга имкон берадими?” каби саволларга жавоб топишга уриниб кўриш талаб қилинади. Шу боис ўқитувчи ўз саъй-ҳаракатларини ҳар бир ўқувчининг очик бўлган, шу жумладан шубҳалар, маслаҳатлар ва кўмак учун очик бўлган нуктаи назарини шакллантиришга қаратиши зарур.

Жамиятдаги ўта кескин вазиятлар билан боглик маълумотларни ўрганаётиб, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳуқуқий, ахлоқий, психологик муаммоларга дуч келадилар. Муаллифлар ўқувчиларни ижтимоий ва шахсий муаммолар доирасига жалб қилар эканлар, ҳар бир ёш йигит ва қиз ҳаётини мўлжалларга эга бўлиш йўллари ҳақида ҳам ўйланадилар, дея умид қиладилар. Шунинг учун амалий машғулотларда ўқитувчи ёки олдиндан тайёргарлик кўрган ўқувчи бошқа ўқувчиларга тарих, социология, этика, фалсафа фанларидан қанча билим бериши эмас, балки янги ижтимоий тажрибани амалий ўйинлар давомида ўзлаштиришни ташкил қилиш, фаолият лойиҳаларини, масалан, кочоқлар учун лагерь қуриш муаммосини ҳал этиш билан боглик ҳолда (1-мавзунини қаранг) ишлаб чиқиш ва шу қабилир муҳимдир. Бундай ёндашиш педагоглар учун ҳар доим ҳам қулай бўлавермаслиги ёки уларнинг ҳар бирида ҳам бу усулларни қўллаш кўникмалари мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун амалий машғулотлар одатдаги тартибда ҳам ўтказилиши мумкин.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, ўрта мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари учун “Инсон ва жамият” фани бўйича қўшимча ўқув қўлланмаси” материаллари юзасидан 1999 йилдан буён олиб борилаётган иш амалиёти кўрсатишича, жавобларни мустақил кидириб топишни талаб қилувчи муаммоли усул қўлланма материалларини ўрганишнинг энг самарали усули экан. Муаммолар ечимини фаоллик билан излаш, фаразлар билдириш, уларни асослаш, турли нуктаи назарларни баён қилиш, эркин фикр алмашув, ўқувчиларнинг ўз тажрибаларига, ота-оналарининг ва яқинларининг тажрибасига мурожаат қилишлари, тўпланган бор билимларни амалда қўллаш – буларнинг ҳаммаси муаммоли усулнинг таркибий қисмларидир.

Ўқитувчи ўқувчиларга муаммоли хусусиятга эга масалани ечишни таклиф қилаётиб, амалда мунозара элементларидан фойдаланади. Мунозара – бу фаол, кизиқиш уйғотувчи суҳбат бўлиб, унинг иштирокчилари муҳокама

килинаётган саволларни тушуниб олишни истайдилар. Амалий машғулотларда ишлаш учун тавсия этиладиган ушбу усулнинг моҳияти бу машғулотлар айнан *интерфаол* (фаол ўзаро ҳамкорлик), яъни ҳам ўқувчилар ўртасида, ҳам ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ҳамкорлик ва биргаликда ижод қилиш кўринишида бўлиши лозимлигидан иборатдир.

Интерфаол ёндашиш нима ўзи? “Интерфаол” атамасини ишлатаётганда, кўпинча фойдаланувчининг компьютер билан интерфаол тартибда ишлашини назарда тутадилар. Бу атаманинг педагогикадаги талқинига келадиган бўлсак, куйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим: интерфаол (ингл. *interaction* – ўзаро таъсир) – бир неча кишининг, аynи ҳолда эса ўқувчилар ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги самарали фаолияти демакдир. Интерфаоллик кўйилган вазифани ҳал этиш учун ҳаракатларни бирлаштиришни, баҳс иштирокчиларининг маънавий жиҳатдан ўзаро бойишини, ижодий ташаббускорликни рағбатлантиришни, баҳс олиб бориш қоидаларига риоя қилишни ва бир-бирини ҳурмат қилишни кўзда тутати. Интерфаол услубнинг муҳим тамойилларидан бири шундан иборатки, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси таълимнинг асосий негизи бўлади. Бундай ёндашишда масалаларни ечиш жараёнининг ўзи ҳам жавоб сингари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки мақсад ўқувчиларга тайёр жавобни беришда эмас, балки уларга мустақил ечим топиш кўникмаларини сингдиришдадир.

Дарснинг бошида ўқувчиларни бўлажак мунозарага тайёрлаш, мавзуга оид аввал ўзлаштирилган ижтимоий ва ўқув материалларини эсга олиш имконини бериш муҳим аҳамиятга эга. Буни мавзунинг асосий тушунча ва иборалари вужудга келтирадиган муайян тасаввурлар ҳақида ўқувчилардан сўраш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Янги нарсани ўрганаётганингизда, сиз нимадандир келиб чиқшингиз, ниманидир асос қилиб олишингиз керак, деган ягона умумий қоидали масалаларни ечишнинг муҳим қисми деб ҳисоблаш зарур. Яъни, масала *ўқувчиларнинг дарсидаги фаолиятининг асословчи сабаби (мотивацияси)* тўғрисида кетмоқда. Энг аввало, бу ўқувчиларга, масалан, тарих ва ҳуқуқшуносликдан илгари олинган билимлардан маълум бўлган жиҳатлардир. Бирок бунинг ўзи камлик қилиши аниқ. Эслатиб ўтганимиздек, мунозара самарали бўлиши учун мулоҳазалар учун бошланғич асос ўқувчиларнинг шахсий тажрибаларидан олинган бўлиши лозим. Агар биз ХИХ концепцияси ҳақида гапирадиган бўлсак, унда бу ҳақда тушунча бериш ўқувчиларга аввал маълум бўлган қонун-қоидалар, яъни оилавий муносабатлар, таълим муассасаси, спорт ва маҳалла қабиларга оид қоидалар асосида тузилиши керак.

Ҳар бир ўқувчининг шахсий фикрга эга бўлиш ҳуқуқи борлигини такрорлаб ўтмоқчимиз. Лекин биз ёшлар нима учун инсон кадр-қимматини ҳар қандай вазиятда ҳам ҳурмат қилиш кераклигини, нима учун инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи ҳамда ХИХ каби муайян қоидалар мавжудлигини билиш муҳимлигини ва нима учун уларни ҳурмат қилиш зарурлигини тушунишларини истаймиз. *Агар биз ҳақиқатан ҳам ана шундай тушунишни ривожлантирмоқчи бўлсак, унда бунинг аввал олиш сари қадамба-қадам интилишимиз ва муаммолар устида фикр юритиш учун етарли вақтга эга бўлишимиз зарур.*

Ундан ташқари, ҳуқуқий меъёрлардаги кўпгина тақлиқларнинг изоҳи

кадриятларга оид муайян коидаларга асосланади. Масалан, ХИХда ўч олишга, тинч аҳолига қарши террор қилишга асосланган ҳаракатларни тақиқловчи меъёрлар мавжуд. Демак, биз нима учун ўч олиш қонун билан тақиқланган, деган муаммо устида ўйлаб кўришимиз керак. Буни “Инсонийлик ва шафқатсизлик – ўзаро муносабатларнинг икки томони” мавзусидан фойдаланиб тушуниб олишга уриниб кўрамыз. Мавзуда беҳуда, асоссиз шафқатсизлик қилиш, хусусан, ўч олиш ҳақидаги саволлар муҳокама қилинади. Мулоҳазаларнинг биринчи босқичида ўқувчилар тўлиқ асосга эга бўлган ҳолда ўч олиш истаги табиий нарса, деб ўйлашлари мумкин. Ўз тажрибамиздан биламизки, бирон киши бизни оғрик, қаҳр-ғазаб, камситилганлик, ожизлик ва чорасизлик туйғуларини ҳис этишга мажбурласа, кўпинча шундай бўлади, яъни ўч олиш истаги пайдо бўлади. Сўнгра ўч олиш ходисасини турли томонлардан қараб чиқиш лозим, масалан, шундай шароитларда юз берган воқеанинг тасодифий иштирокчиси бўлиб қолган кишилар нуктаи назаридан ва ҳоказо, яъни бу ходисанинг кўп маъноли эканлиги тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Бошқа бир мисол. «Шахснинг хатти-ҳаракати ва масъулияти» мавзусидаги 1-вазият *дилеммага хос энг характерли вазият* бўлиб, ундаги саволлар ҳам ўч олиш муаммосига тегишлидир. Бу ерда ўқувчилар ўч олиш ва инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа ходисаларга фақат Қонун қарши қўйиши мумкин, деган фикрга қелишлари жуда муҳим. Қонунчиликка амал қилиш эркин ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш сари собитқадамлик билан бораётган Ўзбекистон Республикаси учун айниқса муҳимдир. Бундай жамият ҳар қандай ҳолатда инсон ҳуқуқлари амалга ошишига имкон берувчи қонунларга нисбатан ҳурмат муҳити таъминланишини кўзда тутди.

Дилеммалар тинчлик вақтидагидан фарқли равишда уруш вақтида анча кўп учрайди, бу нарса кишиларнинг ўта кучли жисмоний ва руҳий зўриқиш-ни бошдан кечиришлари билан изоҳланади. Шунинг учун бундай вазиятларда қуролли можаро жабрдийдаларини (ярадор аскарларни, ҳарбий асирларни, тинч аҳолини) ҳимоя қилувчи ҳуқуқий меъёрлар, яъни 1949 йилги Женева конвенциялари ва 1977 йилда қабул қилинган уларга Кўшимча протоколлар зарур бўлади. Ушбу халқаро битимларда қуролли можарода нима мумкин ва нима мумкин эмаслиги аниқ айтилган.

Инсоний муносабатларнинг мураккаб кўринишларини, ҳимояга энг муҳтож шахслар дуч келадиган муаммоларни англаш сари қадамба-қадам борилар экан, *ҳар бир кишида Қонунни ҳурмат қилиш зарурлиги тўғрисида, Ҳамдардлик ва Бирдамликнинг бунга энг муҳтож бўлган кишиларга нисбатан аҳамияти тўғрисида мулоҳаза қилиб кўриш имконияти бор.*

Баъзан дарс ўтишда бундай йўл тутиш ўқитувчи олдида мураккаб вазифани қўяди: таълим жараёнини қай тарзда назорат қилиш керак. Ўқувчилар янги материални қандай ўзлаштирганликлари ҳақида маълумот олишнинг энг кенг тарқалган шакли ёзма ёки оғзаки сўровдир. Баҳолаш борасида анъана бўлиб қолган талабларга кўра, баҳо асосан маълум ҳажмдаги билимлардан фойдалангани учун қўйилади. Ҳозирги вақтда таълим бериш амалиётида рейтинг тизими кенг тарқалган бўлиб, унда ўқувчининг керакли йўналишдаги барча ҳаракатлари ва ютуқлари ҳисобга олинади. Биз ҳар бир мавзу бўйича баҳоларнинг тахминий рейтинг тизимини таклиф қиламиз. Масалан,

Ўқувчи бахсда фаол иштирок этдими — маълум миқдорда балл олади, бошқа ижтимоий-гуманитар фанлардан кўплаб фактлар, ўз ҳаётий тажрибасидан яхши мисоллар келтирдими — яна маълум миқдор балл олади; кичик гуруҳ муаммони фаол муҳокама қилиб, бутун аудитория олдида ишончли сўзладими — бу гуруҳнинг барча аъзоларига қўшимча балл берилади; ўқувчи сўровнома-анкеталарни кизиқарли тўлдирдими — демак, қўшимча балл олади ва ҳоказо. Бундан ташқари, педагог имкониятида, масалан, ўқув қўлланмасида келтирилган статистик маълумотлар бўйича тестлар бўлади (тестларни ҳар иккита дарсдан кейин ўтказиш мумкин); қисқа ёзма ишлар учун, ўқувчилар амалий машғулотлар бўйича иш дафтарларини қандай тутганликлари учун (унга мавзу тушунча ва иборалари моҳиятининг очиқ берилишини, мавзунини ўтиш мантиқини, жалб қилинган ҳужжатлар ва асарлардан кўчирмаларни ва бошқаларни қўшиш мумкин). Ҳар бир машғулотда олинган баллар баҳо қўйиш учун асос бўлиши мумкин. Бу ҳолда ушбу фан бошланишида ўқувчиларга баҳо қўйиш тизимини тушунтириш, машғулотларда рейтингни ҳисоблаб бориш учун маъсул бўлган доимо алмашиб турувчи икки-уч кишидан иборат гуруҳлар тузиш керак.

● **ЎҚИТУВЧИНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА**

Интерфаол педагогика нуктаи назаридан, ўқитувчининг мунозара раҳбари сифатидаги вазибаларига, бир томондан, таълим жараёнининг боришини бошқариш ва, иккинчи томондан, ўқувчиларни дарсда қўйилган масалаларни ечишга йўналтириш қиради. Амалий машғулотлар самарадорлигининг гарови, аввал айтилганидек, ўқувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйишидир.

Ўқитувчи “дирижёр” вазибасини ўташи учун қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- топшириқларни бажариш кетма-кетлигини, ишлаш услубини ва унга кетадиган вақтни аниқ тушунтиради;
- ҳар бир нуктаи назарни ҳурмат қилган ҳолда, ўқувчиларнинг мулоҳазаларини диққат билан тинглайди; баҳсининг ҳар бир иштирокчисидан ҳам шундай йўл тутишни талаб қилади;
- билдирилаётган ғояларни доскада, ватман қоғозиде ва шу кабиларда ёзиб боришни ташкил қилади;
- ўқувчиларнинг жавоб ва фикрларини назарий бўлим мавзулари ва амалий машғулот мавзуларининг асосий ғояси билан мантиқий боғлайди;
- умумий хусусиятларга эга бўлган фикрлардан қочиш максадида аниқ мисоллар келтиради ва аудиториядан ҳам худди шуни талаб қилади;
- у ёки бу фикрга асос бўлган фактларни баён қилишни сўрайди ҳамда бошланғич фактлар ва хулосалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда ёрдам беради;
- ноаниқ фикрларнинг маъносини аниқлаштиради, масалан, бунда батафсил жавоб айтишга ундовчи қўшимча саволлар берилиши мумкин. Бундай саволлар аниқ бир ўқувчига ҳам, бутун аудиторияга ҳам қаратилган бўлиши мумкин;

- эътиборни жавоблардаги қарама-қаршилиқларга қаратади, агар сўзловчининг фикрлари дарс максадидан четга чиқаётган бўлса, уни тўхта-тади;
- баҳс иштирокчиларининг қарашлари ўртасидаги сезиларли фарқларни кўрсатади ва уларни муҳокама қилишни таклиф этади;
- баҳс иштирокчиларидан ҳеч қайсисининг аудиторияда устунликни эгалламаслигига қараб туради;
- баҳсга оралиқ ва якуний хулосалар чиқаради.

● ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИ (УСУЛЛАРИ) ҲАҚИДА

Деярли барча дарсларни ҳар хил турдаги интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказиш мумкин. Улар комплекс равишда ҳам (масалан, баҳсда зарур элемент – далил келтириш), маълум бир кетма-кетликда ҳам (масалан, топшириқларни муҳокама қилишда “ҳар бир киши бошқа кишини ўқитади”, “позицияни танла”, аклий хужум” усуллари қўлланиши мумкин, ундан ташқари, усулларни алмашишда “қор уюми” ғояси қўланилиши мумкин) ишлатилиши мумкин. Агар педагог дарсларни интерфаол усулларда ўтказишга аҳд қилса, унда ўқувчиларни бундай таълим услубияти билан таълимиши зарур.

Гуруҳларга бўлиб ишлаш. Педагогга қуйидагича асосли савол туғилиши мумкин: дарс вақти чекланган бўлса, қандай қилиб барча ўқувчиларга ўз фикрини билдириш имкониятини бериш мумкин? Фикримизча, агар дарсда иш маълум тарзда уюштирилса, бундан амалга ошириш мумкин. Кичик гуруҳларга бўлиб ишлаш мунозара ўтказиш ва ўқувчиларни баҳсга жалб этишнинг энг самарали шакллари билан биридир. У ҳатто энг уятчан ва журъатсиз ўқувчиларга ҳам фаоллаштириш имконини беради.

Гуруҳ 4-5 кишидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Бундай таркибда ҳар бир иштирокчи қўйилган масалани ечишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Шу тарзда гуруҳнинг иши рағбатлантирилади ва ҳар бир иштирокчи самарали ишлай олади.

Бироқ бу фаолият ўқитувчидан ҳам, ўқувчилардан ҳам муайян амалий кўникмаларни талаб қилади.

Гуруҳлар ишини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин:

- гуруҳларга бўлиш (уларнинг таркибини мунтазам ўзгартириш, 3 кишидан кўп бўлмаган гуруҳлардан бошланг), аудиторияда тегишли тарзда муҳит яратиш;
- иш олиб бориш (яъни баҳслашиш) қоидаларини (бу қоидалар олдиндан коллектив равишда қабул қилиниши ва кўринарли жойга илиб қўйилиши мумкин), топшириқни (қандай бажариш, қанча вақт сарфлаш, қим вақтни кузатиб боради, ҳатто гуруҳлар учун ёзма йўриқномалар тайёрлаш, лекин уларни оғзаки эълон қилиш максадга мувофиқ) ва ундан сўнгги амалларни (масалан, натижалар истаган ҳар қандай ўқувчи томонидан бутун аудиторияда муҳокама қилинади ёки гуруҳ вакили гуруҳнинг умумий фикрини барчага хабар қилади) тушунтириш;

- хар бир гуруҳда бахсни олиб борувчи, котиб, маърузачи белгиланади (жуда киска вақт ичида);
- хар бир гуруҳда муаммони муҳокама қилиш;
- гуруҳда қабул қилинган ечимни тақдим қилиш;
 - умумий аудиторияда гуруҳларнинг ишига яқун чиқариш.

Бахс-мунозара – бирор-бир бахсли масала ёки муаммони оммавий муҳокама қилиш. Ўқувчилар билан биргаликда мунозара олиб бориш қоидаларини ишлаб чиқиш мумкин. Бунга асос сифатида қуйидагиларни тақлиф қиламиз:

- бахсга киришишдан аввал ўз нуктаи назарингизни аниқ шакллантириб олинг;
- ўз нуктаи назарингизни қўллаб-қувватловчи далилларни тайёрланг;
- содда тилда, лекин мантикли ва изчил гапиришга ҳаракат қилинг;
- ўз фикрларингизни фактларга асосланиб тузинг, ўзингиз аниқ билмаган нарсани гапирманг;
- сиз фикрига қўшилмаган кишининг фикрларини ногўғри талқин қилманг;
- айтиб ўтилган ғояларни такрорлашга фақат шахсий нуктаи назарни исботлаш мақсадида йўл қўйилади;
- овозингизни баланд кўтарманг. Энг яхши далил – аниқ ва текширилган фактлар, ишонтиришнинг энг яхши воситаси – қатъий мантиқдир;
- гуруҳдошингизни хафа қилмасликка, камситмасликка ҳаракат қилинг. Бахсдошингизга ҳурмат кўрсатишингиз – сиз нафақат бахсда кучли эканингизни, балки яхши тарбия кўрганлигингизнинг ҳам далили;
- унча фаол бўлмаган ва уятчан ўртоқларингизни ҳам мунозарага жалб этишга интилинг – хар бир кишининг фикри хал қилувчи ахамиятга эга!

Далил келтириш – бирор бир фикр, концепция, назариянинг ҳақиқат эканлигини тасдиқлаш учун келтириладиган бошқа фикр, мулоҳаза ёки мулоҳазалар йиғиндиси.

ФСИ услуги. Ўқувчиларнинг муҳокама қилиш маҳоратини ўстириш усули. Бунда муҳими хар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикрини ёки ғоясини билдиришидир. Муҳокама кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши лозим:

- фикр – ўқувчилар ўз фикрларини, нуктаи назарларини баён қиладилар;
- сабаб – ўқувчи нима учун бошқача эмас, айнан шундай ўйлаётганлигининг сабаблари кўрсатилади;
- изоҳ – мисол билан келтирилган сабаб изоҳланади;

Тадқиқот (масалан, ўхшашликлар ва фарқларни топиш; кетма-кетликни белгилаш; мослик, устунлик ёки камчиликларни топиш; оқибатларни аниқлаш; умумлаштириш) – ўқувчиларнинг ечимни ишлаб чиқишлари жараёни, у оғзаки ёки ёзма тарзда бўлиши ҳам, шунингдек, “аклий ҳужум” услуги билан амалга оширилиши ҳам мумкин. Бундай ёндашишда (қўлланма матни, қўшимча адабиётлар, маълумотномалар ва ОАВ хабарларига оид) фактлар ва статистик материалларни таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Эҳтиёжларни баҳолаш — бирор ҳолат ёки бошқа фактик материал асосида аввало муайян гуруҳларнинг эҳтиёжлари аниқланади, сўнг муаммони ҳал этиш учун маълум ҳаракатлар рўйхати кўрсатилади. Бу топшириқнинг биринчи варианты — 1-мавзудаги қочоқлар учун лагер қуришни режалаштириш (64-бетга қаранг), иккинчи варианты — қўйидаги мазмундаги жадвалларни тўлдириш: бирор ҳаракатни амалга оширишда фуқаро нима қила олиши мумкин, давлат нима қила олиши мумкин, фуқаро ёки давлат нима қила олмайди (88-бетга қаранг); бирон нарса-ходисанинг ҳозирги замондаги шахс ёки давлат учун, Амир Темур давридаги давлат ёки шахслар учун устунликлари нимада (66-бетга қаранг).

Аҳамиятига қараб тартибга солиш — бунда бир қатор мулоҳазаларни қўриб чиқиш ва уларнинг ҳар бирини бошқасига нисбатан муҳимлиги ёки қимматлилиги жиҳатидан таққослаш талаб этилади. Бундай топшириқни бажариш шахсий фикрга асосланган бўлиб, кўп баҳсларга сабаб бўлади. Бу хилдаги топшириқлар ўқувчиларнинг бирор муаммони амалда қандай тушунишларини аниқлаш учун жуда фойдали. Масалан, бир гуруҳ таниқли арбобларнинг битта муаммо бўйича билдирган фикрларини шу тарзда табақалаштириб қўриш мумкин.

Ролларга бўлиниб ўйнаш — педагог таклиф қилган дилемма вазиятини сахналаштириш. Бундай ёндашувда ўрганилаётган муаммолар шахсий аҳамиятга эга бўлиб боради: ўқувчилар образга кирар эканлар, муаммони янада чуқурроқ ўрганадилар. Бу хилдаги машқларни бажаришда актёрлик қобилияти унчалик аҳамиятга эга эмас. Берилган ролга мос хулқ-атвор усулини (тарзини) танлаш, инсон ҳатти-ҳаракатларининг сабабларини, унинг қўнғлида кечаётган ҳолатни ва юз бераётган воқеаларга муносабатини асослаб бериш қобилияти кўпроқ муҳимдир. Ўйин давомида иккинчи даражали ҳолатларни муҳокама қилиш билан овора бўлмасдан, қўйилган масалани ечиш муҳим.

Ҳар ким ҳар кимни ўқитади — ўқитувчи ўқувчиларга варақчалар тарқатади, бу варақчаларда, масалан, Конституциядан, шунга ўхшаш бошқа қонунчилик ҳужжатларидан, халқаро битим ёки биронта асар матнидан кўчирма бўлиши мумкин (ҳар бир иштирокчига биттадан варақча). Бунда ҳар учинчи ёки тўртинчи варақчада бир хил ахборот қайтарилади, яъни уч ёки тўрт қарточка гуруҳдаги ўқувчилар сонига мос нусхада қўпайтирилади. Ҳар бир ўқувчи “ўзининг” варақаси билан танишиб чиқиб, қисқа вақт ичида бундай маълумотга эга бўлмаган гуруҳдошларини “ўқитади”, худди шундай қарточкага эга бошқа ўқувчилар унинг фикрларини тўлдириши мумкин.

Ўз позициянгни танла (фикрлар шкаласи) — бу ҳаракатчан ўйин варианты бўлиб, уни ўтказишда ўқувчиларнинг у ёки бу вазиятга муносабати аниқланади. Ўқувчилар олдида баҳс-мунозарага қадар муайян муаммо қўйилади ва унинг аниқ ечими берилади. Аудитория деворларига ечимга “Розиман”, “Рози эмасман”, “Шубҳаланаман” сўзлари ёзилган плакатлар осиб қўйилади (учта плакатга “100%”, “50%”, “0%” рақамларини ёзиш билан ифодалаш ҳам мумкин). Ўқувчиларга уларнинг нуқтаи назарини акс эттирадиган плакат ёнида туришни таклиф қилинг. Улардан ўзаро маслаҳатлашиб олиб, нега айнан шу позицияни эгаллаганини тушунтириб беришни сўранг. Баҳсдан сўнг шу гуруҳлар аъзолари нуқтаи назарлари ўзгарган-ўзгармаганлиги тўғрисида ўз фикрларини

ни айтишлари керак. Хар бир гуруҳдан қарама-қарши томон келтирган энг ишонарли далилни айтиб беришни илтимос қилиш мумкин.

Бу машқ гуруҳларда ёзма равишда ҳам бажарилиши, мустақил экспертлар гуруҳи (хар бир гуруҳдан баҳсни кузатиб турадиган, лекин баҳсга аралашмайдиган бир киши ажратилади) эса хар бир гуруҳ танлаган қарорни изоҳлаб бериши мумкин.

Ақлий ҳужум – қисқа вақт ичида берилган масалани ечишнинг кўплаб йўллари топишга имкон берувчи услуб. Педагог ўқувчиларга муайян қисқа вақт ичида муаммони ҳал этишнинг ёки муаммо вужудга келиши ҳақидаги фаразларнинг имкони борича кўп вариантларини айтишни таклиф қилади. Энг кўп микдорда ғоя билдириш рағбатлантирилади. Қарор гуруҳдаги барча аъзолар томонидан қўллаб-қувватланиши лозим. Бир киши бу қарорни бутун аудитория эътиборига ҳавола қилиши керак. Гуруҳнинг қарорини ҳамма кўриши ва кейинчалик мақсадга йўналтирилган ҳолда муҳокама қилиш учун ватман қоғозига ёзиб қўйилса яхши бўлади.

Умумлаштириш – бунда ўқувчилар ўрганилаётган материалнинг асосий жойларини аниқлашлари, уларни турли усулларда муайян шаклга киритишлари ва ёзиб олишлари керак. Бундай ахборот рўйхат, қисқа иншо, жадвал, чизма, схема кўринишида бўлиши мумкин.

Кластерларга бўлиш услуби. Кластерларга бўлиш – бу ўқувчиларга бирор-бир мавзу юзасидан эркин ва очик фикр юритишга ёрдам берувчи педагогик стратегиядир. Бу усул ғоялар ўртасидаги алоқалар ҳақида мулоҳаза юритишни рағбатлантиришга имкон берадиган таркибий қисмларнигина ажратиб олишни талаб қилади. Бу тафаккурнинг ўзига хос шакли бўлиб, миямиз қандай ишлаши билан яқиндан боғлиқ.

Кластерларга бўлиш даъват босқичида ҳам, мулоҳаза юритиш босқичида ҳам ишлатилади. У жуда содда ва осон эса қолади:

1. Асосий сўзни ёки гапни қатта қоғоз варағининг ўртасига ёки доскага ёзинг.
2. Шу сўз билан боғлиқ бўлган ва миянгизга келган сўз ёки гапларни ёзаверинг.
3. Сизда пайдо бўлган ғояларни ёзишингиз баробарида ушбу ғоялар ўртасидаги сизнинг фикрингизча мавжуд бўлган боғлиқликларни ҳам аниқлаб боринг.
4. Фикрингизга қанча ғоя келса, шунча ёзинг ва бу ишни ажратилган вақт ёки миянгизга ғоялар келмай қолганига қадар давом эттиринг.


Кластер усулини қўллашнинг бир неча асосий қоидалари мавжуд:

1. Хаёлингизга келган ҳамма нарсани ёзиб боринг. Бу фикрларнинг сифати ҳақида ўйламанг, уларни фақат ёзиб қўяверинг.
2. Орфография ва ёзишни қийинлаштирадиган бошқа жиҳатларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агар бирдан ғоялар хаёлингизга келмай қолса, унда ғоялар пайдо бўлгунича қоғозга чизиб турунг.


4. Иложи борича қўпроқ алоқаларни белгилашга ҳаракат қилинг. Ғоялар сонини, уларнинг йўналиши ва улар ўртасидаги алоқаларни чекламанг.
5. Сиз илк бор кластерлар усулини қўллаётган бўлсангиз, гуруҳдаги барчага таниш бўлган мавзунини танланг. Намуна сифатида “Ватан”, “Боғдорчилик” каби мавзулардан фойдаланиш мумкин.

Венн диаграммаси. Венн диаграммаси икки ва ундан ортиқ ўзаро кесишадиган доиралардан иборат. Бу усул ўзига хос қайтарилмас ва умумий хусусиятларга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ ҳодисаларни бир-бирига таққослаш ёки уларни таҳлил қилишга имкон беради. Мавжуд доираларнинг ҳар бири таҳлил қилинадиган ёки таққосланадиган маълум муаммо ёки ҳодисани билдиради. Қуйида келтириладиган 1-чизмада икки доирадан иборат бўлган Венн диаграммаси келтирилган. «Инсонийлик ва шафқатсизлик — ўзаро муносабатларнинг икки томони» мавзуси мисолида 1-доира (А)га ўқувчилар Умархоннинг давлат бошқарувида оид ўзига хос бошқарув хусусиятлари ва шу қабиларни ёзишлари, 2-доирага (Б) эса Амир Насруллонинг давлат бошқаришига, ҳукмронлик усулларига оид ўзига хосликларни ёзишлари мумкин. Иккала доиранинг кесишган қисмига эса (АБ) ушбу икки ҳукмдор учун умумий жиҳатлар ёзилади.

Учта ёки ундан ортиқ муаммони таҳлил қилишда ёки таққослашда эса уларга мос равишда уч ва ундан ортиқ доирадан иборат диаграммадан фойдаланилади. Бу усул ўқувчиларга ўз билимларини намоён қилишга, ҳодисаларни маълум белгилар бўйича таҳлил қилиш ва таснифлашларига, турли муаммо ва фикрларни ўзаро таққослашларига имкон беради.



Рисм 1




Рисм 2

«Чархпалак» усули. Бу усул бир неча гуруҳлардан уларга берилган саволларга жавоб олишга имкон беради. Масалан, 5 та гуруҳ ташкил этилади. Ҳар бир гуруҳга ватман қоғозига ёзилган биттадан савол берилади. Уларга жавоб ёзиш учун 2-3 минутдан вақт ажратилади. Шу вақт ичида ҳар бир гуруҳ ватман қоғозига берилган саволга ўз жавобларини ёзиши ва қолган 4 гуруҳга ҳам ўз жавобларини ёзиши учун жой қолдириши керак. Ажратилган вақт тугагач ҳар бир гуруҳ ўз қоғозларини соат стрелкаси бўйлаб (ёки стрелкага тескари йўналишда) кейинги гуруҳга беради. Гуруҳлар уларга берилган саволларга яна ўз жавобларини ёзиб уни навбатдаги гуруҳга узатадилар. Шундай қилиб, ватман қоғозлари чархпалак мисол айланади, бу ҳол ҳар бир гуруҳга ўзларининг дастлабки саволлари қайтиб келгунча давом этади. Бу усул 10 — 15 минут давомида 5 гуруҳдан мавзунинг 5та саволига ёзма жавоб олишга имкон беради.

● АУДИТОРИЯНИ БЕЗАТИШ ВА ЖИХОЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Баҳс иштирокчиларининг самарали мулоқотларини енгиллаштириш мақсадида аудиториядаги парталар ва ўқув жиҳозларини жойлаштиришнинг тахминий вариантларини таклиф қиламиз.

Аудиторияни баҳс олиб боришга оид коидалар, таникли кишиларнинг фикрлари, ҳикматли иборалар, мақол ва маталлар ёзилган плакатлар билан безатиш мумкин. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг шарҳлари келтирилган махсус стендлар, географик ва сиёсий хариталар, тарихий шахсларнинг портретлари, китоблардан олинган иллюстрациялар, картиналарнинг нусхалари, фотосуратлар ва кўплаб бошқа шунга ўхшаш нарсалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўқитувчига аудиторияда вазиятга қараб парталарни турлича жойлаштиришга эътибор беришни сўраймиз.



● БАҲС-МУНОЗАРАНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Баҳс-мунозарада иштирок этиш. Кўпинча машғулотларда фақат бир неча кишигина ўқув жараёнида фаол катнашади, қолганлар эса ўзини четга тортиб туради. Баҳс иштирокчилари доираси энг фаол ўқувчилар билан чекланиб қолиши мақсадга мувофиқ эмас. Айнан мана шу сабабли баҳс-мунозарани кичик гуруҳларда ўтказиш тавсия этилади. Педагог бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтиб, уларнинг ишини бошқариб бориши, муҳокама мавзусига оид қўшимча саволлар билан ёрдам бериши, ишчанлик муҳитини сақлаб туриши лозим. Фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқувчиларга 3 минутдан 10 минутгача бўлган қандайдир аниқ муддат давомида ўқитувчининг аралашувисиз саволларни муҳокама қилиш имконини бериш керак. Бироқ ўқувчилар мавзудан ташқари суҳбатларга берилаётган бўлсалар, ўқитувчи аралашishi зарур. Ҳатто жонли баҳс кетаётган бўлса ҳам, хулқ-атвори бошқариб турувчи интизом ҳақида унутмаслик лозим. Гуруҳларда мустақил ишлаш фикрларнинг эркин бўлишини назарда тутати, лекин фақат салбий танқид ва нигилизм (ҳамма нарсани инкор этиш) — бу эркинлик эмас.

Рефлексия (лот. reflexio — ортга мурожаат, ортга қайтиш) — ўқувчиларнинг дарс тўғрисидаги тасаввурларини ўрганиш шакли. Ҳар бир машғулот якунида ўқувчиларга алоҳида варақда бир-иккита фикр ёзишни таклиф қилиш мумкин:

- бугун мен қандай янги нарсани ўргандим...;
- мени ҳайрон қолдирган нарсаси шу бўлдики, ...;
- менда шундай саволлар туғилди... (бу саволларни кейинги машғулотда доскага, ватман қоғозига ёзиш мумкин).

Шунга ўхшаш ишнинг бошқа тури: педагог дарс тугашида ўқувчиларнинг эътиборини асосий ғояларга қаратади (Концепцияга қаранг), масалан, уларни ўқиб беради ва ҳар бир ўқувчидан бу муаммоларни у қандай тушуниши тўғрисида иш дафтарида бир неча қатор фикр ёзишни сўрайди.

● АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Мавзулар бўйича тавсиялар асосан ўқитувчиларга камроқ таниш бўлган халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи (ХИХ)га доир масалаларга тегишлидир. Саволларга оид тушунтиришлар жамиятшуносликнинг назарий курси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг моҳияти, асосий қоидалари ва унинг меъёрларига амал қилишнинг ўзига хос масалалари юзасидан бўлади.

1-мавзу Бошпана қидириб

● ҚЎШИМЧА ИЗОҲЛАР

Кишилар ўз уйларини кўпинча ижтимоий ва иктисодий сабабларга кўра ташлаб кетадилар: яъни иш қидириб, таълим олиш учун, турмуш қургани боис, даволаниш учун ва ҳоказо. Ушбу дарсда ҳозирги замон жамиятининг кишиларга оғир азоб-уқубатлар олиб келадиган қуроли можароларнинг оқибатидек ходисаси таҳлил қилинади. Ҳозирги даврда бу ходиса нафақат уруш оловида қолган мамлакатларга, балки ҳар қандай тинч ҳаёт кечираётган давлатга ҳам тегишлидир.

Маълумки, айнан қуроли можаролар аҳолининг бундай низо юз бераётган давлат чегараларидан ташқарига ҳам, шу давлат ҳудудининг ичида ҳам оммавий равишда кўчишларига олиб келади.

Бундай фуқаро шахслар қуроли можаро қурбонлари бўлиб, улар «Уруш пайтида фуқаро аҳолини химоя қилиш тўғрисида»ги Женева конвенцияси (1949) ва Женева конвенцияларига Қўшимча протоколлар (1977) меъёрларининг химояси остига олинган. Кишилар таъқибдан хавфсираб (масалан, этник танглик вақтида, демократик эркинлик мавжуд бўлмаган шароитларда ва б.) бошқа мамлакатлардан бошпана қидирган ҳолатларда уларнинг манфаатлари «Қочоқларнинг мақоми тўғрисида»ги Конвенция (1951) қоидалари билан химоя қилинади.

Кўпсонли қочоқларнинг келиши аввал тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган жойлар ва минтақаларда танглик ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто турмуш кечириш учун озиқ-овқат, тураржой, тиббий ёрдам ва гигиена талабларига бўлган одатий эҳтиёж моддий таъминот, маҳсулотлар, озиқ-овқат сотиб олиш, уларни тенг ва мутаносиб тақсимлаш билан боғлиқ кўплаб муаммоларга олиб келади. Қочоқлар муаммоси умумбашарий кўламдаги таҳдид кўринишига эга бўлиб бормоқда. Бу масалани юмшатиш учун барча давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари талаб қилинади. Ўз уй-жойини ташлаб кетишга мажбур бўлган одамлар миқдори бугунги кунда бир неча ўнлаб миллионларга етаётганлиги сабабли, қочоқларга ёрдам бериш муаммосини ҳал этишга ҳар бир кишининг қатнашиши зарурияти пайдо бўлмоқда.

Баъзи мамлакатлар ўз миллий заҳиралари қочоқларга амалда ёрдам кўрсатиш учун талаб даражасида эмаслиги сабабли Қочоқлар ҳақидаги конвенцияга қўшилиш имкониятига эга эмас. Ундан ташқари, қочоқлар оқими турли хил жангарилар, террорчилар ва жиноий унсурларнинг кириб келиши, миллий хавфсизлик асосларига путур етиши, миллий бюджетда сезиларли етишмовчилик пайдо бўлиши каби салбий ҳолатларни юзага келтириши мумкин.

Масалага шундай ёндашиш Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ҳосилдир. Бирок бизнинг мамлакатимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан изчил борар экан, қочоқлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг халқаро аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, “МДХ мамлакатларининг қочоқлар ва мажбурий кўчирилганларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги” минтакавий Битимга аъзо бўлди. Ушбу Битимда қуролли, миллатлараро можаро юзага келган ҳолларда бошпанага муҳтож бўлувчи шахслар юзасидан томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги қайд этилган. Қўлланмада таъкидланганидек, давлатимиз БМТ Қочоқлар иши бўйича Олий Комиссари Бошқармаси томонидан қочоқларга берилган мақомни тан олади.

● УМУМИЙ УСЛУБИЙ МАСЛАҲАТЛАР

Ўқувчилар ўзлари кўниқиб қолган турмуш шароити ва нарсаларидан фарқ қилувчи вазиятларда (масалан, яхши кўрган қўғирчоғини йўқотиб қўйганда, ёки уйдагидан фарқли шароитга тушиб қолганда) қандай туйғуларни ҳис этганликлари ҳақида ўйлаб кўришлари керак: улар қимдан ёрдам кутишган, қимнинг қўллаб-қувватлашига умид қилишган, қим уларга ёрдам берган, одамлар уй-жойни ташлаб кетишга мажбур бўлган кишиларнинг аҳволини тушунишадими ва ҳоказо.

● САВОЛЛАРГА ОИД ТУШУНТИРИШЛАР

? 1-савол. Ушбу ибораларнинг бир қанча таърифлари мавжуд. Биз қуйида уларнинг баъзиларини келтирамиз: шахс — ўз тафакқури, ҳис-туйғуси, иродаси, ахлоқий, эстетик ва бошқа ҳислатларида ижтимоийликни акс эттирган ва айни ҳолда ўз индивидуаллигида намоён бўлган инсондир; индивидуаллик — бир индивидуумни бошқасидан ажратиб турувчи унинг ўзига хос характери ва психологик хусусиятлар. Шахс — инсондаги ижтимоий ҳислатларнинг яхлитлиги, индивидуаллик — бир шахсни бошқа шахслардан ажратиб турувчи унинг ўзига хос ноёб хусусиятлари.

? 4-савол. Масалан, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий сабаблар.

? 6-савол. Топшириқ ўқувчиларнинг жадвални тўлдиришда бундай кишилар турли даврларда нималарни бошдан кечирганликлари ва бошдан кечиришлари мумкинлиги ҳусусида фикр юритишларига қаратилган. Жадвални тўлдиришда қуйидагича жавоблар бўлиши мумкин:

Азоб-уқубат турлари	1-матнда	2-матнда
Жисмоний	Қулоқларига қум тўлиб қолди, чанқаб кетиш, тишлар орасида қумнинг ёқимсиз ғижирлаши,	Фронт яқинидаги кишлоқда яшаш сабабли ҳаётнинг хавф остида бўлиши.

	Масихий чеккан азоблар ва унинг секин-аста вафот этиши, сув ва овқат етишмаслиги.	
Рухий	Бўрондан олдинги қўрқув, Масихийнинг ўлимини олдиндан хис этиш, Абу Алидаги ночорлик туйғуси.	Хатто ўйинчок бахмал кучукча ва бошқа майда-чуйда нарсалар ҳам ўз маъносига эга бўлган кадрдон уйни тарк этишга мажбур бўлиш; қачондир уйга қайтиш эҳтимолига шубҳа билан қараш.

9-савол. Ижтимоий тартиб (жамиятнинг ижтимоий жипслигини таъминлаш) — ижтимоий тизимнинг барқарорлигини, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилишини муҳофаза қилувчи социал институтлар (одамларнинг юриш-туришини назорат қилувчи ва бошқарувчи воситалар) ва муносабатлар йиғиндиси.

10-савол. Биринчи гуруҳ — хотин-қизлар; иккинчи гуруҳ — қариялар; учинчи гуруҳ — оила. Тинчлик давридаги қоидалар: хурмат, ҳимоя ва б.

13-савол. Савол ўқувчилар қочоқларни ўз ҳудудида қабул қилишни истамаслик сабабларини (озик-овқат етишмовчилиги, иш ўринларининг тақчиллиги, қочоқлар орасида террористлар бўлиши мумкинлиги ва бошқа кўплаб сабабларни) тушуниб олишларига қаратилган. Айни пайтда кейинги топшириқ баҳс қатнашчиларини ҳатто бегона муҳтож кишиларга ҳам ҳар қандай вазиятда ёрдам қўлини чўзиш зарурлиги ҳақидаги фикрга олиб келиш учун мўлжалланган.

13-14-саволлар устида ишлашни аудиторияни икки гуруҳга бўлган ҳолда амалга ошириш мумкин. Бир гуруҳга “ёқловчи” далилларни, иккинчи гуруҳга эса “рад этувчи” далилларни келтиришни таклиф қилиш керак.

16-савол. Семинарда қочоқларга оид муаммолар юзасидан И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...” китоби устида ишни ташкил қилинг.

Глобаллашув — муайян омил таъсирининг у ёки бу давлат ҳудуди ёки бошқа фаолият соҳаси доирасидан ташқарига тарқалиши.

17-савол. Масалан, болалар ёши жуда кичик бўлганлиги ёки рухий шикает олганлиги сабабли гапира олмаслиги мумкин; тил билмаслик; жанг ҳаракатлари давом этаётганлиги; фронт чизиги бир-биридан айрилиб қолган оила аъзоларини ажратиб турган бўлиши мумкин; оила аъзолари катта ҳудуднинг ҳар томонларига тарқаб кетган; қариндошлари ўз уйини ташлаб кетишга мажбур бўлган, мажбуран кўчирилган ёки ҳалок бўлган бўлиши мумкин.

Топшириқ: Лагерни қуриш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жой танлаш ва ишлар режасини тайёрлаш;
 - олиб келадиган йўллар ва омборларни тайёрлаш;
 - қурилиш материаллари ва жиҳозлар;
 - турли-туман эҳтиёжларни кондириш учун хизматларни ташкил қилиш.
- Асосий хизматлар:
- сув билан таъминлаш ва канализация;
 - тураржой;

озик-овқат;
 ахлат ва чикиндиларни йиғиштириш;
 тиббий хизмат;
 электр таъминоти;
 хавфсизлик;
 алоқа воситалари.

Шунингдек, турли хил ижтимоий, психологик ва маънавий эҳтиёжларни, масалан, таълим олиш, ахборот олиш, диний эътиқодини амалга ошириш ва бошқаларни ҳам эътиборга олиш керак.

2-мавзу Шахс қадр-қимматига ҳурмат

● ҚЎШИМЧА ИЗОҲЛАР

Бахс давомида инсон қадр-қиммати тушунчасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бунда ўқувчиларни ҳар бир индивид жинси, ёши, миллати, диний эътиқоди, касби, ижтимоий мавқеи ва ҳоказолардан қатъи назар, ҳар қандай ҳолатларда ҳам эътибордан четда қолдирилмаслиги шарт бўлган муайян қадр-қимматга эга эканлиги тўғрисидаги фикрга олиб келиш муҳим. Мавзуда ўта танглик ёки қуролли можаро вазиятида кишилар уларни тутиб турувчи омилларни йўқотишлари ва “душман”га нисбатан жуда ваҳшиёна муносабатни намоён қилишлари мумкинлиги тўғрисидаги фикр қайд этилади. Бунда “душман” тоифасига одатда рақиб томон вакилларининг ҳаммасини ҳеч бир истисносиз киритадилар. Шунинг учун заиф ва зўравонликка қаршилик кўрсатишга имкони йўқ бўлган шахслар тинчлик даврида ҳам, қуролли можаро даврида ҳам қонун ҳимояси остига олиндишларини ўқувчиларга тушунтириш жуда муҳимдир. Қонунни бажармасликка эса ҳар доим жиддий ҳуқуқбузарлик сифатида қаралган ва қаралади.

● УМУМИЙ УСЛУБИЙ МАСЛАҲАТЛАР

Ўқитувчи дарсни доскада бетартиб жойлашган вертикал чизикчаларни ўз ичига олган доира чизишдан бошлаши мумкин. Доира — бу жамият, чизикчалар эса — уни ташкил этувчи одамларни билдиради. Ўқитувчи жамиятда кишиларни қандай муносабатлар бирлаштириб туради, деб савол бериши мумкин. Жавоблар билан бирга доира ичида иқтисодий, оилавий, этник, табақавий ва бошқа хусусиятдаги алоқаларни белгиловчи горизонтал линиялар пайдо бўлиши керак. Бу линиялар алоҳидаги турдаги муносабатлар — ижтимоий муносабатларни акс эттиради.

“ҲИМОЯ ҚОЙДАЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ” бўлимига ўтаётиб, яна бир бор ўқувчиларнинг шахсий тажрибасига мурожаат қилиш керак. Масалан, бунда қуйидагича саволлар берилиши мумкин: “Ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун қандай йўл тутиш мумкин?” “Сизнинг ўта шафқатсизлик билан қайтарган жавобингиз кейинчалик ўзингизга қандай салбий таъсир қилиши мумкин?” “Шундай вазиятни тасаввур қилиб кўринг!..! У қандай ривожланади? Муаммони ҳал этишнинг бошқа усуллари борми? Улар энг аввало сиз учун фойдали эканлигини исботланг!”

● **САВОЛЛАРГА ОИД ТУШУНТИРИШЛАР**

? 3-савол. Масалан, ўзаро ёрдам, ҳурмат, меҳмондўстлик.

? 4-савол. Топшириқни қуйидагича баён қилиш мумкин: “Сиз “бошқаларга ҳурмат” ва “ўз-ўзига ҳурмат” тушунчалари ўртасида қандай ўхшашликни кўрсатишингиз мумкин? Сиз ўзингизни нима учун ҳурмат қилишингизни ва сизни бошқалар нима учун ҳурмат қилишларининг сабабларини кўрсатувчи алоҳида иккита рўйхат тузинг”.

? 8-савол. Саволга қуйидагича жавоблар берилиши мумкин:

Амир Темури давлати учун	ҳозирги замон давлати учун	алоҳида индивид учун
– халқ орасида обрў-эътиборни сақлаб қолиш; – ҳукмдор қоидаларга риоя қилишига далил сифатида	– бошқа давлатлар олдида ҳурматни сақлаб қолиш; – давлатлар ўртасидаги (дипломатик, иқтисодий ва б.) муносабатларни сақлаб қолиш	собик асирда ўч олиш фикри пайдо бўлмаслигида
асирларнинг маданий, иқтисодий, техникавий билимлари ва қўникмаларидан фойдаланиш учун	жаҳон ҳамжамияти томонидан жазо чоралари қўлланиши хавфини камайтириш	“мен” асирга олинсам, “менга” ҳам худди шу тарзда муносабатда бўлишларида
давлатда барқарорликни сақлаш учун	ўзининг душман қўлида асирда бўлган фуқаролари орасида кўп қурбонлар бўлишининг олдини олиш учун	кейинчалик жиноий жавобгарликка тортилмаслик учун

? 10-савол. Ўқитувчи Амир Темурнинг ҳарбий асирларга муносабат қоидалари Женева конвенциялари меъёрларидан қуйидагилар билан фарқ қилишини ҳисобга олиши лозим:

1. Географик камров – Амир Темур қоидалари битта давлат учун мўлжалланган, Женева конвенциялари дунёнинг деярли барча мамлакатлари томонидан қабул қилинган.
2. Ҳарбий асирларни химоялаш турлари – халқаро инсонпарварлик ҳуқуқида химоянинг аниқ тушунчалари келтирилади (“хар қандай зўравонлик ёки кўрқитиш ҳаракатларидан, ҳақоратлашлардан...”), “Тузуқлар”да бу масалалар ҳали ишлаб чиқилмаган ва батафсил баён қилинмаган.
3. Қоидабузарларни жазолаш турлари – Амир Темур фикрига кўра, мағлублар билан муносабатда бўлиш қоидаларини бузган жангчи жабрланувчиларнинг қўлига топширилади, яъни судсиз жазолаш юз беради ва “конга кон олиш” одати кучга қиради. Женева конвенцияларига кўра, қоидаларни бузиш суд қарори бўйича жазоланади (ўқитувчи имкони борича “Ҳуқуқшунослик асослари” курсига доир маълумотларни эслатади).

Бу фарқларни қандай тушунтириш мумкин? (Эҳтимол тутилган жавоб):

Амир Темур даврида муҳокама қилинаётган масалаларнинг муҳимлиги эндигина тушуна бошланган эди. XIX асрнинг охирида турли давлатларнинг кўпчилиги раҳбарлари ва оддий фуқаролари уруш даҳшатларининг оқибатлари ҳақида ўйлаб қолдилар ва ҳамма жойда ва ҳамма давлатлар томонидан

риоя қилиниши шарт бўлган умумжаҳон коидалари қабул қилинди. Амир Темур даврида халқаро муносабатлар, бизнинг давримизга қараганда, кам-рок ривожланганлигини, бугун Женева конвенциялари барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олиши лозимлигини ёдда тутиш керак.

Ўқув қўлланмасининг 221-бетида 1864 йилги биринчи Женева конвенциясининг вужудга келишини тушунтириш. Ўрта мактабнинг 8-синфи учун «Умумий тарих» дарслигини қаранг, муаллиф Фармонов, «Италия давлатларининг бирлашиши» мавзуси.

? 11-савол. Ўқувчилар мустақил ишлаганидан сўнг, ўқитувчи биринчи баҳс дарсида улар Тинч аҳолини химоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциясининг моддалари билан танишганликларини эслатади. Бугун эса Харбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси моддалари билан ишлаётганликларини айтади ва жаҳон ҳамжамияти томонидан, шунингдек, Ҳаракатдаги армияларда ярадорлар ва беморларнинг аҳолини яхшилаш ҳамда денгиз қуrolли кучлари таркибидан бўлган ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокатига учраган шахсларнинг аҳолини яхшилаш тўғрисида Женева конвенциялари ҳам қабул қилинганлигини айтиб ўтади.

Женева конвенцияларининг деярли барча моддалари халқаро қуrolли можаро вақтида, яъни бир давлат ёки давлатлар гуруҳи бошқа давлат ёки давлатларга қарши жанг қилаётган вақтда химоя қилишга қаратилган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг уруш хусусиятларининг ўзгариши ва ички можаролар кучайиши билан 1977 йилда 1949 йилги Женева конвенцияларига иккита Қўшимча протоколнинг қабул қилиниши ва имзоланишига эҳтиёж тугилди. Ушбу протоколларнинг мақсади уруш вақтида фуқаро шахслар химоясини янада кучайтириш йўли билан 1949 йилги Женева конвенцияларипи тўлдиришдан иборатдир.

I Қўшимча протоколнинг қабул қилинишига иккинчи жаҳон урушидан сўнг Африка ва Осиё мамлакатларидаги миллий-озодлик ҳаракатлари билан боғлиқ воқеалар туртки бўлди. Бундай урушлар жаҳон ҳамжамияти томонидан халқаро можаролар сифатида тан олинди, шунинг учун ушбу протокол халқаро қуrolли можароларни тартибга солиди. II Қўшимча протокол халқаро бўлмаган қуrolли можароларни тартибга солиди.

Тўртала Женева конвенциясининг ҳаммаси учун бир хил бўлган 3-модда мавжуд. Бу модда “миниконвенция” деб аталади, ва халқаро бўлмаган можарода ўзаро уруш олиб бораётган томонларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиди.

Кўпгина давлатлар ўша пайтларда давлат ичидаги қуrolли можароларда, яъни фуқаролар уруши пайтида томонларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солувчи меъёрларни яратиш ишига унчалик иштиёксиз ёндошишди. Ҳозирги даврда ҳам давлатларнинг бир қисми, Женева конвенцияларидан фарқли ўларок, Қўшимча протоколларнинг коидаларини ўзлари учун мажбурий деб билмайдилар. Улар, масалан, иккинчи Қўшимча протокол давлат суверенитетига, яъни ички сиёсатда давлатнинг устуворлиги масалалари ва унинг ташқи сиёсатда эркинлиги масалаларига дахл қилади, деб ҳисоблашади.

? 17-савол. Мумкин бўлган жавоб вариантлари: чунки у муҳим маълумотга эга, деган гумон мавжуд; у душман ҳисобланади; душманга нисбатан

инсоний муносабатда бўлишга ҳаққимиз йўқ, деган ишонч бор; тартибсизлик ва назоратчилар устидан текширув етарли эмаслиги кузатилади; асирларни лозим бўлган даражада боқиш ва тутиб туриш учун маблағлар етарли эмас.

? 18-савол. Маҳбус ва асирларни улар тутиб турилган жойга бориб кўриш қандай ёрдам бериши мумкин: маҳбусларни рўйхатга олиш ва тақдирини кузатиб бориш уларнинг йўқ бўлиб кетиши ёки оммавий қатл қилинишининг олдини олиши мумкин; делегат билан кийноққа солинганлик ёки якка тартибда ҳибсда сақланганлик ҳақида яккама-якка суҳбатлар маҳбуснинг руҳий азобларини енгиллаштиради; харбий асир ўз оиласига Қизил Хочнинг мактубини жўнатиши ва, эҳтимол, жавоб олиши мумкин; делегат камокхона бошлиғи билан маҳбусларга муносабат ва уларни сақлаш шароитлари юзасидан ташриф давомида олинган маълумотларни муҳокама қилади, шароитларни яхшилаш бўйича тавсияларини беради ёки санитария-гигиена жиҳозлари билан таъминлаш, санитария қурилмаларини таъмирлаш ва бошқа турдаги бевосита ёрдамни тақлиф этади.

Топширик: семинар машғулотларида ўқитувчига ўрганилган материалларни ёзма таҳлил қилиш усулини қўллашни маслаҳат берамиз. Бундай таҳлил ўқитувчининг саволларига ҳажми 2-3 та гапдан ярим бетлик иншо кўринишигача бўлган жавоб тарзида бўлиши мумкин. Ҳар бир ўқувчи учун алоҳида папка тутиб, унга йил давомида тайёрланган ёзма ишларни тўплаб бориш мумкин. Семинар машғулотларининг якунида ўқувчиларга ўз ёзма ишларини мустақил таҳлил қилиш имконини бериш керак бўлади.

3-мавзу *Ҳимояга мухтожлар*

● *ҚЎШИМЧА ИЗОҲЛАР*

Аҳолининг энг кам ҳимояланган гуруҳларини ҳурмат қилиш, ҳимоя остига олиш ва уларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш зарур эканлиги ушбу мавзунинг асосий мазмунини ташкил этади. Унда тинчлик даврида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи кафолатларнинг ҳамда қуролли тўқнашув вазиятида тинч аҳолига тирик қолиш учун шароит яратишнинг аҳамияти ёритиб берилади.

Хотин-қизлар, болалар ва қариялар танланмаган характердаги ҳужумларнинг дастлабки қурбонларига айланадилар, катта ёшли эркаклар эса одатда жанг ҳаракатларида иштирок этаётган бўладилар. “Инсонлар уруш ҳақида” (ХҚХК, 1999 й.) умумжаҳон сўровининг натижаларига кўра, қуролли тўқнашувларни бошидан кечирган уруш катнашчиларининг 23 фоизи аёллар ва болаларнинг борлиги фақатгина тинч аҳоли мавжуд бўлган ҳудудга ҳужум қилиш истагини тўхтатиб қололмайди, деб айтганлар.

● *УМУМИЙ УСЛУБИЙ МАСЛАҲАТЛАР*

“Шаҳс ва жамият” предмети бўйича семинар машғулотларида ўқув материаллари ҳар доим “ўтмиш – ҳозирги замон” таққослаш усули билан ўрганилади. Ушбу усулни ҳамма ҳам ёқлаб чиқавермайди, бироқ мана шу усул ўқувчи ва ўқитувчига ўтмишдаги ва ҳозирги даврдаги ҳодиса ва воқеаларни

киёслаш, уларнинг тенденциялари ҳақида фараз қилиш, ижтимоий ҳаёт соҳасига оид ахборотларни танлаш, қайта ишлаш ва англаб олиш имконини яратади. Бу айниқса 3-мавзу учун хосдир.

● САВОЛЛАРГА ОИД ТУШУНТИРИШЛАР

? 3-савол. Урушнинг мақсади душманнинг ҳарбий кучини бостириш бўлганлиги сабабли, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқига мувофиқ, уруш ҳаракатлари фақат қуроли кучларга қарши қаратилган бўлиши лозим. 1949 йилги Женева конвенцияларида ва уларга Қўшимча протоколларда “комбатант” ва “фуқаро шахс” деган икки асосий тушунча мавжуд. Шунинг учун бундай шахсларни бир-биридан фарқлай билиш керак. Минглаб йиллар давомида ишлаб чиқилган қонун-қоидалардан, яъни инсонийлик қонунларидан келиб чиқилса, қўлида қуроли бўлмаган кишиларга ёки ярадор бўлганлиги ёхуд асирга олинганлиги сабабли қуролни ташлаган кишиларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш лозим.

? 4-савол. Жадвал учун жавобларнинг бир қисми мавзу матнининг ўзида бор:

	Комбатант	Фуқаро шахс
<i>Хатти-ҳаракати</i>		жанг ҳаракатларида қатнашмайди
<i>Ҳуқуқлари</i>		қўлига қурол олиш ва жанг ҳаракатларида иштирок этишга ҳуқуқи йўқ
<i>Жавобгарлиги</i>		фақатгина қўлига қурол олганлиги учун ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин
<i>Хужумдан ҳимоя</i>		унга хужум қилиш тақиқланади
<i>Унга душманнинг муомаласи</i>		ХИҲ уни ҳурмат қилишни ва ҳар қандай вақтда унга нисбатан инсоний муомалада бўлишни талаб қилади

? 5-савол. Инсон ҳуқуқлари – кишиларнинг ўз ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини қондиришлари учун ижтимоий имкониятлар. Инсоннинг барча ҳуқуқлари ўзаро боғланган яхлит бўлиб, уларни фақат шартли равишда *табiiй ҳуқуқларга* (яъни инсон туғилганидан бошлаб эга бўладиган ҳуқуқлар – яшаш ҳуқуқи ва инсоннинг физиологик эҳтиёжларини таъминловчи ҳуқуқлар) ва *орттирилган ҳуқуқларга* (яъни инсоннинг жамиятдаги хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи ҳуқуқлар, жумладан – фуқаролик ҳуқуқлари (ўз фикрини айтиш, сўзлаш, турли хил ўзаро муносабатларга киришиш, масалан, меҳнат қилиш эркинлиги), сиёсий ҳуқуқлар (фуқаролар ва ҳокимият идораларининг фаолият юритиши ва ўзаро ҳамкорлигини, масалан, овоз бериш ҳуқуқини кўзда тутди), иқтисодий ҳуқуқлар (шахсий мулкидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ҳуқуқи) ажратиш мумкин.

? 7-савол. Бугунги кунда давлатлар “инсон ҳуқуқларининг ўзгармас маъзи” номини олган гуманитар кафолатлар минимумига ҳар қандай шароитда риоя қилишлари шарт. Улар ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича, ҳам халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи бўйича тузиладиган халқаро битимларнинг таркибий қисмидир. Улардан четга чиқишга ҳеч қандай ҳолатда, ҳатто қуроли жоғаро ёки тартибсизликлар шароитида, шу жумладан душман томонга мансуб шахсларга нисбатан ҳам йўл қўйилмайди. Ушбу кафолатлар ўқув қўлланмаси биринчи қисмининг 12-мавзусида, 161-162-бетларда баён қилинган.

“Инсон ҳуқуқларининг ўзгармас мағзи” деб аталувчи меъёрларни давлатлар, инсоннинг бошқа ҳуқуқларидан (масалан, сўз эркинлиги, ёзишмалар, бир жойдан бошқа жойга кўчиш эркинлиги) фарқли ўларок, ҳатто қуролли можаро вазиятида ҳам амал қилишдан тўхтага олмайдилар. Бироқ Женева ҳуқуқи меъёрлари инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи меъёрлари эмаслигини унутмаслик керак. Масалан, Женева конвенциялари меъёрлари фақат қуролли можаро пайтида амал қилади ва ўзига хос хавфсизлик кафолати бўлиб, ҳимоя минимумини тақдим қилиш мақсадида можародаги барча томонларга тааллуқли саналади. Инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи эса ҳар қандай шароитда, шунингдек, у қуролли можаро вақтида қисман чекланса ҳам амал қилиб, шахснинг ривожланиши учун қулай шароит яратишга қаратилган.

Масалани ечиш баробарида ўқувчилар ўзлари тузган рўйхатдаги қоидалар ва “инсон ҳуқуқларининг ўзгармас мағзи”нинг қоида ва кафолатларини таққослашлари, улардаги бир-бирига мос келадиганларини топишлари керак.

? 10-савол. Бунда қуйидаги усулни қўллаш мумкин: ўқувчилардан ҳар бири унинг ҳаёти учун энг зарур бўлган битта турмуш кечириш воситасини айтади, масалан, биттаси – овқат, бошқаси – автомобиль ва хоказо. Бу иштакларнинг барчаси доскага ёзилади, сўнгра мисоллар ёрдамида инсон ҳаёти учун кескинлик вазиятларида энг аввало озик-овқат ва сув муҳимлигини кўрсатиб бериш мумкин. Очлик ва сув таъминоти бўлмаган шароитда инсон тирик қолиши мумкин эмас, кундалик турмушда бу ҳақда кўпинча ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмайди.

? 15-савол. Бу аёл ҳибсга олиниши мумкин. Лекин у билан инсон ҳуқуқлари ўзгармас мағзида баён қилинган меъёрларга мувофиқ равишда муомала қилиш лозим. Ундан ташқари, ХИҲда шундай тамойил мавжуд: “аёлларга нисбатан уларнинг жинси сабабли жоиз бўлган ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак”. Бу тамойил физиологик хусусиятлар, номус ва ахлоқ, ҳомилдорлик ва туғиш каби муайян тушунчаларни ўз ичига олади.

? 16-савол. Афғонистонда ХҚХҚ билан бир қаторда қўплаб бошқа инсонпарварлик ташкилотлари фаол ишлаётганлигини ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасида ўхшаш вазифаларни бажарётганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Тахминан жавоблар қуйидагича бўлиши мумкин:

Мақсади қуйидагиларга қаратилган инсонпарварлик дастурлари:	Аниқ чора-тадбирлар:
Озик-овқат билан таъминлаш ва кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш	озик-овқат маҳсулотларини ташиб келтириш ва тақсимлаш; уруғлик донини тақсимлаш
Тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш	вакцинация қилиш дастурларини амалга ошириш; узок кишлоқларда жойлашган биринчи тиббий ёрдам масканларига материалларни етказиш.
Сув таъминоти ва санитария тизимини тиклаш	суғориш каналлари ва ариқларни тозалашни ва таъмирлашни ташкил этиш; қудуқлар, чиқинди тўплаш идишлари, жамоат ҳожатхоналари қуриш ишлари.
Ветеринария хизматини таъминлаш	қорамолларни вакцинациядан ўтказишда ёрдам кўрсатиш.
Фуқаро аҳолини муҳофаза қилиш	тураржойларни таъмирлаш учун материалларни етказиб бериш ва тақсимлаш; ортопедия марказ-

	ларини тузиш; кочоклар ва асирларни уйига кайтариш учун моддий ва техникавий ёрдам кўрсатиш; Қизил Хоч мактубларини тўплаш ва етказиб бериш.
Ахборот ва таълим тизимини ривожлантириш	мина хавфи бўйича ахборот марказини тузиш; гуманитар ҳуқуқ бўйича машғулотлар ўтказиш, шу жумладан, энг аввало қуролли кучлар орасида; таълим муассасалари тизимини қайта тиклашда ёрдам кўрсатиш.

4-мавзу Болалар жамиятнинг келажаги

● КЎШИМЧА ИЗОҲЛАР

Болалар – жамиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бироқ улар шафқатсизликдан, айниқса унинг ўта оғир кўринишларидан қай тарзда химояланган? Бу жавоб талаб қилинадиган савол эмас ва унга турли жиҳатлардан ёндашиш мумкин: оила, мактаб, кўча ва ҳоказолар нуқтаи назаридан.

Бу машғулотда турли манбалардан келтирилган ҳужжатлардан фойдаланиб, ўқувчиларга ҳозирги замонда болаларни жабрийдиларга айлантиратган вазиятлар ҳақида ўйлаб кўриш таклифи қилинади. Қуйида мулоҳаза юритиш учун баъзи материалларни келтирмоқдамиз, улар машғулот ўтказиш ҳамда баъзи саволларга жавоб беришда ёрдам беради.

1. ДУНЁДАГИ ВАЗИЯТ

Баъзи бир манбаларга кўра, Африка, Лотин Америкаси, Осиё ва Европанинг тахминан 20 мамлакатида 300 мингдан ортиқ асқар болалар мавжуд. Уларнинг кўпчилигини ўғил болалар ташкил этади. Урушда қатнашаётган болалар орасида ўн ёшга етмаганлари ҳам бор.

Айни пайтда барча халқлар маданий анъаналарида болалик – бу ҳаётнинг алоҳида эътибор билан муносабатда бўлиш зарур бўлган даври, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Ундан ташқари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда болаларни қуролли кучларга жалб қилиш ва уларнинг уруш ҳаракатларида иштирок этиши учун энг кичик ёш қанча бўлиши тўғрисидаги қоидалар баён қилинган.

МУАММОГА ОИД МИСОЛЛАР

Эрон-Ироқ уруши вақтида (1980-1988 йиллар) минглаб болалар пиёдаларга қарши мина майдонларидан йўл очиш учун жанг майдонларининг олдинги сафларига жўнатилган. Улар бўйинларида “жаннат қалити” деб аталган мунчоклар тақиб юришган (*Enfants soldat*, Gohn\Goodwin-Gill, 1995).

Кўпгина Африка мамлакатларида можароларнинг сони ва давомийлигининг ошиши қамбатант болалар миқдорини кўпайтирди. Бу мамлакатларнинг кўпчилик раҳбарлари уруш ҳаракатларида фойдаланиш учун давлатлар ўртасида асқар-болалар савдоси вужудга келишидан хавотирланмоқдалар.

2. БОЛАЛАРНИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИГА ЖАЛБ ЭТИШНИНГ БАЪЗИ САБАБЛАРИ

Кўпинча қатталар болаларни урушга жалб этишни ёшлар ўргатишга кўпроқ яроқли, битмас-туганмас ва эвазига кўп нарса сўрамайдиган куч

бўлганлиги билан окламоқчи бўладилар. Болалар буйруқларни ҳеч бир савол бермасдан бажарадилар. Бўйи пастлиги ва чаққонлиги уларга яхши айғоқчи ва хат-хабар элтувчига айланишда ёрдам беради.

Можаролар бир неча йиллар мобайнида давом этар экан, ночорлик кучаяди, ижтимоий тузилмалар вайрон бўлади. Бунинг оқибатида болаларни урушга жалб этиш жамият томонидан кўп офат келтирмайдиган кураш усули сифатида қабул қилинади. Бола эса бу ҳолни вазиятни назорат қилиш усули, дея ҳисоблаши мумкин (масалан, тўйиб овқатланиш, жамоа орасидалиги учун муайян химоя остида бўлиш).

Ўз атрофида содир этилаётган зўравонликларни кўриш ёки шахсан бошидан кечириш ожизлик ва ночорлик билан уйғунлашиб кетган чуқур қўрқув ҳиссини пайдо қилади. Бу қўрқув нафрат ва ўч олиш туйғусига айланиши мумкин.

Бола нафрат қуршовида турар экан, у катталар ва дўстларига тақлид қилиб, бу туйғуни ўзига сингдиради.

3. УРУШНИНГ БОЛАЛАР УЧУН ОҚИБАТЛАРИ

Ўлдирилган, ярадор бўлган ва ногирон бўлиб қолган болалар кўпайиши.

Уруш ҳаракатлари ичида ўтган вақт қисман болалик даврини ўғирлайди, аслида эса бу давр умрнинг оила бағрида кечадиган, ўйинлар, таълим олиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш даври бўлиши лозим.

Рухий асоратлари: уйқунинг бузилиши, даҳшатли тушлар, стресслар, тажовузкорона хулқ-атвор, ёлғиз қолишга интилиш, айбдорлик ҳисси, нафрат ва хоказолар. Энг муҳими – бундай боланинг азоб чекаётганлигини тушуниб этиш, бу азоб-уқубат борлигини тан олиш керак.

Бу болаларни мўътадил оилавий ҳаётга ва дўстлари қаторига қайтариш кўп муаммолар билан боғлиқ. Бирок болалар тарбияси билан боғлиқ соҳанинг баъзи мутахассислари таъкидлашларича, муваффақиятли ижтимоий мослашув биз ўйлагандан кўра тезроқ юз берар экан.

4. БОЛАЛАРНИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИГА ЖАЛБ ЭТИШГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЧОРАЛАР

Кизил Хоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракати 1995 йилда қуролли можароларда иштирок этаётган болалар билан боғлиқ тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Бу ҳужжатда 18 ёшга тўлмаган болаларнинг қуролли можароларга жалб этилиши ва қатнашишига қаршилик қилиш ҳамда можарони бошидан кечирган болаларни химоя қилиш ва уларнинг тинч ҳаётга қўникишига қўмаклашиш зарурлиги ўз аксини топди.

1998 йилда асқар-болалардан фойдаланишга чек қўйиш бўйича олтита халқаро ноҳукумат ташкилотлари томонидан тузилган коалиция (бирлашма) ўз кучини асқар-болалардан фойдаланишга чек қўйиш, қуролли можаролар қурбони бўлган болаларни химоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш борасида аниқ фаолият турларини жадаллаштиришга, айти пайтда ҳукуматларни бу ҳақда хабардор қилиш ва жамоатчилик фикрини сафарбар этишга йўналтирди. Бу коалициянинг асосий мақсади ҳарбий ҳаракатларда 18 ёшгача бўлган болалардан фойдаланиш ва ёллашни тақиқловчи қонуннинг

кабул қилиниши эди. ЮНИСЕФ ва ХҚХҚ коалиция хузурида кузатувчи макомига эга бўлди.

(Материаллар РЕЙТЕР хабари бўйича берилган, 1998 йил 6 ноябрь)

Бу йўналишдаги асосий ҳужжат ҳисобланмиш Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протоколнинг қабул қилинишига тайёргарлик мана шу тарзда кечган эди. Ўқув қўлланмасининг 257-258-бетларида ёдга олинган ушбу ҳужжат 2002 йил 12 февралда кучга кирди ва унда 10 йилдан ортиқ давом этган халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатлардан сўнг болаларни 18 ёшдан қуролли кучларга жалб этиш мумкинлиги, ихтиёрий равишда ёлланиш ёши эса 16 йил қилиб белгиланди. Ушбу Протоколга мувофиқ давлатлар ўз қуролли кучлари таркибидаги 18 ёшдан кичик ҳарбий хизматчилар жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этмасликларини таъминлаш учун имкониятида бор чораларни қўллаши лозим. Ундан ташқари, давлатга қарашли бўлмаган қуролланган гуруҳлар ҳар қандай ҳолатда ҳам 18 ёшдан кичик бўлган шахсларни ёллаши ва жанг ҳаракатларида улардан фойдаланиши мумкин эмас.

Нихоят, ушбу Протоколни имплементация қилиш (яъни бажариш учун жорий қилиш) “аскар-болаларга” ҳар қандай тегишли ёрдамни, шу жумладан, соғлиғини тиклаш ва жамиятга қайта қўшилишида ёрдам кўрсатишни кўзда тутди.

2005 йилнинг майига келиб, бу протокол 172 давлат томонидан имзоланди, шу жумладан 94 давлат уни ратификация қилди.

1998-1999 йилларда ХҚХҚ 16 та мамлакатда (шундан 12 таси яқинда қуролли можарони бошдан кечирганди) жамоатчилик фикрини билиш сўровини ўтказди. *Комбатантларнинг энг кичик ёши қанча бўлиши керак?* – деган саволга қуйидагича жавоб олинди: 15 ёшдан кичик – 1%; 15 ёшдан 17 ёшгача – 6%; 18 ёшдан 21 ёшгача – 53%; 21 ёшдан катта – 35%.

● УМУМИЙ УСЛУБИЙ МАСЛАҲАТЛАР

Ўқитувчи ўқувчиларга мавжуд саволларни шахсий ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўйлаб қўришни таклиф этади.

Бола – нозик ва айни вақтда гапга унайдиغان мавжудот, уни камол топтириш ҳам, “синдириб қўйиш” ҳам мумкин. Шунинг учун бола алоҳида химога муҳтож.

Мавзу ўқувчиларга уруш ҳаракатларига 15 ёшга етмаган болаларни жалб қилишнинг ман этилишидек муҳим халқаро қонунлардан бири билан танишиш имконини беради.

Болгариялик публицист ёзувчи Цветан Тодоровнинг қуйидаги фикри ўқитувчига “аскар болалар”га доир масалаларни муҳокама қилишда муаммонинг моҳиятини очишда ёрдам беради: *«Ёмонлик юз бериши учун бир неча кишининг ҳаракати етарли эмас, уни одамлардан кўпчилигининг лоқайдлиги юзага келтиради. Бундай бўлиш эса ҳар биримизнинг қўлимиздан келади...»*

Ўқитувчи ўқувчиларга халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи масалаларини акс эттирувчи энг яхши плакат учун ўқув юрти бўйича танлов ўтказишни таклиф қилиши мумкин.

● САВОЛЛАРГА ОИД УСЛУБИЙ МАСЛАХАТЛАР

? *1-савол.* Биринчи галда ўқувчилар “бола” тушунчаси қайси ёшгача бўлган даврни ўз ичига олишини аниқлаб олсинлар. XIX ўчун бу тушунча 15 ёшгача, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция учун – 18 ёшгача этиб белгиланган. Доскага ўқувчиларда *бола* сўзи билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган тасаввур ва ўхшатишларни (ассоциацияларни) ёзинг. Булар комбатант болаларнинг фотосуратлари келтирилган 16-савол юзасидан баҳс юритиш учун хизмат қилади.

“*Бола*” сўзи *сизда қандай тасаввур вужудга келтиради?*” деган саволга жавоб беришда кўпинча *ҳимоясиз, ёқимтой мавжудот* каби идеаллаштирилган тавсиф ва таърифлар тилга олинади. Бундай ҳолда ўқувчилардан ўзлари ана шу ёшда шундай идеал бўлган-бўлмаганларини сўраб, аниқлик киритиш зарур; *улар ҳар доим ҳам атрофдагиларда қувонч ва завқ уйғотганмилар? болалар шафқатсиз ҳатти-ҳаракатлар содир этишга қодирми?*; шу ўринда *бола қайси ёшидан бошлаб ўз қилмишлари учун жавоб бериши лозим?* – деган саволни муҳокама қилишга ўқувчиларнинг алоҳида эътиборини қаратиш зарур.

? *19-савол.* Ушбу гуруҳ саволлари билан ишлашда икки боланинг фигураси кўринишида қоғоздан ясалган шакллар ёрдам беради. Улардан бирининг қўлида қуроли бор бўлиб, жанг ҳаракатлари иштирокчиси – ёш “комбатант”ни ифодалайди. Доскага қадаб қўйилган бу фигуралар баҳсга аниқлик киритиб, катнашчиларнинг эътиборини жамлашга имкон яратади. Қуйидагича қўшимча саволлар бериш ва улар устида мулоҳаза юритиш мумкин: *Бу “комбатант”нинг ёши нечада? Қандай қилиб у аскарга айланди? Агар у аскар қизча бўлса, унинг учун яна қандай хавф-хатарлар мавжуд? “Аскар болалар” ва катта аскарларнинг ҳатти-ҳаракатларида қандай фарқлар мавжуд? Бу “аскар бола” қандай синов ва қанақа оқибатларни бошидан кечирган? Болаларнинг уруш ва қуролли можарода қатнашишларининг оқибатлари ушбу болаларнинг ўзлари учун қанақа бўлади? Ойла учун-чи? Жамият учун-чи?*

5-мавзу Инсонийлик ва шафқатсизлик – ўзаро муносабатларнинг икки томони

● ҚЎШИМЧА ИЗОҲЛАР

Инсон – ижтимоий мавжудот, у ҳар доим кишилар орасида яшайди, одамлар ўртасидаги муносабатлар эса ижобий ёки салбийлигига қараб турли хил бўлиши мумкин. Жамиятда кишилар ўртасидаги муносабатлар фақат яратувчанлик хусусиятига эга бўлишини истар эканмиз, биз бунинг акси намоён бўлишига олиб келувчи сабабларни тўлиқ тушуниб олишимиз ва бу масалада ўз қарашимизни чуқур белгилаб олишимиз зарур. Жамиятдаги салбий муносабатнинг кўринишларидан бири – бу шафқатсизлик бўлиб, у ҳамма жойда учрайди: у телевизор экранларидан ёпирилиб келади, қутилмаганда унга кўчада, дўконда, ҳатто ўз уйимизда ҳам дуч келамиз.

Шуни айтиш муҳимки, шафқатсизликнинг одатий шаклларидан ташқари, баъзан унинг ўта оғир шакллари ҳам учрайди. Баҳс ўқувчиларга шаф-

катсизликнинг ушбу икки шакли ўртасидаги фаркни яхшироқ тушуниб олишга ёрдам бериши керак. Бунинг учун шафқатсизлик ва ўта шафқатсизликка ўқувчилар ўз ҳаётларидан олишган ёки қўлланмадан топишган мисолларни келтириш ўринли бўлади.

Мавзуни очишда муайян қийинчиликлар шундан иборатки, унда икки қарама-қарши тушунчани – инсонийлик ва ўта шафқатсизлик тушунчаларини бирга қўшиб ўрганиш керак. XIX асрда яшаб ижод қилган таниқли ўзбек шоираси Нодиранинг фожиали тақдир мисолида буни очиш учун катта имконият мавжуд. Нодира лирикаси халқ орасида таниқли, ҳозирги даврда ҳам ардоқли. Уни муҳаббат, садоқат ҳақидаги шеърларнинг беқиёс устаси сифатида биладилар. Шунингдек, унинг маърифатпарварлик ва ижтимоий фаолияти ҳам маълумдир. Шоира шеърларининг ҳар бир мисраси кишиларни тинчликка, эзгулик ва тотувликка чакирувчи инсонпарварлик ва чуқур фалсафий мазмун билан йўғрилган. Нодира ҳаётининг аянчли лавҳалари ва фожиали ўлими эса ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги қўплаб масалалар устида мулоҳаза юритиш учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.

Машғулот самарали ўтишига ўқувчиларнинг “шафқатсизлик вазиятида инсонийлик” тушунчасини ўзлаштириб олишлари ёрдам беради. Бу тушунчанинг маъносини тушунтириш учун “Шахс кадр-қимматига ҳурмат” мавзусида айнан мана шу ҳақида сўз борганлигини эслатиб ўтиш ўринли (кадимги дунёдаги буюк цивилизацияларда уруш даври офатларидан одамларни химоя қилишга оид баъзи мисоллар; Қадимги Мисрда мавжуд бўлган “Ҳақиқий шафқатнинг етти амали” қоидалари; подшоҳ Хаммурапи қонунлари; Темур “Тузуқлари” ва Женева конвенциялари айнан шафқатсизлик вазиятида инсонийлик кўрсатишга намуналардир).

Спортдаги мисоллар (ўқув қўлланмасининг 269-бети) ракибликнинг қандайдир шакли сифатида қаралаётганда, бахс бошқарувчиси бу киёслашни қуролли можаро сахнига кўчиради. Урушдан мақсад душманнинг ҳарбий кучини камайитиришдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу мақсадга эришиш учун комбатантлар қурол ишлатадилар, яъни зўравонликка мурожаат қиладилар. XIX урушни тақиклай олмаслиги, лекин уруш ҳаракатларида қатнашмаётган шахслар (яъни тинч аҳоли) ёки уруш ҳаракатларида қатнашишни тўхтатган шахслар (ярадор аскарлар, ҳарбий асирлар) химоя қилиниши лозимлигини талаб қилишига гуруҳ эътиборини қаратиш муҳим.

1949 йилги Женева конвенцияларига I Қўшимча протоколнинг (1977 й.) 35-моддасида шундай дейилади:

“Ҳар қандай қуролли можаро вазиятида низолашаётган томонларнинг ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш усуллари ёки воситаларини танлаш ҳуқуқи чекланмаган бўлмайди”. Бу асосий қоида қуйидаги мазмунда тўлдирилган: “Ортиқча вайронгарчилик ёки ортиқча азоб-укубат келтиришга қодир бўлган қурол-яроғлар, снарядлар, моддалар ва ҳарбий ҳаракат олиб бориш усуллари қўллаш тақиқланади”. 35-модда уруш олиб боришда умумий чеклов сифатида қуйидаги тақиқни ҳам қўшимча қилади: “Табиат ва атроф-муҳитга кенг микёсли, узоқ муддатли ва жиддий зиён етказиши мумкин бўлган ёки худди шу мақсадга қаратилган ҳарбий ҳаракат олиб бориш усуллари ёки воситаларини қўллаш тақиқланади”. Куч ишлатиш ва унинг вайрон қилув-

чи оқибатлари қўйилган мақсад ва қутилган ҳарбий устунликка мутаносиб бўлиши лозим. Ҳар қандай ортиқча, яъни фақат қонуний ҳарбий мақсадга эришиш учун зарурати бўлмаган қурбонлар берилишига ва моддий бойлик-ликларнинг вайрон бўлишига йўл қўйилмаслиги керак. Ушбу мутаносиблик тамойили халқаро инсонпарварлик ҳуқуқида, бошқача айтганда, уруш ҳуқуқида баён қилинган бўлиб, давлатлар ўзларининг ҳар қандай ҳаракатларида амал қилиши лозим бўлган ҳуқуқнинг умумий тамойили саналади. Ҳарбий ҳаракатларда вайрон қилувчи имкониятларни фақат ҳарбий нуктаи назардан зарур бўлган пайтдагина ва йўл қўймаслик мумкин бўлмаган даражадагина амалга ошириш керак. Ҳарбий аҳамиятга эга бўлмаган тинч кишлоқни бомбардимон қилиш устига-устак моддий маблағлар ва ўқ-дориларни беҳуда сарфлаш ҳам демакдир.

Мавзуну очишда инсонпарварлик амали (хатти-ҳаракати) тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ўқувчиларга “инсонийлик” амали ва “инсонпарварликка оид” амал тушунчалари ўртасидаги фарқни кўрсатиб бериш керак. Инсонпарварликка оид амал деганда хавф-хатар остида бўлган кишиларнинг ҳаётини ёки инсоний қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун бажариладиган оғир, хавфли ёки оммабоп бўлмаган ҳаракат тушунилади. Инсонпарварлик амали баъзан қурбонни ҳимоя қилиш йўлида жамият тазйикига қарши ҳаракат қилишга мажбур этади. Жамиятдаги бу тазйик қанақа бўлиши мумкин? Масалан, “бошқаларнинг ишига бурнингни сукма” деганга ўхшаш қоида мавжуд бўлиши мумкин.

Иккинчи жаҳон урушининг суронли кунларида турли миллатга мансуб болаларни тарбиялашни ҳам шу хилдаги амалларга мисол сифатида келтириш мумкин.

Кишилар кўпгина инсонпарварлик амалларини бажарар эканлар, одатда қуйидагича дилеммаларга дуч келадилар — агар инсоннинг ўзи ёки у ҳимоя қилмоқчи бўлаётган киши хавф остида қоладиган ва йўқотишларга учрайдиган бўлса, унда ўша кишининг ҳаёти ва инсоний қадр-қимматини ҳимоя қилиш ўринлими?

Энди уруш ҳаракатлари олиб бориш усул ва воситаларини чекловчи баъзи бир шартномаларни (яъни ХИХ ҳужжатларининг бир қисмини) эслатиб ўтаму:

- Портловчи ва ёндирувчи ўқлардан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисидаги Санкт-Петербург декларацияси (1868 й.);
- Қуруқликдаги уруш қонун ва удумларига тааллуқли Гаага конвенцияси (1899 й.);
- Урушда буғувчи, захарловли ёки бошқа шунга ўхшаш газларни ва бактериологик воситаларни қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги Женева протоколи (1925 й.);
- Бактериологик (биологик) ва захарли қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш ва захираларини тўплашни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция (1972 й.);
- Оддий қуролнинг ҳаддан ортиқ жароҳат етказувчи ёки нишон танламайдиган ҳисобланувчи конкрет турларини қўллашни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги Конвенция ва унинг протоколлари (1980 й.):

- “Илғаб бўлмаган осколкалар тўғрисида”ги I Протокол;
- “Миналар, тузоқ-миналар ва бошқа қурилмаларни ишлатишни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисида”ги II Протокол;
- “Ёндирувчи қурооларни тақиқлаш ёки уларни ишлатишни чеклаш тўғрисида”ги III Протокол;
- Кимёвий қуроолларни яратиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўллашни тақиқлаш ҳамда уларни йўқ қилиш тўғрисида конвенция (1993 й.);
- Кўзни кўр қилувчи лазер қуролига оид Протокол (1995 й., 1980 йилдаги Конвенцияга IV Протокол ҳисобланади);
- Пиёдаларга қарши миналарни ишлаб чиқариш, бошқаларга бериш, захираларини тўплаш ва қўллашни тақиқлаш ҳамда уларни йўқотиш тўғрисидаги Конвенция (1997 й.).

Маданият объектлари ва табиий муҳитни уруш ҳаракатларидан ҳимоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- Қуроолли можаро юз берганда маданий кадриятларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Гаага конвенцияси ва протоколи (1954 й.);
- Табиий муҳитга ҳарбий ёки ҳар қандай душманларча таъсир қилувчи воситаларни ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги Конвенция (1976 й.);
- Қуроолли можаро юз берганда маданий кадриятларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги иккинчи Протокол (1999 й.).

Анъанавий равишда XIX томонидан белгиланадиган чекловлар ҳақида гапираётиб, энг аввало, рақиб томон жангчиларининг вакили сифатида урушаётган кишини ҳурмат қилишни талаб қилувчи рицарликни ёдга олиш зарур. Рақиб томонда ҳам худди шундай одамлар турганлиги тан олинганлиги сабабли, ҳужум қилишда ўта шафқатсиз қурол ва усуллар қўлланилмаган ва шу тарзда беҳуда азоб-уқубатлар етказилмаган.

Ҳар қандай ортиқча зўравонлик ҳаракати қонуний мақсад доирасидан ташқарига чиқади. Демак, ортиқча шафқатсизлик – бу ваҳшийликдир.

● УМУМИЙ УСЛУБИЙ МАСЛАҲАТЛАР

Дарсининг мақсад ва ғояларини эътиборга олган ҳолда, ўқитувчи матндаги ортиқча шафқатсизликнинг оқибатларига алоҳида ургу бериб, уларга ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиши зарур.

Баҳсининг кўпгина жиҳатларини тушунтириш учун XIX асрдаги ўзбек хонликларининг харитаси керак бўлади.

● САВОЛЛАРГА ОИД УСЛУБИЙ МАСЛАҲАТЛАР

“Можаро” рукни ва I-саволга

Ўқитувчи ўқувчиларга можаронинг *ижтимоий* турини кўриб чиқишни таклиф қилиши, баъзан унинг тезда қуроолли тўқнашувга айланиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари билан баҳсга қўшимча киритиши мумкин.

Ижтимоий можаро – бу ижтимоий муносабат турларидан бири бўлиб, у ўз манфаатларини амалга ошириш учун қурашаётган алоҳида индивидлар

ёки одамлар гурухининг тўқнашувидан иборат. Ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, ижтимоий можаро ижтимоий мураса (консенсус), ҳамкорлик, гармония, ижтимоий тартиб каби тушунчаларга қарама-қаршидир. Узоқ келажакда амалга ошадиган можародан холи бўлган жамият ҳақидаги идеал моделлар ёки диний тасаввурлардан фарқли ўлароқ реалистик концепция тарафдорлари можаро ижтимоий ҳаётнинг йўқ қилиб бўлмайдиган ҳодисаси, у мусобақа, тортишув, ташаббускорлик кўринишида ўзининг “заиф” шаклида гавдаланадиган доимий унсури деб ҳисоблайдилар. Шунга мувофиқ равишда ижтимоий можаронинг турли шакллари, босқичлари ва низолашаётган томонлар қўллайдиган воситалар бир-биридан фаркланади: *тўғридан-тўғри зўравонлик, мажбурлаш, алдов*, ижтимоий можароларни бартараф этиш ва тотувликка эришишнинг *зўравонлик билан боғлиқ бўлмаган усуллардан фойдаланишга мойиллик*.

Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи амал қиладиган соҳада, яъни қуролли можаро ҳолатида зўравонлик даражасини камайтириш учун ўта шафқатсиз ва танламай таъсир қилувчи деб ҳисобланувчи кимёвий, бактериологик, лазерли ҳамда пиёдаларга қарши миналар каби қуролларни қўллашга қатъий тақиқлар ўрнатилган.

“Шафқатсизлик ва одамларнинг ўзаро муносабатлари” рукни ва 3-саволга

Ҳозирги вақтда можароларнинг сабаблари икки хил нуқтаи назардан ўрганилади. Баъзилар бу сабабларни онгли равишда тушуниб етилмаган, лекин инстинкт билан боғлиқ асосий эҳтиёжларнинг (ўз-ўзини сақлаш, ўзини намоён қилиш, овқатланиш, тураржой, кийим-кечак, эркинлик эҳтиёжлари, жинсий инстинкт) қондирилмаганлигида кўрадилар. Бошқалар ижтимоий можарони ҳукмронлик ва бўйсунуш муносабатларида ўрганиб, можароларни ҳокимият муаммоси билан боғлайдилар.

XIX аср Европа капиталистик жамияти учун тадбиркор ва ишчи ўрғанишида икки қутбли синфий можаро хос эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ижтимоий ҳаёт янада кенгрок миқёсли, мураккаб тузилишли, фақатгина сааноат ишлаб чиқаришидан иборат бўлмай қолди. Ижтимоий можароларни ҳал этиш учун турли-туман институтлар пайдо бўлди (парламент демократияси, суд инстанциялари, турли комиссиялар). Улар ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш механизларини топишга, қонунийлик, турли гуруҳларнинг (этник, гендер, демографик) манфаатларини тан олиш тамойиллари асосида можароли вазиятларнинг олдини олишга қаратилди.

Ўрганиш учун қуйидаги саволларни ҳам тавсия этиш мумкин: *Ижтимоий зўравонлик нима? Жамиятнинг тарихий ривожланишида унинг намоён бўлиш динамикаси қанақа бўлган? Ҳозирги замонда зўравонлик намоён бўлишининг хавфи нимада?*

Ижтимоий зўравонлик жамиятда тажовузкорлик, бузғунчилик кўришиларининг ифодаси бўлиб, одамларни муайян ҳатти-ҳаракатларни содир этишга мажбур қилиш мақсадида бевосита ёки билвосита куч ишлатишни ёхуд куч ишлатиш билан таҳдид қилишни, бир хохиш-ироданинг бошқаси устидан, баъзан инсон ҳаётига хавф солувчи тарзда ҳукмронлик қилишини билдиради.

Ижтимоий муносабатларнинг ривожини, афсуски, зўравонлик имкониётининг доимий равишда ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Ўтмишдаги анъанавий жамиятлардаёқ зўравонлик “бегона”га баъзан уни йўқ қилишгача бўлган бевосита реакция шаклида намоён бўлиб келган. Саноати ривожланган жамиятда биринчи сафга ақл-идрок, ахборот, юксак технологиялар ва хоказолар зўравонлик воситаларининг яширин шакллари сифатида чиқади. Янги давр Европаси анъаналарида куч ишлатиш аввало табиатга қаратилади (табиат куч билан таъсир ўтказиш ва инсонга бўйсундириш учун устахона сифатида кўрилади), кейин эса шундай куч ишлатиш амалиёти жамиятга кўчирилади. Натижада куч ишлатиш билан кечадиган ижтимоий инкилоб жамиятни қайта қуриш усули, ижтимоий тараққиёт омили ва зўравонликдан холи жамият қуриш йўли сифатида қаралади. XX асрда зўравонлик ва шафқатсизликнинг кенг миқёсда авж олиши зўравонликнинг ижтимоий-синфий талқини чекланганлигини ва унинг инсон табиати билан боғлиқ янада чуқурроқ сабабларини таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатди. Инсонга хос бўлган зўравонлик шакллари намоён бўлишининг қуйидаги баъзи механизмлари очилди: организмнинг муҳитга инстинктив химоя реакцияси сифатида, инсоннинг онгсиз интилишлари намоён бўлиши сифатида, инсонда ички тажовузкорлик мавжудлиги сифатида.

Тарих далолат берадики, зўравонлик бир қатор ҳолатларда асосли бўлсада (масалан, босқинчиларга қарши курашиш вазиятида ва шу қабилар), у, охир-оқибат, бузғунчилик хусусиятига эга бўлади, жамият тушқунликка тушишига, инсон табиатининг салбий жиҳатлари намоён бўлишининг ўсишига, жамият тараққиётдан орқага қайтариб ташланишига ёрдам беради. Зўравонлик хатти-ҳаракатларининг кенг намоён бўлиши, айниқса, ҳозирги даврда жуда хавфлидир, чунки инсоният ўлим келтирувчи қурол-яроғларнинг, техник-технологик тизимларнинг улкан захирасига эга бўлди. Буларнинг қўлланилиши нафақат алоҳида олинган одамларнинг ҳаётига, балки бутун инсониятга хавф солади.

“Ўтмиш саҳифалари” рукнига

Ҳамма блоklar тарих курсидан ўрганилаётган даврга қадар ушбу минтақада бўлиб ўтган урушлар миқдори ва хусусиятлари, шунингдек шоира Нодиранинг ижоди ва ҳаёти тўғрисида аввал олинган билимларни ҳисобга олган ҳолда ўрганилади.

? 6-савол. Савол ўқувчиларни низолашув вазиятлари тинчлик пайтида ҳамда уруш пайтида қай тарзда юзага келиши тўғрисида фикр юритишга ундаш учун мўлжалланган.

Саволнинг иккинчи қисми ортиқча шафқатсизлик устида фикр юритиш учун таянч бўлиб хизмат қилади. Дарс давомида ўқитувчи шафқатсизлик ва ортиқча шафқатсизлик тушунчаларининг моҳиятини муҳокама қилиш учун ўқувчиларнинг фикридан фойдаланади.

? 17-савол. Жадвални тўлдиришнинг тахминий варианты

Ҳужмдор	Мақсад	Воситалар	Натижа
Умархон	- бойлик орттириш;	- шаҳарлик 1213 кишини қатл қилиш;	- ҳар иккала давлат аҳолисининг Умар-

	- ягона давлат барпо этиш.	- экинлар ва ўсимликларни ёкиб юбориш; - ўратепаликларнинг асирга олиниши ва кўчирилиши.	хонга ва унинг кўшинига нисбатан нафрати; - далаларнинг экин учун яроксиз бўлиб қолиши; - ҳосил йўқлиги сабабли аҳолининг оч қолиши.
Мухаммад Али	- бойлик орттириш; - ягона давлат барпо этиш.	- 70 минг кашқарликнинг асир олиниши ва кўчирилиши.	- ўч олиш ҳиссининг пайдо бўлиши.
Насрулло	- бойлик орттириш; - ягона давлат барпо этиш.	- Қўқон ҳукмдори ва унинг барча оила аъзоларининг ўлдирилиши; - Нодиранинг ваҳшийларча ўлдирилиши; - Қўқоннинг 250 нафар ҳурматли кишиларини оила аъзолари билан хибсга олиш ва кўчириш.	- Насрулло кўшинларининг Қўқондан қувиб чиқарилиши.

ХУЛОСА ва жадвал (277-бет)

Шафқатсизликка мисол	Реакция шаклига мисол	Қаршилик кўрсатиш оқибати
Ироқ мунтазам армиясининг 100 минг нафар аскар, танклар ва бронетранспортёрларда Қувайтга ҳужуми (1990 й.)	Қувайт ўз давлатини ҳимоя қилиш чораларини кўрди.	БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши Ироқни тинчлик ўрнатувчи кучларнинг ҳарбий аралашуви мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.
Ўта шафқатсизликка мисол	Реакция шаклига мисол	Қаршилик кўрсатиш оқибати
Ал-Қувайтнинг талон-тарож қилиниши. Кафандузлик. Қувайт ҳудудидаги нефть қудукларининг ёкиб юборилиши. 700 дан ортик оммавий киргинлар. 12 минг қувайтлик кириб ташланди. 15 минг нафари бедарак йўқолди. Қувайт кўрган умумий зарар 100 млрд. долларга тенг.	Азоб-уқубатлар. Нафрат. Саросима. Қочоклар. Жаҳон ҳамжамиятига ёрдам сўраб мурожаат қилиниши.	<i>Ироқнинг нефть сотишига қарши халқаро эмбарго</i> ¹ . БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг қарорига кўра Ироқ ҳудуди ёпирилиб бомбардирмон қилинди. Жаҳон ҳамжамияти Ироқ келтирилган зарарни қоплашини талаб қилди.

Жадвал мазмуни “Новое время” журнали (№ 10, 1991 й.) мақолаларидан келтирилди.

¹ эмбарго - (исп. embargo) маълум товарлар ёки чет эл валютасининг бир давлатдан олиб чиқиш ва бошқа давлатга олиб киришнинг ман этилиши.

Жадвал билан ишлаш ва топширикнинг а) ва б) бандлари устида фикр юритиш уй вазифасини мустақил бажариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу бўлим ортиқча шафқатсизлик ҳаракатлари жамият томонидан кораланишини, унинг кадр-қимматни ҳурмат қилиш тушунчасига қарши эканлигини ва янги-янги шафқатсизлик ҳаракатларини келтириб чиқаришини тушуниб олишда ўқувчиларга ёрдам беришга мўлжалланган. XIX ваҳшийлик ва урушда йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатлар ўртасидаги чегарани белгилаб беради.

6-мавзу Давлат ва фуқаро мажбуриятлари

● ҚЎШИМЧА ИЗОҲЛАР

Халқаро ҳуқуқ

XX асрда халқаро ҳуқуқ жиддий ўзгаришларга учраганлигини ҳисобга олиш керак. Масалан, 1899 ва 1907 йиллардаги Гаага конвенцияларининг қоидаларида давлатларнинг уруш очиш ҳуқуқини чекловчи ва уруш қонуний бўлиши учун ҳарбий ҳаракатларни олдиндан огоҳлантирган ҳолда бошлаш талаб қилинишини кўрсатувчи ҳеч қандай юридик меъёрлар йўқ. Одатда уруш давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал этишнинг халқаро усулларидан бири ҳисобланарди. “Уруш қилиш ҳуқуқини” тан олувчи халқаро ҳуқуқда эса урушни халқаро низоларни ечиш усули сифатида инкор этадиган тамоийил ва меъёрлар мавжуд эмас эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўтган ўн йилликлар мобайнида халқаро ҳуқуқнинг асосий тамоийиллари тубдан ўзгарди.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамоийилларидан бир-бири билан ажралмас боғлиқ бўлган давлатларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари келиб чиқади. Бирок, бу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳамма томонидан тан олинган ягона рўйхати йўқ. 1949 йилдаёқ БМТ Бош Ассамблеясининг топшириғига биноан Давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Декларациясининг лойиҳаси тайёрланган эди. Ўз фикрларини тақдим қилган давлатлар сони жуда кам бўлганлиги сабабли Бош Ассамблея 1951 йилда лойиҳа муҳокамасини қолдиришга қарор қилди, бу лойиҳа ҳозирги пайтга қадар ҳам қабул қилинган эмас.

Конституция ва халқаро ҳуқуқ

Давлат конституцияси асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, бошқа ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан олий юридик кучга эга. Ана шундай ҳужжат бўлмиш Конституция давлатнинг ташқи алоқаларини, халқаро муносабатларда давлат ҳокимияти идораларининг ваколатларини ҳамда ташқи сифат тамоийилларини белгилаб беради.

● УМУМИЙ УСЛУБИЙ МАСЛАҲАТЛАР

Ушбу мавзу муҳокамаси давлат ҳамда ҳар қандай фуқаро томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини ихтиёрий бажаришнинг моҳиятини аниқроқ англаб олиш имконини беради. Бунда қоидаларга риоя қилиш ҳар бир киши учун фойда келтиришини тушуниб олишга эришиш муҳимдир. Ўқувчилар давлат суверенитети ҳодисасини ва фақат давлатларга тегишли бўлган

ҳуқуқларни, яъни халқаро муносабатларга киришиш, халқаро идоралар ишида иштирок этиш, умуман ҳуқуқни ва, хусусан, халқаро ҳуқуқни яратиш каби масалаларни муҳокама қилишлари лозим бўлади.

Давлат ихтиёрий равишда ўз зиммасига халқаро битимларни бажариш мажбуриятини олар экан, ушбу битимларнинг меъёрларини ўз миллий қонунчилигига жорий қилади. Давлат суверенитетининг турли кўринишларини ҳамда давлатнинг ўз фуқаролари билан ҳуқуқий алоқалари ва уларнинг ўзаро мажбуриятларининг аҳамиятини муҳокама қилиш ҳам муҳимдир.

● САВОЛЛАРГА ОИД ТУШУНТИРИШЛАР

? 2-савол. БМТ Низомининг қабул қилиниши билан давлатларда халқаро низоларни ҳал этиш воситаси сифатида ҳарбий кучга мурожаат қилиш ҳуқуқи йўқолди. Қуролли кучни қўллашда халқаро-ҳуқуқий “монополия” БМТ Хавфсизлик Кенгашига тегишли бўлиб, унинг зиммасига тинчлик ва хавфсизликни сақлаш борасида давлатлардан юқори бош халқаро масъулият юклатилган. Бироқ истисно тариқасида давлатларнинг коллектив ёки яқка тартибда ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади (БМТ Низомининг 51-моддаси).

? 6-савол. Ҳуқуқнинг устунлиги унинг барча учун мажбурийлигида, конкретлигида, бажарилиши давлат ҳокимияти кучи билан таъминланганида ва меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланганлигидадир. Ҳуқуқнинг заифлиги — унинг вақти вақти билан янгилашига муҳтожлиги, барчанинг бирдай тушунишнинг қийинлиги, ҳамма вақт ҳам жамият маҳсули бўлавермасдан, баъзан ҳокимиятнинг тазйиқи бўлиши мумкинлиги ҳисобланади.

Ахлоқнинг устунлиги унинг жамият маҳсули эканлигида (қандай яшаш яхши эканлигини жамиятнинг ўзи ечади); мажбурлаш кучига асосан эмас, балки шахсий ишончга мувофиқ амал қилишида; доимо адолат, номус, виждон каби тушунчаларга асосланишидадир. Ахлоқнинг заифлиги эса — мазмуни кенглиги (эркин изоҳланиш имконияти кенг), бир жамоа учун муҳим бўлса ҳам, бошқасида қабул қилинмаслиги, бузилганда жазонинг йўқлигидадир.

? 7-савол. Чет элдаги ўз ҳуқуқлари бузилган ёки бузилиш хавфи остида қолган деб ҳисобловчи Ўзбекистон фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ёки консуллик ваколатхоналарига мурожаат қилишлари мумкин. Масалан, фуқаро ҳибсга олинган тақдирда Ўзбекистон расмий ваколатхоналарининг ходимлари тегишли давлатнинг ваколатли идораларига (масалан, Ташки ишлар вазирлигига) илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин. Агар фуқаро жиноят содир этганликда айбланаётган бўлса, у Ўзбекистон ваколатхонасига ўз манфаатларини яхши ҳимоя қилиш учун унга малакали ҳимоячи тақдим қилишни сўраши мумкин.

? 8-савол. Давлатлар манфаатларини бошқариш табиат захираларидан (масалан, денгиз туби, чегара ҳудудидаги дарёлар ва сув хавзаларининг захиралари), ҳаво ва космик кенгликдан фойдаланишда, ҳудудий мунозараларни ҳал этишда, уюшган жиноятчиликка, терроризмга қарши курашда, хавфсизлик ва ҳарбий ҳамкорлик тадбирларини амалга оширишда, қуролли моҳарола ва бошқаларда зарурдир.

? 10-савол. Йўқ, чунки куч ишлатишнинг тақикланганлиги тамойили халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, унинг бузилиши халқаро жиноят ҳисобланади. XIX эса ўз навбатида қуролли низолардаги воқеликни ҳисобга оладиган махсус ҳуқуқий воситадир. Ноконуний равишда куч ишлатилиши ўз навбатида қуролли тўқнашувлар ҳуқуқига риоя қилинишидан қатъий назар ҳуқуқий жавобгарликка олиб келади.

? 13-савол. Женева конвенцияларининг қоидаларига “ҳар қандай ҳолатда” амал қилиш ҳақида баёнот берар эканлар, иштирокчи мамлакатлар бу ҳужжатларнинг алоҳида хусусиятга эга эканлигини тан оладилар. Конвенцияларни бажариш *ўзаро боғлиқлик тамойилига асосланган эмас*, яъни рақиб томоннинг Конвенцияни бузиши бошқа иштирокчи мамлакатларни бу Конвенцияга мувофиқ олган ўз мажбуриятларидан озод қилмайди. Конвенциялар меъёрларининг қўлланилиши можаро хусусиятига боғлиқ эмас: уруш “адолатли” ёки “адолатсиз”, босқинчилик ёки мудофаа уруши бўлишидан қатъи назар, Конвенциялар уруш қурбонларини (жабрдийдаларини) химоя остига олишни таъминлаш учун қўлланилиши шарт.

7-мавзу Анъаналар ва ўзаро ёрдамнинг жамият ҳаётидаги ўрни

Ушбу дарсда ўқувчилар ўзаро ёрдам ва бирдамлик каби инсоний ўзаро муносабат тамойилларини ҳашар анъанасининг асослари орқали фикрлашлари ва англаб олишлари кўзда тутилади. Ундан ташқари, машғулот материалларига ХҚХҚ, Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Жамиятлари Халқаро Федерацияси ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой Миллий жамиятининг фаолияти ҳақида маълумотлар киритилган. Бу ташкилотлар фаолиятининг асосини, худди ҳашардаги сингари, кескинлик вазиятига тушиб қолган ва ёрдамга муҳтож кишиларга беғараз ёрдам кўрсатиш ташкил этади.

Ўқувчилар ўз ҳаётий тажрибаларидаги аниқ мисолларга таяниб, ёрдам кўрсатиш ҳақида мулоҳаза юритишлари ва шу билан бирдамлик ва ўзаро ёрдамнинг маъноси ва аҳамиятини тушуниб олишлари зарур. Шунингдек, ўқувчилар бирор-бир жамоа ёки одамлар гуруҳи ёрдамга муҳтож бўлган бегоналарга, хатти-харакатларига улар салбий муносабатда бўлган кишига ёки улар нафратланадиган кишиларга ёрдам кўрсатишни рад қилганда, бу ҳол қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида ҳам фикр юритиб кўришлари керак.

“Шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаши” бўлимига

Ижтимоийлашув: одатлар, анъаналар, маросимлар

Инсоннинг ижтимоий ҳаёти ҳамиша муаммоларга тўла: атрофдаги воқеликка қандай мослашиш керак? Оғир ёки бахтли тақдир меваларини қандай баҳам кўриш керак? Бошқа одамлар билан қандай муносабатга киришиш керак? ва бошқалар. Муваффақиятли ва муваффақиятсиз уринишлар давомида турли ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамият аста-секин ўз аъзолари учун ҳулқ-атворнинг ҳам атроф-муҳитга, ҳам бир-бирига энг қулай тарзда муносабатга киришишга имкон берадиган самарали тўпламини шакллантиради. Ижтимоий гуруҳга кирувчи индивидлар, масалан, кун давомида бир,

икки ёки ундан ортик марта овқатланишлари мумкин; бу овқатланиш турган ҳолда (тантанали зиёфатларда), ётган ҳолда (Рим империяси давридаги патрицийлар сингари) ёки ўзбекчасига ўтирган ҳолда амалга оширилиши мумкин; 2-3 киши бир идишдан ёки ҳар бири алоҳида идишда, қўлда ёки санчқида овқат ейиши, винодан бошлаб балиқ билан тугатиши ёки аксинча қилиши мумкин.

Хатти-ҳаракатнинг ҳамма томонидан қабул қилинган минглаб намуналари мавжуд. Синов ва хатолар йўли билан, бошқа гуруҳлар ва атрофдаги воқелик таъсири остида ижтимоий жамоа хатти-ҳаракатнинг бир ёки бир неча унинг учун қулай вариантини танлаб олади, такрорлайди, мустаҳкамлайди ва кундалик ҳаётда ўз эҳтиёжларини қондириш учун қабул қилади. Муваффақиятли тажриба асосида хатти-ҳаракатнинг бундай вариантлари халқнинг турмуш тарзига, кундалик маданияти ёки одатларига айланади.

Бола уларни ўзига сингдиради ва улғаяр экан, уларнинг келиб чиқиши ҳақида ўйламасдан, оддий ходиса сифатида қарай бошлайди. Масалан, саломлашиш учун у беихтиёр қўлини узатади. Ваҳоланки, бир пайтлар бу ҳаракат саломлашишдан кўра кенгрок маънога эга бўлган, яъни қўлда қурол йўқлигини билдирган. Инсон муайян жамият ёки кишилар гуруҳининг одатларини қабул қилади ва ўзлаштиради, у бошқа гуруҳларнинг одат ва анъаналарига дуч келганда, уларни ғайритабиий, беҳуда ва нореал ҳаракат усуллари деб ҳисоблайди. Масалан, биз Германия оилаларида меҳмон қутушида кузатиладиган тежамкорлик ҳолатларини тушунмаймиз; уларни эса Ўрта Осиёда яшовчи аҳоли ва русларнинг исрофгарчилик билан қилинадиган меҳмондўстлиги хайрон қолдиради.

Муайян жамиятнинг барча аъзолари учун ягона ижтимоий тажрибадан ушбу жамиятнинг кўпчиликлари аъзолари учун умумий бўлган шахснинг феъл-атвор кийёфаси вужудга келади. Масалан, мусулмон маданияти шароитида шаклланган шахс христианлар мамлакатига тарбия кўрган шахсга нисбатан бошқача ҳислатларга эга бўлади.

Америкалик тадқиқотчи К.Дьюбойс мазкур жамият учун умумий ҳислатларга эга бўлган шахсни модал (статистиканинг объект параметрлари қаторида ёки тўпламида энг кўп учрайдиган катталиқни билдирувчи “мода” атамасидан олинган) шахс деб атаган. Модал шахс деганда Дьюбойс жамиятнинг умумий маданиятига хос бўлган баъзи хусусиятлар энг кўп учрайдиган шахс типини тушунган. Шундай қилиб, ҳар бир жамиятда ҳамма томонидан қабул қилинган ўртача ҳислатларни ўзида мужассамлаштирган шахсларни топиш мумкин. “Ўртача” америкаликлар, англияликлар ёки “ҳақиқий” ўзбеклар ҳақида ёдга олинганда, модал шахслар ҳақида гапирилади. Модал шахсда жамият маданий тажриба давомида ўз аъзоларига сингдирадиган барча умуммаданий қадриятлар мужассамлашади. Бу қадриятлар ушбу жамиятнинг ҳар бир аъзосида у ёки бу даражада мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, *ҳар бир жамият ўз маданиятига мос бўлган бир ёки бир неча шахс типини ривожлантиради*. Бундай шахс намуналари, одатда, болаликдан ўзлаштирилади. Жанубий Американинг текисликларида яшовчи хиндуларда катта ёшлар учун шахснинг жамоа томонидан маъқул топиладиган типини кучли, ўзига ишонадиган, жанговар руҳдаги одам эди. Ундайларга

койил қолардилар, ҳаракатлари маъқулланарди, ўғил болалар эса ҳар доим бундай эркакларга ўхшашга интилардилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўқитувчи аудиторияга қўшимча шундай савол бериши мумкин: *Қизлар ва йигитлар нуктаи назаридан оммавий қабул қилинган шахс типни қанақа бўлиши мумкин?*

Бу бўлимга хулоса чиқараётиб, шахснинг ижтимоийлашуви жараёни асосан гуруҳ тажрибаси таъсири остида кечишини айтиб ўтиш керак. Бунда шахс у хақида бошқалар қандай фикрда эканликларини, унга қанақа баҳо беришларини идрок қилиш асосида ўзининг қиёфасини («Мен» қандай эканлиги хақидаги образни) шакллантиради. Бундай «Мен»-қиёфасини шакллантирар экан, шахс ижтимоийлашади. Бирок ижтимоийлашувда бирорта айнан бир хил жараён ёки кўплаб бир хил шахслар мавжуд эмас, чунки улардан ҳар бирининг индивидуал тажрибаси ноёб ва такрорланмасдир.

Ижтимоийлашув бизнинг одатларимиз, истак ва удумларимизни шакллантириб, ижтимоий назорат ва жамиятда тартиб ўрнатишнинг асосий омилларидан бири бўлади. У бир тўхтама келишдаги кийинчиликларни енгиллаштиради, қандай кийиниш, ўзини қандай тутиш, у ёки бу ҳаётий вазиятда қандай ҳаракат қилишни ўргатади. Бунда ижтимоийлашув давомида қабул қилинадиган ва ўзлаштириладиган ечимларга зид келадиган ҳар қандай ечим бизга ноўрин, нотаниш ва хавфли туюлади. Айнан шу йўл билан шахс ўз ҳуқуқ-атворини ички назорат қилишининг катта қисми амалга оширилади.

Ўқитувчи удумларнинг тарбиявий вазифаларига аудиториянинг эътиборини қаратиб, ушбу масала муҳокамасини бошқариб боради.

Ҳамма халқларда ватанпарварлик туйғуси қадимдан ўз ватанини босқинчилардан ҳимоя қилиш фаолиятида ифодаланиб келган. Ҳозир Ўзбекистонда ватанпарварлик ўзининг янги, юксак ҳислатларида намоён бўлмоқда. Тарихда илк бор фуқаролар ўз қўллари билан қурган мустақилликни ҳимоя қиладилар.

“Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти” кичик бўлимига

“Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2004 йил 29 апрелда қабул қилинди. Унинг мақсади қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларини, бундай фарқловчи белгиларни ҳамда “Қизил Ярим ой” ва “Қизил Хоч” номларини қўллаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир.

Ушбу қонуннинг мавжудлиги ХИҲни қўллашнинг самарали бўлишига кўмаклашади (ўқув қўлланмасининг 160-161 бетларига қаранг).

Қонунда айтилганки, *қизил хоч ва қизил ярим ой тимсоллари фақат инсонпарварлик мақсадларида қўлланилади* ва улар *қўлланишда бир хил аҳамиятга эга* (5-модда).

Қонунга изох сифатида қуйидаги маълумотларни таклиф қиламиз.

Қуйидагилар тимсолларни ноқонуний қўллаш ҳисобланади:

- қизил хоч ва қизил ярим ой тимсолларининг *бунга ваколати бўлмаган муассасалар ва шахслар* (тижорат фирмалари, ноҳуқумат ташкилотлар, дорихоналар, хусусий шахслар, яқка тартибдаги амалиёт билан шуғулланувчи шифокорлар ва хоказолар) томонидан қўлланилиши;

– тимсолларнинг *бунга ҳуқуқи бўлганлар томонидан*, бироқ *Ҳаракатнинг Асосий тамойилларига зид максадларда* қўлланилиши (масалан, хизматдан ташқари ҳолатда, чегараларни кесиб ўтишдаги расмиятчиликни камайтириш мақсадида).

Қизил хоч ёки қизил ярим ой тимсолларини уруш вақтида *қуролли комбатантлар ёки ҳарбий жиҳозларни* химоя қилиш учун қўллаш (масалан, қуролли комбатантларни бортида тимсол бўлган ёки қизил хоч байроғи ўрнатилган тез ёрдам машиналари ёки вертолётларда ташиш, ҳарбий жиҳозлар ва ўк-дори омборлари томига қизил хоч/қизил ярим ой тимсоли туширилган байроқлар ўрнатиш) жиддий суистеъмол қилиш ҳолати (мунофиклик) бўлиб, *ҳарбий жинойт* саналади.

Тимсолларнинг пайдо бўлиш тарихи
(Ўқув қўлланмасининг 306-бетига ҳам қаранг).

1859 йил. Анри Дюнан Сольферино оstonасидаги жангнинг гувоҳи бўлди. Бу жангдан сўнг минглаб ярадор жангчиларга жанг майдонида ҳеч қандай ёрдам берилмай ташлаб кетилди. Ҳалок бўлганларнинг жасадлари йиртқичлар ва кафандузларга қолиб кетди.

Армияларнинг санитария хизматлари ўз вазифаларини уудалай олишмади. Бунинг сабабларидан бири *уларда низолашаётган томонларнинг ҳар бири осон таниб олиши мумкин бўлган ягона фарқловчи тимсол бўлмаганлигида эди.*

1863 йил. Женевада армиялар санитария хизматлари жанг майдонида олиб борадиган ишининг бесамарлиги муаммосининг ечимини топишга уринган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция катнашчилари ярадорларга ёрдам кўрсатиш жамиятларининг фарқловчи белгиси сифатида оқ сатҳда қизил хоч тимсолини тасдиқладилар. Бу жамиятлар кейинчалик Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой миллий жамиятлари номини олди.

1864 йил. Женева конвенцияларидан биринчиси қабул қилинди; *оқ сатҳдаги қизил хоч* тимсоли қуролли кучлар тиббий хизматларининг фарқловчи белгиси сифатида расман тан олинди.

1876 йил. Болқон ярим оролидаги рус-турк уруши даврида Усмонли турклар империяси *қизил хоч тимсоли* ўрнига *оқ сатҳдаги қизил ярим ой тимсолидан* фойдаланишга қарор қилди. Миср ҳам *қизил ярим ой*ни танлади, Форс давлати эса кейинроқ ўзи учун оқ сатҳдаги қизил шер ва қуёш тимсолини танлади. Бу тимсоллар эса кейинроқ, 1929 йилдаги Дипломатия конференциясида тасдиқланди.

1949 йил. 1949 йилги I Женева конвенциясининг 38-моддаси оқ сатҳдаги қизил хоч, қизил ярим ой ҳамда қизил шер ва қуёш тимсолларини ҳарбий-тиббий хизматларнинг химоя белгиси деб тан олди. Шу билан санаб ўтилган учта тимсолдан *бошқа бирор-бир алоҳида белгидан фойдаланиш мумкинлигига ўрин қолмади.*


1980 йил. Эрон Ислом Республикаси қизил шер ва қуёш тимсолидан воз кечиш ва унинг ўрнига қизил ярим ой тимсолидан фойдаланишга қарор қилди.

1982 йил. *Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Халқаро Федерацияси* ўз тимсоли сифатида оқ сатҳда бирга тасвирланувчи қизил хоч ва қизил ярим ой белгисини қабул қилди. (Бу белги ўқув қўлланмасининг 310-бетида келтирилган) .

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб ҳозирги пайтгача қизил хоч ва қизил ярим ой тимсолларини умуман бошқа белги билан алмаштириш масаласи муҳокама қилиб келинмоқда, чунки кўпчилик учун бу тимсолларда диний жиҳат мавжуддек туюлади.

2 1-савол. Ўқувчиларга аънаналарни ўрганишда “кластер” усулини қўллашни таклиф қилиш мумкин. (Ушбу қўлланманинг 59-60 бетлари)

Шуни эслатиб ўтиш керакки, мавзу доирасида аънаналар ва одатлар ижтимоий ҳодисалар сифатида ўрганилади, шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга инсонпарварлик йўналишидаги ижтимоий бирлашмалар шаклланишига бу ҳодисаларнинг таъсирини кўриб чиқишни таклиф этиши мумкин.



“ЁРДАМ” кичик бўлимига

Дарснинг ушбу қисмида “ёрдам” тушунчасининг турли жиҳатларини кўриб чиқиш ҳамда биргаликда ва яқка тартибда кўрсатилган ёрдамнинг самараси ва аҳамияти қанақа бўлиши устида мулоҳаза юритиш таклиф этилади.

Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларнинг мулоҳазаларини ҳар бир киши ёрдамнинг аҳамиятини яхши тушунишга ва ёрдамни айни пайтда азоб чекаётган, лекин хатти-ҳаракатлари маъқулланмаганлар тоифасига қирувчиларга ёки хатто душманларга ҳам кўрсатишдан бош тортмасликка интилиш лозимлигини тушунишга олиб келишдан иборатдир.

? 10- савол. Ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини ҳашарда самимий ва расмиятчилик учун иштирок этиш ўртасидаги фарқка қаратиши керак. Буни таҳлил қилишда ўқувчилар ҳашарда самимий иштирок этиш ҳам, расмиятчилик учун иштирок этиш ҳам мумкинлиги ҳақида хулосага келишлари керак. Мавзудан келиб чиққан ҳолда, муҳокама иштирокчилари ҳашарда энг муҳими конкрет ёрдам кўрсатиш эканлиги ҳақида хулоса қиладилар.

304-бетдаги расмлар, 12-14-саволлар.

Бу ерда жамиятнинг турли тоифаларига мансуб вакиллар тасвирланган: етим бола, ногирон, кўп болали оила, ёлғиз қария, ичкиликбоз киши, собик маҳбус, уй-жойсиз киши, 305-бетдаги катакчаларда эса шахсий сабабларга кўра ёмон кўриш эҳтимоли бўлган кишилар келтирилган. Бу расмлар, катакчаларда тилга олинганлар ва саволларнинг мақсади ёлғиз ва ожиз инсонларга, шу-

нингдек хатти-ҳаракатларини биз ҳуш кўрмайдиган ёки маъқулламайдиган кишиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида мулоҳаза юритишга ундашдир.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини ёрдам кўрсатишда кишилар бошдан кечираётган қийинчиликлар даражасини ҳисобга олиш зарурлигига қаратиши лозим. Одамларга ёрдам бераётиб, кўрсатиладиган ёрдам миқёсига таъсир қилиши мумкин бўлган шахсий субъектив мулоҳазаларга амал қилиш ёки одамларни ирқи, дини, миллати ва ҳоказоларга кўра тоифаларга бўлиш керак эмас. Кўрсатиладиган ёрдам беғараз бўлиши шарт (Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракатининг етти тамойилида беғаразликка берилган таърифга қаранг).

Ушбу бўлимдаги саволларни муҳокама қилишда ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини ёрдам кўрсатишда ҳаддан ортиқ ғайрат кўрсатиш ҳам, ёки буни менсимаслик билан амалга ошириш ҳам, ҳуллас ёрдамнинг етарли даражада бўлмаслиги бу ёрдамни қабул қилаётган кишини камситиб қўйиши мумкинлигига қаратиши керак.

304-бетдаги жадвал турлича тўлдирилиши мумкин. Мумкин бўлган вариантлардан бири қуйидагича:

Давлат улар учун нималар қилишга кодир	Давлат улар учун нималар қилишга кодир эмас	Сиз улар учун нималар қила оласиз	Сиз улар учун нималар қила олмайсиз
Болалар уйига, қари-ялар уйига жойлаштириш; нафақа тўлаб туриш ва х.к.	Меҳрибонлик, самимийлик, фақат қариндош ва яқинлари бериши мумкин бўлган ҳис-туйғуларни намоён қилишга.	Ҳамдардлик билдириб, илик сўзлар айтиш; арзимас ёрдам кўрсатиш, масалан, уй ишларига қарashi.	Улар ҳақида доимий ғамхўрлик қилиш, уларга моддий қўмак бериш.

“Маҳалладаги хашардан бутун ер юзидаги хашар сари” кичик бўлимига

Ушбу кичик бўлим устида ишлашда ўқитувчига ўрганилаётган бор материални 4-блокнинг номи, ғоялари ва асосий тушунчалари билан боғлаб кўришни тавсия қиламиз (ушбу қўлланманing E иловасига қаранг). Кичик бўлим якунланаётганда, мухтожларга ёрдам бериш борасидаги илғор миллий анъаналар Қизил Ярим ой (Ҳоч) Миллий жамиятлари фаолиятининг ҳам, ХҚХҚ ҳамда Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Халқаро Федерацияси фаолиятининг ҳам асоси эканлиги тўғрисида ўқувчилар тушунча ҳосил қилишларига қўмаклашиш керак.

- **ХҚХҚ, ҚИЗИЛ ҲОЧ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТЛАРИ ХАЛҚАРО ФЕДЕРАЦИЯСИ, ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

ХҚХҚ, Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Халқаро Федерацияси ҳамда Қизил Ярим ой (Ҳоч) миллий жамиятларининг фаолияти еттита тамойилга асосланади. Уларнинг қисқача таърифини келтираемиз:

ИНСОНПАРВАРЛИК Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракати уруш майдонларида ярадор бўлганларнинг барчасига, уларни бир-бирдан фарқламай ва афзал кўрмай ёрдам кўрсатишга интилиш ниятида яратилган бўлиб, ҳар қандай вазиятда, хоҳ халқаро, хоҳ миллий даражада

бўлсин, инсонни азоб-уқубатлардан халос этиш ёки унинг дардини енгиллатишга интилади. Бу кишилар ҳаётини ва саломатлигини муҳофаза қилувчи ҳамда инсон шахсиятига ҳурматни таъмин этувчи Ҳаракатдир.

БЕҒАРАЗЛИК Бу Ҳаракат кишиларни иркий, диний, синфий белгисига ёки сиёсий эътиқодига қўра ажратмайди. У одамларнинг азоб-уқубатларини енгиллаштириш учун, биринчи навбатда, бунга кўпроқ муҳтож бўлганларга ёрдамга интилади.

БЕТАРАФЛИК Барчанинг ишончини қозониш учун Ҳаракат қуроли тўқнашувларда у ёки бу тарафга ён боса олмайди ва сиёсий, иркий, диний ёки мафкуравий тусдаги баҳсларга аралаша олмайди.

МУСТАҚИЛЛИК Ҳаракат мустақилдир. Миллий жамиятлар ўз ҳукуматларига уларнинг инсонпарварлик фаолиятида ёрдам қилгани ва мамлақати қонунига бўйсунгани ҳолда, ҳамма вақт, мустақилликни сақлаши лозим. Бу билан у Қизил Хоч тамойилларига мувофиқ ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлади.

ИХТИЁРИЙЛИК Ўзининг ёрдам кўрсатишдаги ихтиёрий-кўнгилли фаолиятида Ҳаракат ундан манфаатдор бўлишга мутлақо интилмайди.

БИРЛИК Мамлакатда фақат битта Қизил Хоч ёки Қизил Ярим ой миллий жамияти бўлиши мумкин. У барча учун очиқ бўлиб, ўзининг инсонпарварлик фаолиятини мамлакатнинг барча ҳудудларида олиб бориши керак.

УНИВЕРСАЛЛИК Ҳаракат умумжаҳон хусусиятига эга. Барча миллий жамиятлар барабар ҳуқуққа эга ва бир-бирларига ёрдам кўрсатишлари керак.

ХУЛОСА

Ушбу машғулот материаллари ўқувчиларга индивиднинг илғор анъаналарда иштирок этиш орқали жамиятдаги ижтимоийлашуви жараёнини кўриб чиқишга ёрдам беради.

Жамиятнинг энг кам ҳимояланган табақаларининг аҳолини батафсил таҳлил қилиш уларнинг эҳтиёжларига эътиборни жалб қилиш ва уларга нисбатан тўғри фуқаролик муносабатини шакллантириш мақсадига қаратилгандир.

Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракати таркибий қисмлари фаолиятининг мазмунини билиш Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандартларининг (2000 й.) бевосита талабидир.

Ўқитувчи матнлар устида ишлаш жараёнида ва дарснинг ўзида ўқувчиларни Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракатига қирувчи барча таркибий қисмлар фаолиятининг асосида ҳар бир халқ маданиятида мавжуд бўлган жамоа бўлиб яшаш ва ўзаро ёрдам анъаналари ётганлиги ҳақидаги фикрга олиб келиши лозим.

8-мавзу Шахснинг хатти-ҳаракати ва масъулияти

● ҚЎШИМЧА ИЗОҲЛАР

Ҳар бир инсон ич-ичидан унинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилувчи ўз тартиб-қоидалари ўрнатилишини истайди. Бирок, агар ҳар бир киши

ўз қоидаларини ўрнатишга интилиб, айна ҳолда бошқаларнинг қоидаларига риоя қилмаслик шароити вужудга келадиган бўлса, жамиятда бошбошдоқлик, тартибсизлик юзага келиши мумкин. Борди-ю кишиларнинг муносабатлари мана шунга мос шаклланса, нималар бўлган бўлар эди? Жамиятда ҳар бир индивиднинг эркинлигини чекловчи қоидаларнинг мавжуд бўлиши бу индивиднинг шахсий ҳавфсизлигини қанчалик даражада қафолатлайди? Умуман олганда ана шу ва шунга ўхшаш савол ва муаммоларни ушбу дарс мобайнида муҳокама қилишимиз керак.

Қоидаларга риоя қилиш барча маданий муносабат шакллари ривожланишининг шартидир. Бирок бу қоидаларга амал қилиш ҳам баъзан шахсий манфаат ва сабаблар қоидаларни аниқ бажариш зарурлигини шубҳа остига қўядиган дилеммаларга олиб келиши мумкин.

Ушбу машғулотда ўқувчилар ўзлари учун одатий бўлган ҳолларда, шунингдек, қуролли можародек фавқулодда вазиятларда вужудга келадиган баъзи дилеммаларни муҳокама қилиш имконига эга бўладилар.

● УМУМИЙ УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Мавзуда мулоҳаза юритиш учун иккита савол алоҳида ажратиб берилган:

– Қоидасиз яшаб бўлмайми?

– Қоидаларга аниқ амал қилиш дилеммага олиб келиши мумкинми?

Бир қараганда, бу саволлар риторик, яъни жавоб талаб қилинмайдигандек кўринади, лекин бундай эмас. Улар баҳс иштирокчилари ўз мулоҳазаларини кетма-кет тузиб боришларига асос бўлади. Эхтимол, ўқувчилар қоидасиз ҳам яшаб бўладигандек кўринадиган бирор-бир вазиятни мисол қилиб келтиришлари мумкин. Лекин батафсил таҳлил қилинганда, ҳар қандай вазият бирор-бир қоидага бўйсунуши маълум бўлади.

Саволнинг иккинчиси эса ўқитувчига халқаро инсонпарварлик ҳуқуқига риоя қилиш давомида вужудга келиши мумкин бўлган дилеммаларни қандай фарқлашни ўқувчиларга ўргатишда ёрдам беради. Ўқувчилар ўз мулоҳазаларида душманга нисбатан, ҳатто айна пайтда у қуролсиз бўлса ҳам, у оғир ярадор ёки асирга тушган бўлса ҳам, агар у бунга қадар оқлаб бўлмас шафқатсизликларга йўл қўйган бўлса ҳам, шафқатсиз муносабат кўрсатишга мойиллик намоён бўлаётган дақиқаларда ўқитувчидан алоҳида маҳорат талаб қилинади (Ўрни келганда «Қасос ва қонун» номли ҳинд фильмини эсланг-а). Бундай ҳолларда ўқувчиларга вазиятни иккала томондан ҳам, яъни ўзини “душман” ўрнига ҳам, “жабрланувчи” ўрнига ҳам қўйиб кўрган ҳолда ўрганишни таклиф этиш керак.

Жадвалларни тўлдиришда ва улар билан боғлиқ саволларни муҳокама қилишда ўсмирлик ёшидаги кишиларнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

“Мен ва одамлар” ўзаро муносабатлари муаммоси” бўлимига

Масъулият

“Масъулият” ибораси кўп қиррали бўлиб, вазиятга кўра ўзбек тилида унинг синоними ҳисобланмиш “жавобгарлик” ибораси ҳам қўлланилади. Хусусан, масъулият ёки жавобгарлик хисси, масъулиятли хатти-ҳаракат, ҳулқ

хакида гапирадилар, масъулиятни ошириш, ўз зиммасига масъулиятни, жавобгарликни олиш мумкин, шахсни жавобгарликка тортиш ва ундан озод қилиш мумкин. Ниҳоят, масъулият билан ҳаракат қиладиган кишилар ва масъул вазифани эгаллаб турган кишилар бор. Мазмуни турлича, лекин бир хил ибора билан таърифланадиган бу тушунчаларни нима бирлаштириб туради?

Барча санаб ўтилган ва бошқа ҳолатларда сўз мазмунан бой бўлган ҳодиса — ижтимоий жавобгарликнинг турли жиҳатлари ҳақида боради. Жамиятда яшаб, ундан озод бўлиш мумкин эмас, ҳаётдаги ҳар қандай вазиятларда инсон ўз хатти-ҳаракатларини жамиятда мавжуд бўлган нормалар, меъёрлар ва қадриятларга, бошқа кишиларнинг манфаатларига мослаштириши лозим. Уларга мос ҳаракат қилаётиб, инсон масъулиятли равишда иш тутаётган бўлади. Ўз навбатида жамият (давлат, жамоа, атрофдаги кишилар) киши хатти-ҳаракатининг турли хил кўринишларига мос равишда жавоб қайтариб, субъектнинг фаолиятини доимо назорат қилади (масъулиятли хатти-ҳаракатларни рағбатлантиради, маъқуллайди ва қоидабузарни жазолайди). Шунинг учун масъулиятни (кенг ижтимоий маънода) субъект ва унинг хатти-ҳаракатларини назорат қилувчи томон (давлат, жамият) ўртасидаги ижтимоий муносабат сифатида таърифлаш мумкин. Масъулият шарофати билан жамиятда уюшқоқлик ва тартиб таъминланади.

Айб учун жавобгарлик. Жавобгарлик фақат ҳуқуқбузарнинг айби мавжуд бўлган ҳолатда юзага келиши мумкин. Айб шахс томонидан ўз хатти-ҳаракатлари ва бу хатти-ҳаракати келтирган оқибат тақиқланганлигини, қонунга зид эканлигини англаб етишини билдиради.

Қоидабузарнинг айбдорлигини ким белгилайди? Ким буни исботлаши керак? Жиноят ҳуқуқида шахсни жиноий жавобгарликка тортишда айбсизлик презумпцияси амал қилади. Унга кўра шахс айби исботлангунга қадар айбсиз саналади. Айбланувчининг айби давлат идораси томонидан исбот қилинади, унинг ўзи эса ўзининг айбсизлигини исбот қилиш заруратидан озод этилади. Фуқаролик ҳуқуқида бошқача презумпция — зиён етказувчининг айбдорлик презумпцияси амал қилади: ҳуқуқбузарликнинг объектив жиҳати мавжуд бўлганда, шахс ўзининг айбдор эмаслигини исбот қилгунга қадар айбдор саналади. Ҳар иккала презумпция шахснинг манфаатларини, шахсий ва мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Биринчи ҳолатда сўз ҳуқуқбузарнинг шахси ҳақида борса, иккинчи ҳолатда ҳуқуқбузардан зарар кўрган шахснинг манфаатлари ҳақида боради.

ХИҲнинг маъносига кўра, айбсизлик презумпциясининг жиноий-процессуал талқини устунлик аҳамиятига эга.

Жиноий жавобгарлик — жавобгарликнинг энг жиддий тури. У жиноят содир этганлик учун қўлланилади ва, жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқли ўларок, фақат қонун билан белгиланади. Ундан бошқа ҳеч қандай меъёрий ҳужжатлар жамият учун хавfli қилмишларни жиноят деб белгилаши ва улар учун жазо чорасини ўрнатиши мумкин эмас.

Фақат суд жиноий жавобгарликка тортиш ваколатига эга.

Кишиларнинг хатти-ҳаракати ва ҳуқуқ

Ҳуқуқ — ижтимоий муносабатларни белгилаш, ривожлантириш ва муҳофаза қилишнинг муҳим воситасидир. Ушбу муносабатларнинг ўзи эса ки-

шилар ҳаётий фаолиятининг, уларнинг жамиятдаги юриш-туришининг маҳсули ҳисобланади. Демак, ҳуқуқ фақат муайян инсонлар, алоҳида шахсларнинг бу муносабатларни ташкил этадиган ҳатти-ҳаракатларига таъсир ўтказиш орқалигина ижтимоий муносабатларни тартибга солиши мумкин. Айтиш мумкинки, ҳуқуқ – бу ҳуқуқий бошқарувнинг бевосита объекти бўлган инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларини бошқаришнинг энг муҳим воситаларидан бири.

Кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари турли-туман бўлиб, намоён бўлишнинг ҳар хил шакллариغا, турлича шиддатга, сабабларга, мақсадларга ва оқибатларга эга. Лекин ҳатти-ҳаракатнинг ҳамма вариантлари давлат кўринишида уюшган жамият муносабатлари тизимидаги муайян манфаатларни, йўналишларни, ғоявий қарашларни ифода этади. Айнан мана шу сабабдан ҳар қандай ҳатти-ҳаракат ахлоқий ва ҳуқуқий баҳолаш объекти бўлади.

Ҳуқуқ нуқтаи назаридан инсоннинг ҳатти-ҳаракати турлича баҳолаши мумкин. Кишиларнинг баъзи муносабатлари ҳуқуқий бошқариш соҳасидан ташқарида бўлиб, уларга ҳуқуқ томонидан умуман баҳо берилмайди (муҳаббат, дўстлик ва бошқа муносабатлар). Улар фақат ахлоқан баҳолаши мумкин. Баъзи муносабатлар эса ҳуқуқ билан белгиланмайди, ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятсиз ва уларга ҳуқуқий назар солиш талаб қилинмайди (масалан, спортга, мусикага қизиқиш). Ҳуқуқий амалиёт учун одамларнинг ҳуқуқий таъсир соҳасидаги ҳатти-ҳаракатлари, яъни ҳуқуқ томонидан белгиланадиган хулқ-атвори кўпроқ қизиқиш уйғотади. Бу ҳатти-ҳаракатлар ҳуқуқий деб аталиб, ҳуқуқий меъёрлар билан боғланган бўлади ва ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ҳуқуқбузарлик – бу юридик салоҳиятли субъектнинг ҳуқуқий меъёрларнинг талабларига зид келадиган, жамият учун зарарли бўлган айбли ҳатти-ҳаракати. Жамият учун зарарлилик хусусияти ва даражасига кўра, барча ҳуқуқбузарликлар жиноятларга ва қилмишларга бўлинади. Жиноятни содир этишда айбдор бўлган ва жавобгарликка тортилган шахс учун қонун томонидан ижтимоий оқибат – судланиш кўзда тутилган.

● САВОЛЛАРГА ОИД УСУЛУБИЙ МАСЛАҲАТЛАР

316-бетдаги жадвал

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун қоидаларнинг фойдаси ҳақида мулоҳаза юритиш учун жадвални тўлдиришнинг куйидаги тахминий вариантини тақлиф этамиз:

Қоидалар	Кишиларга фойдаси	Камчилиги	Риоя қилмаслик оқибатлари	Бузгани учун жазолаш
“Оилада келиннинг мавқеи паст бўлади”	(Ёш эрнинг нуқтаи наразидан): Ёш эр учун – ҳокимият кўпроқ, келин учун – ҳавотир камроқ.	Ёш аёл манфаатларининг чекланиши.	Оилада тез-тез низо келиб чиқиши.	Эрнинг оиласида келинга нисбатан муносабатнинг ўзгариши.

Бу босқичда мисолларни *“Эркинлик фақат қонун паноҳида мавжуд бўлади”* деган ибора доирасида таҳлил қилиш мумкин. Бироқ шуни унутмангки,

келтирилган иборадаги “конун” сўзи остида жамиятдаги муносабатларнинг “ёзилмаган” қоидаларини тушуниш керак.

Вазиятлар

Матнда тўртта вазиятни кўриб чиқиш таклиф қилинган. Уларнинг ҳар бирида дилемма мавжуд. Буни эътиборга олган ҳолда, дарсни қуролли мо-жаро шароитида, ҳатто агар дилемма юзага келса ҳам, аскарлар ва комбатант-лар ҳар қандай ҳолатда ХИҲ қонунларини ҳурмат қилишлари шартлигини ту-шунтириш билан яқунлаш муҳим.

? 15-савол. 3-вазиятда командир ҳар қандай ҳолатда ҳам жавобгар бўла-ди, чунки у буйруқларнинг аниқ бажарилишига ишонч ҳосил қилиши ло-зим. Қўл остидаги аскарлар ХИҲ қоидаларини бузсалар, командир аскар-ларни судга топширишга мажбур, суд эса жазо чорасини белгилаб беради.

? 16-савол. 4-вазиятда командир ўз қўл остидагиларнинг ҳаракатлари-ни ва аҳволни назорат қилиши керак. Аскарлар чарчаганликлари ва оч қол-ганликлари аниқ. Бундай шароитда командир қишлоқ аҳолиси билан муро-сага келиш йўлини топиши ва уларга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракат содир этилмаслигини таъминлаши лозим.

● *ХИҲҲАҚИДА АҲБОРОТ*

“Конвенциялар ва мазкур Протокол қоидабузарликларининг тобе шахс томонидан содир этилганлиги факти унинг бошлиқларини, агар улар ушбу тобе шахс бу қоидабузарликни содир этаётгани ёки содир этиш мақсадида юргани ҳақида билсалар ёки ... муайян ахборотга эга бўлган бўлсалар, жино-ий ёки интизомий жавобгарликдан озод этмайди...”

(Женева конвенцияларига I Қўшимча протоколнинг 86-моддаси)

Давлатлар ва «низолашётган томонлар ўзига тобе шахслар ёки назорати остида бўлган бошқа шахсларнинг ... қоидаларни бузишга аҳд қилганидан ёки бузганлигидан хабардор бўлган ҳар бир командирдан ... бундай қоида бузишлар-нинг олдини олувчи чоралар кўришни ва зарур ҳолларда бундай қоидабузарлик-ни содир этганларни интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилиши зарур».

(Женева конвенцияларига I Қўшимча протоколнинг 87-моддаси)

“Олий Аҳдлашувчи Томонлар ҳар қандай ҳолатда мазкур Конвенцияга амал қилиш ва амал қилишга мажбур қилиш масъулиятини ўз зиммасига оладилар”.

(Женева конвенцияларининг ҳаммаси учун умумий бўлган I-модда)

Ушбу мажбурият I Қўшимча протоколнинг 89-моддасида ҳам тилга олинади ва ҳатто аниқлик киритилади. Унда Женева конвенциялари ва I Қўшимча протокол қоидалари жиддий бузилган ҳолларда, давлатлар бирга-ликда ҳамда яқка тартибда БМТ билан ҳамкорликда чора кўришлари талаб қилинади.

Бундай ҳолларда ХИҲга амал қилинишини таъминловчи намоишқо-рона дипломатик ҳаракатлар ҳам, мажбурлаш чораси сифатида БМТ Хавф-сизлик Кенгаши томонидан руҳсат этилган тадбирларгача бўлган жиддий-роқ чоралар ҳам қўлланилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ХИҶ коидаларининг ҳар қандай бузилишига ҳам ҳарбий жиноят сифатида қаралавермайди. Бу концепцияга биноан ҳарбий жиноятлар қаторига ҳарбий зарурат билан оқилона боғлиқлик мавжуд бўлмаган ҳолда шафқатсизлик, ваҳшийлик қилиш ёки мулкӣ ҳуқуқларга очиқчасига ҳурматсизлик кўринишлари каби энг оғир жиноий хатти-ҳаракатлар қиради. Шундай қилиб, ҳарбий жиноят деб қуйидаги қилмишлардан олинади:

- инсонпарварлик ҳуқуқига оид шартнома ёки тегишли одатий ҳуқуқ меъёрлари билан тақиқланган;
- халқаро ёки халқаро бўлмаган қуроли мижоро давомида содир этилган (расман уруш ҳолати мавжуд бўлиши аҳамиятга эга эмас);
- низолашаётган томонлардан бирига мансуб ҳарбий ёки фуқаро шахс томонидан содир этилган;
- мижорода қатнашаётган бошқа томонга ёки бетараф томонга мансуб шахслар ёки мулкка қарши содир этилган.

Женева конвенциялари ва I Қўшимча протокол халқаро қуроли мижоро пайтида содир этилган баъзи ўта жиддий ҳуқуқбузарликлар жиноят деб ҳисобланиши лозимлигини кўзда тутлади. Ушбу ҳужжатларда жиддий ҳуқуқбузарлик саналадиган бир қатор хатти-ҳаракатлар санаб ўтилган (I Конвенциянинг 49 ва 50-моддалари; II Конвенциянинг 50 ва 51-моддалари; III Конвенциянинг 129 ва 130-моддалари; IV Конвенциянинг 146 ва 147-моддалари; I Протоколнинг 11 ва 85-моддалари). Хусусан, уларга қуйидагилар қиради: қасдан одам ўлдириш, ҳомийлик остида бўлган шахсларни (масалан, ҳарбий асирлар, фуқаро шахслар ва босиб олинган ҳудудда яшовчи мажбуран кўчирилган шахсларни) қийноққа солиш ва уларга нисбатан бошқа кўринишда шафқатсиз муомалада бўлиш, шунингдек, тинч аҳоли ёки алоҳида фуқаро шахсларга нисбатан содир этилган ҳамда ўлимга, жиддий жароҳатларга ёки жабрланувчиларнинг соғлиғига зиён етказишга олиб келган ҳужум. Бу хилдаги жиддий ҳуқуқбузарликларга ҳарбий жиноят сифатида қаралади.

Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи ундан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаганлик учун шахсий жиноий жавобгарликни кўзда тутлади. Бу жавобгарлик ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришга қодир бўлган ҳар бир инсонга тааллуқлидир. Алоҳида масъулият ҳарбий бошлиқлар зиммасида бўлиб, улар ўзларига бўйсунувчи қуроли кучлар таркибига мансуб шахслар ва бошқа уларга тобе шахслар томонидан Конвенциялар ва I Қўшимча протокол коидалари бузилишининг олдини олиш учун имкони бор чораларнинг барчасини кўришлари лозим (I Протокол, 85-модда, 5-банд). Агар қўмондон тегишли фармойишлар бериш чорасини кўрмаган ёки назоратсизликка йўл қўйган бўлиб, бу ҳолат жиддий қоидабузарликка олиб келса, унда у ўзига юклатилган масъулият доирасида суд олдида жавоб бериши шарт.

Айбланувчи унга нисбатан юқори лавозимдаги бошлиқнинг буйруғини оқловчи ҳолат сифатида келтирган пайтларда мураккаб муаммолар пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда жиддий қоидабузарликда айбланаётган шахс ушбу қоидабузарликни содир этганлигини инкор қилмайди, лекин у буй-

рукка мувофиқ ҳаракат қилганлигини ва шунинг учун жазоланмаслиги кераклигини билдиради. Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг бўлиб ўтган суд жараёнларида кўп айбланувчилар шу йўлни тутганлар. Шунга қарамай, тўрт давлат ўртасида тузилган Лондон битими (1945 йил 8 август) буйруқ бўйича ҳаракат қилган шахслар ҳам ўз қилмишлари учун жавоб беришлари шартлигини белгилади. Ушбу битимга биноан асосий ҳарбий жиноятчилар устидан суд қилиш учун Халқаро ҳарбий трибунал ташкил қилинган эди.

Нюрнберг трибунали Низомида шу йўналишдаги ҳатти-ҳаракатлари учун ҳатто давлат раҳбари ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида аниқ ёзилган.

Ҳарбий жиноятларни содир этганликда айбдор кишилар

“Олий Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири қондаларнинг... у ёки бу жиддий бузилишини содир этганликда ёхуд содир этишга буйруқ берганликда айбланаётган шахсларни қидириб топишни... зиммасига оладилар”, - дейилади 1949 йилги Женева конвенцияларининг 49 (I ЖК), 50 (II ЖК), 129 (III ЖК), 146 (IV ЖК) моддаларида. Бундан келиб чиқадики, ҳарбий жиноятларда айбдор деб фақат жисмоний шахслар тан олинishi мумкин. Қуйидагиларни содир этган жисмоний шахслар ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин:

- инсонпарварлик ҳуқуқи томонидан тақикланган ҳатти-ҳаракатни содир этишни буюрган;
- унинг содир этилишига қаршилик кўрсатиш имконига эга бўлса-да, бундай чора кўрмаган;
- бевосита бажарувчига ёрдам бериб, унинг содир этилишига қўмақлашган;
- уни режалаштиришда иштирок этган;
- уни содир этишга ундаган.

ХИҲ меъёрларига риоя қилинишида алоҳида жавобгарлик командирларнинг зиммасига юкланишини яна бир бор таъкидламоқчимиз. ХИҲ қоидабузарликлари борасида БМТ Бош Ассамблеяси билдирганидек, “ўзига бўйсунувчи шахслар тегишли халқаро шартномаларнинг қоидаларига амал қилишлари учун зарур чораларни кўрмаган бошлиқлар ҳам жавобгарликка тортиладилар”.

ХИҲ ва ҳарбий жиноятчиларни суд қилиш

Женева конвенцияларига қўшилар экан, давлатлар ушбу Конвенцияларнинг қоидаларини жиддий бузганликда айбдор шахсларни жазолаш учун зарур қонуний чораларни қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар. Бундан ташқари, давлатлар ушбу шартномаларни жиддий бузганликда айбланаётган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки уларни суд қилиш учун бошқа давлатга топшириши лозим. Бошқача айтганда, жиддий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор шахслар ёки ҳарбий жиноятчилар ҳамма вақт ва ҳамма жойда жиноий жавобгарликка тортилишлари лозим бўлиб, бу вазифани бажариш давлат зиммасига юкланади.

Одатда, у ёки бу давлатнинг жиноятларга оид қонунчилиги фақат унинг ҳудудида ёки унинг фуқаролари томонидан содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланилади. Бу маънода халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи янада кенгроқ қўламга эга, чунки у давлатлардан жиддий ҳуқуқбузарликда айбдор бўлган барча шахсларни, уларнинг фуқаролигидан ва жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, қидириб топиш ва жазолашни талаб қилади. Бу тамойил – яъни универсал юрисдикция тамойили – жиддий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарали бўлишини таъминлаш учун халқилувчи аҳамиятга эга.

Бундай таъкиб турли давлатларнинг миллий суд идоралари томонидан ҳам, халқаро суд идоралари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Шу муносабат билан собиқ Югославияда ва Руандада можаролар даврида ҳарбий жиноятлар содир этган шахсларни суд қилиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан тегишли равишда 1993 ва 1994 йилларда таъсис этилган шу мамлакатлар бўйича махсус жинойи Трибуналлар ҳақида эслатиб ўтиш жоиз.

Ўқувчилар *Нима учун инсонпарварлик ҳуқуқи меъёрларига ҳар доим ҳам риоя қилинавермайди, бу меъёрларни бузишнинг олди эса ҳар доим олинавермайди?* деб савол беришлари мумкин. Бу саволга турлича жавоб бериш мумкин. Баъзилар бу меъёрларни билмаганликдан, деб уқтиришади. Бошқалар эса бунинг сабабини урушнинг табиатидан қидириш керак, деб ҳисоблашади. Учинчи кишиларнинг фикрича, халқаро ҳуқуқ, демак, инсонпарварлик ҳуқуқи ҳам уни миллий қонунчиликка жорий этиш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида марказлаштирилган ва самарали тизимни қўзда тутмаганлигини, бу эса, бошқа сабаблар қатори, халқаро ҳамжамият тузилишининг ҳозирги даврдаги аҳволи билан боғлиқлигини айтадилар. Нима бўлганда ҳам, сўз қуролли можаро пайти ёки тинч давр ҳақида кетяптими, амалдаги қонунчиликнинг миллий ёки халқаро хусусиятлари ҳақидами, бундан қатъи назар, қонунлар бузилади ва жиноятлар содир қилинади. Энг муҳими бу жиноятларни қоралаш, олдини олиш ва уларга чек қўйишдир. Шу нуқтаи назардан ҳарбий жиноятларга суд томонидан чек қўйиш инсонпарварлик ҳуқуқини имплементация қилишга, у қандай микёсда – миллий ёки халқаро микёсда – амалга ошириладиган бўлса ҳам, қўмаклашувчи чоралардан бири сифатида қаралиши лозим.

Шунингдек, халқаро ҳамжамиятнинг доимий амал қилувчи халқаро жиноят суди тузилишига олиб келган саяъ-ҳаракатлари тўғрисида ҳам айтиб ўтиш керак. Жаҳон ҳамжамияти мазкур халқаро суд органи бугунги кунда ҳам кўп учраётган жазога тортилмай қолиш ҳолатларига чек қўйишда қўмак беради, дея умид қилади.

Айтиш жоизки, собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноят трибунали, одатий халқаро ҳуқуққа мувофиқ, ҳарбий жиноят тушунчаси нафақат халқаро можаро вақтида содир этилган, балки халқаро бўлмаган можаролар вақтида содир этилган жиддий ҳуқуқбузарликларни ҳам камраб олишини таш олди. Халқаро жиноят судининг Статути ва Руанда бўйича Халқаро жиноят трибуналининг Низомида қўзда тутилган ҳарбий жиноятлар рўйхатига ички қуролли можаролар даврида содир этилган жиноятлар ҳам қиради.

ХУЛОСА

Дарсда ўқувчилар *ахлокий бурч ва масъулият* каби тушунчаларни батафсил таҳлил қиладилар. Ўқувчилар инсон бошқа одамлар орасида, яъни жамиятда турмуш кечирар экан, ҳеч бир вазиятда қоидаларсиз фаолият юри-толмаслигини англаб олиб ва қоидалар масаласи устида чуқур мулоҳаза юритиб, улар халқаро меъёрлар у ёқда турсин, ҳатто кундалик, оддийгина қоидаларга риоя қилиш ҳам кўпинча жиддий дилеммаларни вужудга келтириши ҳақида хулоса чиқарадилар.

Муаллифлар ўқитувчи бу борада ўқувчиларга инсонийлик фойдасига ҳал қилинувчи хулосалар чиқаришда ёрдам бера олади, шунингдек уларни бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларни, ўзларининг ва бошқаларнинг ҳатти-ҳаракатларини юқори масъулият туйғусига мос тарзда баҳолашга ундай олади, дея умид билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ШАҲС ВА ЖАМИЯТ

*Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари
учун ўқув дастури*

Ушбу ўқув дастури Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2003 йил 16 октябрдаги 256/151-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган ва академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун Шахс ва жамият фанидан узвийлашган ўқув дастури сифатида узлуксиз таълим тизимида жорий этиш учун тавсия этилган.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ва Халқ таълими вазирликларининг 2002 йил 4 сентябрдаги «Узвийлашган фан дастурларини тажриба синовдан ўтказиш ҳақида»ги 263/144-сонли қўшма буйруғига асосан 2002-2003 ўқув йилида Самарканд шаҳридаги 45-мактабда ва Самарканд молия-иқтисод коллежида синовдан ўтказилган.

Тузувчилар:

- Жумаев Р.З. – сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор;
 Хужумов А. – фалсафа фанлари номзоди, доцент;
 Хайитов Ш.Э. – фалсафа фанлари номзоди, доцент
 Хайитова К.М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ўқув дастури сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Р.З. Жумаевнинг умумий раҳбарлигида тузилди.

Такризчилар:

- Ш.С. Кўшоқов – СамДУ фалсафа, фан методологияси ва мантик кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.
 Қ.Х. Душанова – Самарканд молия-иқтисод коллежи ўқитувчиси.
 И.Н. Хуррамова,
 Х. Зиёдуллаева – Самарканд шаҳридаги 45-мактаб ўқитувчилари.
 Шарифбоев Х. – Наманган ВПҚТМОИ катта ўқитувчиси.
 Давлатова С. – Қашқадарё ВПҚТМОИ катта ўқитувчиси.
 Усмоналиева Р. – Сурхондарё ВПҚТМОИ катта ўқитувчиси.
 Ғиёсов Ф. – Тошкент ВПҚТМОИ катта ўқитувчиси.
 Ҳожиёв А. – Жиззах ВПҚТМОИ катта ўқитувчиси.
 Зулунов Қ. – Андижон ВПҚТМОИ катта ўқитувчиси.
 Ҳўжаев Х. – Сирдарё вилоят, Сирдарё туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида “Шахс ва жамият” предмети мавзуларининг тақсимоти (40 соат)¹

Дарслар	Мавзулар	Мавзулар номи	Соат
1-дарс	1-мавзу	«Шахс ва жамият» предметининг мазмуни, вазифалари ва бошқа фанлар орасида тутган ўрни.	1
	2-мавзу	Инсон - бийожиқимой мавжудот.	1
2-дарс	3-мавзу	Инсоннинг вужудга келиши ва камолоти ҳақидаги концепциялар.	2
3-дарс	4-мавзу	Қадимги дунёда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар.	2
4-дарс	1-бахс дарси	Қочоқлар ва қўчирилганларнинг ҳолати – турли даврларнинг долзарб муаммоси.	2
5-дарс	5-мавзу	Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлари.	2
6-дарс	2-бахс дарси	Шахснинг кадр-қиммати ва эркинлиги.	2
7-дарс	6-мавзу	Европада инсон ва жамиятнинг моҳияти тўғрисидаги ғоялар.	1
	7-мавзу	Ҳозирги замон жамиятшунослиги.	1
8-дарс	3-бахс дарси	Химояга муҳтожларга муносабат: ўтмиш ва ҳозирги замон.	2
9-дарс	8-мавзу	Жамиятнинг ижтимоий тузилиши. Ижтимоий адолат ва барқарорлик – Ўзбекистондаги ижтимоий ўзгаришларнинг бош мақсади.	2
10-дарс	4-бахс дарси	Болалар жамиятнинг ижтимоий структурасида	2
11-дарс	9-мавзу	Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қурилишининг асосий йўналишлари.	2
12-дарс	5-бахс дарси	Инсонпарварлик ва шафқатсизлик - инсоний муносабатларнинг икки томони.	2
13-дарс	10-мавзу	Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти. Ўзбекистонда маънавий янгилашнининг асосий масалалари.	2
14-дарс	11-мавзу	Халқаро муносабатлар – жаҳон тараққиётининг кўзгуси.	1
	12-мавзу	Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида.	1
15-дарс	6-бахс дарси	Минтақавий можароларни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси.	2
16-дарс	13-мавзу	Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва тараққиёти.	2
17-дарс	7-бахс дарси	Ўзаро ёрдам апаъналарининг жамият ҳаётидаги ўрни.	2
18-дарс	14-мавзу	XXI аср ва жамиятнинг келажаги ҳақидаги башоратлар.	2
19-дарс	8-бахс дарси	Шахс ҳуқуқий маданиятининг қарор топиши.	2
20-дарс	15-мавзу	Замонамизнинг оламшумул муаммолари ва Ўзбекистоннинг келажаги.	2

¹ Умумтаълим мактаблари XI синфи учун соатлар тақсимоти Б илоада берилди.

● ТУШУНТИРИШ ХАТИ

XXI аср бўсағасида дунёда, унинг сиёсий-географик тузилишида туб ўзгаришлар юз берди. Жаҳон харитасида янги мустақил давлатлар, жумладан, мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлди.

Ўзбекистон жамиятни янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, миллий маънавий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар учун фаровон турмуш шароитларини яратиш йўлидан бормоқда. Бу, бир томондан, шарафли бўлса, иккинчи томондан, узоққа чўзиладиган, мураккаб жараён бўлиб, бир канча муаммо ва кийинчиликларни енгиб ўтиш билан боғлиқ йўлдир.

Янги тузумни қуриш ҳеч қачон ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Уни ўз меҳнати билан миллионлаб кишилар, уларнинг ўзаро муносабатлари юзага келтириб, ривожлантиради. Шу маънода жамиятнинг ўзи нима, у қандай тузилган, унинг таркибий қисмлари бир-бири билан ўзаро қандай боғланган, турли жамиятларнинг ўзига хослигию, умумийлиги нималардан иборат, ҳазрати инсоннинг ўзи ким, кишиларнинг ахлоқий, сиёсий, диний, эстетик, ҳуқуқий дунёқарашлари қандай таркиб топади, уларнинг инсон фаолиятидаги ўрни қанақа, кишилар орасидаги камалак ранги мисол ҳар хил муносабатларнинг вужудга келишига сабаб нима, кишилик жамиятининг ўтмиши қандай бўлган, ҳозири қанақа ва келажаги қандай бўлади, деган масалалар инсониятни асрлар бўйи ўзига жалб қилиб келган ва шундай бўлиб қолади.

«Шахс ва жамият» предмети ана шу муаммоларни тушунтириш ва ўқувчиларда уларни қуршаб турган ижтимоий воқеликнинг мураккаб жараёнларида бевосита иштирок этиш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилган.

Ижтимоий-гуманитар билимларнинг мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тизимида тутган ўрни даставвал мустақил Ўзбекистон давлатчилиги олдида турган улкан яратувчилик вазифалари билан белгиланади. «Шахс ва жамият» ўқув предметиға татбиқан бу ҳол яна шу билан тавсифланадики, ҳозирги пайтда жамиятнинг ягона ҳаракатлантирувчи кучи синфий антагонизмлар ҳисобланади деган нуқтаи назар ва марксча утопиянинг бошқа ақидаларидан воз кечилди. Буларнинг амалда бўлиши натижаси ўлароқ умумцивилизациявий йўлдан четлашилган, беҳад катта моддий ва маънавий ресурслар бой берилган, энг дахшатлиси — инсон кадр-киммати ерга урилган эди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда бозор муносабатлари, демократия ва ҳуқуқий давлатнинг шакллана бошлаши билан ижтимоий ривожланишнинг янги моделиға ўтилмоқда. Ўз навбатида бу модел ўзаро боғлиқ ва кўп жиҳатдан ягона бўлган цивилизациянинг шаклланиши, умуминсоний ва миллий кадриятларни мувофиқлаштириш негизида жаҳон янги тартиботи қарор топаётган даврга энг кўп мос келади.

Жамиятшунослик билимларига бўлган эҳтиёж конкрет инсон шахсини шакллантириш манфаатлари билан ҳам тақозолангандир. Кишиларнинг ўзаро муносабатлари, бошқаларни англашға интилишлари, юз бераётган мураккаб ижтимоий жараёнларда иштирок этиш зарурияти, шахсий эркинлиги ва масъулияти, индивидуал бетакрорлиги, шахсий фаровонликка ин-

тилишлари, оилавий муносабатларга киришишлари ва ҳоказолар ҳам чуқур ижтимоий тайёргарликка бориб тақалади.

Жамият ва шахс кадрият мўлжалларидаги олий ифода – бу ҳар бир инсоннинг фуқаровий ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, фуқаровий тотувлиги, авлодлар хотирасига ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва ҳоказолар – ҳозирги замон жамиятшунослик билимларининг мазмунини ташкил этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунара таълими тизимида «Шахс ва жамият» ижтимоий-гуманитар йўналишдаги предметларнинг асосий хулосаларини ўзида ифодаловчи якуний ўқув предмети ҳисобланади. Шунга кўра бу предмет интегратив хусусиятга эга.

Мазкур предмет мавзулари муаммоларини ечишда ўқувчилар мактаб даврида ўқиган барча ижтимоий ва табиий фанлардан олган билимларига суянган ҳолда мустақил хулосалар чиқаришга ҳаракат қиладилар. Инсоний муносабатларнинг мураккаб дунёсини ҳар гал янгидан «кашф қиладилар».

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, киши ўз ҳаётида ҳали дуч келмаган мураккаб вазиятлар гирдобига тушиб қолиши мумкин. Ана шундай шароитда, кадриятларнинг қайтадан баҳоланиши жараёнида, улар эсанкираб қолмасликлари учун ностандарт фикрлашга қобил бўлишлари лозим. Ана шундай кишиларнинг фаолияти кўп жихатдан ижтимоий ривожланишни белгилаб беради. Бу хулосанинг нечоғлик тўғрилигини бизнинг мамлакатимиз ҳозир бошидан кечириб турган ҳолат кўрсатиб турибди.

Дарс мобайнида баъзи ўқувчиларда кўпчиликка мос келмайдиган фикрлар ҳосил бўлиши мумкин, бу табиий ҳолат. Ушбу фаннинг мақсади бир хил фикрлайдиган кишиларни «қолипдан чиқариш» эмас, балки, таъкидлаб ўтилган педик, уларга мустақил фикрлаш кўникмаларини сингдиришидир. Шу маънода мазкур предметни ўрганиш пайтида иложи борица ҳар бир дарсни баҳс-мунозара усулида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, «ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик, муҳоқама қилайлик.» Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин.»

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилгандан кейин таълим соҳасида илғор мамлакатлар янги педагогик технология тизимларини имкон қадар жорий қилишга ҳаракат қилинмоқда. Бошқа фанлар қатори “Шахс ва жамият”дек ижтимоий муносабатлар соҳаси ходисаларини тушунтирувчи фанда ҳам ана шунга қўл урилди. 1999 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Миллий жамияти ва Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш ҳақида шартнома имзоланди. Унга мувофиқ республикамизнинг бир гуруҳ шу соҳа мутахассислари томонидан “Инсон ва жамият” курси бўйича қўшимча ўқув қўлланмаси” яратилди. Унда бизнинг педагогикамиз учун янги бўлган интерфаол усуллар кенг қўлланилган бўлиб, улар ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмалари ҳосил қилишга йўналтирилган. Мазкур ўқув қўлланмасининг яратилиши, тажриба-синовдан ўтказилиши, ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик тилларида чоп этилиши ва мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларига етказиб берилишини Ўзбекистон

Республикасининг Женева конвенцияларига қўшилиши билан ўзига олган халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқиб ўқув дастуридаги баҳс-мунозара дарсларини ана шу ўқув қўлланмаси мавзулари асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ана шу мавзуларни ўтишда ўқитувчи ўқув қўлланма бўйича услубий кўрсатмага асосланган дарсларнинг янада қизиқарли ўтиши таъминланади. Қуйида баҳс дарслари ва юқорида тилга олинган ўқув қўлланмасидаги амалий машғулот мавзуларини ўзаро боғлаш схемаси берилмоқда¹:

Баҳс дарслари	Баҳс дарсларининг номи	Ўқув қўлланмасидаги қайси мавзу асосида ўтилиши
1-баҳс дарси	Қочоқлар ва кўчирилганларнинг ҳолати – турли даврларнинг долзарб муаммоси.	Бошпана кидириб
2-баҳс дарси	Шахснинг кадр-қиммати ва эркинлиги.	Шахс кадр-қимматига ҳурмат
3-баҳс дарси	Ҳимояга мухтожларга муносабат: ўтмиш ва ҳозирги замон.	Ҳимояга мухтожлар
4-баҳс дарси	Болалар жамиятнинг ижтимоий структурасида	Болалар – жамиятнинг келажаги
5-баҳс дарси	Инсонпарварлик ва шафқатсизлик - инсоний муносабатларнинг икки томони.	Инсонийлик ва шафқатсизлик – ўзаро муносабатларнинг икки томони
6-баҳс дарси	Минтақавий можароларни халқ қилишда Ўзбекистоннинг хиссаси.	Давлат ва фуқаро мажбуриятлари
7-баҳс дарси	Ўзаро ёрдам аъёналарининг жамият ҳаётидаги ўрни.	Аъёналар ва ўзаро ёрдамнинг жамият ҳаётидаги ўрни
8-баҳс дарси	Шахс ҳуқуқий маданиятининг қарор топиши.	Шахснинг ҳатти-ҳаракати ва масъулияти

Ўқувчиларнинг дарсларда ижтимоий масалалар, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти, унинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва роли, инсоннинг ички дунёси ва маънавий эҳтиёжлари ҳақида мустақил хулоса чиқаришлари ўсиб келаётган ёш авлодни умуминсоний кадриятлар, миллий маданий-тарихий аъёналар асосида маънавий-ахлоқий табиёлаш вазибаларини ечиш имконини беради.

Таълим тизими, шу жумладан «Шахс ва жамият» предмети, баланд-парвозлик, расмиятчилик, умумий қоидаларни ёдлаб олишлардан холи бўлиши керак. Бу ўқувчиларнинг мустақил равишда *социологик тадқиқот, ижтимоий роллар ўйини, конференция, мунозара* каби турли-туман таълим усулларини юқори савияда ташкил этишларини тақазо қилади.

Ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз фикрларини асосли ҳимоя қилиш, баҳслашиш кўникмаларини ҳосил қилишлари учун баҳс-мунозара дарсларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай дарслар олиб борилишида ҳозирги пайтда қатта аҳамият қасб этиб бораётган интерфаол

¹ Ўқув қўлланмаси мавзулари номи 2005 йил чоп этилган «Шахс ва жамият» (Т: «Ўқитувчи») ўқув қўлланмаси асосида берилмоқда.

усуллардан, жумладан, кичик гуруҳларга бўлиниш, маълум позицияни эгаллаш, барчанинг бир-бирини ўқитиши, ақлий ҳужум, роллар ўйини каби усулларни кенг қўллаш дарсларнинг самарали бўлишини, уларнинг қизиқарли кечишини таъминлайди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида бир ўқув дарсининг давомийлиги одатда 80 минутни ташкил қилади. Бундай шароитда 40 соатлик «Шаҳс ва жамият» предмети ўқитувчиси 20 марта дарсга киради. Дарслар мавзуларининг баъзилари кичикрок, баъзилари каттарок ҳажмдалигини ҳисобга олиб уларнинг баъзиларини бир дарсда қўшиб ўтишга тўғри келади. Бу мавзулар тақсимогида кўриниб турибди: 1 ва 2-мавзулар, 6 ва 7-мавзулар ҳамда 11 ва 12-мавзуларни бир жуфт соатда қўшиб ўтишни маслаҳат берамиз. Шуни кўзда тутиш керакки, агарда ўқув юрти ихтиёридаги захира ўқув соатларидан 3 соатини ушбу фанга ажратилса уларни қўшиб ўтишга ҳожат қолмайди. Бу ўқув муассасалари Педагогика кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

Ўқув дастури асосига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорининг, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, умумжаҳон прогрессив ривожланиши доирасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиёти ҳақидаги асарларининг ва мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган миллий истиқлол ғоясининг асосий мазмуни олинган.

● *ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ КЎНИКМАЛАРИ*

Мазкур предметни ўзлаштириш давомида ўқувчиларда қуйидаги кўникмалар шаклланади:

- мактаб даврида тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, одобнома ва бошқа фанлардан илгари олган билимларини умумлаштириш;
- тарихий воқеаларнинг амал қилиши жараёнининг кишилар онгига, дунёқарашига таъсирини кўра билиш;
- дунёнинг келиб чиқиши, инсоннинг вужудга келиши ва жамиятнинг ривожини тўғрисидаги билимларни тарихий, антропологик материаллар воситасида кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- жамиятдаги ҳодиса ва жараёнларнинг характерини турли халқлар тарихи мисолида кўриб чиқиш ва уларнинг умумий тенденциясини аниқлаш;
- ижтимоий ўзгаришлар ва уларнинг моҳиятини давлат ҳужжатлари, оммавий ахборот воситалари хабарлари орқали тушунтириш;
- турли ижтимоий ғояларнинг мазмунини тушуна олиш;
- дарслардаги муаммовий вазиятлар ҳақидаги топшириқларни мустақил ишлаш воситасида жамиятда вужудга келадиган турли ҳолатларга муносабат билдира олиш;

- жамиятдаги сиёсий ўзгаришларнинг сабабларини тез англай олиш;
- юз бераётган ижтимоий воқеаларни мустақил таҳлил қила олиш;
- ҳар қандай шароитларда ҳам мустақил фикр юрита олиш қобилиятини шакллантириш;
- берилган саволлар ва топшириқларни бажаришда ёзма иш, реферат, конспект тайёрлаш;
- дунёда юз бераётган ўзгаришлар йўналишини тез аниқлаш ва уларнинг мамлакатимиз учун аҳамиятини кўра билиш;
- ўзида ижтимоий жараёнларнинг йўналишини башорат қила билиш кўникмасини таркиб топтириш;
- инсоний муносабатларда юз бериши мумкин бўлган ҳар хил муаммоларга мустақил баҳо бериш;
- умуминсоний ва миллий кадриятларнинг диалектикасини тўғри англаш;
- байналмилаллик ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш;
- дарсда муҳокама қилинадиган муаммоларни илмий жиҳатдан асослаб бера олиш.

1-мавзу. «Шахс ва жамият» предметининг мазмуни, вазибалари ва бошқа фанлар орасида тутган ўрни.

Инсон ва жамият тўғрисидаги билимлар тизимида ушбу фаннинг ўзига хос ўрни. Шахс ва жамият фанининг тарих, ҳуқуқшунослик, иқтисодийёт асослари, одобнома, маънавият ва маърифат асослари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Жамият тараққиётини тўғри тушуниш ва уни умуминсоний манфаатларнинг устиворлиги томон йўналтиришда бу фандан олиннадиган билимларнинг аҳамияти.

Жамиятшунослик билимлари соҳасида фанлар интеграцияси (ўзаро яқинлашуви) ва дифференциацияси (алоҳидлашуви).

Жамиятни тушуниришга формациявий ва цивилизациявий ёндошувлар. Ижтимоийлашув жараёнининг асосий босқичлари. Шахс, жамият ва уларнинг тарихига цивилизациявий ёндашув тамойилининг зарурлиги ва аҳамияти.

Цивилизация тушунчаси, унинг замоний (ўтмиш ва ҳозирги) ва маконий (шарқ, ғарб, шимол, жануб) таснифи. Цивилизациявий тараққиётда ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти. Инсон цивилизациянинг асосий элементи.

Жамиятшуносликда дунёқараш ва инсоният жамияти тўғрисидаги билимларнинг уйғунлиги. Шахс камолотининг жамият ривожига ва ижтимоий жараёнлар тараққиёт даражасининг инсон етуқлигига боғлиқлиги.

Асосий тушунчалар: “Шахс ва жамият” предмети; унинг тузилиши ва вазибалари; бошқа фанлар орасида тутган ўрни; фанларда интеграциялашув ва дифференциациялашув; формация; цивилизация; дунёқараш.

2-мавзу. Инсон биоижтимоий мавжудот.

Инсон табиатининг бир қисми. Инсон биологиявийлик, ижтимоийлик ва маънавийлик бирлигидир. Инсон ҳаётида физик-химик, биологик-фи-

зиологик томонларнинг ўрни ва аҳамияти. Инсоннинг табиий мавжудот сифатидаги эхтиёжлари. Инсоннинг табиий муҳитга таъсирига тарихий назар. Ёввойилиқдан маданият сари. Инсоннинг хиссиётлари дунёси.

Инсоннинг тафаккури. Унинг маънавий олами. Ҳаёт кечиришдан кўзланган мақсад. Инсон, индивид, шахс тушунчалари. Унинг дунёни ва ўз-ўзини англаши масалалари. Шахснинг кадриятлари. Шахснинг гуруҳлардаги мақоми ва унинг ўзгарувчанлиги. Шахсий масъулият ва эркинлик. Шахс ҳаётида инсонпарварлик ва ёвузлик. Эгоизм, альтруизм, индивидуализм. Тарихий жараёнда шахсларнинг ўрни. Буюк шахс мақоми.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ҳамда янгича фикрлайдиган, фаолият юритадиган, ватанпарвар, фидойи шахсларга эхтиёжнинг кучайиши.

Асосий тушунчалар: Табиий сифатлар; табиий эхтиёжлар; хиссиётлар; тафаккур; маънавият; инсон-индивид-шахс; кадриятлар; шахс мақомининг ўзгарувчанлиги; инсонпарварлик ва ёвузлик; шахсиятпарастлик; альтруизм; индивидуализм; буюк шахс мақоми.

3-мавзу. Инсоннинг вужудга келиши ва камолоти ҳақидаги концепциялар.

Инсоннинг вужудга келиши ҳақида турлича қарашлар: биохимик эволюция, диний қарашлар, доимийлик ҳолати, ташқаридан келтирилганлик ва бошқалар. Муқаддас китоблар (Инжил, Қуръон) инсоннинг вужудга келиши ҳақида. Антропогенезнинг геологик, биологик, географик, космик, антропологик, ижтимоий асослари.

Инсоният тарихида баркамол инсон ва уни тарбиялаш ҳақидаги қарашлар.

Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг малакали мутахасис, ахлоқий етук, сиёсий салоҳияти юқори, ҳуқуқий билимли ва меҳнатсевар баркамол инсонни тарбиялашдаги аҳамияти.

Асосий тушунчалар: концепциялар: биохимик эволюция, диний қарашлар, доимийлик ҳолати, ташқаридан келтирилганлик; антропогенез; социогенез; антропогенезнинг геологик, космик, антропологик, ижтимоий асослари; баркамол инсон.

4-мавзу. Қадимги дунёда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар.

Қадимги Шарқ — цивилизациялар бешиги. Шарқ мамлакатларида тарқалган асотирий (афсонавий), диний, дунёвий ҳамда фалсафий назарияларда инсон ва ижтимоий тузум масалалари. Антик дунё ижтимоий-маданий оламига Шарқнинг таъсири.

Қадимги Мисрда дунёнинг вужудга келиши тўғрисидаги фикрлар. Сомир (Шумер) ва Бобил (Вавилон)даги инсон ва жамият ҳақидаги тасаввурлар. Қадимги Ҳиндистондаги ижтимоий қарашлар (Ведалар, «Маҳобҳорат», «Рамаяна», чорвақлар, брахманизм, хиндуизм ва х.к.). Қадимги Хитойдаги ижтимоий фикрлар (даосизм, моизм, конфуцийчилик ва х.к.).

Қадимги Юнонистон ва Римда ижтимоий фикрларнинг системалаштирилиши (Ҳомернинг «Одессия» ва «Илиада» дostonлари, Демокрит, Гераклит, Платон, Аристотел ва бошқалар).

Асосий тушунчалар: Қадимги Шарқ (Миср, Шумер ва Вавилон) цивилиза-

циялари; асотирлар; Ведалар; ҳинд эпослари – “Маҳобҳорат”, “Рамаяна”; чорвақлар, брахманизм хиндуизм мактаблари; даосизм, моизм ва конфуцийчилик; билимларнинг системалаштирилиши; қадимги юнон файласуфлари.

1-баҳс дарси: Қочоқлар ва кўчирилганларнинг ҳолати – турли даврларнинг долзарб муаммоси.

Инсонпарварлик – ўзаро ҳамдардликнинг муҳтожликдаги, заиф, камбағал, чорасизликдаги, касал, бошпанасиз ва шу каби кишиларга нисбатан амалий муносабат орқали акс этиши. Ана шу муаммонинг моҳиятини Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темури, Алишер Навоий ва бошқалар ҳаёти ва фаолияти орқали таҳлил қилиш. Ўтмишдаги ва ҳозирги замондаги қочоқлар муаммосини ўзаро таққослаш. Қочоқлар пайдо бўлишининг сабаблари. Қочоқлар ва кўчирилган шахслар муаммосининг жамиятдаги бошқа ижтимоий муаммолар билан алоқадорлиги. Хавфсиз жойларда қочоқларни қабул қилиш қийинчилигининг сабаблари. Мазкур муаммога И.А.Каримов томонидан “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари” асарида билдирилган муносабат.

Давлатлар, халқаро ва жамоат ташкилотларининг мазкур муаммони ечиш соҳасидаги фаолиятлари. БМТ қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссари Бошқармаси (ҚБОҚБ) ва ҚҚҚҚнинг қочоқларга ёрдам кўрсатиш бўйича инсонпарварлик фаолияти.

Мунозара жарёнида ўқувчиларнинг мустақил фикр билдиришга интилишларини рағбатлантириш. “Бошпана кидириб” мавзусида кўйилган савол ва топшириқлардан ушбу муаммони тушуниш ва вужудга келган баҳсли вазиятларни ечишда фойдаланиш.

Асосий тушунчалар: Инсонпарварлик; муҳтожлик ва чорасизлик; бошпанадан ва ватандан жудолик ва унинг оқибатлари; Ибн Сино ҳаёти мисолида бошпанасизлик машаққатларини тасаввур қилиш; қочоқлар пайдо бўлиши сабаблари; мазкур муаммога И.А.Каримов томонидан “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари” асарида билдирилган муносабат; Давлатлар, халқаро ва жамоат ташкилотларининг мазкур муаммони ечиш соҳасидаги фаолиятлари; БМТ қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссари Бошқармаси (ҚБОҚБ) ва ҚҚҚҚнинг қочоқларга ёрдам кўрсатиш бўйича инсонпарварлик фаолияти.

5-мавзу. Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлари

Ўрта Осиёда исломгача бўлган ижтимоий фикрлар: зардуштийлик, маздакийлик, монийлик (манихейлик). «Авесто» – зардуштийликнинг муқаддас китоби. Зардуштийлик инсон ва жамоа ўртасидаги муносабатлар ҳақида.

Инсон ва жамият ҳақида атоқли дин арбобларининг фикрлари: Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Хўжа Абдуҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқалар. Ислом дини ва тасаввуф фалсафасида жамоа ва шахс муносабатлари. Тасаввуфда барқамол жамият ва комил инсон ҳақидаги фикрлар.

Илм-фан намояндалари, атокли давлат арбоблари ва маърифатпарвар мутафаккирларнинг ижтимоий тараққиёт, инсонпарварлик, инсоний муносабатларнинг мураккаблиги, адолат ва қабоҳат, муҳаббат ва разолат, меҳр-шафқат ва зулмкорлик ҳақидаги фикрлари (Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Кайковус, Захириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Абдулқодир Бедил, Нодира, Увайсий, Машраб, Аҳмад Дониш ва бошқалар).

XIX—XX асрларда Ўрта Осиёдаги ижтимоий фикрлар. Жадидчиликнинг Ўрта Осиё халқлари ижтимоий фикри тарихидаги ўрни.

Ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ҳозирги фикрлар. Жаҳондаги тарихий жараён ва Ўзбекистон тараққиётининг ўзаро нисбати ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қарашлари.

Асосий тушунчалар: Зардуштийлик; маниҳейлик; маздакийлик; “Авесто”; тасаввуф таълимоти ва унинг атокли намояндалари; тасаввуфда баркамол жамият ва комил инсон масалалари; Ўрта Осиёнинг илм-фан вакиллари ва атокли давлат арбобларининг ижтимоий қарашлари; жадидчилик; Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг қарашлари.

2-бахс дарси: Шахс кадр-қиммати ва эркинлиги.

Ижтимоий қонунларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти. Ўтмишдаги ва ҳозирги замондаги ижтимоий фикрлар уларнинг тараққиёти ҳақида. Инсон шаъни ва кадр-қиммати ҳар қандай шароитда ҳам ҳурмат қилиш зарурлиги ғоясини акс эттирувчи бадиий ижод намуналари.

Қонунчиликда ички ва давлатлараро можаролар бевосита таъсир қилувчи кишилар манфаатларининг акс эттирилиши. Ушбу масаланинг амалиёти ва назарияси. Мазкур масаланинг Амир Темур давлатидаги ечими. Амир Темурнинг “Тузуқлари” турли ижтимоий вазиятларни ҳисобга олувчи қоида ва қонунлар Кодекси сифатида.

XIX аср ўртасида уруш даврида инсонни ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатларнинг қабул қилиниши зарурияти. Уруш ва ҳарбий асирлар муаммоси. II жаҳон уруши ва XX асрнинг иккинчи ярмидаги қуроли можаролар натижасида ушбу масалалар аҳамиятининг ортиши. 1949 йилги Женева конвенциялари ва 1977 йилги уларга Қўшимча протоколларда ушбу масаланинг ечими.

Ўқувчиларнинг дарсда қўйилган савол ва топшириқларни ечиши жараёнида мазкур муаммога ўз муносабатларини аниқлашлари.

Асосий тушунчалар: инсон кадр-қиммати; ор-номусни ҳимоя қилувчи турли одат ва анъаналар; турли халқлар тарихий меросида ҳимояга муҳтожларга муносабат масаласининг акс этиши; Хаммурапи қонунлари, ҳинд эпослари ва бошқаларда меҳр-шафқат масалалари; Темур «Тузуқлари» — ёзма қонунлар тўплами; озодликдан маҳрум бўлганлар қисматида муносабат қоидалари; ҳарбий асирларга муносабат ҳақидаги III Женева конвенциясининг асосий қоидалари.

6-маву. Европада инсон ва жамиятнинг моҳияти тўғрисидаги ғоялар

Христиан назарийётчиларининг жамият ва инсон ҳақидаги ғоялари

(Августин ва Ф. Аквинский). Салб юришлари давридаги рицарлик кадриятлари табақалар ўзаро муносабатларининг кўзгуси сифатида.

Уйғониш даври мутафаккирларининг инсон ва ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги фикрлари (Данте Алигъери, Франческо Петрарка, Пико делла Мирандола, Никколо Макиавелли ва бошқалар).

Маърифатпарварлик даври дунёқарашида инсон шахсининг ноёблиги масаласи. XVII – XVIII асрларда инглиз ва француз мутафаккирларининг ижтимоий тараккиёт ҳақидаги ғоялари (Т. Мор, Т. Кампанелла, Д. Локк, Ф. Бэкон, Ф. Вольтер, Д. Дидро, Ж. Ж. Руссо ва бошқалар).

Немис классик фалсафаси вакилларининг ижтимоий фикрлари (И. Кант, Гегель, Фейербах). Инсон ва унинг руҳияти ҳақидаги қарашлар (С. Кьеркегор, А. Шопенгауэр, Ф. Ницше, З. Фрейд ва бошқалар).

Коммунистик жамият ҳақидаги ғоя ва унинг жаҳон тарихий тараккиётига ҳалоқатли таъсири.

Асосий тушунчалар: Христиан назариётчилари; уйғониш даври; маърифатпарварлик даври; немис классик фалсафаси; коммунистик жамият ғояси ва амалиёти.

7-мавзу. Ҳозирги замон жамиятшунослиги

XIX аср охири ва XX асрдаги ижтимоий жараёнларнинг кенг қамровлилиги ва уларнинг ижтимоий муносабатларга таъсири. Уруш ва тинчлик муаммоларининг бирламчи аҳамият касб этиши ва бу ҳақдаги фикрларнинг ривожини. II жаҳон урушининг жамиятшунослик ғояларига таъсири.

Ғарбда амалга ошган модернизация ва унинг турли моделлари. Санотлашган жамият ва сиёсий эркинликлар шароитида шахс типи. Цивилизация типларининг ташқи таъсирга нисбатан консервативлиги шароитларида уларнинг ўзаро яқинлашуви муаммолари. XX аср цивилизациясида социалистик ва фашистик тоталитар тузумлар, уларнинг зиддиятлари, таназзули ва барҳам топиши. Инсон табиати ҳақидаги қарашларнинг ўзгариши.

Ҳозирги даврда сиёсий ва мафкуравий ўзгаришлар. Собиқ Иттифокнинг парчаланиши ва мустақил давлатларнинг вужудга келиши. Миллий жипслашув ва миллий давлат мустақиллиги ғояси. Миллий менталитет.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги шароитида дастуриламал ижтимоий таълимотлар. Шахс ва жамият муносабатларининг тубдан янгича ҳал этилиши. Ижтимоий фанлар ривожининг ҳозирги босқичи. Миллий мустақиллик ғоясининг ишлаб чиқилиши.

Асосий тушунчалар: II жаҳон уруши ва ижтимоий тараккиёт; модернизация; социалистик ва фашистик ғоялар ҳамда уларга асосланган тузумлар; мустақил давлатларнинг вужудга келиши; Ўзбекистонда миллий мустақиллик ғояси.

3-бахс дарси: Ҳимояга муҳтожларга муносабат: ўтмиш ва ҳозирги замон.

Барча моддий ва маънавий бойликларнинг яратувчиси бўлган халқ оммасининг турли вазиятлардаги ижтимоий аҳволи. Уларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш зарурияти.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоийнинг ижоди – умуминсоний кадриятларнинг акс этиши сифатида. Унинг “Ҳамса” сига кирувчи

“Хайратул Аббор” ва “Садди Искандарий” асарларининг асосий ғояларини таҳлил қилиш асосида XV асрда мамлакатимиз ҳудудида юз берган шафқатсизлик ҳолатларида тинч аҳоли чеккан азоб-уқубатларни кўриб чиқиш.

Ҳозирги пайтда урушларнинг вайронагарчилик кучи ҳаддан ташқари ортганлиги ва уларнинг оқибатлари тўғрисидаги баъзи статистик кўрсаткичлар. Ўтмиш ва ҳозирги кунларда рўй бераётган уруш ва ўзаро низолар натижасида кишиларнинг нечоғлик азобларга дучор бўлаётгани ҳақидаги мисолларни таҳлил қилиш. Бундай вазиятларда умуман фуқаро аҳолига, хусусан аёллар ва болаларга муносабат қоидаларини сақлашнинг аҳамияти ҳақида фикр юритиш.

Ўқувчиларнинг мазкур мавзудаги савол ва топшириқларга конкрет муносабатини аниқлаш. Уларнинг дарсда кўтарилган муаммолар ҳақида қандай хулосалар чиқаришини кузатиш.

Асосий тушунчалар: Тинчлик ва низолар – жамият ҳаётининг қутблари; уларнинг тинч аҳоли ҳаётига таъсирига тарихий назар; Алишер Навоий ижодида халқпарварлик; нотинчлик вазиятларида химояга муҳтож кишиларга муносабат қоидалари; дунёнинг нотинч нуқталарида мазкур муаммонинг муҳимлиги; Ўзбекистон раҳбариятининг тинчлексевар ва инсонпарвар фаолияти.

8-мавзу. Жамиятнинг ижтимоий тузилиши. Ижтимоий адолат ва барқарорлик – Ўзбекистондаги социал ўзгаришларнинг бош мақсади.

Инсоният борлигининг ижтимоий таҳлили. Ижтимоий гуруҳлар (уюшмалар) ва уларнинг таснифи. Ўзбекистонда кичик ва ўрта мулкдорлар табакасининг пайдо бўлиши, унинг объектив ва субъектив омиллари.

Кишилар этник бирлигининг тарихий шакллари. Уруғ, миллат ва миллий муносабатлар. Уруғ-аймоқчилик, юртдошлик ва маҳаллийчилик – давлат барқарорлигига таҳдид солувчи хавфдир. Ўзбекистонда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик иллатларига қарши курашда миллат ва бутун халқнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий савиясини кўтаришнинг аҳамияти.

Миллатларнинг тенглиги – Ўзбекистон Конституциясининг асосий тамойилидир. Миллийлик ва байналмилаллик, уларнинг белгилари. Ўзбекистонда миллий муносабатлар масаласи ҳал қилинишининг ўзига хослиги. Миллий ғурур ва миллатчилик тушунчалари.

Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминловчи қонунчилик базасининг яратилиши. Республикада барча халқлар ва этник озчилик учун яратилган имкониятларнинг ҳуқуқий қафолатлари. Ўзбекистонда яшаётган бошқа халқларда миллий уйғониш, миллий-этноасосларда жипслашиш жараёнлари. Ўрта Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий интеграциянинг миллатлараро муносабатларга ижобий таъсири.

Оила жамият социал тизимининг ажралмас қисми сифатида. Oilанинг моҳияти, тарихий шакллари, ижтимоий функциялари. Оила йили – оилага давлат эътиборининг кўрсаткичи сифатида. Никоҳ тушунчаси. Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари. Эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Фарзанднинг мажбурият ва ҳуқуқлари. Мамлакатдаги ижтимоий-демографик вазият ва унинг инсон салоҳияти ва меҳнат захираларини шакллантиришдаги ўрни.

Жамиятда хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилиги: олий мақсадлар ва ҳаёт реалликлари. Ўзбекистонда оила, кўп болали оналар аҳволи ҳақида ғамхўрликнинг кучайиши. Аёллар йили – Ўзбекистонда хотин-қизларга эҳтиром кўрсаткичи сифатида. Қариялар, ногиронлар ва кам таъминланган ижтимоий қатламларни химоя қилиш масалалари. «Қарияларни кадрлаш йили» – инсонпарварлик ифодаси. Инсон ҳаётининг ижтимоий-маиший шароитлари ва уларни яхшилаш: аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, уй-жой шароитларини яхшилаш, бўш вақтни самарали ўтказишни ташкил қилиш ва ҳоказолар.

Ўзбекистондаги ижтимоий адолат ва барқарорлик – жамият ижтимоий бирлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг омили сифатида.

Асосий тушунчалар: ижтимоий гуруҳ ва қатламлар; этник бирликлар; миллат ва миллий муносабатлар; уруғ-аймоқчилик, юртдошлик ва маҳаллийчилик; миллий ғурур ва миллатчилик; оила ва никоҳ; оиланинг вазифалари; фарзандлар ва ота-оналарнинг ўзаро мажбуриятлари; демографик вазият; хотин қизлар ва қарияларга эҳтиром; ижтимоий адолат масалалари.

4-баҳс дарси: Болалар жамиятнинг ижтимоий структурасида.

Жамият тараққиёти ва ёшларнинг келажаги. Болаларни қутлашга оид турли-туман одатларнинг мазмуни. Ҳозирги пайтда болалар ва катталар ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа томонлари. Болалар: ҳатти ҳаракатлар ва масъулият. Оилавий тарбиянинг қайтарилмас хусусиятлари.

Мустақил Ўзбекистонда ёшлар муаммолари, уларни ечиш йўллари. Ёшларга таълим бериш ва уларни тарбиялаш масалаларига давлат эътиборининг ортиши. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Соғлом авлод йили” – ёш авлодга ғамхўрликнинг олий ифодаси. Маҳалла кўмиталари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа нодавлат ташкилотлари ва жамғармаларининг ёшлар тарбияси масалаларига муносабати.

Болаларнинг эҳтиёжлари, уларни тинчлик ва нотинчлик вазиятларида кондирши зарурияти. II жаҳон урушида Ўзбекистонга ва бошқа мамлакатларга эвакуация қилинган болалар тақдири. Раҳмдилликнинг аниқ ҳатти-ҳаракатларда акс этиши.

Болаларнинг ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этишининг оқибатлари. Аскар-болаларнинг планетамиз турли нуқталаридаги қуроли тўқнашувларда қатнашувига оид статистик кўрсаткичлар. Уларни ҳарбий ҳаракатларга жалб қилишнинг сабаблари. Жамиятнинг ана шундай болалар келажаги учун масъуллиги масалалари. Ҳарбий ҳаракатларда бевосита қатнашган болаларнинг тинч ҳаётга қўникиши муаммолари.

Женева конвенциялари ҳарбий ҳаракатларда болаларнинг иштирокини тақиқлаш ҳақида. Халқаро даражада болаларни қуроли моҳаролар хавфидан химоя қилиш ҳаракатининг кучайиши.

Мавзуда қўйилган савол ва топшириқларни ечиш.

Асосий тушунчалар: Ёшлар ва ижтимоий тараққиёт; болалар: ҳатти ҳаракатлар ва масъулият; оилавий тарбиянинг қайтарилмас хусусиятлари; болаларнинг эҳтиёжлари; аскар-болалар – аччиқ вокелик; аскар-болаларнинг тинч ҳаётга қўникиши масалалари; жамиятнинг масъуллиги; Женева конвенция-

ларида болаларнинг махсус химоя қилиниши масалалари; II жаҳон урушида болаларнинг Ўзбекистонга эвакуация қилиниши ва меҳр-оқибат масалалари; Ўзбекистонда болалар тарбияси ва билим олишига муносабат; давлат муассасалари, нодавлат ташкилотларнинг болалар тарбиясига масъуллигининг оширилиши; таълим соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар — ғамхўрликнинг олий ифодаси.

9-мавзу. Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қурилишининг асосий йўналишлари.

Бошқарув ва ўз-ўзини бошқарувнинг нодавлат ва давлат шакллари. Сиёсий-ҳуқуқий соҳанинг вужудга келиши.

Жамиятнинг сиёсий тизими: моҳияти, тузилиши, элементлари ва унинг социал тузилишга боғлиқлиги. Давлат: пайдо бўлиши, моҳияти, белгилари, типлари, шакллари, функциялари. Ҳокимият: моҳияти, шакллари ва функциялари. Ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилининг амал қилиш хусусиятлари. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти. Сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги (қонунийлиги). Сиёсий етакчи. Сиёсий режим. Демократия. Диктатура. Сиёсий маданият. Сиёсий онг тушунчасининг моҳияти. Давлат тизими ва сиёсий маданият. Сиёсий муносабатлар.

Ҳуқуқ — ижтимоий-сиёсий бошқарув институти. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати. Қонуннинг устуворлиги. Конституция. Парламент. Парламент демократияси. Ҳуқумат. Суд. Ҳуқуқ тармоқлари. Ҳуқуқий маданият. Инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти. Фуқароларнинг қонунларга бўйсунуши. Қонуннинг устуворлиги тамойили. Шахс ҳуқуқларининг мазмуни. Болалар ҳуқуқлари конвенцияси (1989 й.). Миллатлар ва давлатлар ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари.

Ўзбекистонда миллий-ҳуқуқий давлатчилик пойдеворининг барпо этилиши. Ўзбекистон Конституцияси — миллий истиқлол ва умумбашарий истиқбол қомуси. Президентлик республикасининг хусусиятлари. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари янги тизимининг барпо этилиши. Парламентаризм — ваколатли демократиянинг классик шакли. Олий Мажлис, унинг қўмита ва комиссияларининг фаолият кўрсатиш усуллари ва шакллари. Икки палатали парламент. Қонун устуворлиги — ҳуқуқий демократик давлат қуриш омили.

Мустақиллик шароитида сиёсий плюрализм. Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг моҳияти, улар фаолиятининг асосий йўналишлари.

Ижтимоий фикр тарихида фуқаролик жамияти тушунчасининг ривож. Ҳозирги цивилизация даражасида демократик жараёнлар ва тамойилларнинг қарор топиши — XX асрнинг бош йўналиши. Давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш кўрсаткичлари. Ўз-ўзини бошқарувнинг шаклланиши — давлатчилик жараёнининг такомиллашуви сифатида. Ўз-ўзини бошқаришда маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар кенгашлари, ижтимоий жамғармаларнинг аҳамияти.

Асосий тушунчалар: сиёсий тизим; давлат; ҳокимият; сиёсий онг ва маданият; сиёсий муносабатлар; ҳуқуқ; қонун; конституция; парламент; ҳуқуқ тармоқлари; ҳуқуқий маданият; инсон ҳуқуқлари; Ўзбекистон сиёсий ва

ҳуқуқий тизими; конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари; сиёсий плюрализм; сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар; ўз-ўзини бошқарув шакллари; маҳалла қўмиталари.

5-баҳс дарси: Инсонпарварлик ва шафқатсизлик - инсоний муносабатларнинг икки томони.

Инсонпарварлик ва шафқатсизлик инсоний муносабатларнинг икки қарама-қарши қутби сифатида. XIX асрнинг ўрталарида яшаган атоқли шоира Нодиранинг ҳаёти ва ижоди мисолида шафқатсизлик ва ўта шафқатсизлик ҳодисаларининг моҳияти ва уларни вужудга келтирувчи сабаблар, шунингдек уларни қўллашнинг нечоғлик окланиши ҳақида сўз юритиш.

Кундалик ҳаётимизда кишилар ўртасида юз берувчи ана шу муносабатга мос келувчи вазиятлар ҳақида баҳс-мунозара юритиш. Уларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан асосланиши. XIX аср ўрталарида Бухоро амирилиги ва Қўқон хонлиги ўзаро муносабатлари ҳақидаги тарих фанидан олинган билимларнинг мустаҳкамланиши.

Фавқулодда кескинлик юз берган вазиятларда инсон кадр-қиммати ни сақлаш ва ҳимоя қилишнинг ахлоқий ва ҳуқуқий қафолатлари. Дунё ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларнинг оммавий қирғин қуролиларини тақиқлаш ва кишиларга ҳаддан ортиқ азоб етказувчи қуролиларнинг баъзи конкрет турларини қўллашни чеклашга қаратилган саъй-ҳаракатлари. Мазкур муаммонинг Афғонистон ва Ўрта Осиёдаги ўзига хослиги. Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги тинчлексевар фаолияти.

Ҳозирги пайтда кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда юз бераётган шафқатсизликка оид мисолларни таҳлил қилиш орқали уларга нисбатан муросасизликни вужудга келтириш.

Ушбу мавзудаги савол ва топшириқларни ечиш орқали шу каби ҳодисаларга ўзининг аниқ муносабатини билдириш.

Асосий тушунчалар: инсонпарварлик; шафқатсизлик; Нодира ижодида обрў ҳурматга эришиш масалалари; кишилар муносабатларининг турли-туманлиги; мақсад ва унга эришиш воситалари; инсон кадр-қиммати ва ор-номуси; ахлоқий ва ҳуқуқий қафолатлар; ХИҲда инсон кадр-қимматини ҳимоя қилиш масалалари.

10-мавзу. Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти. Ўзбекистонда маънавий янгилашнининг асосий масалалари.

Маънавият инсоннинг онги, туйғуси, ҳиссиёти, билими ва эътиқодида мужассамланган руҳий сифат. Ижтимоий ва индивидуал онг: моҳияти, тузилиши, даражалари. Ижтимоий психология ва мафкура. Уларнинг ўзига хослиги, умумийлиги, ўзаро таъсири ва бир-бирига боғлиқлиги.

Юксак маънавият ва маънавий кашшоклик ва уларнинг қўринишлари. Маънавий фаолиятнинг бетакрорлиги. Маънавият мўлжаллари.

Жаҳон тараққиёти ва маънавий омиллар уйғунлиги муаммосининг XXI аср бўсағасида долзарблашуви. Маънавий меросга қайтиш табиий ҳолат эканлиги. Мустақиллик йилларида маънавий кадрларимизнинг, миллий ўзликни англашнинг тикланиши. Экстремизмнинг маънавий тамойилларга

зидлиги. Шарқ – буюк маънавият ўчоғи. Ўзбек халқига хос теран маънавий жихатлар. Маънавият, маънавий маданият, анъаналар ва кадрийтлар муаммосига янгича ёндашувлар – XXI аср жаҳон барқарорлиги кафолати. Мустақиллик ва маънавий маданият.

Маънавий ҳаёт соҳалари. Жамиятнинг ахлоқий ҳаёти. Ахлоқ ва кишиларнинг ўзаро муносабатлари. Оддий ахлоқий қоидалар. Ахлоқий онг ва ахлоқий маданият: моҳияти, тузилиши ва элементлари.

Дин ижтимоий ҳодиса сифатида. Дунёвий динлар ва ҳозирги замон. Диний психология ва диний мафкура. Диний онг ва унинг кишилар ҳаётидаги ўрни. Диний эътиқод ва унга бўлган турлича муносабатлар. Диний маданият. Диний маросимлар ва амалий ҳаёт. XX аср охирида диний кадрийтларнинг тикланиши ва диний онгнинг қайта уйғониши. Унинг ижтимоий-маънавий ролининг кучайиши. Ислоом омилининг ўсиши. Инсоният тарихида дин, диний тасаввурлар билан бирга дунёвий фикр ва дунёвий турмуш тарзининг ёнма-ён, тотувликда яшаб келганлиги.

Дин ва сиёсат. Диний экстремизм ва фундаментализмнинг моҳияти, уларни вужудга келтирувчи сабаблар. Ваҳхобийлик, унинг ғоялари ва давлатлари. Дунёдаги бир қатор расмий ва норасмий ҳаракатларнинг ислом орқали Ўрта Осиё мустақил давлатларига ўз таъсирларини ёйишга интилишлари. Ўзбекистонда динга, шу жумладан ислом дини ва диндорларга янги муносабатнинг қарор топиши. Динга, диндорларга нисбатан давлат муносабатининг асосий тамойиллари. Виждон эркинлиги тушунчасининг мазмуни. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги қонун.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон хавфсизлигига ислом фундаментализми солаётган таҳдид. Ислоом фундаментализмини рағбатлантирувчи ташқи сабаблар. Диний фундаментализм хавфининг олдини олиш, турли маданиятларнинг ёнма-ён тинч яшашларига шароит яратиш учун курашда Ўзбекистоннинг ўрни.

Ҳуқуқий онг ва жамиятнинг барқарор ривожланиши. Бурч ва мажбурийтлар диалектикаси. Кишиларни ҳуқуқий тарбиялаш зарурияти ва Ўзбекистонда ҳуқуқий тарбия миллий дастурининг ишлаб чиқиши. Ҳуқуқий маданият ва уни шакллантириш.

Ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимни ислох қилиш, мутахассислар тайёрлашни яхшилаш, чет эл ўқув марказлари билан алоқаларни йўлга қўйишда амалга оширилаётган тадбирларнинг маънавий салоҳиятни юксалтиришдаги аҳамияти.

Асосий тушунчалар: маънавият; маънавий ҳаёт соҳалари; маънавий фаолият; маънавият мўлжаллари; ижтимоий онг шакллари ва даражалари; ижтимоий психология ва мафкура; кадрийтлар; маънавий мерос; диний онг ва диний маданият; маънавият ва диний экстремизм; ҳуқуқий ва ахлоқий онг; ҳуқуқий ва ахлоқий маданият.

11-мавзу. Халқаро муносабатлар – жаҳон тараққиётининг кўзгуси.

Давлатлар ва халқларнинг бир-бирига ишончи – ҳозирги халқаро муносабатларнинг ўзаги сифатида. Икки тарафлама ва кўп тарафлама халқаро муносабатлар. Халқаро шартномалар ва давлатларнинг мажбурийтлари. Ички

ва ташки сиёсатнинг ўзаро таъсири.

Халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари. Суверен тенглик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан бартараф этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик тамойиллари. Халқаро муносабатларда мафкуравий омилнинг таъсиридан холи бўлиш.

Ҳозирги дунёнинг бир бутунлиги ва яхлитлиги. Ўзаро муносабатларда умуминсоний кадриятларнинг устуворлиги. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик — янгича иқтисодий муносабатларни қарор топтиришнинг асоси.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шимолий Атлантика ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг халқаро муносабатларни барқарорлаштириш, сиёсий муътадиллик ва тинчликни сақлашдаги ўрни. Шарқ ва Ғарб ўзаро муносабатларининг ҳозирги босқичи.

Асосий тушунчалар: халқаро муносабатлар: икки ва кўп томонлама; халқаро шартномалар ва одатлар; давлатларнинг мажбуриятлари; халқаро муносабат тамойиллари; халқаро ташкилотлар, уларнинг турлари.

12-мавзу. Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва унинг халқаро нуфузи. Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилиниши ва унинг мамлакатимиз халқаро муносабатлари ривожидagi аҳамияти. Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон республикасининг ўрни ва роли.

Ўзбекистон республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси. Ташки сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантириш тамойиллари, уларнинг мамлакат тараққиёти учун аҳамияти.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириш шарт-шароитлари, унинг Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шимолий Атлантика иттифоқи, АСЕАН, Қўшилмаслик ҳаракати билан муносабатлари. Ўзбекистоннинг Америка, Европа ва Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги. Ўрта Осиёда тинчликни сақлашда Ўзбекистоннинг ўрни.

Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан алоқалари. Унинг эски империяни қайта тиклаш учун уринишларга муносабати.

Ўрта Осиё халқлари интеграцияси. Унинг шарт-шароитлари, амал қилиши, истикболлари.

Ўзбекистоннинг ташки сиёсати, унинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг ҳозирги босқичи ва истикболлари. Минтақавий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг таклифлари. Марказий Осиёда тинчликни сақлаш бўйича мамлакатимиз амалга ошираётган амалий ишлар.

Асосий тушунчалар: Ўзбекистон ва жаҳон; унинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги; Ўзбекистон ва МДХ; Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари; Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари; халқаро интеграция; Марказий Осиё муаммоларини ҳал қилишда Ўзбекистоннинг роли.

6-бахс дарси. Минтакавий можароларни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси.

Можароларнинг турлари ва шакллари. Минтакавий можаро тушунчаси, моҳияти ва келтириб чиқарувчи сабаблар, уларнинг жаҳон тараққиётига таъсири. Ўрта Осиёдаги минтакавий можаролар, уларнинг сабаблари. XXI аср бўсағасида собиқ Иттифокнинг парчаланиб кетиши ва мустақил давлатларнинг вужудга келиши дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилиши ва харитасида юз берган туб ўзгаришдир. Дунёнинг мураккаб ва муаммоли, тинчликнинг мўрт бўлиб турганлигини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий омиллар. Умумбашарий, минтакавий ва миллий хавфсизлик масалалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

XXI аср бўсағасида минтакавий можаролар географиясининг кенгайиши ва кескинлашуви. Афғонистондаги можаролар ва уларнинг кескинлашуви. Афғонистондаги можароларнинг Ўзбекистон миллий хавфсизлигига таҳдиди ва уларнинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида, иқтисодиётида, давлатлараро ҳўжалик алоқаларида намоён бўлиши. Афғонистондаги янги ижтимоий-сиёсий ҳолат ва унинг минтака келажагига таъсири. Тожикистондаги можаролар: келиб чиқиши, кескинлашуви ва ҳал қилиниши.

Минтакавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, уларнинг олдини олиш Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик стратегиясининг асосий йўналишларидан биридир. Афғонистон ва Тожикистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш юзасидан Ўзбекистон раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари. БМТ ва минтакавий можаролар муаммоси. Планетамизнинг бошқа минтақаларидаги низолар. Минтакавий можароларни ҳал қилиш, халқаро хавфсизлик масалалари юзасидан мамлакатимиз Президентининг фаолияти ва унинг аҳамияти.

Мамлакатимиз, миллатимиз, ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигига, жамиятимизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлига солинаётган таҳдидларни ҳар бир фуқаро томонидан англанишининг зарурияти.

Дарсни ўзлаштириш юзасидан савол ва топшириқларни ечиш.

Асосий тушунчалар: минтакавий можаро, мустақил давлат, дунёнинг сиёсий тузилиши, ижтимоий ва сиёсий омиллар, умумбашарий, минтакавий ва миллий хавфсизлик, Марказий Осиёдаги минтакавий можаролар, фуқаро хавфсизлиги, жамиятимизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўли, Ўзбекистоннинг минтакавий можароларни ечишга қўшаётган ҳиссаси.

13-мавзу. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва тараққиёти.

Инсонпарварлик тушунчаси: назария ва амалиёт. Инсоннинг ҳар қачон, исталган макон ва замонда диний эътиқоди, сиёсий қарашлари, ахлоқий мўлжаллари, мулкӣ ҳолати ва ҳоказолардан қатъий назир олий мавжудот эканлигини тушуниш ва шунга мувофиқ унга муносабат кўрсатишга интилиш – Шарқ донолигининг ажралмас хусусиятларидан биридир. Бу интилишнинг турли халқлар тарихий анъана ва удумларида акс этиши.

Дунё мамлакатларида инсонпарварлик ҳақидаги қарашлар. Уруш ва зиятида инсонни ҳимоя қилишга уринишларнинг турли халқлар бадий ижод намуналари ва удумларида акс этиши.

Европалик атоқли мутафаккирларнинг инсонпарварлик ҳуқуқи яратишга қўшган ҳиссаси (Ж.Ж.Руссо, Г.Гроций). Анри Дюнаннинг фаолияти ва халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг мазмуни ва аҳамияти. Женева ва Гаага ҳуқуқи. ХИХ-ни бузганлик учун жавобгарлик. Халқаро даражада одил судловнинг амалга оширилиши тарихидан. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.).

Ўзбекистон Женева конвенцияларининг иштирокчиси ва унинг ана шу соҳадаги мажбуриятлари.

Асосий тушунчалар: халқаро ҳуқуқ соҳалари; инсонпарварлик ҳуқуқи сарчашмалари; низоларда қўлланилувчи одат ва удумлардан халқаро инсонпарварлик ҳуқуқиға ўтиш; А.Дюнан ва унинг тарихий хизмати; ХИХни ташкил қилувчи ҳужжатлар; Женева ҳуқуқи ёки инсонпарварлик ҳуқуқи; Гаага ҳуқуқи ёки уруш ҳуқуқи; ҳуқуқбузарлик ва жазо; халқаро трибуналлар; Ўзбекистон Женева конвенциялари қатнашчиси.

7-баҳс дарси: Ўзаро ёрдам аъёнларининг жамият ҳаётидаги ўрни.

Ўзаро муносабатларда ҳурмат, ўзаро ёрдам, ҳамжихатлик каби ҳислатларнинг аҳамияти. Халқнинг асрий аъёнлари миллий қадриятлар сифатида. Ўзбек халқининг ҳаётида учрайдиган аъёнлар. Уларнинг турлари ва вазибалари. Ҳашар асрий аъёна сифатида. Унинг аҳамияти ва кишиларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиришдаги ўрни. Ўзаро ёрдамда беғаразлик ва таъмагирликнинг нисбати.

Кишиларнинг шахсий ҳаётида, жамоа ва давлатлар фаолиятида ҳашарнинг кўринишлари. Ўзаро ёрдам кўрсатилиши ва кўрсатилмаслигининг индивидуал ва ижтимоий сабаблари. Ёрдам кўрсатиш усуллари. Халқаро муносабатларда, Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракати турли таркибий қисмлари фаолиятида ҳашар тамойилининг намоён бўлиш хусусиятлари.

Дарсни ўзлаштиришга ёрдам берувчи савол ва топшириқларни ечиш.

Асосий тушунчалар: ўзаро ёрдам; ҳамжихатлик; халқ аъёнлари; ҳашар — асрий аъёна; беғаразлик ва таъмагирлик; ҳашар шакллари; халқаро муносабатларда ҳашар; Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро ҳаракати таркибий қисмларининг фаолиятида ҳашар тамойили.

14-мавзу. ХХI аср ва жамиятнинг келажаги ҳақидаги башоратлар.

Ҳар бир даврнинг ўткинчи характерда эканлиги. Ҳозирги давр ва келажак тўғрисидаги турли қарашлар ва уларнинг мазмуни. Ижтимоий башорат (прогноз): моҳияти ва турлари. Футурология тушунчаси. Инсониятнинг келажагини ижтимоий башорат қилиш, тараққиётни юксалтириш йўллари ва усуллари ҳақидаги илмий қарашлар тизимини яратиш зарурияти. Инсониятнинг келажаги тўғрисидаги оптимистик ва пессимистик башоратлар, уларнинг далилий асослари. Технократик ва антитехнократик башоратлар.

Фан-техника тараққиёти ва Ғарб цивилизацияси ривожланишининг жадаллашуви. Ривожланаётган мамлакатларда модернизациялаштиришнинг қийинчиликлари ва қолоқликнинг кучайиши. Ғарб цивилизацияси тизимида индивидуаллик билан ижтимоийлик, замонавийлик билан аъёнавийлик мувозанатининг бузилиши оқибатлари.

Халқлар ва давлатлар ўртасида интеграция жараёни ва ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши. Умумий сиёсий-иқтисодий маконнинг вужудга келиши. Ягона халқаро норма, қоида ва стандартларга ўтишнинг объектив зарурлиги. Саноатлашган жамият имкониятининг чегаралари. Ҳозирги технологияларнинг ўтмиш технологияларидан туб устунликлари. Ахборот-компьютер инқилобининг оламшумул оқибатлари: иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг устунлиги, ижтимоий-сиёсий соҳалар ходимлари сонининг кескин камайиши, ҳар бир фуқаронинг сиёсий жараёнлар бевосита иштирокчисига айланиши ва ҳоказолар. Саноати паст даражадаги цивилизациялар шароитида ахборотлашган жамият ва унинг асосий чизгилари.

Ўзбекистон Ўрта Осиё – Шарқ – Ғарб цивилизациялари ўзаро муносабатларининг янги босқичи арафасида. Порлоқ келажак – барча халқларнинг эзгу орзуси.

Асосий тушунчалар: келажак ҳақидаги прогнозлар; прогноз турлари; оптимистик ва пессимистик башоратлар; технократик ва антитехнократик башоратлар; халқаро стандартларга ўтиш зарурияти; умумий сиёсий-иқтисодий макон; саноатлашган жамият; янги технология; ахборот-компьютер инқилоби.

8-баҳс дарси: Шахс ҳуқуқий маданиятининг қарор топиши.

Инсоний муносабатларнинг турли-туманлиги. Инсоний муносабатларда ёзилган ва ёзилмаган қоида ва қонунлар. Кишилиқ жамиятининг тарихи давомида ҳар бир давлат ва ундаги кишилар турлича гуруҳларининг қоидалар жорий қилишга интилишлари ҳақида мулоҳаза юритиш. Оилавий, маҳаллий, миллий, умуминсоний қоидалар амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари.

«Мен» – инсоннинг «ўзлиги» сифатида. «Мен» ва «бошқалар». Худбинлик ва альтруизм (жўмардлик). Шахсиятпарастлик тушунчаси.

Мунозараларнинг «Қоидаларсиз яшаб бўлмайдими?», «Қоидаларни бузиш зарар етказадими?», «Қоидаларни изчил бажариш дилеммага олиб келиши мумкинми?», «Дилемманинг ҳал этилиши» каби баҳслар билан олиб борилиши.

Кундалиқ ҳаётдаги ва кескинлик вазиятидаги дилеммалар. Шахснинг ахлоқий ва юридик жавобгарлиги. Ҳар қандай вазиятда ҳам инсонийликни сақлаш. XIXда шахсий жавобгарлик.

Дарсни ўзлаштиришга ёрдам берувчи савол ва топшириқларни ечиш.

Асосий тушунчалар: қонунлар ва қоидалар; қоидаларнинг турлари; уларнинг кишилар муносабатларини йўналтиришдаги ўрни; қоидалар ва одатлар; кундалиқ ҳаётий воқеаларда одатлар ва қоидаларнинг ўрни; эгоизм ва индивидуализм қоидалар доирасида; дилемма; масъулият; ҳарбийлар масъулияти.

15-мавзу. Замонамизнинг оламшумул муаммолари ва Ўзбекистоннинг келажаги.

Оламшумул муаммолар: мохияти, белгилари, келиб чиқиши, турлари. Оламшумул, минтақавий ва маҳаллий муаммолар диалектикаси. Илмий-техника таракқиёти ва оламшумул муаммолар.

Экологик муаммолар. Минтақада экологик муаммонинг келиб чиқиши шўролар ҳукуматининг ҳўжалиқ юритишдаги яроқсиз услубининг натижаси-

дир. Экологик муаммоларнинг глобаллашуви. Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти ва унинг экологик вазиятга таъсири. Экологик муаммоларни ҳал қилишда жаҳон ҳамжамияти ва мамлакатлар ҳамкорлигининг зарурлиги.

Ўзбекистондаги экологик жараёнлар. Ўзбекистондаги асосий экологик хавфли ҳудудлар жуғрофияси. Орол фожиаси чуқурлашувининг олдини олишда халқаро ташкилотлар, жамғармалар ва инвестициялардан фойдаланишни йўлга қўйиш – долзарб вазифа. Ўзбекистонда жисмонан соғлом ва ақлан етук авлодни шакллантиришда экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳимлиги – давлат сиёсатининг устувор йўналишидир.

Ўзбекистонда экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Наврўз» халқаро ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятлари.

Уруш ва тинчлик, демографик, озиқ-овқат, моддий хом ашё манбалари билан таъминланиш ва бошқа муаммолар.

Оламшумул муаммоларни ҳал қилишнинг илмий-техникавий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатлари. Оламшумул муаммоларни ечишда умуминсоний кадриятларнинг устуворлиги.

Ўзбекистондаги демографик муаммолар. Ўзбекистон Республикасининг умумбашарий муаммоларни ечишга қўшаётган хиссаси.

Халқаро терроризм оламшумул муаммо. Унинг мазмуни ва инсоният учун хавфи. Халқаро терроризмга қарши кураш йўналишлари. Ушбу хавфга қарши курашда давлатларнинг ҳамкорлиги. Ўзбекистоннинг мазкур масалага жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг бу борадаги фаолияти.

Асосий тушунчалар: умумбашарий муаммолар; уруш ва тинчлик, озиқ-овқат, демографик муаммолар; экологик муаммолар; фан-техника инқилоби; экологик хавф; терроризм; халқаро ҳамкорлик; “Экосан”, “Соғлом авлод учун”, “Наврўз” жамғармалари фаолияти.

● АДАБИЁТЛАР

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.
- Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. 1-ж., Т.: Ўзбекистон, 1996.
- Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан колсин. 2-ж., Т.: Ўзбекистон, 1996.
- Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж., Т.: Ўзбекистон, 1996.
- Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-ж.. Т.: Ўзбекистон, 1996.
- Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.: Ўзбекистон, 1997.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. 5-ж., Т.: Ўзбекистон, 1998.
- Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-ж., Т.: Ўзбекистон, 1998.
- Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз. 7-ж., Т.: Ўзбекистон, 1999.
- Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максимизмиз. 8-ж., Т.: Ўзбекистон, 2000.
- Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-ж., Т.: Ўзбекистон, 2001.
- Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. 10-ж., Т.: Ўзбекистон, 2002.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.: Ўзбекистон, 1999.
- Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси – халқ этиқоиди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон. 2000.
- Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Fidokor» газетаси муҳбирининг саволларига жавоблар. 2000 йил 8 июнь.
- Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000.
- Қуръони Карим. Т.: Чўлпон, 1992.
- Авалоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: Ўқитувчи, 1992.
- Алимова Д., Буяков Ю., Филанович М. Объективность в истории – ответственность за будущее. «Учитель Узбекистана», 2003 г., 16 мая.
- Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. Т.: Фан, 1990.
- Бекмуродов А. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. Т.: 1997.
- Бобоев Х., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. Т.: Ёзувчи, 1999.
- Буюк сиймолар, алломалар. Т.: Мерос, 1-китоб – 1995, 2-китоб – 1996, 3-китоб – 1997.
- Воҳидов Х.Ф. Ўзбек маърифатпарварларининг социологик қарашлари. Т.: 1996.
- Воҳидов Р., Неъматов Х., Махмудов М. Сўз бағридаги маърифат. Т., 2001.
- Гафарли М.С., Қасаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Т., 2002.
- Глобальные проблемы современности. М.: 1979.
- Гуревич П.С. Человек. М.: 1995.
- Жан Пикте. Развитие и принципы международного гуманитарного права. М.: 1993.
- Жумабоев Й.Ж. Ўзбекистон фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т.: Ўқитувчи. 1997.
- Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан. Т.: Узбекистан, 1997.
- Жумаев Р.З. Давлат ва жамият демократлаштириш йўлида. Т.: Шарқ, 1998.
- Жўраев Н., Азизов Ш. Ижтимоийёт асослари. Т., 2003.
- Зиёмухамедов Б. Экология: тарих, назария ва ҳозирги давр. Т.: Мехнат, 1991.
- Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. Т.: Маънавият, 1998.
- Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Т.: 2001.
- Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т.: Ўзбекистон, 1996.
- Ижтимоий борлиқни билишнинг ўзига хос хусусиятлари. Т.: 1991.
- Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т.: Ўзбекистон, 1990.
- Имом Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1 – 4 жилдлар. Т.: 1995 – 1997.

- Имомназаров И. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т.: Шарқ, 1997.
- Инсон ва жамият курси бўйича қўшимча ўқув қўлланмаси. Т.: 1999.
- Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихидан. Т.: 1993.
- Искандаров Б. Тасаввуф фалсафаси. Т.: 1995.
- Кайковус Унсурулмоний. Кобуснома. Т.: Ўқитувчи, 1988.
- Каримов Р., Каримова Т. Миллий модель муаммолари. Т.: Университет, 1993.
- Кароматов Х. Хўрланган пайғамбарлар галабаси. Т., 1998.
- Левитин Л., Карлайн Д. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. Т.: Ўзбекистон, 1996.
- Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Ёзувчи, 1-китоб – 1997, 2-китоб – 1999.
- Маврулов А. Конформистское мировоззрение, или о реформах в мышлении. «Учитель Узбекистана», 2003 г., 30 мая.
- Мамашокиров С., Исамухамедов Х. Экологиянинг ижтимоий фалсафий муаммолари. Т.: 1991.
- Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Т.: 2001.
- Мешеряков Б.Г., Мешеряков Н. Введение в человековедение. М.: 1996.
- Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: 2000.
- Муминов И.М. Танланган асарлар. 1 – 4 жилдлар. Т.: 1969 – 1971.
- Муминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.: 1993.
- Муродов Х., Муҳаммадиев Н., Жамолов Ф. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида. Т., 2000.
- Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т.: Ўқитувчи, 1996.
- Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабат маданияти. Т.: Ўзбекистон, 1995.
- Назаров Қ. Ижтимоий тараққиёт: инсон ва кадриятлар. Т.: Ўзбекистон, 1991.
- Пўлатов Х.П. Ўзбек мафқураси. Т.: Ўзбекистон, 1996.
- Рахмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. Т., 2002.
- Сагдуллаев А. Тарихий-маданий мерос чегара билмайди. «Маърифат», 2003 й., 25-июн.
- Сайдов А. Мустақиллик қомуси. Т.: Ўзбекистон, 1993.
- Саифназаров И.С. Истиқлол ва истиқбол. Т.: Мехнат, 1996.
- Саифназаров И.С. Бозор иқтисодиёти ва шахс камолоғи. Т.: ТДИУ, 1996.
- Саломова Х.Ю. Ижтимоий экология. Бухоро, 1992.
- Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т.: 1997.
- Станислав Е. Нахлик. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи тўғрисида рисола. Т.: Адолат, 1998.
- Тансиқбоева Г.М. Халқаро гуманитар ҳуқуқ. Т., 1999.
- Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. Т.: 1993.
- Темур Тузуқлари. Т.: Чўлпон, 1991.
- Тойнби А. Постижение истории. М.: 1991.
- Тошқулов Ж. Ёш бухороликлар: сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тарихи. «Инсон ва сиёсат» журнали. 1991, № 6.
- Умаров А. Фалсафада одам муаммоси. Т.: Университет, 1990.
- Усмонов Қ., Ғаниев Д. Ўзбекистон: мустақил тараққиёт йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1994.
- Усмонов Қ., Ғаниев Д. Ўзбекистон: мустақиллик олимлари. Т.: Ўзбекистон, 1995.
- Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т.: Ўзбекистон, 1971.
- Халқаро гуманитар ҳуқуқ. Т., 2000.
- Хуррам Барақа. Тасаввуф ва Хожа Аҳрори Валий. Самарқанд, 1997.
- Хўжамуродов И.Р. Маънавий кадриятлар ва миллий ўзликини англаш. Т.: Ўзбекистон, 1991.
- Человек и общество. Под ред. Боголюбова Л.Н. и Лазебниковой А.Ю. М.: 1996.
- Чориев А. Инсон фалсафаси. 1 китоб. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти.

- Қарши, 1998.
- Чориев А. Тасаввуф фалсафасида инсон кифоати. Қарши, 1997.
- Чориев А. Миллатлараро муносабат маданияти. Қарши, 1993.
- Чориев А. Инсон фалсафаси. II китоб. Мустақил шахс. Т., 2002.
- Шайхова Х., Назаров К. Умуминсоний кадрятлар ва шахснинг ахлоқий шаклланиши. Т.: 1995.
- Шермухаммедов С. Биз қандай жамият қурмоқдамиз. Т: Ўзбекистон, 1999.
- Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш. Т.: 1992.
- Шорин С.С., Хукумов А., Саяпин С.В. Учебно-методические материалы по международному гуманитарному праву. Т., 2003.
- Шорин С.С., Хукумов А., Саяпин С.В. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи бўйича ўқув-услубий материаллар. Т., 2004.
- Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. Т.: Маънавият, 1997.
- Юлдошев С.А. Антик фалсафа. Т.: 1999.
- Юсупов Э.Ю. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т.: 1998.
- Яссавий. Ҳикматлар. Т.: 1991.
- Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т.: 1995.
- Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан. Т.: 1990.
- Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. Т.: 1997.
- Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эй умри азиз. Т., 1997.
- Хайитов Ш.Э. Амир Темурнинг ҳарбий санъати ва ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси. Т.: 1997.
- Хайитова К.М. Мустақиллик ва маънавий маданият. Т.: 1995.
- Хайитова К.М. Шахс, эркинлик, кадрят ва ҳозирги замон. Т.: 1997.
- Ҳакимов Н. Шахснинг сиёсий маданияти. Т.: Университет, 1990.
- Ҳакимов Р.Т. Халқаро гуманитар ҳуқуқ. Т.: 2001.
- Ҳомер. Илиада. Т.: 1996.
- Хукумов А. Проблемы анализа уровня экологического сознания населения Республики Узбекистан. Т.: ТГЭУ, 1994.

Илова Б

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг XI синфлари учун “Шахс ва жамият” фанининг соатлари тақсимоти (34 соат)

Мавзулар	Мавзулар номи	Соат
1-мавзу	“Шахс ва жамият” курсининг мазмуни, вазифалари ва бошқа фанлар орасида тутган ўрни.	1
2-мавзу	Инсон – биоижтимоий мавжудот	1
3-мавзу	Инсоннинг вужудга келиши ва камолоти ҳақидаги концепциялар	2
4-мавзу	Қадимги дунёда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар	2
1-баҳс дарси	Кочоклар ва кўчирилганларнинг ҳолати – турли даврларнинг долзарб муаммоси	1
5-мавзу	Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлари	2
2-баҳс дарси	Шахснинг кадр-қиммати ва эркинлиги	1
6-мавзу	Европада инсон ва жамиятнинг моҳияти тўғрисидаги гоялар	2
7-мавзу	Ҳозирги замон жамиятшунослиги	1
3-баҳс дарси	Ҳимояга муҳтожларга муносабат: ўтмиш ва ҳозирги замон	1
8-мавзу	Жамиятнинг ижтимоий тузилиши. Ижтимоий адолат ва барқарорлик – Ўзбекистондаги ижтимоий ўзгаришларнинг бош мақсади	2
4-баҳс дарси	Болалар жамиятнинг ижтимоий структурасида	1
9-мавзу	Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қурилишининг асосий йўналишлари	2
5-баҳс дарси	Инсонпарварлик ва шафқатсизлик – инсоний муносабатларнинг икки томони	1
10-мавзу	Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти. Ўзбекистонда маънавий янгиланишнинг асосий масалалари	2
11-мавзу	Халқаро муносабатлар – жаҳон тараққиётининг кўзгуси	1
12-мавзу	Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида	2
6-баҳс дарси	Минтакавий можароларни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг хиссаси	2
13-мавзу	Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва тараққиёти	1
7-баҳс дарси	Ўзаро ёрдам аъналарининг жамият ҳаётидаги ўрни	1
14-мавзу	XXI аср ва жамият келажаги ҳақидаги башоратлар	2
8-баҳс дарси	Шахс ҳуқуқий маданиятининг қарор топиши	1
15-мавзу	Замонамизнинг оламшумул муаммолари ва Ўзбекистоннинг келажаги	2

барқарорлаштиришда халқаро ташкилотларнинг роли ҳақида билим бериш.
Кутилаётган натижа: Ҳозирги замонда халқаро муносабатларнинг ўзаро манфаатли характери тушуниб олишга эришиш. Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари барча давлатлар учун баравар бўлган олий даражадаги мажбуриятлар эканлиги ва уларнинг ҳеч бир давлат томонидан ҳам, уларнинг ўзаро келишуви бўйича ҳам бекор қилиб бўлмаслиги ҳақида ҳулосага келиш.

Асосий ғоя: Давлатларнинг ўз халқаро мажбуриятларини бажаришлари халқаро муносабатларда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг шартидир.

Дарснинг жиҳозлари:

1. «Шаҳс ва жамият» ўқув қўлланмаси.
2. Дунёнинг сиёсий харитаси.
3. Доска, бўр.
4. Олдиндан тайёрланган кўرғазмали қуроқлар.
5. Халқаро ташкилотлар ҳақидаги адабиётлар.

Тарқатма материаллар: Олдинги дарс бўйича ўқувчилар билимини текширишга мўлжалланган қарточкалар.

Таянч тушунчалар:

- | | |
|--|------------------------------|
| – халқаро муносабатлар; | – халқаро ҳуқуқ тамойиллари; |
| – халқаро ҳуқуқ; | – умуминсоний қадриятлар; |
| – икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар; | – халқаро ташкилотлар; |
| – давлатларнинг мажбуриятлари; | – ички ва ташқи сиёсат. |

Дарс режаси:

Тартиб рақами	Дарснинг босқичлари	Вакт
I	Ташкилий қисм	6 минут
II	Ўтилган дарс мавзуси юзасидан такрорлаш	10 минут
III	Янги дарс мавзуси мазмунини тушунтириш	20 минут
IV	Гуруҳларда ишлаш	16 минут
V	Мустақил иш	20 минут
VI	Дарсни якунлаш	5 минут
VII	Уйга вазифа бериш	3 минут

I. Ташкилий қисм.

Ўқувчиларни дарсга жалб қилиш. Бунга улардан дарс мавзусига оид асосий тушунча ва ибораларни қандай тушунишларини сўраш орқали эришиш мумкин.

II. Ўтилган дарс мавзуси юзасидан такрорлаш.

Бу вазифа «Ҳар қим ҳар қимни ўқитади» усулида бажарилиши мумкин. Бунинг учун ўқувчиларга қуйидаги савол ва топшириқлар ёзилган қарточкалар тарқатилади:

- 1-қарточка: Маънавиятга оид қандай асарларни биласиз?
- 2-қарточка: Маънавият нималарда мужассамланади, яъни у нималар орқали намоён бўлади?

- 3-карточка: Маънавият ва маърифат ўртасида қандай боғланиш бор?
- 4-карточка: Ижтимоий онг шакллари тушунтириб беринг.
- 5-карточка: Ижтимоий психология қандай шаклланади?
- 6-карточка: Мафкурада нима акс этади?
- 7-карточка: Мустақилликдан кейин мамлакатимизда қандай байрамлар ва нима учун тикланди?
- 8-карточка: Жамиятда маънавиятни юксалтириш учун қандай вазифаларни бажариш керак?
- 9-карточка: Диний кадриятларга нималар киради?
- 10-карточка: Қайси динлар дунёвий динлар қаторига киради?
- 11-карточка: Динни сиёсатлаштириш қандай оқибатларга олиб келади?
- 12-карточка: Диний экстремизмнинг моҳияти нимада?
- 13-карточка: Диний фундаментализмнинг хавфи нималарда кўринади?
- 14-карточка: Ваҳҳобийликнинг асосчиси ким ва унинг моҳияти нимада?
- 15-карточка: Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият нима?

III. Янги дарс мавзуси мазмунини тушунтириш.

Доскага янги мавзу мазмунини очиб беришга мўлжалланган саволлар ёзилади. Уларга ўқитувчи қисқача изоҳлар беради.

1. Халқаро муносабатларнинг таърифи.
2. Халқаро шартномаларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Тарихда давлатлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида фикр юритган ва бу ҳақда асар қолдирган қандай кишиларни биласиз?
4. Халқаро ҳуқуқ нима?
5. Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари нималарни англатади?
6. Халқаро муносабатларда умуминсоний кадриятларнинг устуворлигини қандай тушунасиз?
7. Ўзбекистон қандай халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган?

IV. Гуруҳларда ишлаш.

Аудитория 4 гуруҳга бўлинади. Дарсда мавзуларо ва фанларо алоқаларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир гуруҳга «Берилган таянч сўзларидан фойдаланиб матн тайёрлаш» вазифаси берилади.

- 1-гуруҳга топширик. И. Бентам. Халқаро. Давлат. Ижтимоий-сиёсий. Дипломатик. Икки томонлама. Кўп томонлама. Халқаро ҳуқуқ. Универсал. 1832 йил. БМТ. Халқаро суд. Халқаро шартнома. Олий Мажлис.
- 2-гуруҳга топширик. Амал қилиш. Мувофиқлаштириш. Ўрта асрлар. Шарқ. Низомулмулк. Элчи. Амир Темур. «Темур тузуклари». Рим. Фарангистон. Тамойиллар. Суверен. Худудий яхлитлик. Ҳамкорлик. 1018 йил.
- 3-гуруҳга топширик. Умуминсоний кадриятлар. Хатти-ҳаракат. Яхлитлик. Инсонпарварлик. Ижтимоий адолат. И.А. Каримов. Ўзбекистон. Демократия. Жамият. Барқарорлаштириш. Халқаро ташкилотлар.
- 4-гуруҳга топширик. Тинчлик. Хавфсизлик. 1945 йил 24 октябрь. 50 давлат. Чоралар кўриш. БМТ Низоми. БМТ Бош Ассамблеяси. 1975 йил. Европа давлатлари. 1996 йил. 1999 йил. И.А. Каримов. НАТО. XXI аср.

Гурухлар топширикни бажариб бўлгач ўз матнларини бошқа гурухларга ўқиб берадилар. Ҳар бир гурух ишлаб чиққан матн бошқа гурухлар томонидан тўлдирилиши мумкин. Бунда матнни тўлдирган гурух ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлари рағбатлантирилади.

V. Мустақил иш.

Халқаро ташкилотларнинг ташкил топиши ҳақидаги жадвални хронологик тартибда тўлдириш:

Ташкилотлар номи	Ташкил топган вақти	Ташкил топган жойи	Фаолият соҳаси	Ўзбекистоннинг аъзо бўлган вақти

Бу вазифа икки кишидан иборат гурухлар томонидан бажарилади. Ўқитувчи доскага ташкилотларнинг номини ёзиб қўйиши мумкин.

Иқтидорли ўқувчилар учун топширик: Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ((ШХТ) ҳақида реферат тайёрлаш.

VI. Дарсни якунлаш.

Бунда ўқитувчи ўқувчиларни дарс мобайнида қандай натижаларга эришилгани ҳақида хабардор қилади ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.

VII. Уйга вазифа.

Ушбу мавзу бўйича оммавий ахборот воситалари мақолаларидан кўшимча материаллар топиш.

11-мавзу. Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида.

Дарснинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлардаги роли ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш. Мамлакатимизнинг ҳозирги замон дунё тартиботи ривожига қўшаётган хиссаси ҳақида тушунтириш бериш.

Кутилаётган натижа: Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тизимида ўз ўрнига эга эканлигини, ҳар бир фуқаро мамлакатимиз халқаро майдонда янада катта ютуқларга эришишига ўз хиссасини қўшиши лозимлигини тушуниб олишга эришиш.

Асосий ғоя: Мамлакатимиз халқларининг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги, тинчлик ва барқарорлик, ҳалол меҳнат ва тараққиёт юртимизнинг халқаро майдонда муваффақият қозонишининг гаровидир.

Дарс жиҳозлари:

1. «Шаҳс ва жамият» ўқув қўлланмаси.
2. Дунёнинг сиёсий харитаси.
3. Доска. Бўр. Фломастер.
4. Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларига оид плакатлар ва кўшимча адабиётлар.

Таркатма материаллар: Улар ўқувчиларнинг олдинги дарс мавзуси мазмунини тушуниб олганликлари даражасини аниқлаш учун ишлаб чиқилади.

Таянч сўз ва иборалар:

- Ўзбекистон мустақиллиги;
- Ўзбекистон Конституцияси;
- БМТ;
- жаҳон сиёсати;
- жаҳон ҳамжамияти;
- ташки алоқалар;
- устувор йўналишлар;
- муҳофаза қилиш;
- Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси.

Дарс режаси:

Тартиб рақами	Дарснинг босқичлари	Вақт
I	Ташкилий қисм	5 минут
II	Ўтилган дарсни такрорлаш	12 минут
III	Янги дарс мавзуси мазмунини тушунтириш	20 минут
IV	Гуруҳларда ишлаш	20 минут
V	Ақлий ҳужум	16 минут
VI	Дарсни якунлаш. Хулоса чиқариш	5 минут
VII	Уйга вазифа	2 минут

I. Ташкилий қисм.

Бунда янги дарсда ишлаш режаси гапириб берилди ва халқаро майдонда содир бўлган воқеалар ҳақида фикр юритилади. Буни бир гуруҳ ўқувчиларга бир ҳафта мобайнида дунёда содир бўлган воқеалар ҳақида ахборот тайёрлаб келиш ҳақида вазифа бериш билан амалга оширса бўлади.

II. Ўтилган дарсни такрорлаш.

Бу вазифа тарқатма материаллар ёрдамида бажарилади. Ўқувчиларга қуйидаги савол ва топшириқлар ёзилган қарточкалар тарқатилади.

- 1-қарточка: «Халқаро муносабатлар» ибораси хусусида И.Бентам қандай фикрни баён қилган?
- 2-қарточка: Глобал халқаро муносабатлар нима?
- 3-қарточка: Минтақавий халқаро муносабатлар нима?
- 4-қарточка: Коалиция ва иттифоқлараро муносабатлар ибораларини қандай тушунасиш?
- 5-қарточка: Халқаро муносабатларнинг қайси турлари ҳақида ахборот бера оласиз?
- 6-қарточка: Халқаро ҳуқуққа таъриф беринг.
- 7-қарточка: Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари ҳақида гапириб беринг.
- 8-қарточка: Халқаро шартнома ва халқаро одатга (таомилга) таъриф беринг.
- 9-қарточка: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг халқаро шартномалар бўйича ваколатлари қандай?
- 10-қарточка: Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг фарқларини кўрсатиб беринг.
- 11-қарточка: Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида халқаро муносабатларга оид қандай фикрлар баён этилган?
- 12-қарточка: Амир Темурнинг «Тузуклари»да халқаро муносабатларга оид қандай фикрлар мавжуд?

13-карточка: Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари қайсилар?

14-карточка: Умуминсоний кадриятларнинг устуворлиги нимани англатади?

15-карточка: Сиз қандай халқаро ташкилотларни биласиз?

16-карточка: Ўзбекистон Республикаси қандай халқаро ташкилотларга аъзо бўлган?

Жавоблар тинглангач улар баҳоланади.

III. Янги дарс мавзуси мазмунини тушунтириш.

Янги дарс мавзуси мазмунини тушунтиришда ўқитувчи қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

1. Халқаро муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг қандай соҳаларини қамраб олади?
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасини қандай шарҳлаш мумкин?
3. Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори ўсишига қандай омиллар таъсир кўрсатмоқда?
4. «Халқаро микёсдаги лидер» мукофотига эга бўлиш нимани англатади?
5. Ташки сийosat қандай вазифаларни бажаради?
6. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабати қандай?
7. Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига (ЕХХТ) қачон аъзо бўлган? Бу ташкилот қандай вазифаларни бажаради?
8. Мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар билан муносабатларини ривожлантириши қандай тамойилларга асосланади?

IV. Гуруҳларда ишлаш.

Бу вазифани бажариш учун ўқувчилар 4 гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга алоҳида алоҳида топшириқ берилади. Топшириқларга жавоб ёзма матн шаклида тайёрланади.

1-гуруҳга топшириқ:

- а) Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституциясининг 26-моддасини шарҳланг.
- б) 1992 йилда қанча давлат мамлакатимиз мустақиллигини тан олди ва уларнинг қанчаси билан дипломатик муносабат ўрнатилди? Мамлакатлар номини улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилиши кетма-кетлигида ёзинг.

2-гуруҳга топшириқ:

- а) Ўзбекистон БМТга қачон аъзо бўлди? Бу ташкилотга аъзо бўлиш мамлакатимизга қандай мажбуриятлар юклайди?
- б) БМТнинг 50-сессияси қачон бўлган? Унинг кун тартиби ҳақида гапириб беринг.

3-гуруҳга топшириқ:

- а) Ўзбекистонга 2003 йилда жалб этилган чет эл сармоялари миқдори ҳақида гапириб беринг.
- б) Ташки сийosatнинг муҳофаза қилиш функцияси нимадан иборат?

4-гурухга топширик:

- а) И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон: янгиланиш ва тараққиётнинг ўзига хос йўли» асари қачон ёзилган ва унда ташқи сиёсат ҳақида нималар дейилган?
- б) 1999 йил Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истамбул саммитида мамлакатимиз раҳбари қандай таклиф билан чиқди?

Хар бир гуруҳнинг жавоблари тингланади, уларга бошқа гуруҳларнинг жавобларини инкор этиш ёки тўлдиришга имконият берилади. Ўқитувчи жавобларни умумлаштиради, уларни хулосалайди ва баҳолайди.

V. Ақлий ҳужум.

Дарснинг бу босқичи ўқувчиларнинг олган билимларини хотирала-рида қанчалик даражада сақлаб қолганлиқларини аниқлаш мақсадида ўтка-зилади. Ақлий ҳужум шунингдек ушбу мавзунинг асосий тушунчаларини мустаҳкамлаш мақсадига ҳам хизмат қилади. Ақлий ҳужум пайтида ўқувчи-лар сўралган саволларни ўзларида мавжуд тасаввурларга таяниб, қисқача шарҳлайдилар. Шарҳлар мазмуни доскага ёзиб борилади (буни ўқитувчи ёки бирор ўқувчи бажариши мумкин). Ақлий ҳужум тугагач барча шарҳлар умум-лаштирилади.

Қуйида ақлий ҳужум пайтида бериладиган саволлар келтирилмоқда:

1. Ўзбекистонни қанча давлат тан олган?
2. Ўзбекистон дунёдаги қанча давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган?
3. Тошкентда қанча мамлакат ва нечта халқаро ташкилотларнинг мисси-ялари аккредитация қилинган?
4. Ўзбекистонда БМТнинг ваколатхонаси қачон иш бошлаган?
5. БМТнинг 50 йиллиги қачон бўлган?
6. И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳ-дид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асари қачон ёзилган?
7. 1992 йил 8 – 10 июлда И.А.Каримов қайси давлатда расмий сафарда бўлган?
8. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Лиссабон самми-ти қачон бўлган?
9. НАТОнинг Ўзбекистон иштирок этаётган дастури қандай номланади?

Иқтидорли ўқувчилар учун топширик: Ўзбекистоннинг Хитой билан халқаро алоқалари ҳақида реферат ёзинг.

VI. Дарсни яқунлаш.

Ўқитувчи ўтилган дарсни қисқача шарҳлайди. Фаол ўқувчилар ва гу-руҳлар рағбатлантирилади.

VII. Уйга вазифа.

Яна бир бор ўтилган мавзуни ўқиб чиқинг. Унда берилган саволларга қўшимча адабиётлардан фойдаланиб жавоб тайёрланг.

Энди эса эътиборингизга амалиётчи ўқитувчилар томонидан тайёрланиб, дарс ўтилган бир неча амалий машғулот мавзуларини ҳавола қиламиз. Улар машғулотни мазкур қўлланма охирида берилган блок-модул концепцияси асосида ташкил этишда қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

2-мавзу: Инсон кадр-қимматига ҳурмат

Дарснинг максоди: инсон шахсини ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай вақтда ҳурмат қилиш зарурлиги ҳақидаги фикрга келиш.

Асосий ғоя: инсон кадр-қиммати ҳамма вақт ҳурмат қилиниши керак.

Дарс ўтказиш учун зарур материаллар ва жиҳозлар:

1. “Шахс ва жамият” ўқув қўлланмаси.
2. Доска, бўр, ватман, маркерлар, видеомагнитофон, видеофильмлар, экран.
3. Расмий ҳужжатлар:
 - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,
 - А.Темур. Тузуқлар,
 - Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.

Мавзунинг асосий тушунча ва атамалари:

- инсон кадр-қиммати;
- тажовузкорона хатти-ҳаракат;
- уруш қурбонлари;
- халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи;
- ҳарбий асирлар ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар билан муомала қилиш.

Дарс ўтиш босқичлари	Вақти
1. Ташкилий қисм	3 мин.
2. Ўтилган материални такрорлаш	7 мин.
3. Ўқувчиларни таникли кишиларнинг дарс мавзуси билан боғлиқ фикрлари билан таништириш (ўқитувчининг ахбороти)	5 мин.
4. Ўқувчилар жавобига ўқитувчининг қўшимча ва изоҳлари	5 мин.
5. Жуфт гуруҳларда ишлаш	10 мин.
6. Венн диаграммаси	10 мин.
7. Дарснинг асосий элементлари тўғрисида ўқитувчининг тушунтиришлари	10 мин.
8. Ролли ўйинлар	15 мин.
9. Видеоматериални кўриш	10 мин.
10. Дарсни яқунлаш	3 мин.
11. Уйга вазифа	2 мин.

● ДАРСНИНГ БОРИШИ

1. Ташкилий жиҳат

Ўқитувчи дарснинг бошида мавзунни айтади ва унинг қисқача мазмуни ҳақида сўзлаб беради. Айни пайтда ўқувчилар дарс давомида ўзлаштиришлари режалаштирилган билимлар ва кўникмалар тўғрисида хабар қилинади.

Дарс давомида сиз:

- инсонпарварлик идеали ва шахснинг кадр-қимматига ҳурмат билан боғлиқ муаммолар ҳақида билим оласиз;

- можаро вазиятлари вақтидаги ҳатти-ҳаракатларга доир қоидаларнинг манбалари ҳақида билиб оласиз;
- турли даврларга тааллуқли икки ҳужжатни такқослайсиз;
- қуролли можаро жабрдийдалари чекадиган азоб-уқубатларни енгиллаштириш муаммолари ҳақида мулоҳаза юритасиз;
- ҳарбий асирлар ва ҳибсда тутиб турилган бошқа шахсларни ҳимоя қилиш зарурлиги ҳақида билиб оласиз;
- шахсий ҳаётини тажрибангизни назарий қоидалар билан қиёслаш қўникмаларини ҳосил қиласиз;
- бирламчи манбаларни таҳлил қилиш қўникмангизни чуқурлаштирасиз.

Дарс мазмуни:

Инсон ҳатти-ҳаракатидаги тажовузкорлик омиллари, турли вазиятларда, жумладан, қуролли низо вазиятларида амал қилинадиган қоидалар ҳақида фикр юритиш. Танглик вазиятларида кишилар, жамоалар ва томонлар ўртасидаги муносабатларда вужудга келувчи қийинчиликларни муҳокама қилиш. Ҳарбий асирларни ҳимоя қилишга қаратилган қоидаларни тушунириш.

2. *Ўтилган дарсни таққорлаш.*

3. *Ушбу дарс мавзуси ҳақида ишни бошлар экан, ўқитувчи қуйидаги савол билан муҳожаат қилади: Инсон! Қим у? Ўқувчилар бир неча хил таъриф берганларидан сўнг, доскага буюк шахсларнинг фикрлари акс этган 2та плакат осилади. Агар плакатлар майда харфларда ёзилган бўлса, ўқитувчи уларни ўқиб беради. Агар йирик харфларда бўлса, ўқувчиларнинг ўзларига ўқиб чиқишни таклиф қилади.*

1-плакат:

“... инсон насли барча ҳайвонлардан устундир... унга ер юзини ободонлаштириш ва унда ўз бошқарувини ўрнатиш учун тафаккур кучи инъом этилган.”

Абу Райхон Муҳаммад Ибн Аҳмад ал-Беруний
(973-1048), қомусчи олим

2-плакат:

“Барча жонли мавжудотлар ичида инсон энг муқаммалидир.”

Вольтер (973-1048) француз ёзувчиси, маърифатпарвар файласуф

Ўқитувчи ўқувчиларга 1-саволни беради.

4. *Ўқитувчининг ахбороти.* (ўқувчиларнинг ҳаётдаги воқеалар ва мураккаб инсоний муносабатларни тушуниб олишга йўналтирилган фикрларига йўналиш берувчи бадиий маълумотлар ва бошқа фикрларни мисол келтириш). Кейин 2-савол берилади.


5. *Жуфт гуруҳларда ишлаш.*

Ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳига қуйидаги мазмунли қогоз (ватман) тарқатилади:

Сиз нима учун ўзингизни ҳурмат қилишингизнинг сабабларини кўрсатинг
Бошқа кишилар сизни нима учун ҳурмат қилишларига сабабларни кўрсатинг
Кейин ўқувчиларга 5-савол берилади.

6. Гуруҳларда ишлаш.

Венн диаграммаси чизилади



А – Темур «Тузуқлари»нинг ўзига ҳослиги ёзилади.

Б – Ҳарбий асирлар билан муомала ҳақидаги 1949 йилги Женева конвенциясининг ўзига ҳослиги ёзилади.

АБ – яъни икки доиранинг кесишган жойига ушбу икки ҳужжатнинг бир-бирига ўхшашлиги ёзилади

Гуруҳлар ишини тугатганидан сўнг, уларга 8 ва 9-саволлар берилади.

Саволларни ишлаш учун плакатлар тарқатилади (8-савол бўлган коғозлар).

Бусаволга қуйидаги жавоблар бўлиши мумкин:

Ҳарбий асирларга ҳурмат билан муомала қилишнинг фойдаси нимада:		
Амир Темур давлати учун	Ҳозирги замон давлати учун	Алоҳида шахс учун
– Улардан ободончилик ишларида фойдаланилади.	– XIX нормаларига риоя қилинади; – Тинчлик муносабатлари тезроқ ўрнатилади.	– Ҳаёт сақлаб қолинади; – Унинг инсоний кадр-қиммати ҳурмат қилинади.

7. *Ўқитувчининг тушунтиришлари.* Сўнгра ўқувчиларга 11, 12-саволлар берилади.

8. Ролли ўйинлар.

Икки ўқувчи ролли ўйин кўринишида иккита вазиятни сахналаштиради. Улар қўлланманинг 225-бетидаги Примо Левининг “Агар у инсон бўлса” номли китобидан олинган парчани ва Марсель Жюнонинг “Воин без оружия” асаридан келтирилган парчани ифодали ўқиб берадилар.

Шундан сўнг 15 ва 16-саволлар берилади.

Икки ўқувчи немис социологи Ханна Арендтнинг мақоласи асосида ролларни бажарадилар (ўқув қўлланмасининг 226-бети).

Шундан сўнг ўқитувчи 17-саволни беради.

9. «Зулматдаги ёруғлик» («Светить во тьме») видеофильмдан лавҳалар намоиш этилади.

Видеофильмдан лавҳалар намоиш этилганидан сўнг ўқувчиларга 18-савол берилади.

Кейин ўқитувчи Дэвид Донованнинг “Кирол-жангчи: офицернинг Вьетнам хақидаги хотиралари” китобидан қўлланманинг 229-бетида келтирилган парчани ўқиб беради.

10. Дарсни якунлаш.

Дарс охирида ўқитувчи ўқувчилардан нималар тушунарсиз бўлганлигини сўрайди ва уларнинг саволларига жавоб беради.

11. Уйга вазифа.

Жанубий Африка Республикасининг собиқ президенти Нельсон Ролихлала Манделанинг (1918 йилда туғилган) фикрлари билан ўқувчиларга ўз фикр-ларини хулосалашга имкон бериш мумкин. Бу кишини бутун дунё апартеидга қарши курашнинг фаол иштирокчиси сифатида танийди. У 1993 йилда Фредерик де-Клерк (1994 – 1996 йилларда ЖАР Президентининг ўринбосари бўлган) билан бирга апартеид тизимини тугатгани ва иркчиликсиз демократияга эришгани учун тинчлик соҳасидаги Нобел мукофотига сазовор бўлган.

У ёшлигида Африка Миллий Конгресси партиясининг Ёшлар лигасини тузишда иштирок этган. Кўплаб иркларнинг вакилларидан ташкил топган бу ташкилот Жанубий Африкада 1912 йилда ташкил топган эди. Бу ташкилотнинг мақсади терисининг ранги оқ одамларгина эмас, балки мамлакатдаги барча кишиларга сайловларда овоз бериш ҳуқуқи берилиши ва иркий камситишларга чек қўйиш учун курашиш бўлган. Ташкилот умуман олганда тажавузкор бўлмаса ҳам унинг аъзолари 1960 йилдан 1990 йилгача таъқиб остига олинган эди. Нельсон Мандела бир неча бор қамоққа олинган. 1964 йилда у умрбод қамоққа ҳукм қилинган. 1990 йилда у озодликка чиқарилган. 1991 йили Мандела Африка Миллий Конгресси партиясининг Президенти этиб, 1994 йилда эса Жанубий Африка Республикасининг Президенти этиб сайланган.

Африка қитъасининг жануб томонида жойлашган ва Роббен Айленд қамоқхонаси жойлашган кичик оролча кўплаб африкаликлар учун муқаддас ҳисобланади, чунки бу ерда Нельсон Мандела ўз умрининг 28 йилини қамоқда ўтказган. Ҳибсда эканлигида мамлакатнинг бўлажак Президенти шундай деб ёзган эди: «Энг асосийси ХҚХҚ келтираётган яхшилик эмас, балки унинг ёмонлиқнинг олдини олаётганлигидир.»

Манделанинг ушбу фикридан фойдаланиб, қисқача иншо ёзинг, унда асирларнинг ҳаёти ва инсоний кадр-кимматини қандай ҳимоя қилиш мумкинлиги ҳақида фикрларни ёритишга ҳаракат қилинг. Ўз фикрларингизни асирларга нисбатан қилинадиган қоидалар шаклида ифодалашингиз мумкин.

6-мавзу. Давлат ва фуқаро мажбуриятлари.

Дарснинг мақсади:

- давлатлар кўнгилли равишда ўзларига уларнинг ўзaro муносабатларини бошқарувчи мажбуриятларни қабул қиладилар.
- Ҳар қандай жамиятда ҳамма учун фойдали бўлган қоидалар мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилиш

Дарснинг мазмуни:

1. Жамиятда амал қилаётган қоидаларнинг барча учун муҳимлигини, дав-

латларнинг ўзларига олган халқаро мажбуриятларини бажаришлари XX асрда жаҳонда ҳуқуқ тартиботнинг амал қилиши учун зарурлиги муаммоларини кўриб чиқиш.

2. Ўтган аср ҳақида фикр юритиш: у юксалиш асри бўлдимиз ёки таназзул асри? I ва II жаҳон урушларининг яқунлари; «совуқ уруш»нинг яқунига етиши; янги хавф-хатарларнинг пайдо бўлиши.
3. Муस्ताқил Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида.
4. Давлат ва фуқароларнинг мажбуриятлари.

Дарс материаллари ва жиҳозлари:

1. «Шаҳс ва жамият» ўқув қўлланмаси.
2. Доска, бўр, маркер, плакат, тарқатма материаллар.
3. Расмий ҳужжатлар:
 - а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
 - б) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
 - в) БМТ Низоми.
 - г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақирик XIV сессияси материаллари.
 - д) И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари».

Асосий тушунча ва иборалар:

- | | |
|------------------------|--|
| – халқаро шартномалар; | – давлатнинг белгилари ва функциялари; |
| – глобаллашув; | – ҳуқуқдорлик; |
| – глобал ва минтақавий | – жиноий жавобгарлик. |
| – муаммолар; | |

● ДАРСНИНГ БОРИШИ

I. Ташкилий қисм.

Аудитория уруш даврига оид плакатлар, расмлар ва нарсалар билан безатилади. Бунда турли шовқинлардан, портлаш овозларидан, хавф-хатарни билдирувчи сигнал товушларидан фойдаланиш мумкин.

II. Ўтган дарсни қисқача қайтариш.

Ўқитувчи ўтган дарсда ўтилган мавзу мазмунини қисқача эслатиб ўтади ва ўқувчилар томонидан бажарилган рефератларга баҳо беради.

III. Янги дарс мавзуси устида ишлаш.

1. Ақлий ҳужум усули қўлланилади. «Уруш нима?» деган саволга жавоб бериш таклиф қилинади (Бунда «Сиз қандай урушлар ҳақида биласиз?» деб йўналиш бериш мумкин).

Илгаридан тайёрланган ватман қоғозига ўқувчилар ўз жавобларини ёзишади. Бунда улар «Уруш – бу...» деган сўзлар билан бошлашлари мумкин.

2. Бу вазифа бажарилгач ўқитувчи тушунтириш бериши мумкин. У ўқувчилар ўз жавобларида акс эттира олмаган томонларни кўрсатиб беради.

IV. Гуруҳларда ишлаш.

Ўқувчилар 4 гуруҳга ажратилади. Барча гуруҳларга бир хил топширик берилади. Уларга илгаридан тайёрланган қоғозлар берилади ва жадвални тўлдириш таклиф қилинади:

Даврлар	Шафқатсизлик оқибатларини чекловчи қоидалар
Қадимги дунё	– Моний қонунлари, Хаммурапи қонунлари; ...
Ўрта асрлар	– Рицарлик удумлари; диний аънаналар; – Амир Темур Тузуқлари; ...
XVI – XIX асрлар	– Баъзи халқларнинг ёзилмаган аънаналари; – Либер кодекси (АҚШ, 1863 йил); – 1864 йилги Женева конвенцияси; ...
XX аср	– Жу-Маонинг аскарлар учун қоидалари, Хитой, 1935 йил; – Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи (Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи); ...

Жадвал тўлдирилгач ҳар бир гуруҳ ўз жавобларини бошқаларга ўқиб эшиттиради. Шундан сўнг янги учта ёки олпита гуруҳ ташкил этилади ва уларга бошқа бошқа топшириқлар берилади (6 гуруҳ ташкил этилганда битта топшириқни иккита гуруҳга бериш мумкин).

V. Гуруҳларда ишлаш.

1 (4)-гуруҳ учун топширик:

XX асрнинг 90-йилларида Европада юз берган қуролли низоларни сананг ва уларни шарҳлаб беринг.

2 (5)-гуруҳ учун топширик:

XX асрнинг 90-йилларида Осиёда юз берган қуролли низоларни сананг ва уларни шарҳлаб беринг.

3 (6)-гуруҳ учун топширик:

XX асрнинг 90-йилларида Африкада юз берган қуролли низоларни сананг ва уларни шарҳлаб беринг.

VI. Дарснинг асосий элементлари ҳақида ўқитувчининг тушунтиришлари.

Дарснинг асосий тушунча ва ибораларини ўқувчилар қандай тушунишларидан келиб чиқиб, ўқитувчи зарурият бўлса, улар ҳақида қўшимча тушунтириш беради. Бунда тарих, ҳуқуқшунослик ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлардан олинган қизиқарли ва аниқ мисоллар келтиришга ҳаракат қилиш керак.

VII. Вазиятлар билан ишлаш. (ўқув қўлланмасининг 295-бети)

3 ёки 6 гуруҳ ташкил этилади ва уларга вазиятларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ХИХ қоидаларига мос келувчи энг оптимал ечимни топиш таклиф қилинади. Бунда гуруҳлар 1949 йилги Женева конвенциялари тўплами ёки бошқа адабиётлардан фойдаланиши мумкин. Бунда ўқувчилар ХИХнинг асосий қоидаларига мос келадиган жавобларни топишлари керак (ўқув қўлланмасининг 162-бетига қаранг).

Гуруҳлар ўзларига берилган топшириқларни бажариб бўлишгач, ҳар бир гуруҳ вакили бошқа гуруҳларга ўзларининг фикрларини айтиб беради. Барча гуруҳларга бошқа гуруҳларнинг жавобларини тўлдиришга имкон берилади.

VIII. Дарсни якунлаш.

Дарсни якунлаш ҳамма вақт ва барча ўқитувчи томонидан албатта бажарилиши керак. Ҳар бир ўқитувчи уни турлича амалга ошириши мумкин, аммо у гуруҳларнинг ишини ва алоҳида ажралиб турган ўқувчиларни албатта баҳолаши керак. Имкон қадар фаол гуруҳлар ва фаол ўқувчилар рағбатлантирилиши керак.

Ўтилган мавзуни яна бир бор диққат билан ўрганиш ва келгуси дарсда ўтиладиган мавзу материалларини ўқиш. Бунда мавзуга оид қўшимча адабиётларни албатта ўрганиш кераклиги махсус эслатиб ўтилади.

5-мавзу. *Инсонийлик ва шафқатсизлик – ўзаро муносабатларнинг икки томони.*

Дарснинг тарбиявий мақсади:

Инсонийликни таркиб топтириш ва ҳар томонлама ривожланган кишини тарбиялаш.

Таълимга тааллуқли мақсадлар:

- Низо пайтида, жумладан қуролли низо пайтида ўта шафқатсизликни чеклашнинг аҳамиятини баҳолаш;
- Жанг майдонида инсонийлик намоён бўлиши зарурлигини ва мумкинлигини тушуниш;
- Ҳаддан ортик азоб-уқубат етказувчи ва нишон танламайдиган қуролдан фойдаланишнинг нима учун тақиқланганини тушуниб олиш;
- Турли мисол ва фактлардан фойдаланиб шафқатсизлик низога, инсонийлик – яхшиликка олиб келишини кўрсатиш.


Дарс тури: баҳс-мунозара.

Дарснинг материал ва жихозлари:

«Шахс ва жамият» ўқув қўлланмаси, плакат, маркер, видеофильм, расмлар, асосий тушунчалар рўйхати.

ДАРСНИНГ БОРИШИ


- 1) Саломлашиш.
- 2) Аудиторияни тайёрлаш (досканинг бир томони оқ рангда, иккинчи томони қора рангда бўлишига эришиш, бунда қоғоз ёки матодан фойдаланиш мумкин).
- 3) Ақлий ҳужум усулидан фойдаланиб инсондаги ижобий ва салбий хислатлар аниқланади.
- 4) Кейин ўқувчилар икки гуруҳга ажратилади ва уларга «Кластер» усули асосида ўзларининг «инсонийлик» ва «шафқатсизлик» тушунчаларига муносабатларини кўрсатиш топшириғи берилади:



Бу вазифани бажариш учун гуруҳларга 3 минут вақт берилади, шундан кейин улар «инсонийлик» ва «шафқатсизлик» тушунчалари ҳақидаги фикрларини тушунтириб берадилар.

Барча фикрлар тинглаб бўлингач ушбу тушунчаларга илмий таъриф беришга ҳаракат қилиб кўрилади.


5) Схема билан ишлаш:



Бу схемани тушунтириш учун гуруҳларга 10 минут вақт ажратилади. Бу вақти ичида ўқувчилар шафқатсизлик ва инсонпарварликка оид мисоллар келтиришади. Улар мисоллар топишда қийналсалар ўқитувчи ўқув қўлланмасидаги мисолларга уларнинг эътиборини қаратади.

Ўқитувчи шафқатсизлик инсонпарварликка қарама-қарши ҳолат сифатида ҳаётда тез-тез учраб туришини таъкидлаб ўтади.

- 6) Гуруҳларга топширик: Спортда ва ҳарбий ҳаракатларда йўл қўйилиши мумкин бўлган *шафқатсизлик ва ўта шафқатсизликнинг* бир-биридан фарқларини кўрсатинг. Шундан сўнг ўқувчилар 5 ва 6-саволларга жавоб берадилар.
- 7) Ўқувчилар уларга уй вазифаси сифатида берилган ва тайёрланиб келинган «Кишиларнинг ўзаро муносабатларида инсонийлик», «Нодира» ва «Хужум» бўлимларидаги матнлар билан ишлаётганларида турли-туман кроссвордлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бунда матнларда ишлатилган асосий сўз ва ибораларни ишлатиш зарур.
- 8) Кейин ўқувчиларнинг 11-саволга муносабатлари аниқланади
- 9) Уч ҳукмдорга оид ахборот муҳокама қилинаётганда ўқувчилар 17-саволдан кейинги схемани тўлдиришлари керак.



Топширик бажарилгач ишлатилган мисоллар ва асосларни ўқув қўлланмасидаги фактлар билан солиштириш таклиф қилинади.

- 10) Ўқитувчи нишон танламайдиган қурол турлари ҳақида қисқача баҳс-мунозара ўтказади. Бунда қуйидагича йўналтирувчи саволлар берилиши мумкин:

- Қадимги дунёдаги, ўрта асрлар пайтидаги жангчиларнинг қуроллари қанақа бўлган ва ҳозирги вақтдаги қуроллар қанақа?
- Янги қурол турлари қашф қилинишига сизнинг муносабатингиз қандай?
- «Нишон танламайдиган» характердаги қуролларга қандай қурол турлари қиришини айтиб беринг.
- Шу турдаги қуроллар қандай таъсир қилиши ва уларнинг оқибатлари ҳақида нималар дея оласиз?
- 11) Шундан сўнг қадимги дунёдаги ва ҳозирги замондаги урушлар ҳақидаги фильмлардан парчалар кўрсатилади.
- 12) Мавзунинг сўнгги жадвалини тўлдириш учун етарли вақт ажратилиши керак. Бунда ҳар бир ўқувчи топшириқнинг А ва Б қисмларига ўз муносабатини билдириши мақсадга мувофиқ.
- 13) Доскадаги қора ранг олиб ташланади.
Ўқитувчи ўтилган дарс мавзусининг яқунлари ҳақида хулоса чиқаради ва гуруҳларнинг ишларини шарҳлайди, кейин эса баҳоларни эълон қилади.
- 14) Уйга вазифа: Инсонпарварлик ва шафқатсизлик ҳақида реферат тайёрлаш. Шундан сўнг рефератни қандай тайёрлаш ҳақида маслаҳатлар берилади.

Илова Е

ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ БЛОК-МОДУЛ КОНЦЕПЦИЯСИ

№	Мавзу ва блоklar номи	Ўқувчиларнинг асосий фаолияти	Дарснинг вазифалари
1	<p>Мавзу: <i>Бошпана кидириб.</i></p> <p>1-блок Уй-жойларини тарк этишга мажбур бўлганларни ҳимоя қилиш тизимининг вужудга келиш тарихи.</p> <p>2-блок Буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолиятига бир назар.</p> <p>3-блок Турли даврларда қочокларнинг аҳволи.</p> <p>4-блок Қочокларга бошпана бериш муаммолари.</p> <p>5-блок Уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдамлашиш.</p>	<p>-қочокларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тарихи билан танишиш;</p> <p>-низо хавфи туфайли уй-жойни ташлаб кетиш вазиятини таҳлил қилиш;</p> <p>-қочоклар ва кўчирилганларнинг ҳолати ҳақида турли-туман фикрлар билдириш;</p> <p>-ана шундай ҳолатларни бошқаришга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш;</p> <p>-қуролли можароларнинг ана шундай жабрдийдаларига ёрдам кўрсатувчи халқаро ташкилотлар фаолиятини қисқача ёритиш.</p>	<p>-ўқувчиларнинг қуролли низолар пайтида ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган кишилар чекадиган азоб-уқубатларни тушунишларига қўмаклашиш;</p> <p>-уларга ёрдам беришга интилиш ҳиссини ривожлантириш;</p> <p>-ана шундай кишилар учун зарур шароитлар яратиш муҳимлиги муаммоларини тушуниш.</p>
2.	<p>Мавзу: <i>Шахс кадр-қимматига хурмат.</i></p> <p>1-блок Инсоннинг моҳияти.</p> <p>2-блок Инсоннинг кадр-қиммати.</p> <p>3-блок ХИХ сарчашмалари ва тараққиёти.</p> <p>4-блок Харбий асирларни ҳимоя қилиш муаммоси.</p>	<p>-инсоннинг таъавузкор табиати ҳақида фикрлаш;</p> <p>-«инсонпарварлик идеали», «инсон кадр-қиммати» тушунчаларини ва кишиларнинг бир-бирини хурмат қилмаслиги билан боғлиқ ҳаётий вазиятларни муҳокама қилиш;</p> <p>-қуролли низо пайтида ҳимоясиз бўлган кишиларни ҳимоя қилиш қоидалари вужудга келиши тарихи билан танишиш;</p>	<p>-«инсонпарварлик идеали»га мос ҳатти-ҳаракатнинг бузилиши осонлигини тўғри тушуниш;</p> <p>-ўз-ўзини хурмат қилиш ва ор-номусни ҳимоя қилиш муаммоси ҳар қандай вазиятда ҳаммага ва ҳар бир кишига тааллуқли эканини тушуниш;</p> <p>-асирликдаги киши қатта хавф-хатар остида бўлишини тушуниш.</p>

Ғоялар	Асосий тушунчалар	Педагогик технология элементлари	Манбалар
<p>Асосий ғоя: Миллионлаб кишиларнинг тақдири ҳар биримизнинг ўз уй-жойларини тарқ этишга мажбур бўлган кишиларга бўлган муносабатимизга боғлиқ.</p> <p>Йўналтирувчи ғоялар: - қуролли можаролар пайтида кўплаб кишилар ўз уй-жойларини тарқ этишга мажбур бўлишади; - шахснинг ижтимоий мавқеи у чекадиган азоб-уқубатлар даражасига таъсир қилмайди; - кочокларнинг кўпчилиги болалар, қариялар ва аёллардир; - кишилар ўз оилаларидан ажралиб қолишади ва улар билан хабарлашиш имкониятига эга бўлишмайди; - ҳозирги пайтда ана шундай кишиларни химоя қилишга йўналтирилган ишлар, хусусан бир-биридан ажралиб қолган кишиларнинг оилавий ёзишмаларини йўлга қўйиш, уларнинг кочоклар лагерида яшашларини ташқил этишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.</p>	<p>Ушбу фанга оид: инсоннинг борлиғи; шахс; индивидуаллик; ижтимоий тартибот.</p> <p>Мавзуга оид: кочоклар; мамлакат ичида қўчирилган кишилар; оиланинг бўлинмаслигини таъминлаш; инсонпарварлик ташкилотлари; қуролли низо натижасида қўчирилган кишиларнинг эҳтиёжлари.</p>	<p>- кадрятлар шкаласи (7, 13, 14, 15 саволлар); - биргаликда гуруҳ бўлиб фикрлаш (1, 2, 16, 17 саволлар); - баҳс-мунозара (3, 8, 9, 12 саволлар); - матндаги ахборотни таҳлил қилиш (5, 6, 7, 10 саволлар – <i>оқибатларни аниқлаш</i>); - ақлий ҳужум (<i>сўнги топширик – кўрсатиладиган уринишларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш</i>).</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси (1998 йил, 2002 йилда қўшимчалар киритилган); Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил); БМТнинг Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенцияси (1989 йил); Уруш пайтида фуқаро аҳолини химоя қилиш ҳақидаги Женева конвенцияси (1949 йил); 1949 йилги Женева конвенцияларига халқаро қуролли низолар қурбонларига тааллуқли 1977 йилдаги I Қўшимча протокол; 1949 йилги Женева конвенцияларига халқаро бўлмаган қуролли низолар қурбонларига тааллуқли 1977 йилдаги II Қўшимча протокол;</p>
<p>Асосий ғоя: Инсон кадр-қиммати ҳар қандай вазиятда ҳам ҳурмат қилиниши керак.</p> <p>Йўналтирувчи ғоялар: - инсон ҳаёти ва кадр-қиммати уруш пайтида айникса химояга муҳтож бўлиб қолади; - XIX асирларни химоя қилишга йўналтирилган тадбирларни кўзда тулади; - инсонпарварлик ташкилотларининг вакиллари ана шундай химояга умид туғдиришади.</p>	<p>Ушбу фанга оид: инсон табиати-нинг икки хиллиги; тарихий давр; ижтимоий қарашлар; илмий-техника инқилоби; ижтимоий нормалар тизими; маънавий кадрятлар тизими; ижтимоий қуршов.</p> <p>Мавзуга оид: шахс кадрияти; агрессив хатти-ҳаракат;</p>	<p>- асослаш (1, 10, 15, 16, 17 саволлар); - баҳс-мунозара (2-савол); - кадрятлар шкаласи (4-савол); - воқеаларни гапириб бериш (5-савол); - ҳужжатлар матни таҳлили (221-222 бетлар); - схема бўйича вазиятларни таҳлил қилиш (20-савол); - мустақил ва қиёсий</p>	<p>- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; - Амир Темура «Тузуқлари»; - Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала ҳақида 1949 йилги Женева конвенцияси.</p>

№	Мавзу ва блоклар номи	Ўқувчиларнинг асосий фаолияти	Дарснинг вазифалари
		<p>- бундай қоидалар бузилишининг сабабларини муҳокама қилиш;</p> <p>- ҳарбий асир учун озрок бўлсада химоя нимани англатишини муҳокама қилиш.</p>	
3.	<p>Мавзу: <i>Химояга муҳтожлар.</i></p> <p>1-блок Файласулар давримиз муаммолари ҳақида. А.Навоий даврига бир назар.</p> <p>2-блок Урушда фуқаро аҳолининг мақоми.</p> <p>3-блок Қуроли низо пайтида фуқаро аҳолининг химояга муҳтожлиги (Навоий даври ва ҳозирги замон).</p> <p>4-блок Фуқаро аҳолининг эҳтиёжлари ва химоя турларини таҳлил қилиш.</p>	<p>-XX аср файласуф ва социологларининг жамият тараққиёти ҳақидаги қарашларини муҳокама қилиш.</p> <p>-ХИХдаги «фуқаро аҳоли» тушунчаси билан танишиш.</p> <p>-«инсон ҳуқуқлари мағзи»нинг мазмунини муҳокама қилиш;</p> <p>-XV-XVI асрлар Шарқ ва Ғарб маърифатпарварларининг жамият ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашларини муҳокама қилиш;</p> <p>-қуроли низода фуқаро шахсларнинг химояга муҳтожлигига оид вазиятларни таҳлил қилиш (ўтмиш ва ҳозирги замон);</p> <p>-ана шундай кишиларга нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг муносабати қоидаларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>-ҳарбий ҳаракатларда қатнашмайдиган кишиларга инсоний муносабатда бўлиш зарурлигини тушуниш;</p> <p>-ҳатто фавқулодда ҳолат ва қуроли низо пайтида ҳам поймол этилиши мумкин бўлмаган инсон ҳуқуқлари мавжуд эканлигига амин бўлиш;</p> <p>-қуроли низо пайтида ва у тутагандан кейин тинч аҳоли ёрдамга муҳтож бўлишини тушуниш;</p> <p>-ХИХ қомбатанлар хатти-ҳаракатига чеклов қўйишини тушуниш.</p>
4.	<p>Мавзу: <i>Болалар – жамиятнинг келажаги.</i></p> <p>1-блок «Болалик» тушунчаси. Болаларнинг жамиятдаги аҳоли: ўтмиш ва ҳозирги замон.</p> <p>2-блок Ҳарбий ҳаракатлар жабрдийдалари бўлган болаларга инсоний муносабатда бўлишга оид мисол.</p> <p>3-блок Болаларни химоя қилиш ҳақидаги халқаро ҳужжатларнинг асосий мазмуни.</p>	<p>- кишига болалик, ўсмирлик ва ёшлик давларида хос бўлган хусиятларни кўриб чиқиш;</p> <p>- инсон «жисмоний» болалигини қандай қилиб тўғри ўтказиши ва унинг ёшга оид давларини таҳлил қилиш;</p> <p>- болаларнинг ўтмиш ва ҳозирги даврдаги ижтимоий ҳолати билан танишиш;</p> <p>- тошкентлик темирчининг инсонпарварлик фаолияти мисолида болаларнинг фавқулодда вазиятлардаги (уруш пайтидаги) ўзига хос эҳтиёжларини кўриш</p>	<p>- болалик давлат даражасида ҳам, ҳар қандай шахс даражасида ҳам химоя қилиниши зарурлигини тушуниш;</p> <p>- болаларнинг ҳарбий ҳаракатларда қатнашиши улар учун ҳам, жамият учун ҳам хавfli эканлигининг қўлами ва характерини аниқлаш;</p> <p>- болаларни қуроли қучларга жалб этишининг минимал ёшини белгилаш зарурлигини тушуниш;</p> <p>- болалик, ўсмирлик ва ёшлик шахс қарор топишининг ўзига хос босқичлари эканлигини тушуниш.</p>

Ҳоғлар	Асосий тушунчалар	Педагогик технология элементлари	Манбалар
	уруш жабрдийдалари; XIX; харбий асирлар ва хибсдаги кишилар билан қилинадиган муомала.	тадқиқот (12, 13 саволлар); - ёзма тадқиқот (охирги топширик).	
<p><i>Асосий ҳоғ:</i> Тинч аҳолига инсоний муносабатда бўлиш – тинчликка тез эришиш йўлидир.</p> <p><i>Йўналтирувчи ҳоғлар:</i> - қуролли низо натижасида тинч аҳоли турмуш тарзи бузилади ва харобаликлар вужудга келади; - ҳатто низо юз берганда ҳам инсон химояланган бўлиши керак; - тинч ҳаётга қайтиш учун кўпчиликнинг, жумладан халқаро ташкилотларнинг қатъий ҳаракатлари талаб қилинади.</p>	<p><i>Ушбу фанга оид:</i> ҳозирги замон жамиятшунослиги; ижтимоий ҳодисалар ва муносабатлар; цивилизация; ижтимоий-сиёсий қарашлар тизими; Ўйғониш даври.</p> <p><i>Мавзуга оид:</i> инсон ҳуқуқларининг асосий мағзи; фуқаро аҳоли; химоя ва дахлсизлик; яшаш воситалари; ёрдам кўрсатиш операциялари.</p>	<p>- асослаш (1, 2, 7, 12, 13 саволлар); - мустақил тадқиқот (4, 6, 9, 11, 15, 16 саволлар); - баҳс-мунозара (3, 5, 8 саволлар); - «Халқаро конгресс» ролли ўйини.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил); Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро Пакт (1966 йил); 1949-йилги Женева конвенцияларига 1977-йилдаги I ва II Қўшимча протоколлар.</p>
<p><i>Асосий ҳоғ:</i> Ҳар қандай шароитда ҳам болалар ўзига хос муносабатга муҳтож.</p> <p><i>Йўналтирувчи ҳоғлар:</i> - дунё ҳамжамияти болаларнинг аҳолидан ҳавотирда; - инсоният ҳар бир болага фақат яхши нарсаларни бериши керак; - болалар қуролли низо пайтида химоя остида бўлишлари керак; - боларни қуролли қучларга жалб этиш учун минимал ёшни белгилаш – ана шундай химоя шакллари билан биридир.</p>	<p><i>Ушбу фанга оид:</i> ижтимоий улғайиш; ижтимоий ҳодиса; боланинг психологик ҳусусиятлари; тарбия аънаналари; болаларнинг эҳтиёжлари.</p> <p><i>Мавзуга оид:</i> аскар-болалар; қуролли низода болаларни химоя қилиш; урушдан сўнг жамиятга қўниқ.</p>	<p>- ролли ўйин (ижтимоий ҳатти-ҳаракатга оид вазиятларни моделлаштириш – 2, 3 саволлар, 255-бетдаги ўқил қилиб олиш сарҳати); - олдиндан бажарилувчи мустақил тадқиқот (5, 6, 13 саволлар); - қадриятлар шкаласи (10, 11 саволлар); - баҳс-мунозара (4, 7, 14, 15 саволлар); - гуруҳ бўлиб фикрлаш (16 – 20 саволлар).</p>	<p>- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; - Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенция (1989 йил); - Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенцияга болаларнинг қуролли низоларда қатнашишига оид 2000 йилдаги Факультатив протокол; - Фавқулодда вазиятларда аёллар ва бола</p>

№	Мавзу ва блоклар номи	Ўқувчиларнинг асосий фаолияти	Дарснинг вазифалари
	<p>Химия вужудга келиши боскичлари.</p> <p>4-блок. Болалар ва ҳозирги даврдаги қуроли низо-лар. Аскар-болалар: йўқотилган болалик ва жамиятга хавф-хатар.</p> <p>5-блок. Ҳарбий ҳаракат ишти-роқчилари бўлган бола-лар билан боғлиқ муам-молар.</p>	<p>зарурлиги масалаларини кўриб чиқиш; - болаларни химия қилиш ҳақидаги халқаро шартно-маларнинг мазмуни ва йўналишлари билан тани-шиш; - қуроли низоларнинг бо-лаларга салбий таъсирини англаш; - собиқ аскар-болаларнинг тинч ҳаётга қўниқиши ма-салаларини муҳокама қилиш.</p>	
5.	<p>Мавзу: <i>Инсонийлик ва шаф-қатсизлик – ўзаро му-носабатларнинг икки томони.</i></p> <p>1-блок. Можаро турлари. Ўрта асрларда ватанимиз-даги инсон ҳақидаги ахлокий қарашлардан ҳозирги замондаги ин-сонпарварлик концеп-циясига.</p> <p>2-блок. Кишилар ўзаро муно-сабатларидаги шаф-қатсизлик. Ҳарбий қаракатлар олиб бо-ришнинг ўта шафқат-сиз усуллари.</p> <p>3-блок. Уруш олиб бориш усул ва воситаларини чек-лаш (масаланинг тари-хига оид). Жангдаги шафқатсизликларни чеклашга интилиш ин-</p>	<p>-тинчлик вазиятида ва қу-ролли можаро шароитида кишилар ўртасидаги муно-сабатларда йўл қўйилиши мумкин бўлган шафқатсиз-лик даражасини аниқлаш; - инсонпарварлик ғоялари тимсоли ва ўта шафқатсиз-лик қурбони бўлган Ноди-ранинг ҳаёти ва ижодини таҳлил қилиш; - урушда шафқатсизликка чек қўйиш ғояларининг вуж-удга келиши ва амалга ошишини муҳокама қи-лиш; - «инсоний кадр-қиммат» тушунчасини билиб олиш; - ўта кескинлик шароитида инсон кадр-қимматини сақлашга оид ахлокий ва юридик қарашларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш; - уруш олиб боришнинг ўта шафқатсиз усул ва восита-ларини чеклашга оид халқ-аро ҳужжатлар билан тани-шиш.</p>	<p>- можаронинг мазмуни ва инсонпарварлик концепци-сининг моҳиятини аниқлаш; - қуроли низолар шароити-да ўта шафқатсизликни чек-лашнинг аҳамиятини аниқ-лаш; - жанг майдонида инсонпар-варлик қўрсатиш мумкин-лигини ва зарурлигини ту-шуниш; - ҳаддан ортиқ азоб-укубат етказадиган ва нишон танла-майдиган хусусиятга эга қурооллардан фойдаланиш нима учун тақиқланганлиги-ни тушуниш.</p>

Ғоялар	Асосий тушунчалар	Педагогик технология элементлари	Манбалар
			<p>ларни химоя қилиш ҳақидаги декларация (1974 йил);</p> <p>- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро Пакт (1966);</p> <p>- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро Пакт (1966);</p> <p>- Уруш пайтида фуқаро аҳлини химоя қилиш ҳақидаги Женева конвенцияси (1949 йил);</p> <p>- 1949 йилги Женева конвенцияларига 1977 йилдаги I ва II Қўшимча протоколлар.</p>
<p><i>Асосий ғоя:</i></p> <p>Ўта шафқатсизликка хатто урушда ҳам йўл қўйилмайди.</p> <p><i>Йўналтирувчи ғоялар:</i></p> <p>- ўта шафқатсизлик яна ўта шафқатсизликни туғдиради;</p> <p>- тарихда ҳаддан ортиқ азоб-укубат ва кераксиз вайронагарчиликларга олиб келувчи шафқатсизликнинг олдини олишга қаратилган кўплаб қонун тўпламлари қабул қилингани маълум;</p> <p>- инсонпарварлик ҳуқуқининг бузилиши ўз навбатида кўпинча яна кўплаб ҳуқуқбузарликлар юз беришига сабаб бўлади (занжир реакцияси).</p>	<p>Можаро;</p> <p>Инсонийлик;</p> <p>Шафқатсизлик;</p> <p>Ўта шафқатсизлик;</p> <p>Шафқатсизлик вазиятида инсонпарварлик;</p> <p>Оқланмайдиган хатти-харақатлар;</p> <p>Нишон танламайдиган характердаги қурол;</p> <p>Урушдаги чекловлар;</p> <p>Инсон кадр-қиммати.</p>	<p>- ўқув материални гуруҳда муҳокама қилиш (<i>мавзу матнлари бўйича</i>);</p> <p>- вазиятни моделлаштириш (<i>1-савол</i>);</p> <p>- ўзининг мустақил позициясини аниқлаш (<i>5-савол ва кейинги матн</i>);</p> <p>- тарихий ҳужжат билан ишлаш (<i>«Ҳужум» матни ва 11 – 13 саволлар</i>);</p> <p>- баҳс-мунозара (<i>6, 7, 8, 9-саволлар</i>);</p> <p>- таҳлил элементларидан фойдаланиб ижодий тушуниб олиш (<i>14, 15, 21-23 саволлар мавзусунгида реферат ёзиш топшириги</i>);</p> <p>- ўта кескинлик вазиятини таҳлил қилиш (<i>16-18 савол</i>).</p>	

№	Мавзу ва блоклар номи	Ўқувчиларнинг асосий фаолияти	Дарснинг вазифалари
	<p>сониятга хос умумий хислат.</p> <p>4-блок.</p> <p>Нодира шафқатсиз ўзаро урушлар давридаги инсонпарварлик ғояларининг акс эттирувчиси ва ўта шафқатсизликнинг қурбони сифатида.</p>		
6.	<p>Мавзу:</p> <p><i>Давлат ва фуқаро мажбуриятлари.</i></p> <p>1-блок.</p> <p>XX асрдаги қуроли низолар. Инсоният учун янги хавф-хатарларнинг пайдо бўлиши.</p> <p>2-блок.</p> <p>Давлат ва халқаро ҳуқук.</p> <p>3-блок.</p> <p>Давлатлар ўзларига ихтиёрий олган мажбуриятлар.</p> <p>4-блок.</p> <p>Жамият ҳаётида «шартсиз қоидалар».</p>	<ul style="list-style-type: none"> - урушни таққиллаш ҳақидаги масалани муҳокама қилиш; - XXI аср бошидаги янги хавф-хатарларни муҳокама қилиш; - ҳуқуқни ижтимоий муносабатларни бошқарувчи ҳодиса сифатида таҳлил қилиш; - дунё ҳамжамияти учун қоидалар ишлаб чиқиш; - XIXнинг асосий қоидалари билан танишиш; - «Қонун»ни ҳурмат қилиш зарурлигига оид далиллар ҳақида фикр юритиш; - қуроли низо пайтидаги хатти-ҳаракат қоидаларига оид вазиятларни таҳлил қилиш. 	<ul style="list-style-type: none"> - дунё ҳамжамияти ҳуқуқ ёрдамида давлатларнинг урушга мувожаат қилишдек чексиз ҳуқуқини чеклаганини тушуниш; - ҳозирги даврда ҳам дунёда қуроли низоларнинг йўқолмаганини тушуниш; - ҳуқуқ ҳам давлатларга, ҳам дунё ҳамжамиятига тааллуқли бошқариш тизими эканини тушуниш; - давлатлараро шартномалар тузиш ва уларни бажариш ихтиёрий ва зарурий ҳодиса эканини тушуниш; - бундай шартномаларни бажариш давлатларга ва уларнинг юрисдикцияси остидаги шахсларга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар беришини тушуниш.
7.	<p>Мавзу:</p> <p><i>Анъаналар ва ўзаро ёрдамнинг жамият ҳаётидаги ўрни.</i></p> <p>1-блок.</p> <p>Анъана ва одатлар шахс ижтимоийлашуви жараёнининг таркибий қисмлари сифатида.</p>	<ul style="list-style-type: none"> - ижтимоийлашув жараёнини ва жамият аъзоларининг илғор анъаналарда иштирок этишининг аҳамиятини тушуниш; - жамиятдаги химояга энг муҳтож бўлган қатламларнинг аҳолини таҳлил қилиш ва уларга нисбатан 	<ul style="list-style-type: none"> - ўзаро ёрдам ва ҳамкорликнинг аҳамияти масалаларини кўриб чиқиш; - муҳтожликдаги яқин қишлоқ ва беғоналарга ёрдам бериш зарурлигини англаш; - инсонпарварлик операциялари ўтказишда қўлланиладиган бетарафлик ва беғона

Ҳоғлар	Асосий тушунчалар	Педагогик технология элементлари	Манбалар
		<i>лар, матн охиридаги жадвал).</i>	
<p><i>Асосий ғоғ:</i> Дунёдаги давлатлар халқаро келишувлар нормаларини ҳурмат қилиш ҳақидаги мажбуриятни кўнгилли равишда қабул қилишган.</p> <p><i>Йўналтирувчи ғоғлар:</i> - урушга мурожаат қилишнинг тақиқланганига қарамасдан қуроли мижролар юз бермокда; - ХХ асрда дунё ҳамжамияти қуроли низоларда химоя энг муҳтож бўлган қишилари химоя қилиш тимини ишлаб чиқди; - давлатлар ХИХни ҳурмат қилиш ҳақидаги мажбуриятни кўнгилли равишда қабул қилдилар; - давлат учун ҳам, алоҳида шахс учун ҳам қонуннинг мавжудлиги қонунсизликдан кўра фойдалидир.</p>	<p><i>Ушбу фанга оид:</i> глобаллашув; глобал ва минтақавий муаммолар; давлатнинг белгилари ва вазибалари; хуқуқдорлик; хуқуқбузарликлар.</p> <p><i>Мавзуга оид:</i> дунёвий хуқуқ тартибот; янги хавф-хатарлар; халқаро шартнома; халқаро шартномаларни бажаришнинг кўнгиллилиги ва мажбурийлиги; ХИХнинг асосий қондалари; ХИХга риоя қилиш.</p>	<p>- баҳс-мунозара (1, 2, 4, 16, 21 саволлар); - ақлий ҳужум (3, 5, 8, 13, 20 саволлар); - мустақил тадқиқот (6, 7, 9, 17 саволлар); - гуруҳда таҳлил қилиш (10, 11, 14, 18, 19 саволлар); - «Қоида» ролли ўйини.</p>	<p>- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; - БМТ Низоми; - 1949-йилги Женева конвенцияларининг барчаси учун умумий бўлган I-модда; - Олий Мажлиснинг иккинчи қақирик XIV сессияси материаллари; - И.А.Қаримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафоллари; - И.А.Қаримовнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик Палатасининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида сўзлаган нутқи.</p>
<p><i>Асосий ғоғ:</i> Ҳар бир қиши бошқаларнинг қадр-қимматини ерга урмайдиган ва ўз орномусини сақлайдиган инсонпарварона хатти-ҳаракат қилишга қодир</p> <p><i>Йўналтирувчи ғоғлар:</i> - инсонпарвар ташкилотлар гуманитар операциялар ўт-</p>	<p>Кўнгилли ёрдам; Ўзаро ёрдам; Ҳамқорлик; Беғаразлиқ.</p>	<p>- жамоа бўлиб муҳокама қилиш (<i>Ижтимоийлашув турлари ва тарқибий қисмлари; Аъналар; Одатлар; Ахлоқий нормалар; Наврўз; Ҳашар; Ёрдам бўлимлари</i>);</p>	<p>- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; - Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Қизил Ярим ой Жамияти ха-</p>

№	Мавзу ва блоклар номи	Ўқувчиларнинг асосий фаолияти	Дарснинг вазифалари
	<p>2-блок. Ўрдам кўрсатишга оид анъаналарнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни.</p> <p>3-блок. Тинчлик вазиятида ва ўта кескинлик шароитида ҳимояга энг муҳтож кишиларга муносабат.</p> <p>4-блок. Муҳтожларга ўрдамлаштиш анъаналари – Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим ой Миллий жамиятлари фаолиятининг асоси. Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракатининг таркибий қисмлари; уларнинг мақоми ва фаолият тамойиллари.</p>	<p>инсоний муносабатни шакллантириш; - муайян сабабларга кўра ёмон кўринувчи, ҳаттоки душман бўлган кишига нисбатан инсоний муносабатда бўлиш мумкинлиги ҳақидаги нуқтаи назарни асослаш; - Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракати таркибий қисмларининг мақсадлари, вазифалари ва фаолиятининг конкрет турлари билан танишиш.</p>	<p>разлик каби тамойилларни тушуниш.</p>
8.	<p>Мавзу: <i>Шахснинг хатти-ҳаракати ва масъулияти.</i></p> <p>1-блок. Масъулият инсонга қос муҳим ҳусусият.</p> <p>2-блок. Индивиднинг умум қабул қилинган қоида ва нормаларга риоя қилиши – жамият раванакининг гаровидир. «Дилемма» тушунчаси.</p> <p>3-блок. Қоида ва шахсий масъулиятнинг инсон деган улғу номни сақлашдаги аҳамияти.</p> <p>4-блок. Ҳазонинг адолатлилиги муаммоси.</p>	<p>- шахснинг муҳим ҳусусиятларини таърифлаш ва унинг «ахлоқий бурч», «масъулият» каби хислатларининг аҳамиятини тушуниш; - қоидаларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни, роли ва аҳамиятини таҳлил қилиш; - дилемма вазиятларини ва уларни ечиш йўлларини таҳлил қилиш; - қуролли низо вазиятларида қонун ва қоидаларга риоя қилиш ёки риоя қилмаслик масалаларини кўриб чиқиш; - ҳарбий жиноятлар тушунчасини англаб олиш; - ҳарбий жиноятларни амалга оширганлик учун миллий ва халқаро даражада жиноий жавобгарликка тортиш ва судловни амалга ошириш механизми билан танишиш.</p>	<p>- ҳар қандай жамоада қоидалар ўрнатишга интилишнинг сабабларини аниқлаш; - умум қабул қилинган қоидаларга ҳурматсизлик ва уларни бузиш қандай оқибатларга олиб келишини билиб олиш; - ХИХга ҳар қандай шароитда ҳам риоя қилиш зарурлигини тушуниш; - қоида ва нормаларга риоя қилиниши учун қимлар жавобгар эканини тушуниш.</p>

Ғоялар	Асосий тушунчалар	Педагогик технология элементлари	Манбалар
<p>казишда ўз фаолиятларини муайян Кодекс (Низом)-ларга асосан ташкил этадилар;</p> <p>- низодаги томонларнинг ишончини қозониш учун инсонпарварлик ташкилотларининг ходимлари ҳимояни амалга ошириш ва ёрдам кўрсатиш пайтида бета-рафлик ва беғаразлик тамойилларига риоя қилишлари керак;</p> <p>- инсон кадр-қимматини ҳимоя қилиш учун ҳақиқатан ҳам қўп нарса қилиш мумкин, жумладан лойиҳаларда иштирок этиш, ўз билими ва кўникмаларини ишга солиш мумкин.</p>		<p>- мустақил тадқиқот (<i>1, 2 саволлар</i>);</p> <p>- гуруҳда муҳокама қилиш ва асослаш (<i>4-15, 23 саволлар</i>);</p> <p>- гуруҳларда ишлаш (<i>вазият таҳлили + 20 савол + жадвал, схема + 21 савол</i>);</p> <p>- ахборотни фаол ўзлаштириш (<i>Маҳалладаги хашардан бутун Ер юзидаги хашар сари бўлими ва кейинги бўлимлар</i>);</p> <p>- инсонпарварлик лойиҳасини ишлаб чиқиш (<i>сўнги топшириқ</i>).</p>	<p>қида»ги Фармони;</p> <p>- «Қизил Ярим ой ва Қизил Хоч тимсолларидан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қонуни.</p>
<p><i>Асосий ғоя:</i> Ҳар қандай вазиятда қоидалар албатта мавжуд бўлади.</p> <p><i>Йўналтирувчи ғоялар:</i> - XIX қоидалари махсус равишда қуролли низо вазиятларига мўлжалланган.</p>	<p>Умум тан олинган қоидалар; Дилемма; Масъулият; Ахлоқий бурч; Ҳуқуқнинг қўлланилиши; Шахсий жавобгарлик; Командир масъулияти.</p>	<p>- ақлий ҳужум (<i>инсон «ўзлиги»нинг таркибий қисмлари</i>);</p> <p>- баҳс-мунозара (<i>1-3 саволлар</i>);</p> <p>- қоидалар ҳақида гуруҳ бўлиб фикрлаш + жадвал билан ишлаш (<i>316-бет ва 9-11 саволлар</i>);</p> <p>- мисоллар келтириш + ўз шахсий ҳаётдан дилемма вазиятларини асослаш;</p> <p>- дилемма вазиятларини гуруҳда таҳлил қилиш (<i>1-4 дилеммалар, 13-17, 18-24 саволлар + жадвал билан ишлаш</i>);</p> <p>- ахборотни фаол ўзлаштириш (<i>«Индивидуализм»</i>,</p>	<p>- Ҳалқаро жиноят суди Статути;</p> <p>- Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси;</p> <p>- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.</p>

№	Мавзу ва блоklar номи	Ўқувчиларнинг асосий фаолияти	Дарснинг вазифалари

Ҳоаялар	Асосий тушунчалар	Педагогик технология элементлари	Манбалар
		<i>«Маъсулият», «Қондалар муаммоси», «Дилемма-политесса-компромисс», «Одил судловни таъминлаш», «Хулоса» бўлимлари).</i>	

Шахс ва жамият. Ўқитувчилар учун услубий қўлланма.

Ўқув услубий нашр

Фузаилова Гавхар Сиддиковна, Ҳукумов Абдуҳалим, Шорин Сергей Семенович, Лафасов Мойли Фозилович, Овчаренко Олег Алексеевич, Саяпин Сергей Вячеславович, Ҳайитов Шавкат Эшонкулович, Ҳайитова Кимё Мадаминовна, Раҳмонов Бобоқул Абдуллаевич, Сапарова Феруза, Ғаниева Муборак, Ҳакимова Дилбар.

Дизайнер О. Бакликова

2006-йил 15 февралда оригинал макетдан чоп этишга рухсат этилди.

Вичими 60x90 1/16. Кегл шпонсиз. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди. 168 бет. 3500 нусхада босилди. 43 - сонли буюртма. Бепул. «Port Art LLC»